Ушбу тўпламни тоғам, Ўзбекистон халқ артисти Рустам Маъдиевнинг порлоқ хотирасига бағишлайман.

Муаллиф

КАМОЛИДДИН БЕҲЗОД

(роман)

ҲИРОТ

Соҳибқирон Амир Темур вафотидан кейин рўйи заминнинг қарийб ярмини ишғол қилган буюк мамлакатда бошбошдоқлик авж олиб, бу аҳвол узоқ йиллардан бери давом этиб келмоқда. Шу боис, Мовароуннаҳр ва Хуросонда рўй бераётган нохушликлар бир зум бўлсада тинмасди. Бу кўнгилсиз воқеалар нафақат Самарқанд, балки Ҳиротда ҳам ўз аксини топиб, Хуросонни қашшоқлик ботқоғига ботириб бўлган чоғлар. Ҳар икки ўлкада ҳукмфармоликда бўлган бир-бирига бўйин эгишни истамаган Темурий шаҳзодаларнинг бир қарорга келолмай салтанат талашиши халқнинг кундан-кун қашшоқлашувини оширарди. Бироқ Шоҳрух Мирзо илкида бўлган ҳар икки минтақа кейинги вақтларда нисбатан осойишта бўлиб бораётганди. Мирзо Улуғбек отаси измидан чиқмас, зотан падарининг кўрсатмаларига бош эгиб турар, шу хусусияти билан у падари бузрукворининг ягона ишончли ва суянадиган вакили ҳисобланарди. Улуғбек бобоси Амир Темурдек Самарқандда туриб ҳокимиятни бошқararди. Бироқ вақт кутиб турмаслиги бор ҳақиқат. Шоҳрух Мирзонинг ҳам ёши кексайиб бормоқда эди. Кечагина Ҳиротга отасининг ҳузурига чақирилган Мирзо Улуғбек унинг рўпарасида бош эгиб турганча салом берди:

– Ассалому-алайкум падари бузруквор, сиҳат кўришиб турганимиз учун Оллоҳга шукр қиладирман. Умрингиз узоқ, яхши кунларимиз кўп бўлсин.

– Раҳмат, ўғлим. Ниятингиз ижобат бўлғай. Самарқандда не аҳвол, Элнинг осойишлиги бадастурму?

– Сояйи давлатингизда падари бузруквор. Баҳоли қудрат эл хизматиға камарбаста бўлиб турибмиз.

– Ҳаёт шундай эррурки, мен кексаликка юз тутдим. Мендин ҳам вақт ўтур. Хабарингиз бўлгани йўқ, бир ўлимдин қолдим. Дунёйи дуннинг ҳар келмиши ушмундоқ, ўғлим. Ўзингиз воқифсиз бобонгиздин вақт ўтгандин сўнг бу улкан салтанат, Мовароуннаҳру Хуросон тинч бўлгани йўқ. Энди инонганим сиз. Бошқа кўнглимни чароғон этгувчи бирор суянчим йўқ. Фарзандларингиз, набираларим ҳали анча ёш, ғўр. Аларни ҳам ўзингиз қанотингиз остига олурсиз, тарбияларсиз.

– Албатта, отажон, ўзингиз ўгитларингизни аямассиз, умрингиз узоқ бўлғай. Бошимизда соябон бўлиб тургайсиз.

– Абдулатифнинг ҳам, Абдулазизнинг ҳам феълини яхши биладурман! Иккиси икки хил олам. Аммо сиз иккисини бир кўзда кўрингиз. Тўғри, сиз ҳақиқатгўйсиз. Аммо ота фарзандларини баробарликда кўриши жоиз, ўғлим.

– Бале, рост падари бузруквор.

– Волидангиз набираси Алоуддавланинг келажагини равшан кўрмоқни истайдир. Аёл қавмининг фаҳмини Оллоҳ баъзан ноқис қилиб яратадир-да! Ул табаррук буви бўлиб, барча набирасини бир кўзда кўриб, муомалада бўлса олам гулистон. Ёш жўжахўроз сингари ҳар бириси, бир-биридин ўзини устун қўйиб курашаман демайдир. Аммо буни волидангизга тушунтирмак саҳрода сув изламакдек машаққат.

Шоҳрух Мирзо ўғли Улуғбекка жуда ўринли гапларни айтмоқда эди. "Маҳди улё" Гавҳаршодбегим асло қайнонаси Сароймулкхонимга ўхшамас, бутунлай бошқа хислатли аёл. Сароймулкхоним бирор Темурий шаҳзодага сут эмизган бўлмаса ҳам, барча ўгай фарзандларини ўз боласидек кўрар, айниқса, набиралари учун жонини ҳам аямасди. Кўп ҳолларда улар учун жаҳли чиққан Соҳибқироннинг ҳам кўнглини юмшатиб, саройда осойишталик сақлай оларди. Гавҳаршодбегим эса бутунлай у беҳамто аёлнинг тескариси. Улуғбек тахтда ўлтирган, елкалари сал энгашиб қолаёзган,

куюниб сўзлаб турган кекса отасининг ўгитларини тинглар экан бу бевафо дунёнинг инсон учун нақадар бешафқат эканлигини тан олиб турарди. Унинг назарида отаси йилдан-йилга чўкиб бораётгандек туюларди.

– Раҳматли бувингизнинг мингта хислатларидин ақалли бири ҳам йўқ бу аёлда. Начора, майли, билганидин қолмасин.

– Ахир волидайи муҳтарамамиз набираларини яхши кўрадирлар-да, – деди Улуғбек отасининг фикрини ҳазилга бурмоқ учун.

– Яхши кўрмак бошқа, йўлдин чиқармак бошқадур ўғлим. Дарахтни парвариш қилмак учун ҳадеб остига сув қуяверсангиз қуриб қоладир.

– Ироқдин хабар қулоғимизга етди. Шаҳзода Султон Муҳаммад шоҳ бўлмак режасинда эмиш. Мен сизга ростини айтсам у бувисининг "ақлли фикр" сўзламоғидин рағбатланадир. Хаёлида у шу бугуноқ ё Самарқандда, ёки Ҳиротда тахтда ўлтириб, бувисига суянмакни ихтиёр қиладир.

– Эътибор берманг падарибузруквор. Ҳали шаҳзода ёш. Шунчаки бир ҳавасдангандир. Не ҳол кечмиш сиздин падарибузруквор? Ўлимдин қолдим дея сўйладингиз?

– Менинг эл бошинда туриб қилғон яхшилиғларим эвазига ёмонлиғ қайтди ўғлим. Намози жумани энди адо этгандик. Жамоа қўзғалди. Атрофимда аъёнлар мавжуд эрдилар. Бир нобакор ортимдин келиб жамҳдор санчса бўладирму?

– Падарлаънати, – деб юборди Улуғбек сесканганича. – Ул иймонсизни жазоламак даркор.

... Воқеа бундай бўлганди. Шоҳ одатига кўра масжидга чиққанди. Далв ойининг сўнгги кунлари бўлиб, ҳали ҳавонинг аёзлари қайтмаганди. Эл-улус чопонда, қишки кийимда юрган вақтлар. Шоҳнинг масжиддан чиқиши учун йўл бериб, икки томонда тизилиб турган оломон ичкарида тирбанд бўлиб қолди. Қўриқлаб юрган хос навкарлар ҳам бу пайтда шоҳнинг ортидан

тўсиб, ўраб олган эмасдилар. Бирдан ур-сур бўлгандек тўполон бошланиб қолди. Кимдир оломон орасидан ўтиб югурганча шоҳнинг орқасидан етиб келди ва шу заҳоти ханжарнинг ярқ этган ёлқини кўзга ташланди. У келиб шоҳнинг орқасидан тиғ санчишга улгурибди. Шоҳ бир ихради-ю ортига ўгирилди. Шу онда хос навкарлардан бири жиноятчини елкасидан тутиб олди, қаттол кимса унга ҳам ханжар сермади. Тиғ қўриқчининг ҳам қўлининг икки бармоғини орасидан кесиб юборди. Бирпасда уни тўрт-беш киши уриб, йиқитиб олдилар.

– Масжид ичкарисида қон тўкилмасин, – деди шоҳ инграганча навкарларга.

Атрофдагилар шоҳнинг қўлтиғидан кириб тезда фойтунга ўтқаздилар ва саройга етказиб келдилар. Жиноятчи эса, масжид ҳовлисига олиб чиқилиб чопиб ташланди. Унинг исми Аҳмад Лур бўлиб, ўзи бечораҳол дарвеш экан. Шошилинчда жаҳл билан уни қатлга етказганлари бир томондан хато бўлди. Чунки унинг бир ўзини бундай ваҳшийликка асло журъати етмаслиги аён эди. Ўлгани учун эса бу ишга ким уни ёллаганлигининг сирини ўзи билан мангуликка олиб кетди-ю, ёпиғлик қозон ёпиғлигича қолди. Табиблар жон-жаҳдлари билан шоҳни даволашга тушдилар. Ҳакимларнинг муолажалари самарасини кўрсатди, тиғ кўп ичкарига кирмаган, бинобарин, ички аъзоларга заҳа бермаган бўлиб чиқди. Жароҳат тез орада тузалди. Воқеа ҳеч кимга овоза қилинмасин деган фармон бўлганлиги сабаб, Улуғбек бу ҳодисотни эшитмай қолганди. Шунинг учун бор гапни шоҳнинг ўзи унга айтиб берди.

Фарзандини соғинган соҳиби салтанат Шоҳрух Мирзо ўғли билан суҳбатни давом эттириш иштиёқида тиришарди. Аслини олганда унинг ҳаёти давомида Улуғбекдан бирор марта норизо бўлган жойи йўқ. Зукко ва илмли ўғлидан шоҳ миннатдор бўлиб, фахрланиб ҳам юрарди. Керакли топшириқларни олган Улуғбек эртасига Самарқандга жўнаб кетди. Орадан кўп вақт

ўтгани йўқ. Отасининг гаплари чинга айланди. Шаҳзода Султон Муҳаммад Ироқ ва Ажамда салтанатга қарши фитна уюштириб, қўзғолон кўтартирган эмиш. Айрим ҳолларда салтанатдан норизо бўлган халқ унинг олдига тушганмиш. Ҳамадон билан Исфаҳон забт этилибди. Беморликдан эндигина сал ўзига келган шоҳ қўшинга сардор бўлиб йўлга отланди. Баҳорнинг бошланиши Ҳиротда эндигина қорлар эриб, ер уйғона бошлаган дамлар. Ҳадемай Наврўз кириб келади, унгача тўққиз-ўн кун ўтиб-ўтмай бу заминда ҳавонинг илиқлашиши анча жонланиб қолади. Шоҳрухшоҳнинг қўшини шитоб билан ғарб томонга жадал кетиб борар эди. Рай вилоятига етган шоҳнинг иситмаси кўтарила бошлади. Тўшакка михланиб қолган шоҳ дармонсиз ҳолда хотини малика Гавҳаршодбегимга гап қотди:

– Самарқандга чопар йўлланг! Улуғбек етиб келмагай экан иш яхшилик билан тугамас. Сипоҳни шу атрофда қўндириб, дам берурмиз, Улуғбекни кутадирмиз.

– Улуғбекнинг етиб келишига қанча кун кетадир, Яратганга аён. Уч-тўрт кун муолажа қилсак сиҳат топгайсиз, Оллоҳ ўзи меҳрибон. Ул фарзандингиз китобу илмдин кўнгил узиб, бу ерга етиб келгунича бир йил ўтур.

– Унда билганингизни қилинг, – деди шоҳ ҳансираганча жаҳл билан. Орадан бир неча кун ўтиб кетди. Тунда шоҳнинг жони узилди. Бу сана бир минг тўрт юз қирқ еттинчи йил ўн иккинчи март куни эди.

– Энди йиғи-сиғидин, шовқин-суронди фойда йўқ, – деди малика атрофидаги уч-тўрт мулозимларига. Маликанинг невараси Абулқосим Бобур, жияни Мирзо Халил, бегимнинг эркатойи Пир Луқмон барлос бу воқеага гувоҳ эдилар, холос. – Ҳоқони Саиднинг ўзлари "маййитни тепасида йиғи-сиғи қилмоқ мағфиратланғон кимсанинг гуноҳини орттирадир" дегич эдилар, – давом этди Гавҳаршодбегим.

Шундай қилиб, соҳиби салтанатнинг ўлими сир тутилди. Тонг

билан эса шоҳнинг майити солинган тобутни олиб яширинча Ҳирот томон отландилар. Бу хабар Самарқандга Улуғбекка ҳам етиб келди. Шоҳнинг ўлими ҳақида унга Рай шаҳридан туриб ўғли Абдулатиф мактуб ёзганди.

Шоҳнинг ўлими Мовароуннаҳр билан Хуросонни мисоли ёш бола калтак суқиб, безовта қилган арилар уясига айлантирди. Уч кунлик мотам маросимлари ўтиб бўлингач, Улуғбек Самарқандда бир бекни ўрнига ноиб қилиб қолдириб, Насаф орқали Термизга қараб юрди. У Ҳиротга етмай туриб, турли томондан бош кўтарган айрим шаҳзодаларнинг асл башараси кўринди-қолди. Шариат ва урф-одатга кўра тахт соҳиби Мирзо Улуғбек бўлиши кераклигини бутун мамлакат яхши биларди. Аммо Бойсунқур Мирзонинг фарзандлари Алоуддавла билан Абулқосим Бобур бу таомилни ҳисобга олмадилар. Алоуддавла Хуросонга, Абулқосим Бобур Мозандарон билан Журжонга эга чиқдилар. Султон Муҳаммад Форсда ўзини ҳокими мутлақ деб эълон қилди. Муҳаммад Жўкининг ўғли Абу Бакр Балх Шибирғон, Қундуз ҳамда Бағлонга эгалик қилди. Улуғбек ҳали Ҳиротга етиб келмай туриб, йўл-йўлакай барисидан воқиф бўлиб борар, бу таҳликали кунларни қандай қилиб охирига етказишни ўйлаб боши қотарди. Устига-устак Ҳиротда Алоуддавла шаҳзода Абдулатифни қўлга олиб, Ихтиёриддин қалъасида ҳибсга солибди. Улуғбек юборган вакил Низомиддин Мирак Маҳмуд, Алоуддавла билан музокара олиб борди. Мирак Маҳмуд Алоуддавлага:

– Шаҳзодам Мирзо Улуғбек жанобларининг ҳеч қачон Ҳиротга юриш мақсадлари йўқ. Сиз менга инонинг. Ўртада беҳудага қон тўкилмасин, Абдулатифни озод қилинг.

– Бироқ бизга келган хабарлар бунинг аксини кўрсатадир.

– Қайси хабарни дейсиз? Ким сизга хабар етказганини очиқ айтинг. Тафтиш қилиб кўрайлик ул хабарчини.

Алоуддавла ўйланиб қолди. Ростдан ҳам ўртада беҳуда уруш

бошланиб қолса, ўзининг ҳам аҳволи танг бўлиб қолиши ҳеч гап эмас. Хуллас, Низомиддин Мирак Маҳмуд ижобий натижага эришди. Шартга кўра шаҳзода Абдулатиф озод қилиниб, унга Балх ҳокимлиги раво кўрилди. Мурғоб воҳаси эса ўртадаги чегара деб белгиланди.

Аммо Абдулатиф билан Алоуддавланинг муросаси ҳеч чиқишмай қолди. Натижада, орадан бир йил ҳам кечмай бир минг тўрт юз қирқ саккизинчи йил март ойида Улуғбек ва Абдулатифнинг тўқсон минглик бирлашган сипоҳларига Алоуддавла қўшинлари тўқнаш келдилар. Ҳиротдан йироқ бўлмаган Тарноб мавзесида бўлган жанг Алоуддавланинг қочиши билан якун топди. Деярли қон тўкишларсиз Ҳирот эгалланди. Аммо Мирзо Улуғбек яна Самарқандга қайтишга мажбур эди. Пойтахтни узоқ вақтга эгасиз қолдира олмасди. Аслида, ана шу Тарноб жанги сабаб Абдулатиф ва Султон Улуғбек ўртасида дилхираликлар бошланиб кетди. Абдулатифнинг назарида отаси Улуғбек ўзидан кўра иниси Абдулазизга хайрихоҳроқ бўлиб кўринарди. Бунга сабаб бувиси Гавҳаршодбегимнинг кўпроқ тарбиясини олган Абдулатифнинг феъли торлиги, хусуматшиор бўлиб, эди. Улғайганлигида Оғаси Абдулазизнинг Самарқандда отаси ёнида эканлиги ҳам бунга сабаб бўла оларди. Бобоси Шоҳрух Мирзодан қолган Ҳирот хазинасини Улуғбекнинг фикри билан Самарқандга олиб кетилди. Бу билан Улуғбек энди пойтахт Самарқанд эканлигини таъкидламоқчи бўлганди. Тез орада шу майда кўринишлар катта можаро тусини олиб, ота-бола ўртасида душманликни келтириб чиқарди. Хуллас, бу ишнинг охири донишманд отанинг умрига ўғилнинг зомин бўлиши ва олти ой ўтмасдан падаркуш фарзанднинг ўзининг ҳам фожеасига сабаб бўлди. Абдулатиф вафотидан бир кун ўтиб аъёнлар йиғилиб машваратга киришдилар. Улар энди тахтга Мирзо Улуғбекнинг жияни ҳамда куёви Мирзо Абдулло ўлтиришини

истадилар. У шаҳзода ҳам бир йил ҳукмфармолиғ қилмай жангда шаҳид бўлди. Бир минг тўрт юз эллик биринчи йилда Самарқанд тахтига Темурий Султон Абу Саид Мирзо ўлтирди. Темурийлар давлатининг Хуросон ерларига эса бошқа Темурий шаҳзода, Шоҳрух мирзонинг набираси Бойсунқур Мирзонинг ўғли Абулқосим Бобур ҳукмронлик қилишга эришди. Шундай қилиб, Ҳирот тахтига Абулқосим Бобур ўлтирди. Аммо энди Хуросон ҳам, Ҳирот ҳам бундан эллик-олтмиш йил аввалги нуфузга эга бўлган салтанат мақомида дея эътироф қилиб бўлмасди. Соҳибқирон вафотидан кейин ўтган эллик йилдан кўпроқ вақт оралиғида бу ўлкада қанча-қанча хунрезликлар бўлиб ўтди. Не-не қон тўкилишлар бўлмади дейсиз. Касбу кори касодга учраган не-не аллома, не-не ҳунарпешалар рўзғору бола-чақасини етаклаб, бошлари оққан томонга равона бўлдилар. Турону Хуросон, Самарқанду Ҳирот мунглиғ даврларни бошидан ўтказарди. Ким бўлишидан қатъий назар меҳнатига яраша рағбат кўра олмас даражага тушиб қолганди. Ҳунармандлар ясаган матоҳини сотиб, деҳқон эккан уруғидан ярим ҳосил ола олмай куйиб қолаётган, бошини қаттиқ тошга урган ажиб йиллар эди. Султон Абу Саид Мирзони ҳам ёмон, золим ҳукмдор ҳисоблаш инсофдан эмас. У ҳам фуқаропарвар, иш юритишда дини ислом аҳкомларига кўпроқ таянади. Тошкентда бўлган бир минг тўрт юз эллик биринчи йилнинг ўзида у қирқ етти ёшли забардаст, нақшбандия тариқатининг кўзга кўринган вакили ҳазрат Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор билан танишиб қолади. Покизаликни ўзига бурч деб билган Хожа Аҳрор Чочнинг Боғистон музофотида таваллуд топган эди. Оталари ҳам хожалар авлодидан бўлиб, Хожа Маҳмуд тижорат ва деҳқончлик билан шуғулланган. Она авлодлари эса машҳур шайх Хованди Тоҳурга бориб улашган. Султон Абу Саид бу киши тўғрисида кўп бор эшитганлиги учун кўришиш иштиёқига тушди ва учрашишга муяссар бўлди. Кенг-кушод

ҳовли саҳнида анвойи гуллар ўсиб ётибди. Ишкомлардаги узумлар энди сарғимтир тусга кира бошлаган, анжирзорларда учиб юрган ариларнинг ғув-ғуви қулоққа чалинади. Бугун хожанинг хонадонида бир базм уюштирилган. Темурий шаҳзода Самарқанд ҳокими Султон Абу Саид Мирзо табаррук зот Хожа Аҳрорнинг дийдорларига ошиқибди. Шу муносабат билан Хожа яшайдиган даҳанинг кўчалари бежиримлик оғушида. Йўллар атрофи ёғ тушса ялагудек ораста супурилган. Ниҳоят, йигирма-ўттиз қуролсиз суворий ҳамроҳлигида шаҳзода кўчага келиб дохил бўлди. Икки юз қадам чамаси масофадан унинг истиқболига Хожа Аҳрор ҳам тўрт-беш шогирдлари билан пешвоз чиқдилар. Махсус тайинланган хизматкор тезда ёш ҳукмдор отининг жиловини бориб тутди. Шаҳзода эгар-жабдуғи олтин-кумуш тақинчоқлар билан безатилган отидан тушди-да, Хожа Аҳрорнинг истиқболига қараб юрганча гап қотди:

– Ассалому-алайкум, сиздек муқаддас зот билан юз кўришганимиздан бениҳоя шодмиз.

– Қадамингизга ҳасанот, шаҳзода. Хонадонимизга шоҳнинг қадамларини етмоғи шодлик ва ифтихоримизни оширадир.

Улардан ўн қадамча олдинда бир фойтун кутиб турарди. Хожа билан Султон Абу Саид фойтунга чиқдилар. Уларнинг ортидан бошқа аъёнлар ҳам фойтунларга жойлашдилар. Меҳмонларнинг бунчалик шараф билан қарши олиниб, ҳурмат кўрсатилиши улар учун кутилмаган ҳодиса ва катта эҳтиром рамзи эди. Йўл четида қўл қовуштириб меҳмонларга тавозе кўрсатаётган Чоч аҳли, ёш бола-бақралар бу манзарани ҳайрат ва сархушлик билан кузатиб турар, ҳамда фахр туярдилар. Хуллас, меҳмонлар махсус меҳмонхонага жойлашдилар. Хожа билан шоҳ ёнма-ён ўлтирдилар. Ёнларида шаҳар қутволи, ва бошқа чочлик, самарқандлик аъёнлар бирма-бир ҳозир бўлдилар. Дастурхонга ош-овқатлар тортилиб турар, Чочнинг

Самарқандга ўхшаш салқин ҳавоси ҳамманинг кўнглини равшан қилиб юборган суҳбат эса авж олиб борарди. Хожа мезбонлик одатини сақлаган ҳолда савол берар, саволларга Султон Абу Саид ё бўлмаса қайсидир меҳмон жавоб берар, орада ҳазил-мутойиба ҳам бўлиб турарди. Хожа Аҳрорга берилган саволларга ҳам Хожанинг ўзи ё сал қуйироқда ўлтирган шогирдларидан бири ҳозиржавоблик билан жавоб қайтарарди.

– Бизнинг бир ўтинчимиз бор, сизга шайх жаноблари, бироқ монелигим бўлмас десангизгина бул ўтинчни тилимизга чиқармакни жоиз биладирмиз, – деди Султон Абу Саид.

Ҳазил-мутойиба авж олиб турган даврада ҳушёрлик ҳукмрон бўлди.

– Амрингизни эшитмак биз учун шараф муҳтарам шоҳ, бироқ биз фақирнинг илкимиздин не келсинки аввал ул боримизни сизға ҳадя этишдин сарафроз бўлайлик.

Хожа Аҳрор шу ўринда ҳам сўз ўйини қилмоқда эди. Чунки сарой аҳли ҳеч вақт шайх қавмидан бирор қийматга арзигулик ҳадя сўраши мумкин эмасди. Бу гапдан орага гурр этган кулги кўтарилди. Шоҳ ҳам бу кулгудан олтин суви юргизилган улкан дастрўмолини қўлига олиб, намланган кўзларини артгандек бўлди.

– Биз сизни Самарқандга таклиф қилмакчимиз.

– Бори шулму? Бош устиға, албатта, боргаймиз.

– Албатта, боргайсиз. Аммо бизнинг ўтинчимиз булки, – шоҳ энди фикрини жиддий баён қилишга ўтди, – Самарқандда маърифат, маънавият учун пуршараф хизматингизни аямасангиз. Қабатимизда туриб бизни қўллаб-қувватласангиз. Албатта, бу билан мен она шаҳрингиз Чочу Шоҳруҳияни ҳам хаёлимдин фаромуш қилганим йўқ, Оллоҳ шоҳид!

Энди бу жуда жиддий масала эди. Хожа учрашувни нима учун шаҳар маҳкамасида эмас ўзининг хонадонида ташкил

қилинганлигининг боисини энди тушунди. Чунки Шоҳ Султон Абу Саид хабарчи юбориб бу таклифни шахсан ўзи билдирганди. Бу масалага шаҳар ҳукмдори ҳам Хожа Аҳрорнинг ўзидан ўтиб бирор нарса дея олмасди. Хонадонга келган меҳмоннинг таклифини рад этиш на мусулмончилик ва на мезбонлик қоидасига мос келмайди.

– Сизнинг таклифингизни рад эта билмасмиз, – деди Хожа бирпасдан кейин. – Зеро, меҳмон атойи Худо, ва отанг каби эъзозли саналур. Самарқанд менга бундин бир неча йиллар бурун илм олмагим учун муқаддас гўшалардин бири бўлиб хизмат қилган. Тоғойим Хожа Иброҳим каминани Самарқандга бориб таҳсил олмагимни амр этганлар. Йигирма уч ёшимда бир йил ул муаззам шаҳарда таълим олдим.

Бу ўртага ташланган таклифдан ва Хожа томонидан бунга лаббай деб жавоб берилганидан давра аҳли ҳам, Султон Абу Саид Мирзо ҳам мамнунлик касб этдилар. Кечга яқин мезбонлар меҳмонларни қандай кутиб олишган бўлсалар, худди шу тарзда эъзоз билан кузатиб қўйдилар.

****

Ҳиротда ҳунармандлар кўпайиб кетди. Не сабабданки билса-билмаса бошқа йўл топа олмаган кўпчилик ўзини ҳунарманчидликка урганидан, ўзаро ички рақобат кучайиб, аввал бир тангага сотадиган молини энди ярим чақага ҳам ўтказа олмайдиган ҳол кўзга ташланади. Элнинг турмуш даражаси паст бўлганидан кейин касалчилик, ўлим кўп бўлади. Қашшоқлик ривож олади. Гўдакларнинг туғилиши ҳам кам бўлади, болалар ногирон туғиладилар. Шундай таҳликали кунларда Ҳиротда ҳунарманд Саид Акбар косиб оиласида бир гўдак дунёга келди. Оллоҳнинг насиб қилган бу иноятини қошида ўзини қўярга жой топа олмаган Саид Акбар ҳам, рафиқаси

Хадичабегим ҳам бениҳоят шод бўлдилар. Доя кампирнинг хизмати ва ўғил фарзанд кўрганлиги қувончидан Хадичабегим дояга ўзи қўли билан тиккан бир эмас, иккита қалпоқ ҳадя қилди.

– Хадичабегим, бу кекса дояга намунча илтифот қилдингиз, Ахир бу туҳфангиз бир эмас тўрт хотинни юкини енгил қилмагимга арзийдир, – деди доя кампир Зулфина момо.

– Оллоҳ барчангизга ҳам, менга ҳам узоқ умр ато қилсин. Кейинги хизматларингизни ҳам инобатга олдим, – деди маъюс овоз билан Хадичабегим. Кулиб қўйишдилар. Доянинг Хадичабегимга меҳри тушиб қолди. Икки қишлоқ нарида яшашига қарамасдан ҳар кун келар, ҳар кун ўз қўли бир қошиқ ундан атала тайёрлар ва уни овқатлантириб кейин қайтиб кетарди. Баъзи оилалардагидек бу рўзғорда ҳам кўзи янги ёриган аёлга тансиқ таом пиширишга ҳеч вақо йўқ эди. Камбағалчилик қурсин. Саид Акбар косиб эса, гўё осмонда учиб юрарди. Ёшлигидан ота-онадан етим қолган косиб бир неча авваллар бурун қавм-қариндошларининг эшигида кун ўтказиб юрарди. Ўн олти ёшга кирганида бир савобталаб қариндоши уни ёнига чорлаб, сўз қотди:

– Улғайиб қолдингиз ўғлим, – деди чол салмоқ билан сўзлаб.

– Отангиз раҳматли жуда бамаъни, онангиз ҳам беандоза эди. Умри қисқа экан. Начора, ота-она мўрт келади дейишади. Оллоҳ ётган жойларини ғариқи раҳмат, шоистайи жаннат қилсин. Энди ўзингизга ўзингиз имкон ахтаринг. Бу оламнинг ишлари шундоқ. Бирор ҳунар ўрганинг, асло кам бўлмассиз!

Отаси раҳматлининг яқин қариндошларидан бўлган, мўйсафид Нажмиддин чолни Саид Акбар бот-бот кўриб турар, келиб дуосини олиб кетарди. Чол кўп насиҳатлар қилди. У насиҳатларининг бирида нима деганлиги ҳануз ёдида турибди:

– Энди бирор бошпана қилмоғингиз шарт. Бир йил у ерда, янаги йил бошқа ерда кўчиб истиқомат қилмак жуда оғир

масала. Дастёр бўлдингиз, ўз ҳаракатингиз билан ўзингизга иморат қуришни ўйланг.

– Гапингиз рост тоғойи. Аммо сиз айтган иморат учун жой йўқ. Мен ҳали жой сотиб олишга қурби етар даражага борган эмасман.

– Буни ўзим ҳам биламан. Бекорга йўқламадим. Мен қариб қолдим. Хабарингиз бор бир қизим бор. У бировнинг ҳасми. Турмуши яхши. Уй-жойи етарли. Сизга ҳовлимнинг тўридан тўрт энли жой ажратаман. Келиб эгалик қилиб, ўзингизга маъқул бир тарҳ чизинг ва иморатни бошланг. Икки хона бўлса, кифоя сизга. Тўрт-беш йилда қуриб олурсиз. Яна лозим бўлса, кейин қураверарсиз. Нима дедингиз?

Саид Акбар чолнинг бу гапини эшитиб эсанкираб қолди. Бундай мурувватни инсонлар ўз оғасига ҳам раво кўрмаган замонда, бу тарзда бағрикенглик қилиш унинг тушига ҳам кирмаган эди.

– Раҳмат, Нажмиддин тоғойи, – деди Саид Акбар мамнун бўлиб.

Бу эзгуликка жавобан у бошқа бир калима топа олмасди. Боши ғувуллаб юзигача қизаринқираб кетди. Ҳатто кўзларига ёш ҳалқаланди. Аммо у ўз ҳолини чолга билдирмасликка ҳаракат қилди. Чолнинг кампири ҳам хожасининг гапини маъқуллар, ҳатто кўринишидан чолнинг фикрига заррача эътирози йўқ, аксинча, хайрихоҳлиги аниқ-тиниқ кўриниб турарди. Кампир янгилаб келган чойни Саид Акбар қайтараман деб, шошилганча тўкиб юборганини чол пайқади. Йигитда бу ҳол нима учун содир бўлаётганини фаҳмлаган доно қария яна гапни бошқа томонга буриб, уни хижолатдан қутқарди:

– Хўш ўғлим, нима касб қилмоқчисиз?

– Билмадим. Не демоққа ҳайронман. Ростини айтсам буни сиз билан маслаҳат қилмакни ўйлаб ҳам юргандим. Шу... подшоҳлик хизматига сарбозликка ўтмакка уринсамми деб

юрган эрдим.

Чол оғир сукутга кетди. Кўзларини юмиб жим қолди. Афтидан нима деб гапиришини ўйлаб олмоқда эди. Сўнг яна салмоқ билан гапга тушди:

– Ўғлим, сиз ёлғиз йигитсиз. Сарбозликка уринсангиз бўлар. Аммо бу иш осонлик билан амалга ошадиган иш эмас. Ахир – у эшикка бир қараб олди, овозини пасайтириб, гапини давом эттирди, – илкингизга қурол тутиб кимгадир ўқталмоқ қандай бўларкин. Сарбозликда сизни истаган хизматингизга қўймайдирлар. Бирор амр қилиндими ҳамма сарбоз буни бажаришга маҳкум. Бирор жонкуяр саркарда шу йигит урушга бормасин. Ахир ёлғиз йигит, ёш йигит деб ўлтирмайдир, шуни ўйламадингизму?

Йигитча бу гал ҳам чолнинг фикрига қарши бирор нарса дея олмади. Чол гапида давом этди:

– Кейин, бугун бордингиз эртага майли кел демайдилар. Суриштириб, бўлган-бўлмаган иш, юмуш буюрурлар. Сизни танлаб маъқул топгунларича неча йил умрингиз зое бўлиб битур. Бечоралик сиз билан бизга қўл келадир. Эшитмаяпсизму олам қонга беланиб ётибдирку. Мен шу ёшимгача кўп ҳодисотларни бошимдин ўтказдим. Султон Соҳибқирондан давр ўтиб, бу замин ҳали бирор лаҳза тинч бўлмади. Косибликка ўрганинг, ҳунар зар деганлар ўғлим. Ғиёсиддин Баҳодирдек салтанатнинг суянган беклари ўзга юртларга кетмакни ихтиёр қилган бир вақтда сиз ва менга ўхшаганлар саройдан нажот исташимиз маъқул иш бўлармикин?

– Майли, сўзларингиз менга маъқул, – деди ниҳоят Саид Акбар.

Ота-онадан эрта етим қолиб, бағри эзилиб ўн олтига энди етган йигит учун бугун дунё бошқа манзара бўлиб кўринди. Кўнгли кам бўлиб ўсаётгани бир кунда эсидан чиқди-кетди. Ерга эгаликнинг кафолатини олгандан кейин икки йил ишлади, бир

вақтда бир кекса чолга шогирдликка тушди. Ундан косибликни ўрганди. Ип йигириб, мато тўқиш ҳунарини эгаллай бошлади. Икки йил деганда қўли бинойидек келиб қолди. Учинчи йил ёзда эса усталарни ёллаб, чол суюрғол қилган жойдан уч хона иморатнинг деворини тиклади. Иморатини тиклаб, қолган майда-чуйда ишларини ўзи баҳоли қудрат эпга сола бошлади. У бошқа ишлари учун яхши ҳунарманд усталарни жалб қила олмас, зеро, бунга имкони етмасди. Энди у йигирма ёш бўсағасидан ошганди. Мана, иморат ҳам битди, вақти келиб уйланди. Оллоҳ фарзанд ҳам ато қилди. Аммо унга оталик меҳрини берган Нажмиддин бобо энди йўқ. Тўрт йил аввал вафот этган эди. Сал вақт ўтиб, кампири ҳам бу дунёдан этак силкиди. Саид Акбар ҳар иккисининг ҳам жанозаси тепасида туриб, азадор бўлди. Йиллар шунчалик тез ўтардилар. Кўз очиб-юмгунингча умрингнинг ярми ўтади, деб хаёлга ботди Саид Акбар.

Доя кампир уйдан чиққан заҳоти чақалоғини эмизишга тушган Хадичабегим ўз ўтмишини ўйлаб кетди. Ягона фарзанд эди. Етти ёшида онасидан ажралди. Отаси уч йил ўтиб бошқа бир аёлга уйланди. Бахтига у аёл баттолсифат, қаҳри қаттиқ экан. Қиз бувиси билан қолиб яшаши маъқул эканлигини фаҳм қилди. Ҳунар ўрганди. Қалпоқ тикиб сотар, шу билан ўзининг ҳам бувисининг ҳам куни ўтарди. Ана-мана деб ўн олтидан ўтди. Совчилар борганида бир мартадаёқ бувиси розилик берди.

– Менинг неча кунлик умрим қолди қизим, сени ёнимда бир умр олиб ўлтирайинму?

– Нега унақа дейсиз бувижон, ўлиб қолсангиз мендин қутуласизму? Сизни бу оламда кўп азобладим – деб шўхлик қилди қиз.

– Қизим, нега ундай деб айтасан? Нега сендин қутулишим керак?

– Кеча тезроқ қутулиб қўяй дедингизку.

– Бу деганим яхши ният қилганим. Сенинг бахтли бўлишингни тезроқ кўришни орзулаганим.

– Билганингизни қилинг, бувижон. Сиз хурсанд бўлсангиз шу етарли менга.

– Илоҳо бахтингни топ қизим, борган жойингда тошдек қотгин.

Мана, бувиси айтганчалик тош қотиб ўлтирибди. Бироқ армонсиз дунё бўлмас экан. Онаси вафот этиб бошқа аёлга уйланганидан кейин беш йил ўтиб, отаси ҳам бу оламни тарк этди. Икки йил бўлди унинг бахтини тилаб, Яратганга туну-кун ёлворувчи бувиси ҳам йўқ. Бу ҳовлига келганига уч йил бўлибди. Аммо бувиси унинг турмушга чиққанини кўрди, балки шунинг учун бу оламдан армонсиз кетди. Хадича турмуш ўртоғини чимилдиқда кўрди. Бироқ турмушга чиқмасидан икки йилча аввал, бир-икки марта бувиси раҳматли билан ҳунармандлар бозорига борган вақтда кўзи тушганди. Энди Худога шукр қилиши керак. Мана, уч йил деганда Оллоҳ фарзанд ҳам ато қилди.

– Муборак бўлсин, – деди эри чақалоқ туғилган куннинг эртасига севинчдан кўзлари порлаб, тиллари тутилиб, титраб турганча.

– Сизга муборак бўлсин, бегим, – дея олди у бир оғиз.

Кечқурун бўлгач, унинг ёнига қўшни Ойнисо момо келиб суҳбат қуриб ўлтирарди. Энди полвоннинг исмини нима деб аташни ўйлаб, Хадичабонунинг боши қотди.

– Беҳ йигит бўлсин. Беҳ зот бўлсин, яхши киши бўлсин, – деди бола туғилганнинг эртаси куни доя кампир болани қўлига олиб.

Балким Беҳзод деб қўя қолармиз, дея хаёлидан кечиради аёл ва ширин-ширин энтикиб, боласига ўзгача меҳри товланади. Бешинчи кун келган доя момо анча суҳбатлашиб ўлтиргач:

– Энди ҳафтада бир келаман. Болага кўз тегмасин, жуда сергак. Худо хоҳласа теран, соғлом ўсадир. Менинг момо пирларим шундай хабар беряптилар, – деди Хадичабибига қараб.

– Умрингиз узоқ бўлсин, момоси, набирангизнинг исмини Беҳзод деб атадик. Ўзингиз исмини қўйиб берган экансиз, – жавоб қилди аёл.

Шундай қилиб, боланинг исмини Беҳзод деб қўйишди. Меҳмон келар эшикдан, ризқи келар тешикдан деган мақол ростга ўхшайди. Доим молини бозорда ўтказа олмай сарсон бўлиб умри ўтаётган Саид Акбарга бугун энди унинг молини ҳар доим олиб турадиган мижоз топилиб қолди.

– Сал нархини туширсангиз молингизни ҳар уч кунда олиб тураман. Пулини аввал нақд тўлайман. Кейинчалик сифатли мол бўлаверса, буюртмалар ортиши ҳам эҳтимол. Шопмўйлов йигит Саид Акбарга синчков назар билан қараб шундай деди. Келишиб олдилар ва у кейинги мол учун озроқ пул олдиндан тўлов ҳам қилди. Йигирилган ва ҳар хил бўёқларга бўялган калавалар, албатта, сифатли эди. Бу калавалардан яхши, пишиқ гиламлар тўқилади. Гилам тўқиш жараёни ҳам жуда қизиқ-да. Қўй жунидан ёки ингичка ипак калавалардан йигирилган ипларни қозонга солиб рангга бўяб олинади. Бунинг учун катта дошқозонга сув солиб қайнатилади. Қозонга ранг (бўёқ кукунлари) солинади сўнгра ипларни бўктириб олинади ва махсус жойда қуритиб йиғиб олинади. Аввал, жуннинг ўзини рангга бўяб кейин йигирса ҳам бўлади. Бу гилам тўқишнинг биринчи иши ҳисобланади. Кейин гилам тўқишга ўтилади, бу асосан ёз ойларида ҳаво ёғингарчиликдан холи бўлган пайтларда амалга оширилади. Ҳовлида ёки узунроқ бўлган камида саккиз-ўн қадамча келадиган ёпиқ жойда икки томондан иккита қозиқ қоқилади. Унга калавани айлантириб чиқилади. Кейин унга тароқ ўрнатилади. Тароқнинг эни камида уч қарич,

балким ундан ортиқроқ бўлиши керак. Тароқ калаванинг ўртасида жойлашиши жоиз. Кейин калава бир остидан бир устидан айлантириб ўтказиб олиниб, тўқиб кетилаверади. Махсус белдов тахта билан уриб-уриб жипслаштириб тўқилиб борилади. Жуда ҳам машаққатли ва эътиборли иш. Турли хил калавалардан тўқилаётган гилам уч-тўрт қаричга етаверганидан сўнг чиройли кўриниш касб этади ва кишининг завқини келтиради. Ўша тўқилган матоҳнинг ҳар бирини бир тахта деб атайдилар. Кейин ўша тахта тўқималар бир-бирига уланиб чиқилади. Хоҳлаган узунликда шундай тикилиб чиқилади ва гилам тайёр бўлади. Тўқувчи хоҳлаганича турли нақшлар бериб ўзига ёқадиган гилам тўқиб олиши мумкин. Шу усулда отларга ёпинчиқлар, хуржунлар ва турли матоҳлар, ҳатто устки кийимлар ҳам тўқиш мумкин. Бозорда калавадан кўра, гилам тайёрлаб олиб чиқилса, анча даромадли бўлади. Бироқ у жуда кўп куч ва вақт талаб қилади.

Кун пешиндан оққан пайтда халтасини тўлдириб бозордан қайтган Саид Акбарнинг хотини эрини мамнун кутиб олди.

– Вой бў. Намунча кўп харид қилибсиз? Бирортадин қарз-парз кўтармадингизми ишқилиб?

– Ким шу замонда мендек фақирга қарз бераман деб кўзи учиб турибди, У секин хотинини қулоғига шивирлаб давом этди. – Бир жойни тунадим, ҳеч кимга гапирманг. Не қилай бошқа иложи бўлмаса?

Аёл эрига лол қотганча қараб қолди. Унинг бу гапни эшитган қулоқлари қизариб кетди. Бўғзига бир нима тиқилгандек бўлиб, кўз олди қоронғулашди. Назарида, ҳозир эрининг ортидан икки миршаб келиб уни бир ёққа олиб кетадигандек туюлди. Кейин ғулдираганча гапга тушди:

– Йўқ, йўқ керакмас. Унда қайтариб, олиб бориб ташлаб келинг. Ахир, ахир мен сут эмизаман. Болага ҳаром нарса татимайди...

Саид Акбар кулиб юборди. Келиб хотинини қучди. Унинг соддафеъл эканлигига қайта амин бўлди. Кейин кула-кула гап бошлади:

– Шунчалик ҳам содда бўласизму? Қанақа тунаш? Бозордан молни олиб турадиган мижоз топдим. Ҳар ҳафтада икки марта мол оларкан. Кейинги мол учун пича олдиндан пул ҳам берди. Шунга рўзғорга кўпроқ харид қилдим. Сезмадингизму молни жойлаб кетган қопни қуп-қуруқ қайтариб олиб келганлигимни?

– Эътибор бермабман. Ҳазилингиз бор бўлсин. Ўтакамни ёриб юбордингиз. Менга бунақа ҳазил қилаверсангиз бир балога дучор қиласиз.

– Бўпти энди бунақа ҳазилкаш бўлмайман. Бирор овқатга уннанг қорин ҳам пиёз пўсти бўлиб кетган.

Хадичабону тезда ўчоқ бошига шошди. Беланчакда ухлаётган ўғлининг тепасига келган Саид Акбар боланинг юзини очди. Пишиллаб ухлаб ётган гўдак ҳеч нарсани сезмагандек эди. Отасининг нафасини ҳис қилди чоғи, бирдан кўзини очди. Сал жилмайгандек отасига қаради. Доя кампир айтган гап рост бўлиб чиқмоқда. Ҳали уч ойга етмаган бола кулар, ўзича турли ҳаракатлар қилиб, ҳар хил ўйинлар билан кундан-кун ота-онасининг шодлигига шодлик қўшарди. Онаси ҳам бичиш-тикишнинг ҳадисини олган эмасми, чақалоққа ҳар кун бир кийим тикиб кийгизар, шу билан овунарди. Агар бугунги йигит ҳар доим молни тўхтатмасдан олиб турса иши сал юришар, рўзғорга қут-барака инар, деб ўйлади Саид Акбар хурсанд бўлганидан. Йигитнинг исми Аброрбек экан.

– Мен сизни танийман, почча, – деди йигит боя биринчи марта кўришган пайтида. Аммо Саид Акбар уни танимади. Ҳа, айтганча мен Хадича опамизни ҳам танийман деди чоғи. Бу гап Саид Акбарнинг хаёлидан кўтарилибди. У хотинининг ёнига бориб, йигит тўғрисида гапира кетди:

– У мол оладиган йигит мени почча деди. Сизни танирмиш.

Бироқ уни мен кўрмаган эканман.

– Почча деган бўлса.. Ким бўлди экан? Менинг оғаларим ҳали ёшку.

Улар бозорга чиқадиган ёшдамас.

– Билмасам шундай дедику.

– Поччангман деб ишни битириб юраверинг. Майли, ким бўлса бўлар. Исмини айтдими Кулиб қўйди хотини Саид Акбарга.

– Аброр экан исми. Ёши мендан анча кичикми дейман. Чаққонгина бола экан.

– Вой, танимадингизми уни? Бўйи пастроқ қора қошли болами?

– Шунақа экан.

– Қўшнимизку. Бир пайтлар ёшлигимда ёнма-ён ҳовлида яшаганмиз. Кейин улар шаҳар томонга кўчишганди. Мендин уч-тўрт ёш кичик. Бечора у ҳам етим бола. Тоғасининг эшигида яшайди деб эшитганман. Эндиги гал опанг тайинлади қалпоқ тикиб бераркан сотиб берармишсан деб айтинг.

– Майли, бу ёғи яхшикуя. Яна бунинг устига у танишимиз бўлса. Аммо Беҳзод билан овора бўлиб қалпоқ тикиш осонму сизга? Сўнгра молни етказиб бера олмасак ўртада хижолатчилик ортади. Бегона бўлса ҳам майлига эди.

– Менга Беҳзодимнинг оғирлиги кам тушади, шукур қиламан. Овқатини вақтида еб олса, ризқини эмизиб турсам куни билан ҳам мен билан иши бўлмайди паҳлавонимни.

Саид Акбар хотинининг гапларини эшитиб жилмайиб қўйди.

– Сиз овқатни пиширгунингизча мен ҳовлини бир айланайчи. Оз-моз юмушлар бордир.

У ташқарига чиқиб кетди. Ҳовли саҳнини айланиб бир оз ташвишли фикрлардан холи бўлди. Ўшанда раҳматли Нажмиддин бобо унга ҳовли ажратиб бериш вақтида роса ҳотамтойлик қилган экан. Ўзи томонга озроқ жой қолдириб,

қолган томорқасининг ҳаммасини Саид Акбарга ажратиб берганди. Ўртадаги мана бу пастқамгина деворни ҳам чолнинг ўзи қийин-қистов билан тиклатиб юборганди. "Менинг кўзим кўриб турган вақтида сизга қилган яхшилигимни аниқлаштириб қўяй. Қилган ишимга бирор монелик қиладирган одамку йўқ. Аммо ҳовлингиз ўзингизга аниқ бўлиб ажралиб турсин". Саид Акбар ўша бўлиб ўтган мулоқотларни эсга олди. "Ҳовлимнинг тўридан тўрт энли жой ажратаман сизга. Келиб эгалик қилиб ўзингизга маъқул бир тарҳ чизинг ва иморатни бошланг... Ажойиб, Хизрсифат киши эди-да чол. "Дўст бор душман бор. Муаммо чиқмасинда бўтам". У ўзи кўтариб қўйган ўша пастқамгина девордан нариги томонга, чолнинг ҳовлисига кўз югуртирди. Чол билан кампирдан вақт ўтганидан кейин бу ҳовлидан файзу футур кетиб, бироз қаровсизроқ ҳолга келган эди. Набиралари энди сал улғайишмоқда. Онда-сонда келиб, у ёқ бу ёққа қарагандек бўлиб туришади, холос. Ўзининг ҳовлиси эса у ҳовлидан уч ҳисса кенгроқ. Шуни ўйласа Саид Акбар хижолат бўлиб кетади. Гўё, ўша пайтда чолни бирор нарса деб авраб бу ерларга эгалик қилиб олгандек. Аммо бу ҳовли унга ҳаққу ҳалол, фақат Нажмиддин бободан бир ёдгорлик сифатида эканлигини бутун қишлоқ, ҳақ-ҳамсоя билади. Шунинг учун нариги қаровсизроқ ҳовлига назар ташлашга ийманади. Бир-иккита қуриб қолган дарахтларга, қаровсиз ётган иморатларга кўзи тушди дегунча, юрагининг бир жойи увишиб кетади. Гўё, Нажмиддин чол унга "Ҳовли қаровсиз қолибдику бўтам" деб сўзлаб тургандек, ўзининг ҳовлисидаги экиб қўйган дарахтлари ҳали ҳосилга кирган бўлмаса ҳам кўзга ташланиб қолганди. Бу дарахтларнинг ниҳолларини ҳам Саид Акбар, Нажмиддин тоғойининг дарахтлари ниҳолидан олган. Майли, чол билан кампирнинг руҳлари шод бўлсин деб, ўз хаёлларига хотима берди Саид Акбар. Унинг фикри энди яна бугунги бозордаги йигитга бориб тақалди. Йигит бекорга Саид Акбарни

ўзига яқин олмаган эканда. Яратган Эгамизнинг кўрсатган марҳаматига шукур. Бу ҳам бир тасодиф. Тасодиф бўлса ҳам яхшилик аломати. Майли, юрт тинч бўлсин. Султонларнинг тахт талашиб, қилич кўтаришлари элнинг тинка-мадорини қуритиб битирди. Бир неча йил аввал Ҳирот ҳукмдори Шоҳрух вафотидан икки йил ўтиб саройнинг энг нуфузли беклари ҳар ёққа бош олиб кета бошладилар. Чунки мамлакатнинг осойиштасизлиги ва иқтисодий бўҳронлик кишиларни шунга мажбур қила бошлади.

Уч от ва тўрт туяга ортилган Ғиёсиддин Баҳодирнинг кичик карвони Ҳирот дарвозасидан чиқди. У карвонбошисига жадалроқ юришни амр этди:

– Жадалроқ юргин, тезроқ шаҳарни тарк этайлик. Бу ожизаларнинг оҳу-воҳи кучайиб юракларни эзиб қўядир.

Ростдан ҳам маҳофада Ғиёсиддиннинг хотини малика Бегим ва икки хизматкор аёл ўлтирган эдилар. Улар бирор сўз демасдан ҳиқ-ҳиқ йиғлашар, ёнларида ўлтирган уч-тўрт ёшли ўғли Алишер бу ҳолни аниқ идрок этиб турса ҳам онасига термулиб, эзилиб борарди. Карвон жадаллик билан шаҳар дарвозасини тарк этди. Ҳавонинг тафти баланд бўлганлиги сабабли қийин-қистов билан жадал юрган от ва туялар терга ботиб қолди.

– Энди саводим не бўладир онажон, – дейди ёш Алишер онасига.

– Падарингиз бирор нарсани хаёл қилиб режалагандирлар болам.

– Ўзи қаёққа отланибмиз, Самарқандгаму?

– Йўқ болагинам ундин ҳам йироққа бош олиб кетадирмиз.

– Ахир шул жазирамада бунга не зарурат жоиз эркан, онажон?

– Саёҳат қилсангиз ёмонму болам?

Бегим хоним ўзидан ўтганини ўзи билиб қалби бўзлаб турган бўлса ҳам боласига гапни бошқа ёққа буришга азм

қилмоқда. Бегим Қобул амирзодаларидан шайх Абусаид Чангнинг қизи. Ғиёсиддин Баҳодир эса саидзодалардан. Иккала ёшнинг келиб чиқишлари бир-бирларига мутаносиб. Шукур ўртада фарзандлари бор. Малика доимо эри нима амр этса бажаришга тайёр. Сафар мавзусида ҳам у эридан бир оғизгина огоҳлантириш эшитди:

– Икки кундин сўнг йўлга отланурмиз. Тайёргарлик кўрингиз.

– Хўп бегим. Айтганингиз бўладир.

У эридан қаёққа, неча муддатга деган хаёлидаги саволларга жавоб олишни ихтиёр қила билмади.

– Ироқ томонга азимат қилурмиз. У томонлар сокин эрмиш. Ризқимизни Яратган етказур ўзи меҳрибон.

Шундай қилиб, Ғиёсиддин Баҳодир оиласи ҳамда уч тўртта хизматкорини олиб йўлга отланганди. Карвон кундузи жадаллик билан йўл босарди. Шом яқинлашиб қолганда эса йўлдан четроқ чиқиб холироқ жойга қўнишади. Карвондаги бешта эркак туни билан ухламасдан чиқишади. Тўрт кун шу тахлит юрганларидан кейин туш вақтида бир манзилга етдилар. Тўрт томондан келган йўл туташувчи бир улкан карвонсарой экан.

– Ҳали кўп юрадирмизму отажон, – деди онасининг ёнида турган Алишер.

– Ҳали манзил узоқ. Кўп юрадирмиз. Бу саёҳатда томоша ҳам қилиб, боряпсизму?

– Ҳа, отажон ажиб саҳролар экан. Шаҳарлари ҳам ораста. Бирор шаҳарга қўнсак бўлмасму?

– Йўқ, ўғлим, ҳали кўп юрадирмиз. Улкан шаҳарга борурмиз.

Шу билан гап мавзуси тугади. Аммо Бегим эрининг авзойидан энди бамайлихотир эканлигини сезди. Бу кечаси карвондагилар ҳаммаси бемалол ухлаб дам ҳам олдилар. Ярим кун турганларидан кейин карвон яна йўлга тушди. Шу ярим кун туриб қолишганида аёллар зора ортга қайтсак деган ўз

фикрларига ўзларини ишонтиришга уринардилар. Зеро, бундай воқеалар ҳаётда кўплаб содир бўлганлиги уларнинг қулоғига бот-бот эшитилиб турарди. Бу сарсон юришларнинг асосий сабаби нималигини Бегим билади. Эри салтанатда ишлайди. Аммо, шаҳарда эндиги бўлаётган бесаранжом вазиятлар ҳаммани саросимага солди. Эри Ҳирот тахтига қачондир бирор бошқа саркарда ўлтиришини ва ундан кейин ўзининг тақдири нима билан тугашини ўйлаб эзилади. Бугунги гап эртага асло тўғри келмаслиги кундек равшан. Сарсонликлар, жон сақлаб қолмоқ учун бўлаётган уринишлар, бошқа бирор бир нарса эмас. Калтафаҳм шаҳзодалар эса кундан-кун бир-бирини тахтдан ағдариш билан овора. Бегим шу хаёлларга ғарқ бўлиб кетиб борарди. Эртасига туш вақтида бир қўнимгоҳга етиб, тўхташди. Аммо бир содир бўлган мудҳишлик ҳамманинг қалбини жароҳатлади. Етти-саккиз яшар бир бола иситмалаб қолибди. Икки кун аввал ҳам унинг тоби қочиб қолган экан. Фиғони фалакка чиқиб йиғлаётган битта аёлнинг овози эшитилар, табиб ахтариб чор-атрофга югурган эркак кишини ҳамма кўриб турарди. Карвонни қўриқлаб бораётган уч-тўрт йигитларнинг эса парвойи палак карвонда тинчлик сақланишини уқтириб от чоптириб юришибди. Бола ичтерламага учраган экан. Икки соатча вақт ўтиб, боланинг жони узилибди деган овоза тарқалди. Атроф тошлоқдан иборат бўлганлиги сабаб қабр қазиш чўзилиб кетибди. Болани тупроққа қўйиб марқади устида Қуръон тиловат қилинибди. Ғиёсиддин Баҳодир ҳам, ёнидагилар ҳам маросимда иштирок қилиб қайтишди. Карвон яна йўлга тушди. Икки-уч соат юриб эса карвон тўхтади. Кишиларнинг бақир-чақири ҳазил-мутойибалари баралла эшитила бошланди. Ўчоқлардан тарқалган тутун бутун борлиқни тутиб кетди. Энди ҳар ким борича ўзи ош-овқатини тайёрлаб бамайлихотир дам олишга тутинди.

– Отажон манзилга етсак менинг сабоғим не бўладир, – дейди

Алишер ташвишланиб.

– Сабоғингиз асло тўхтамагай ўғлим, – дейди қисқа қилиб отаси.

Эру хотин китобдан бир нафас ўзини чалғита олмайдиган фарзандлари учун баъзан қайғуга ботиб қоладилар. Ёш Алишер тенгқурларидан кўра ўта эпчил, зукко бўлиб ўсяпти. Қўни-қўшнининг боласи варрак учирса, ёз бўйи ариқлардаги лойқа сувда чўмилиб ўйнаса, ёш Алишер фақат китоб ўқиб кун ўтказади. Тунлари бир шам ўрнига икки-учта шам сарф бўлиб битади. Митти Алишер китоб ўқиш, ёзишдан бери келмайди. Энди онда-сонда шеър ёзиш билан ҳам машғул эди. Бола сарой амалдорларидан фақатгина Ғиёсиддин Мансурнинг ўғли Ҳусайн билан мунозара қилиб турарди. Алишердан тўрт-беш ёш катта у шаҳзода эса кўпроқ ҳарбу зарбга қизиқувчан. Энди бола фақир ўша ягона ўртоғидан ҳам ажралиб, бошқа ёққа бош олиб кетяпти.

– Алишер тоғаларига тортдимукин, – дейди отаси кулиб.

Чунки унинг тоғалари Мир Саид Али ва Муҳаммад Али яхшигина шеърлар ёзиб турар, саройда ҳам анчагина обрўга эга эдилар. Алишер туғилганда Ғиёсиддинга хабар олиб борган ҳам ўша тоғаси Мир Саид Али эди. Ўшанда севинчдан ўзини йўқотган Ғиёсиддин суюнчига белидаги олтин суви юритилган камарини қайноғасининг белига тақиб қўйганди. Самарқандда Мирзо Улуғбек, Ҳиротда Шоҳрух Мирзо ҳукмфармо бўлган йилларда мамлакат қанчалик осойишта, обод эди. Энди эса.. Карвон тўхташга ҳозирлик кўрсин... От ўйнатиб елиб югурувчиларнинг овози Ғиёсиддинни хаёлларидан қайтариб ўзига келтирди. Ҳиротдан чиққанларига ўн беш кун, катта карвонга қўшилганларига эса ўн бир кун бўлган эди.

– Манзил яқин қолаёзди чоғи. Эртага карвондин ажралиб қолурмиз – деди Ғиёсиддин хотинига.

Эрининг бу гапидан эртага шу ҳолга тайёр бўлиб турингизлар

деган маъно уқиб олинарди. Эртасига худди карвонга қўшилган вақтлардаги тўрт томондан келиб туташган йўлда жойлашган улкан карвонсаройга ўхшаш бир манзилга етиб келдилар. Гўё, ўша манзилга қайтиб келгандилар. Бироқ бу ерда саройнинг унга нисбатан хийла улканроқ эканлиги кўзга ташланарди. Карвондан ажралиб яна ярим кун юришди ва чоғроққина шаҳарга кириб боришди. Бу Эроннинг унча катта бўлмаган Тафт шаҳри экан. Мусофирхонага тушиб ярим кун туришди. Шаҳар оралаб кетган Ғиёсиддин Баҳодир бир ҳовли топиб, ижарага банд қилиб келди. Тезда бориб жойлашиб олдилар. Ички-ташқи уч ҳовлидан иборат, ҳар қайсида уч хонали уйлари бор мажмуа ҳаммага ёқиб тушди. Бир пасда азоб-уқубатлар ортга чекинди. Бу ерга келганларининг учинчи куни эди. Алишер бир гала қўшни болалар билан кўчада кўришиб қолди. Қўлида китоб тутиб олган бу бегона болага бошқа болалар қизиқсиниб қарардилар. Бир катта даровозали ҳовлидан чиқиб курсига ўлтириб олган нуроний чол болаларни кузатганча диққат билан термулиб турарди. Болалар қочиб уй-уйларига тарқалиб кетдилар.

Қўлтиғига иккита китобни қистириб олган Алишер эса ўзлари яшайдиган ҳовлига қараб қайтди. Чолнинг рўпарасига келганда салом берди:

– Ассалому-алайкум бобожон, саломатмусиз?

– Во-алайкум, ассалом, кўп яшанг йигитча.

Чолнинг бу бегона боланинг муомала қилишига завқи келиб Алишерни саволга тутди:

– Меҳмонмусиз, ўғлим, қай маскандин келдингиз?

– Хуросондин, Ҳиротдин ташриф буюрдик.

– Ажиб яхши бўлибдир. Исмингиз недур, кимнинг ўғлисиз, чироғим?

– Отамни Ғиёсиддин Баҳодир дерлар. Исмим Алишер.

– Бу не кароматли китоблар эрур бўтам, ҳазрати Лутфийнинг

китоблари. Шеърларини ёд оладирмен. Бири эрса "Мантиқ-ут тайр" ани ҳам ёд олдим.

– Ажиб қиласиз, бўтам. Ажиб қиладирсиз.

Чол билан бола кўп вақт суҳбатлашиб қолдилар. Ҳовлида ўғлини кўрмасдан саросимага тушган Ғиёсиддин Баҳодир югуриб кўчага чиқди. Ўғлининг зукко ва шу билан бирга "қулоқсиз" бўлиб бораётгани отасини ташвишлантирар, жаҳлини қўзитарди. У ўғлига кўзи тушиши билан шу томонга кела бошлади.

– Алишер не қилиб турибсан бу ерда? Нега рухсатсиз кўчага отландинг, Қулоғингга гап кирадирму ё йўқму?

У жадаллик билан келиб боланинг қўлидан китобларни тортиб олди ва битта китобни парча-парча қилиб ташлади. Китоб эса икки уч-бўлакка бўлиниб кетди. Отасидан асло бундай муомалани кутмаганидан бола лол бўлиб термулиб қолди.

– Ҳай, ҳай, ҳай бек бу не қилғонингиз? Боланинг кўнгли эзилади-я. Бу ишингиз хуш эрмас. Бундай қила кўрманг.

– Ассалому-алайкум отахон, Ғиёсиддин Баҳодир хижолат бўлиб салом берди.

– Во-алайкум ассалом. Саломатмусиз бек, Бизнинг юртимизга мослаша оляпсизму? Болага жаҳл қилманг, чакки бўладир. Истеъдоди бисёр эркан тойчоғингизни.

– Бегона юрт. Ҳали келганимизга кўп бўлмади. Рухсатсиз ўзича кўчага чиқибдир. Хавотирландик.

– Ҳиротдин не хабарлар олиб келдингиз бизга?

– Шукур осойишталик. Пешонамизда мусофирчилик бор эркан келиб қолдик. Кўп хижолатдамен, аммо ижозатингиз билан сизни таний олмай турибман.

– Мен, фақир Шарофиддин Али Яздий бўладирман.

Ғиёсиддин Баҳодир бирдан сергакланди ва қайтадан келиб қариянинг қўлини олиб икки қўллаб кўришди.

– Минг бора авф этинг бизни. Танимабман узр.

– Зарарсиз. Бунда сизнинг айбингиз йўқ, бўтам. Ҳиротда анчайин бесаранжомлиғ деб эшитадирмиз.

– Бу курраи арз, бу эл-халқ қачон тинчу-осойиш бўлган дейсиз? Ҳаёт мавжуд, тириклик бор бу савдо бошимизда бўлиб турадир. Оқсоқол уйга кирамиз, марҳамат.

– Ташаккур, мавлоно. Бамаъни йигит эркансиз. Яхшилаб жойлашиб олаверинг бафуржа суҳбатлашурмиз. Бирор мушкулот бўлса камина шу даргоҳда истиқоматдамен. Қария ҳовлисига ишора қилиб қўйди.

– Хўп, хайр унда ҳозирча саломат бўлғайсиз!

Ғиёсиддин суҳбатни шу ерда тўхтатди. Чунки у ўз қилган ҳаракатидан ва жаҳлдорлигидан ўзи хижолатда қолаётганди. Сўнгра ўғлининг қўлидан тутиб, дарҳол ортига қайтди. У бундай обрўга эга бўлган киши билан бу тарзда учрашишини хаёлига келтирмаган эди-да. Шундай қилиб, Ғиёсиддин Баҳодир Тафт шаҳрида яшай бошлади. У машҳур муаррих Шарофиддин Али Яздий билан яқин алоқада бўлди. Ғиёсиддин баҳоли қудрат тижорат билан машғул бўларди. Унинг жажжи ўғлининг адабиётга ихлоси борлигини кўрган кекса муаррих ҳам меҳмон билан мулоқот қилишни ёқтирарди. Бир куни ўзаро суҳбат қилиб қолдилар:

– Анчайин ўрганиб қолдингизму? Агар танимай сизни безовта қилсалар бемалол каминани исмимини айтингиз. Қўшни бўламан деб сўзлайверинг. Тан олиш жоиз инсофсиз миршаблар ҳам бисёр бу шаҳарда, – гап бошлади қария.

– Хўп майли, ташаккур оқсоқол.

– Ибни Шоҳрух Мирзо Иброҳим Султон салтанатида хизматга кирғон вақтларимда сиз туғилғон бўлсангиз керак. Шоҳрух Мирзо шаҳзодани Форс вилоятига ноиб этган бўлиб, салтанат қўрғони Шерозда эрди.

– Айни дамда ўттиз ёшдамен, мавлоно.

– У вақтларда салтанат ишлари сал бошқачароқ тутумлиғ эрди. Султон Шоҳрух кўп адолатпарвар ҳукмдорлардан бўлган. Боз устига ҳали Соҳибқирон тутган сиёсатнинг таъсири кунпаякун бўлмаган йиллар. Шоҳрухшоҳ адабиёт, маънавиятни қадр этган. Ўзи ижодкор ҳам эрди. Шеърият, айниқса, тасвирий санъат, мусаввирлик жону тани билан берилган машғулоти ҳисобланарди.

– Сизнинг Ҳиротга ташрифнгизни ҳам эшитган эрдим. Аммо дийдорлашишга имкон бўлмабдир.

– Бир неча йил аввал Ҳиротда бўлган эрдим. Самарқандда Султон Улуғбек билан ҳам учрашганмиз. Бироқ вақт тиғизлиги сабаб Самарқандда ҳам, Ҳиротда ҳам кўп фурсат қололмай қайтгандим. Йигирма йил Иброҳим Султон билан мулоқотда бўлдик.

– Шоҳ адабиётни қадрлар эди демагимнинг исботи мавжуд. Мендан Темур салтанати даври тўғрисида битган асарим "Фатҳномаи соҳибқирон" ни ёзмоғимни Султон Иброҳимнинг ўзи сўраган. Таъбир жоиз эрса сўзласам шаҳзода билан бу борада ҳар куни назмга машғуллик қилардик. Мавлоно эрдилар у шоҳ.

– Адабиётни қадрловчи зотнинг дастидин ёмонлиғ келмас. Бул кишиларга Оллоҳ юқтирғон истеъдод бирла кўнгил софлиги, ростгўйлик ҳам инъом қилинмиш эркан.

– Шоҳрухнинг яна бир фарзандлари Иброҳим Мирзо шеъриятда, ҳуснихат ва наққошликда беназир бўлган. У бундин йигирма беш-ўттиз йил олдин Луристон ҳамда Шероз шаҳрининг ҳокими эди. Камина ул шаҳзодага устозлик ҳам қилдим. Буларга ижодкорлик падаридин ўтган истеъдод аслида.

– Истеъдодку инсонга Яратгандин юқтирилур. Аммо шу истеъдодни эплай билмасдин кунпаякун қилувчилар ҳам бисёр бўладир.

– Ул ўзи шаҳар ҳукмдори бўлатуриб кўпгина иморатларнинг

тарҳу шаклини ҳам чизган. "Дорус-сафо", "Дорул-айтом" масжидларининг нақшларини ва аларни турли китобатлар билан безаган. Нодир китобларни ўз қўли билан кўчирарди. Бу билан ул мазкур асрдаги хаттотликдек муқаддас касбнинг ривожиға катта ҳисса қўшган.

– Айни замонда ҳам мавжудму ул иморатлар?

– Афсуски, айни даврдаги ҳукмдор Ёқуб Зулқадар бундай нафис санъат дурдоналарига беътибор эркан. Кўп иморатлар қаровсизликдин вайрон бўлиб кетмакда.

Қария сўзлар, орада дастурхондаги ширинликлар, мевалардан тановул ҳам қилиб турарди. Уларнинг суҳбати кечгача давом этди. Хуфтон номози баҳонасида Али Яздий ўрнидан қўзғалишга ижозат сўради...

Темурий шаҳзода Иброҳим Султон ҳам маънавиятпарвар ҳукмдор ҳисобланган. У бир минг тўрт юз ўттиз биринчи йилда шайх Саъдийнинг бир ғазалини ўзи мармарга ўйиб ёзган. Унинг бир нусха Қуръони каримни кўчиргани ҳам бор ҳақиқат. Афсуски, Иброҳим Султон узоқ яшамади. У қирқ тўрт ёшида вафот этмишди...

– Темурийлар, айниқса, Соҳибқироннинг ўзи ҳам қанчалик қаҳри қаттиқ бўлмасин баъзан, меҳр-оқибатли, санъат, адабиётни қадрловчи эрдилар. Бу гапларни такрор айтишим ҳам бежизга эмас. Уларнинг хусусияти барчага аён Ғиёсиддинбек.

Ғиёсиддин Баҳодирнинг бу масканда яшаётганига чамаси уч ойдан кўпроқ вақт ўтди. Бир кун бозорда қий-чув тўпаланг бошланиб кетди. Маълум бўлишича шаҳар ҳокимининг амри билан бозорни тафтишчилар босибди. Улар бозордаги деярли барчанинг сотаётган молини қўлидан тортиб олиб, қақшатаётгандилар.

– Тўрт болам бор, менинг молимни олиб қўйсангизлар гўдакларимга не емиш топиб едиргаймен, – дея зорланарди бир аёл.

– Шафқат қилингиз ногиронмен, – дейди бир таёққа суянган қирқ ёшлардаги киши.

Аммо солиқчилар шаҳар ҳукмдорининг ёрлиғини пеш қилишиб, ҳеч кимга қулоқ солмайдилар. Ғиёсиддин энди молини қопга жойлаб, елкасига ортмоқчи бўлган вақтда биттаси келиб, унинг молига ёпишди. Ғиёсиддинга бир қаради ва сал орқага тисарилди.

– Аввалом бор ассалому алайкум, – деди Ғиёсиддин.

– Во-алайкум ассалом, бу нима молдир?

– Кийим-кечак, тақсир бошқа вақо эрмас.

Нимагадир ноиб ҳозир бу нотаниш кишига кўп ботина олмай муомала қилаётганди. Афтидан, у Ғиёсиддинни шаҳар ҳокимининг солиқчиларга қарши қўйилган хуфяси деб тусмол қилаётганди.

– Мусофирмусиз дейман тақсир?

– Йўқ, асло. Шаҳардин узоқ эрмас маҳалламиз. Мавлоно Шарофиддин Али Яздийнинг қўшнилари бўладурмен.

Бу гапни эшитиб солиқчининг авзойи ўзгариб, юмшоқ муомала қилди. Сал жилмайиб турди ва секингина гапирди.

– Молингизнинг гардига ҳам дахл қилмасмиз. Фақат ҳозир эл кўзинда олиб қоламиз. Тушдан кейин ҳу кўриниб турган эшикни қоқасиз. Менинг исмим Баротқул.

– Майли, сизга инондим. Менинг исмим Ғиёсиддин.

Ғиёсиддин шундай деб, улардан нари кетди. Тушдан кейин келиб айтилган эшикни қоқди. Баротқул ўзи эшикни очди ва олиб қўйган молни қайтариб, бериб юборди. Бозорда сотувчининг камлиги учун бўлса керак молнинг харидори ҳам тез топилди. Ими-жимида молни сотиб бўлган Ғиёсиддин уйга қайтди. У савдо қилганда ҳам унча-бунча мол ўтказмасди. Исми-жисмига монанд беклигича қолгани ҳолда бозордаги ўн-ўн беш сотувчининг молича ашё олиб чиқарди. Шундан кейин бекнинг молига ҳеч ким дахл қилмайдиган ва солиқчи Баротқул

билан у қадрдонлашиб кетди. Бир қараганда бу бозорнинг ҳам файзи ўзгача. Ҳар қаердан унга ўхшаб мусофирчиликда юрганлар ҳам кўп, ерли аҳоли ҳам кўпчилик. Кимдир пулини олдириб қўйган, кимдир молини олдириб қўйган, ола-ғовур бозор бу. Мамлакатдами, четдами бўлиб турган янгиликлар ҳам аввал шу ерда урчийди-да, кейин бошқа ёқларга тарқалади. Қизиқ воқеалар ҳам бўлиб туради. Ғиёсиддин савдо қилиш баҳонасида баъзан бозорни айланиб вақт ўтказарди. Бир куни қизиқ воқеа бўлди. Бу ерда кўтара ҳам савдо қилувчилар, кўтара харидорлар ҳам бисёр. Улгуржи савдо қилувчилар ҳам тиқилиб ётибди. Бозорда ёнғоқни санаб сотувчи савдогарлар ҳам бор. Гўшт, гуруч, унни тарозидан ўмариб сотувчилар ҳам кам бўлса-да топилади. Ёнғоқни санаб сотувчилар қизиқ найранг қилишар экан. Улар ёнғоқни ўз қопидан икки қўлида тўрттадан олиб харидорнинг қопига санаб ташлашаверади. Демак, ҳар бир санаган пайтда саккизта ёнғоқ харидорнинг қопига тушиши керак. Учар сотувчилар шунчалик уста бўлиб кетишган эканки, икки қўлида иккита ёнғоқни бош бармоғи ва кўрсатгич бармоғида маҳкам ушлаб олишар экан. Тез ҳаракат қилгани учун бу қилиқларини содда харидорлар илғаб қола олмас экан. Натижада ҳар санаганда иккита ёнғоқ уриб қолвераркан. Саккиз юзта ёнғоқ олувчи харидор бечора олти юзта ёнғоққа эга бўлиб кетавераркан. Сал эътибор қилган киши уларнинг кирдикорини билиб олиши қийин эмас. Чунки улар бошқалардан кўра молини арзон тилаб, ўзи "охири қолди" шунинг учун арзон қилдим деб бечора харидорни лақиллатиб юбораверараркан. Сут сотувчи, қаймоқ сотувчиларнинг ҳам найранги кўп бўларкан. Идишнинг юза қисми қаймоқ остки қисми қатиқ бўлиб қоладиган ҳоллар ҳам кўплаб содир бўлиб туради. Бироқ бундай сотувчиларни бозор ходимлари ушлаб олса тўппа-тўғри қозининг қўлига тушиши ва бир умрга бу бозорга кира олмайдиган бўлиши тайин. Аммо от-уловлар

сақланадиган, чорва моллари сотиладиган бозорда умуман бошқача манзара, деворларнинг устига ёпиб ташланган хуржунлар куни билан турса ҳам биров суқланмайди. Ҳамма сотувчилар молининг айбини ўзлари очиқ айтиб сотишади. Битта бозорда неча тур манзара. Ана-мана деб орадан икки йилча вақт ўтиб кетди. Бу вақтга келиб Ҳиротда, умуман Хуросонда вазият бироз юмшай бошлаганлиги тўғрисида хабарлар келиб турарди. Ғиёсиддин пинҳона ўз юртига қайтишни қумсар, аммо ҳали фурсати эмас эди. Мавлоно Шарофиддин Али билан қўшни бўлганлиги ҳам бир томондан унга далда бўлди. Ўғли Алишер эса осоқол бобо деб Мавлоно билан деярли ҳар куни кўришиб турар, унга Шарофиддин бобоси баъзи ўринларда сабоқ ҳам ўргатиб борарди. Тақдир тақозоси билан орадан уч ой ўтиб, Ғиёсиддин Баҳодир оиласини олиб Шероз шаҳрига кўчиб ўтди. Орадан яна бир ярим йил вақт ўтиб кетганини ҳам сезмай қолибди. Кунлардан бир куни бозордан қайтган Ғиёсиддинни ўғли Алишер кутиб олди. Бола зукколик билан сўзлай кетди:

– Ассалому алайкум отажон, суюнчи беринг бугун уйимизга меҳмон келди, Ҳиротдин эмиш. Меҳмон меҳмонхонада ҳордиқ олиб ўлтирибдирлар.

Ғиёсиддин ўғлининг гапини эшитибоқ жадаллик билан меҳмонхонага дохил бўлди. Ичкарига кирса ҳиротлик Муйиддин элчи келган экан. Қучоқлашиб кўришиб кетдилар. Сўрашиб бўлишгач, у ичкарига йўналди.

– Меҳмоннинг қадамлари қутлуғ бўлсин, – деди хотини Бегим отин.

– Албатта, шундоқ бўлгай, – деди қисқа қилиб Баҳодир.

Меҳмонхонага қайтиб кирганида эса элчининг ҳам сабри тугаган экан чоғи дарҳол Абул Қосим Бобурнинг таклиф билан ёзган хатини тутди:

Биз учун қадрли ва эъзозли Ғиёсиддинбек ҳурматли

биродаримизга. Масофа йироқ бўлса ҳам қалбимиз яқинлиги абадий деб ҳисоблагаймиз. Тезда, имкони бўлса хабар олиб борган элчимиз бирла Ҳиротга қайтиб ўз тупроғингизда қўним топишингизнинг тарафдоримиз. Сизни кутурмиз. Дийдор кўришишни Яратган эгамиз насиби рўз айласун.

Султон Абул Қосим Мирзо. Ҳирот. Сана, муҳр.

– Мавлоно, гарчи бу тупроқда ҳам қарийб икки йил ризқ тердингиз, қадр ҳам топдингиз. Шоҳимизнинг раъйларига қарши иш тутмангиз, – деди меҳмон.

Ҳамма хурсанд эди. Айниқса ичкаридаги аёллар, хизматкорлар. Ёш Алишер бу янгиликдан боши осмонга етаёзди. Икки кундан кейин ўтиб Ғиёсиддин Бекнинг кичик карвони шаҳар дарвозасидан чиқиб, Ҳирот йўлига тушди. Бундан бир ярим йил аввал қандай маҳзунлик билан бу юртга келган бўлсалар, энди у ҳолга тескари ўлароқ шунчалик сархушлик билан йўлда кетиб борардилар. Ҳатто жониворлар ҳам гўё, бир нарсани фаҳм қилиб тургандек жадал одимлардилар. Тўрт соат ўтиб эса кичик карвон яна ўша тўрт томонга уланиб кетган йўл устидаги карвонсаройга етиб келди. Ўн икки кун деганда эса саёҳатчилар Ҳирот дарвозасидан кириб келдилар.

Шундай қилиб, Ҳиротдан бошқа кўплаб зиёли кишилар ҳам Ғиёсиддин Баҳодирдек бошқа манзилларга кўчишгандилар. Баъзилари йўлини топиб олган бўлса, баъзилари яна қайтиб келишга мажбур бўлдилар. Ҳирот тинч эмасди. Тўрт киши бир ерга тўпланса мамлакатда рўй бераётган воқеалардан сўзлашади. Айниқса, Саид Акбар бозорга чиққан куни бундай гапларни кўп эшитади. Айни пайтда Мовароуннаҳрнинг ҳукмдори Султон Абу Саид Мирзо билан Хуросон салатанат соҳиби Абулқосим Бобур ўртасидаги мухолифлик кучайган эмиш. Кишиларнинг суҳбат мавзуси доим шу ҳақдаги муносабатларга бориб тақалади:

– Биродарлар ҳаммангизга маълум мамлакат тинч эмас. Бу

нотинчлик биз шўринг қурғур камбағалларга кун бермайдир. Энди тўғри келган кишини сипоҳликка олишармиш.

– Султон Шоҳрух Ибн Темур Кўрагондин вақт ўтиб нотинч бўлиб қолдик. Мирзо Абдулло сал фуқаропарвар эдилар. Афсус, умрлари қисқа экан.

– Абулқосим Бобур Хуросон била Мовороуннаҳрни қўшиб идора қилиб тура бориб ягона салтанат яратиш иштиёқида эканлар. Бундай қарашларнинг остида нима ҳақиқат борлигини ҳеч бир фуқаро тушуниб ета олмайди.

– Энди Абулқосим Бобур орзу қилган Соҳибқирон Темур, Шоҳрух Мирзою, Улуғбек Кўрагон барпо қилган салтанат пайдо бўлмайдир. Ахир Хуросоннинг ўзи ўн бўлакка бўлиниб кетди десам хато қилмаган бўламан. Бунинг учун қиличининг тиғи қинга кирмаган Амир Темурдек мард, қатъиятли, жоиз бўлганда ўз фарзандини ҳам тиғ остига олиб боришга амр қиладирган подшоҳ керак.

– Кўп ҳолларда Темурий шаҳзодаларнинг рухсатсиз, ўзбошимчалик қилганида Темур Кўрагон жаҳл қилсалар Сароймулкхоним вазиятни юмшатиб олар эканлар. Аммо ўзлари ҳам амру фармон билан унча-бунча саркардани жазога мустаҳиқ қила оларканлар. Шунинг учун шаҳзодалар гуноҳ қилиб қўйсалар неча вақтлар Соҳибқирондан қочиб юриб, жон сақлаб қоларканлар. Салтанатда қатъиятлиғ бўлмаса мамлакат осойишта бўлолмас,фуқаронинг кун кечирмаги душвор бўлғай. Шундай эрмасму?

Ростдан ҳам ҳазрати Соҳибқирон жуда қаҳрли ва қаттиққўл подшоҳ бўлган. Мироншоҳ Мирзо Амир Темурнинг учинчи ўғли эди. Амир Темур Шимоли-ғарбий Эрон, Ироқ ва Жанубий Қофқоз ҳудудларни забт этганидан сўнг салтанатнинг ғарбий ҳудудларига ноиб қилиб Мироншоҳни тайинлайди. Мироншоҳ Соҳибқироннинг бошқа ўғилларидан фарқли хусусиятга эга эди. Хусусан, майхўрлик ва маишатни хуш кўрарди. Шу

сабаб шаҳзода маишатга берилиб қолади. Унинг завжаси Хонзодабегим эрини бу йўлдан қайтаришга кўп уринади. Чунки бу гап салтанат соҳибининг қулоғига етиб борса, албатта қаттиқ жазо тайинланиши муқаррар эди. Кунлардан бир кун малика сарой хазинабонини чақириб, хазинанинг айни дамдаги ақча миқдорини суриштиради.

– Хазинанинг охири кўринган, бегим, ҳатто сичқонлар дон ахтариб чор атрофга зир югурадилар. От-уловга емиш, сипоҳга киймак учун ҳатто бир қирон ортиқча маблағ йўқ. Шаҳзодага ҳар куни бу ҳақда айтавериб толиқдим. Соҳибқирон бунинг учун менинг бошимни олишлари тайин. Ўлимимни бўйнимга олиб яшаяпман. Энди Самарқандга юбориладиган ҳисса тўғрисида гапириш эса қайғули.

Малика Хонзодабегим ўйланиб қолди. Нима чора қилишини билмай боши қотди. У шошилинч Самарқандга жўнаш тараддудига тушди. Хотинининг тўсатдан Самарқандга отланиши ҳам Мироншоҳни безовта қилмади. Маликанинг эса бундан бошқа йўли йўқ эди. Бирор мактуб ёзса хат бировнинг қўлига тушиб қолиши эҳтимоли бор. Хуллас, Хонзодабегим зерикиб қолганлиги қайнонаси кайвони малика Сароймулкхонимни жуда ҳам соғинганлигини баҳона қилиб йўлга отланди. Тез кунда Хонзодабегим Самарқандга етди. Икки кун ҳордиқ олди. Унинг авзойини кўриб Сароймулкхоним ташвишга тушди:

– Сиҳатингиз жойинда эмасму? На бунча ҳорғинворсиз?

– Йўл толиқтирди чоғи мени, шунга сал қийналдим.

Келинининг бекорга таклифсиз ташриф буюриши, албатта, Соҳибқироннинг ҳам, синчков Сароймулкхонимни ҳам бефарқ қолдирмаганди.

– Не бадкирдорлиғ била банд Мироншоҳ? Ростини айтинг.

– Ахир мен қандоқ қилиб ўз ёстиқдошимнинг қилмишлариндин шикоят қила биламан онажон?

– Бегонага сўзлармудингиз. Мен ўз фарзандим кирдикорин сўрай билмасам, бу не кўргулик бўлғай?

Хонзодабегим йиғлаб юборди. Хазинабоннинг айтган барча сўзини оқизмай-томизмай айтиб берди. У хазинанинг тугаб қолганидан эмас, эрини тўғри йўлда юрмаганидан, бу иш қон билан ювилиши мумкинлигидан қўрқар эди. Сароймулкхоним ўйланиб қолди. Аммо вақтни бой бермасдан тезда шоҳга бу гапнинг барини етказди. Келини хабарни еткизган куннинг эртасига Ироқдан чопар етиб келиб, у ҳам бу ҳодисанинг бутун тафсилоти билан Соҳибқиронга сўзлаб берди:

– Бир қошиқ қонимдин кечинг давлатпаноҳ, – деди ўзи ҳам қалтираб турган хабарчи Мирхон Насафий.

У яширинча мамлакатни, шаҳзодалар ҳукм юритадиган бошқа узоқ-яқин музофотларни кезиб юриб хабар етказиб турарди. Бундай хизматга ундан бошқа ҳам неча киши ёлланганини соҳиби салтанатнинг ўзидан бошқа биров билмасди.

– Не кўнгилсизлик? – деди шоҳ қисқа қилиб.

– Шаҳзода Мироншоҳ одоб доирасиндин чиқмишлар. Кўнгиллари тунлари маликалар висолини, кунлари эрса олтин қадаҳларда жилваланмиш майгун мажлисларни қўмсайдир.

– Не кўринишда майхўрлик қиладир. Қароргоҳга танҳо ўзи беркиниб олиб чоғирхўрликму? Агар ундай эрса сен бу одатини қаердин била қолдинг?

– Аъло ҳазрат асло ундай эрмас,

– Унда не, менға исботу далилинг бирла сўзла.

– Атрофларинда калтафаҳм, маишатни хушлайдирган бетавфиқлар мавжуд. Хусусан, Абдулқодир Мароғий, Қутбиддин Ноий, Ҳабиби Удий, Ардашер Чангий ва бошқа кишилар била базм уюштирурлар, мажлисларинда уд чалиб, раққосларни таклиф қилурлар.

– Мароғийни не жин урмиш? Ахир ул қанчалик эъзозимга сазовор бўлган эрди. Ироқ Султони ал-Ҳусайннинг надими

эрди. Ўзим ихлос қўйиб, Самарқандга ҳам олиб келган эрдим ул нобакорни.

– Рост айтасиз олампаноҳ. У ўз вақтида Ризоуддин Ризвоншоҳ ташаббуси билан ташкил қилинғон бир мусиқий мусобақада ғолиб чиқиб юз минг динор мукофотга сазовор бўлиб эрди. Ўзи беназир бастакор, ажиб истеъдодли санъаткор. Хаттотликдин ҳам хабари бор деб эшитадирман. Ўша ютиб олғон сармояси унинг кўзини боғлаб, ақлини олғон деб фаҳмлайдурмен.

– Тўғри айтдинг. Биз ҳам унинг истеъдодини ҳисобга олгандик. Самарқандда бош хонандалик рутбасига лойиқ кўрган эрдик.

– Рост, анга кўрсатган барча марҳаматингиздин хабарим бор.

– Сен номини тилға олғон бу ақли ноқисларнинг барчаси ўзига хос истеъдодларку. Зимдин яхшилаб текшурганмудинг?

– Каломи мажид гувоҳ бўлғай шоҳим. Ўзим аларни батафсил тафтиш қилдим.

Элчининг бу хабари ва кеча Сароймулкхонимнинг айтган сўзлари боис Соҳибқирон қаттиқ қаҳрга минди. Тез фурсатда аркони давлат ва уч-тўрт шайхни машваратга чақирди. Фавқулодда бир ҳол юз берганлигини барча йиғилганлар сезиб турардилар. У гап бошлади:

– Салтанатимиз устунларига путур ета бошлабдир. Менинг инонган, пушти камаримдин бўлғон калта фаҳм шул муносабатда бўлса кимга суянурмен? Мироншоҳ майхўрликка берилмиш. Маишат ортидан вақтини ўтказиб, мамлакатни таназзуллик чоҳига тортибдир. Амрим шулки, анинг ўзи ва бутун йирик амалдорлари зиндонбанд қилинсин, керак бўлса қатлга маҳкум этилсин. Хусусан, шаҳзода Мироншоҳ, Абдулқодир Марофий ва бошқа анга ҳамтовоқ бўлғон неки муртад иш қилғон борки, барчасининг боши танидин жудо қилинсин.

Ҳамма лол бўлиб қолган, хонада зоғ учса билинарли даражада сукунат ҳукм сурарди.

– Қозикалон ва Шайхулислом тафтиш жамоасини ёнингизга олинг ва бугуноқ йўлга отланингиз. Амримиз шул!!

Шу бугуннинг ўзида тайинланган гуруҳ билан бирга Хонзодабегим ҳам Султонияга қараб йўлга отланди.

Эртасига шоҳ қабулига келган аъёнлар кечаги нохуш воқеа гувоҳлари жим бўлганча шоҳ ҳузурида турардилар. Бир йўталиб олиб Мир Саид Барака гапга тушди:

– Шоҳим, кечаги амрингиз биз фақирларнинг бағримизга тиғ санчиб юборди. Гуноҳкорга жазо муқаррар, ва лекин бундай қатъий ва шафқатдин йироқ қарор.. Бир эмас бир неча кишига нисбатан бундай қатъий чора кўришга азм эт....

– Жазо муқаррар деб ўзингиз айтиб турибсиз, бироқ нечун энди монелик қиладирсиз? Жазо муқаррар эрса, амалда бўлмоғи жоиз эрмасму?

Мир Саид Барака ҳеч нарса дея олмай қолди. Лекин ўлтирганлар ҳукмни сал юмшатишни истаётганларини билдириб турардилар. Шу онда пирнинг гап бошлагани бошқаларга далда берди. Вазиятдан фойдаланган Амир Шоҳ Малик ўрнидан қўзғалди ва гап қотди:

– Давлатпаноҳ, ахир ўз ўғлингизку?!

– Ўғлим эрса ҳали мен тирик туриб хоҳлаған ишини қилаверсинму? Раиятнинг ризқини совураберсинму? Бу не бедодлиғ?

Амир Темур шундай дея тахтида бир қўзғалди ва ўнг томонида тик турган Шоҳ Маликнинг бетига қаҳр билан термулди. Шоҳ Малик эса яна титраб-қақшаб тилга кирди:

– Давлатпаноҳ ул йўлдин адашганлар ҳам бандаи ожиз, айниқса шаҳзода Мироншоҳ фарзанди аржумандингиз, гарчи ани қатлга буюрар эркансиз, ислом қиличига фарзандкушлиғ исноди доғ бўлиб тушмоғи муқаррар ва бу эл-улуснинг сиёсатингизга эътироз қилмагига сабаб бўлур.

Шоҳ Маликнинг исломни ўртага қўйиб гапириши

Соҳибқироннинг сокин туриб қолишига сабаб бўлди. У жим туриб ўйлана бошлади. Энди ҳар ёқдан бошқа шайхлар ҳам Шоҳ Маликнинг фикрини қўллаб далил келтира бошладилар.

– Қозикалон билан Шайхулислом тафтиш қилсину жазони тўхтатиб турсин, – деди Амир Темур сўнгра.

Шундай қилиб Қозикалон билан Шайхулисломнинг ортидан қўшимча чопар юборилди. Хонзодабегим эса, ўз қилган ишига ўзи пушаймон бўлиб борарди. Энди эрини нима жазо кутаётганлигини билолмай хуноб бўларди. Чунки қайнотасининг кейинги қарорини у билмасди. Сир тутилганди. Уларнинг карвони Султонияга етишига икки кун қолганда шоҳнинг қабул қилган янги қарорини чопар етказиб борди. Шаҳарга кирилгандан кейин бор гапнинг ҳаммасини Шайхулислом Мироншоҳга айтди ва энди минбаъд бундай хатоликларга йўл қўймасликка чақирди. Аъёнлар фақатгина Мироншоҳнинг гуноҳини енгиллаштиришга эришдилар.

– Мен энди асло бундай калтафаҳмлиғ қилмасман. Падари бузрукворим менга тўлиқ инонсинлар, менинг ўтинчимни, албатта, етказғайсиз, тавба қилдим, – деди.

Шундай қилиб, Мироншоҳ инсоннинг иродаси ҳар нарсага қодир эканлигини исбот қилди. У бутунлай хусусиятини ўзгартириб, бошқа кишига айланди. Ҳатто Соҳибқироннинг кўп маротабалаб олқишларига ҳам сазовор бўла олди. Жумладан, Мароғий қаландар тусига кириб қочиб жон сақлаб қолди. Табриздан кетиб Султон Аҳмад Жалойир ёнига бориб, паноҳ топди. Орадан икки йил ўтиб, Амир Темур Бағдодни қайта қўлга киритганида у яна Соҳибқиронга асир тушди.

– Бузоқнинг қочмоғи қаергача эрканлигини фаҳм қилиб олдингму, – деди Амир Темур Мароғийга.

– Мен хом сут эмғон бандаи гумроҳни авф этинг олампаноҳ. Агар мумкин бўлса таҳорат олишимга изн беринг энди қаҳрингиздин қутулмоғим душвор. Кўзим етмайдир. Сўнгги

илтижойим менга рухсат берсангиз охирги маротаба ояти калималардин ўқиб, ўзимға таскин топай.

– Тилагинг бажарилур. Келиб ибодатингни аъёнлар қошида бажаргайсан.

Соҳибқирон ҳар доим ҳар ишни адолат тарозисига тортиб кўрар, хусусан, аҳли аъёнларнинг ҳамда шайхларнинг фикрини ҳисобга олар эди. Абулқодир Мароғий шу жабҳада ўз маҳоратини намойиш қилди. У муқаддас Қуръон сураларини шундай қироат билан ўқидики, ўлтирган аъёнларнинг кўплари масти лояъқил бўлиб қолдилар. Соҳибқирон эса, унинг бу истеъдоди учун гуноҳидан кечиб юборди. Соҳибқироннинг вафотига қарийб эллик йил вақт ўтганига қарамасдан унинг салтанатни бошқариш учун амалга оширган ишлари мана шундай тилдан-тилга ўтиб юрарди. Гўё, кечаги воқеалардек кишилар кўз ўнгида намоён бўларди..

Соҳиби салтанат вафотидан кейин эса, Абдулқодир Мароғий Самарқанд тахтининг соҳиби, мусиқа ва шеъриятнинг ашаддий мухлиси Халил Султон эъзозига сазовор бўлиб унинг билан мустаҳкам дўстлик риштасини боғлади. Шоҳрух ва Мирзо Улуғбекнинг Халил Султон устидан ғалаба қозонганидан кейин у Ҳиротга Шоҳрух саройига таклиф қилинади. Саройнинг шуҳратини ошириб улкан санъаткорлик даражасига етиб, мусиқашунос, шоир ва рассом бўлиб шаклланади. У "Жомеул-алхон" яъни "Оҳанглар тўплами" деган асар ёзиб ўғли Нуриддин Абдураҳмонга бағишлайди. Яна бир асари "Мақосидул алхон" яъни "Оҳанглар мақсуди" асари эса Шоҳрухнинг ўғли шаҳзода Султон Бойсунқурга бағишланган. У Ҳирот аҳолисига қирон келтирган вабо касалига учраб вафот этган. Марҳумнинг кенжа ўғли Абдулазиз ҳам мусиқашунос, хаттот ва рассомлик санъатига ошуфта эди...

Юқорида тилга олганимиздек айни дамда Хуросон ва Мовароуннаҳр ҳукмдорлари бўлган икки саркарда ўзаро келиша

олмай салтанат талашиб ётибдилар. Натижада айни йилларда Хуросоннинг ўзи ўнлаб бўлакларга бўлиниб кетган, ҳар бир шаҳзода ёки четги ҳукмдорлар ўзларича бир ҳукмфармо бўлиб Хуросонни таламоқдалар. Соҳибқироннинг вафотига қирқ тўққиз йил тўлди. Айни дамда Самарқанд Темурий шаҳзода Абул Қосим Бобур томонидан қамалга олинган. Бобосининг тахтида ўлтирган Султон Абу Саид Мирзо ҳам Абул Қосим Бобур билан келишиш йўлидан юраётгани йўқ. Аслида ҳам кун кечириши маҳолга айланган халқнинг аҳволи яна оғирлашди. Самарқанд қўрғони ажиб бир маҳзунлик орасида, у денгиз тўлқинида довулга учраб чўкаётган кема тимсолида. Ҳар куни Абул Қосим Бобурнинг сипоҳи ёпирилиб келиб, мустаҳкам дарвозалар олдида саф чекади. Тепадан эса шинаклардан қараб турган Султон Абу Саиднинг сипоҳлари уларга камон тортишади. Қий-чув қирғинбарот бошланади. Икки томондан ҳам неча бегуноҳ сипоҳлар ўққа тутилади. Ҳар куни Султон Абу Саиднинг ўзи кўплаб саркардалари қуршовида қўрғонни айланади, истеҳкомда турган сипоҳларга далда ва рағбат беради.

– Азиз биродарларим, бу машаққатли кунлар ҳам ниҳоя топгувсидир. Буюк соҳибқирон Амир Темур мулкидин бизга пешкаш айланган Самарқанд салтанати ёғийга бош эгмайдир. Биз собит турмагимиз сиз мард паҳлавон баҳодирларга боғлиқ. Собит турингиз рақибга бош эгиб яшаш кимга маъқул келарди. Агар биз ҳозир сулҳ тузсак ҳам кейинги ҳаётимиз фаровон бўлмайди. Буни ўзингиз яхши тушунажаксиз....

Шоҳнинг ўзи келиб, сипоҳлар билан юз кўришиб гаплашиши қўрғон ҳимоячиларининг кучига куч қўшгандек бўлади. Аммо шундай бўлса ҳам тасодифдан бошланган бу қамал элни, элни эмас салтанатдагиларни ҳам эсанкиратиб қўйди. Чунки захирада озиқ-овқат ҳам, бундай ҳолга эҳтиёт бир чора ҳам кўрилмаган эди. Бу ҳолат бошланганига бир ой чамаси вақт бўлди. Кундан-

кун қамал қийинлашиб борарди. Ташқаридагилар билан алоқа боғлашни ва дарвозани очишни режа қилган икки-уч гуруҳ саркардалар қўлга тушишди ва кўплари бу ишлари билан ўзларини ўзлари қатлга олиб боришди. Ташқарида Абул Қосим Бобурнинг сипоҳлари ҳам зерикдилар. Бу мақсадсиз мухолифатли кураш ҳеч кимга яхшилик олиб келишига биров ишонмасди. Ҳиротда, бутун Хуросонда ҳам аҳвол яхши эмас. Бир томондан ички кучлар, иккинчи томондан ташқи саркардаларнинг Ҳиротга кўз тикиши авжига чиқди.

– Амирим, Ҳиротда аҳвол танглашибдир. Орқага қайтмасак ишнинг яхшилик билан тугаши даргумон, – деди Абулқосим Бобурга шайхлардан бири. Самарқанд умиди билан бу ерда турсак Ҳиротни ҳам қўлдин бой беришимиз эҳтимоли бор. Ёши бироз ўтиб қолган Ҳирот ҳукмдори Самарқанд хаёлидан умидини уза бошлаган, ўзи ҳам не қарорга кела олишини била олмасди. Аммо кутилмаганда Султон Абу Саид сулҳ тўғрисида таклиф билан одам юборди. Бунга сабаб ўз ватани Чочга кетган муқаддас зот Хожа Аҳрор Валий кеча тунда Самарқандга кириб келган эди. У Чочда туриб ҳам, йўл-йўлакай ҳам Самарқандда, ҳамда Ҳиротда нима воқеалар кечаётганидан хабардор бўлиб турганди. Шунинг учун тезда Самарқандга қараб йўлга тушганди. У Султон Абу Саид Мирзога сўз қотди:

– Шаҳзода бул иш бирлан салтанатни мустаҳкамлаб ҳам, обрў-этибор топиб ҳам бўлмас.

– Абул Қосим остонамизга қилич бирлан келиши менинг ҳамиятимга тегди муҳтарам шайх.

– Ул ҳукмдорга ҳам сўзлайдирган сўзимиз бор. Элнинг жонини сўриб, эришилган муваффақият бирор ҳукмдорга татимас.

Тезда Абулқосим Бобурга ҳам Хожа Аҳрор томонидан юборилган ва Хожанинг имзосию Султон Абу Саиднинг муҳри босилган мактуби етиб келди.

Элга жабр қилмоқ эвази бирлан эришилган муваффақият бирор ҳукмдорга татимас. Бундай вазиятда ақлни пеш қилиб иш тутмак оқилнинг иши саналур. Сана. Муҳр. Самарқанд. Султон Абу Саид, Хожа Аҳрор.

Баъзида инсон ҳаётида тасодифлар ҳам содир бўлиб туради. Қарангки, бугун Самарқанд қамалининг бошланганига қирқ кун бўлган экан. Абул Қосим Бобур мактубни очиб ўқиди ва жуда хижолатга ботди.

– Лашкарни сарой дарвозасидин четлатинг. Қамал бекор қилинадир.

Қароримизни лашкарга овоза қилинг, – деб амр этди у.

Абул Қосим Бобур Султон Абу Саид томонидан қамалнинг қасди учун ўзига бирор ҳаракат бўлмаслигига амин бўлди. Натижада қамални тўхтатдилар. Келишувга биноан аввалгидек Амударё икки давлат ўртасидаги чегара ҳисобланиб, қирқ кунлик қамал шундай ижобий тарзда якун топди. Ҳиротга қайтган Абул Қосим Бобур бир муддат касалланиб қолди. Аслини олганда бу ҳукмдор маърифатли инсон ҳисобланади. Бобоси Шоҳрух Мирзонинг ўгитларини доим хаёлида сақлаб иш юритарди. Замонлар силсиласи эса тинимсизлик билан давом этмоқда.

Орадан икки йилча вақт ўтиб кетди. Айни дамларда Саид Акбарнинг ишлари орқага кетди. Мамлакатда бўлиб турган номутаносибликлар унинг ҳам турмушига салбий таъсир қилди. Хуросонда ич терлама касаллиги авжига чиқиб, хотини Хадичабегим эса касалланиб ётиб қолди. Саид Акбар Ҳиротдаги табибларнинг деярли барчасига мурожаат қилиб чиқди. Аммо хотинининг аҳволи кундан-кун баттарлашиб борарди. Хадичабонунинг дардига яна бир дард қўшилди. Қиш кунларнинг бирида сирпаниб кетиб йиқилиб тушди ва оёғи синди. Энди у тўшакка михланиб қолди. Уч ёшга етиб-етмаган Беҳзоднинг ҳам беғубор болалиги заққумга айланди.

Кўп ўтмасдан у онасидан жудо бўлди. Оиланинг ҳамма оғирлиги Саид Акбарнинг гарданида бўлиб қолди. Энди унинг хаёлида фақат шу фарзандини асраб-авайлаш фикри турар эди. Кундузлари тирикчилик ғамида ўғлини опичлаб кўчага чиқиб кетган Саид Акбарнинг ҳовлига киргиси келмасди. Ҳайҳотдек ҳовли, эндиликда кимсасиз гўшага айланган учта хонага қайрилиб ҳам қарамасди. Бугун дам олиш куни бўлганлиги сабаб ўзини овутиш учун уй ичларини тозалагандек бўлди. У ер-бу ерга супурги урди. Хоналар тортанак ин қўйиб ташлаганидан кўримсизликка юз тутиб ётарди. Айланиб юриб деворда илиб қўйилган, чангга ботган уч-тўртта мўйқаламга кўзи тушди. Кичкинагина идишларда қўлбола бўёқлар қотиб қолган эди. Бир хаёли уларни ташлаб юбормоқчи бўлди. Аммо чиқариб ташламади. Бундан неча йиллар аввал мусаввирлик санъатига ҳам қизиққан, кейин турмуш қийинчиликлари билан бу касбга жазм қила олмаганлигини ўйлаб ўзича жилмайиб қўйди. Ҳатто узоқроқ қариндоши бўлган, эндиликда машҳур мусаввирга айланган Мирак Наққош ёнига бир неча бора борганлиги эсига тушди... Балким мусаввирлик касбини ўрганса ҳаёти бошқачароқ бўлар, бундай қора кунлар бошига тушмасмиди, ким билсин?!

У ўғлини доим ёнида олиб юришга мажбур бўларди. Бир йил ўтмасдан Саид Акбар ҳам бу дунёни тарк этди. Хотинидан ич терлама касаллигини юқтириб олган экан. Энди эса етим қолган Беҳзодга суянч бўлувчи бирор ҳимматли киши йўқ эди.

Ёши қирқни қоралаб қолган Мирак Наққош бу аянчли хабарни икки кундан кейин эшитди. Кўп азиятлар чекди. У Саид Акбарнинг бир йил аввал завжаси вафот этганлигини биларди. Мирак Наққош ёнига иккита шогирди билан фотиҳа заруратига кўра, Саид Акбарнинг хонадонига борди. Эгнига чопон кийиб белини боғлаб олган Беҳзодни кўрган кишининг кўзига беихтиёр ёш келар, зотан, ҳали оғзидан она сутининг

ҳиди аримаган бу гўдак ҳовлининг танҳо хожаси, отаси раҳматлининг ягона азадори бўлиб қолганди. Қўшни чолнинг ёнида чўкка тушиб ўлтирган Беҳзод тиловат тамом бўлганда қолганларга қўшилиб жажжи қўлларини юзига олиб бориб овмин қилар, кейин яна бошини ерга эгиб олганча сукутга кетарди. Мирак Наққош боланинг на она томонидан, на ота томонидан яқин кишиси йўқлиги учун уни ўзи билан бирга олиб кетишни режа қилди. Ўринларидан турганларида эса Беҳзодни ёнига чақириб олди. Боланинг бошини силаб туриб гапга тутди:

– Мени танидингизму Беҳзоджон?

Наққошнинг томоғига йиғи тиқилиб, овози зўрға эшитилди. Бола жим турди ва бош силкитиб жавоб берди:

– Ҳа, танидим. Отам гапириб турардилар.

– Зеҳнингизга балли. Эртага яна келадирман. Мен билан шаҳарга борасизму?

Бола тикка турганича икки қўлининг бармоқларини бир-бирига ўтказган кўйи жим бош эгиб турарди. Сал фурсат ўтиб жавоб берди:

– Хўп, майли борадирман.

– Ўксинмангиз, ўғлим. Ҳали ҳаммаси яхши бўладир.

Шундай қилиб, эртасига Мирак Наққош келиб фотиҳада кўп вақт ўлтирди. Икки-уч соат оралиғида Беҳзод билан савол-жавоб қилиб турди. Баҳонада унинг фикрлашини синаб ҳам кўрди. Тушдан кейин эса Беҳзодни ўзи билан шаҳарга олиб кетди...

Икки йиллик сарсончиликлардан кейин Ҳиротга чақириб олинган Ғиёсиддин Баҳодир Сабзавор шаҳрига ҳоким қилиб тайинланди.

– Бек биз сизга инонадирмиз. Тез орада Сабзаворни тартибга олурсиз. Султон Абулқосим Бобур Ғиёсиддинга ишонч билдирмоқда эди.

– Ҳа, албатта, Оллоҳ насиб этса сайъ-ҳаракатдан толмасман. Аммо мусофирлик таъмини тотган бу кўнглим ҳануз озорчин. Имкони бўлса оилам бағрига тез-тез келишимга рухсат қилинса?! Фарзанди аржумандим жуда шўх ичикиб қолмасин деган фикрдамен.

– Сўзингиз рост биз бу томонларни обдан теран ўйлаганмиз. Ҳиротга тез-тез келишингизга рухсат. Ахир, сиз маҳкамада фаолият кўрсатгансиз. Ишнинг кўзини биладирсиз. Ободончилик қилинг. Маблағ жоиз бўлса албатта бизга билдиринг. Маблағ берилур. Фарзандингизни мадрасага жойлайдилар. Эътиборимизда бўладирсиз. Эшитишимга қараганда болангиз жуда зукко эмиш.

– Мен ўзимга яқин беклардин хизматимга олсам монелик бўлмасму?

– Асло, кўнглингиз қайси кишини хизматга олишни истаса сиз учун монелик бўлмайдир.

– Ташаккур, илтифотингиздан жуда ҳам сарафрозман. Мени маъзур тутсангиз мавриди сабаб бир ўтинчим бор эди, сўзласам?!

– Хўш, хўш сўзлангиз бек жаноблари.

– Қайинларимиз Мир Саид билан Муҳаммад Али тўғрисинда сизға етказилғон хабарлар уйдирма эрканлигини ҳисобга олсангиз. Ахир мен улар қандай хусусиятли киши эрканликларини биладирманку Оллоҳ шоҳид.

– Мен ўзим ҳам қисман эрса ҳам аларнинг хусусиятларини яхши англайдирман. Бироқ нега айнан улар устиндин менга шикояти арз келишини кўп ўйлайдирман.

– Гадонинг душмани гадодир, ён-атрофиндаги калтафаҳм кишиларнинг чин хусуматидир бу иш, шоҳим.

– Майли, ташвишланманг. Биз тафтиш қиладурмиз. Бу масаланинг ниҳоясини ўзимиз кўзимиз билан кўрурмиз. Етиб келаётган гап-сўзларни ҳозирча фитнадин иборат деб ҳисоблаб

турадурмиз.

– Умрингиздин барака топинг шоҳим. Фақирнинг маҳзунвор кўнглини шод этдингиз. Мен аларни ўзим ҳам огоҳлантириб тергаб қўядирман. Ҳеч вақт салтанатингиз учун ножўя иш қилмак фикрига туша билмаслар.

Абул Қосим Бобурнинг ёрлиғини қўлига олиб уйига қайтган Ғиёсиддин Баҳодир хотинига кечқурун ош дамлашни ва оғаларини чақирмак фикри борлигини айтди:

– Ош дамлангиз. Кечқурун Мир Саид била Муҳаммад Али келгайлар. Бир дийдорлашайлик.

– Бош устиға! Амрингиз вожиб бек отаси!

Ғиёсиддиннинг хотини Бегим Ҳиротга қайтганларидан бери анча хушвақт бўлиб қолган. Бирор лаҳза бўлмасин уйнинг кир-чир босганлиги учун хизматкорларга эринмасдан тозалатиш билан овора. Аммо у ҳали эрининг шоҳ томонидан бугун Сабзаворга ҳоким этиб тайинланганидан бехабар. Аввалгидек Ҳиротда маҳкамада бирор ишда ишласа керак, шоҳнинг ўзи чорлаб олдику, деган хаёл билан юрибди. Кечқурун меҳмонхонада гурунг авжига чиқди. Бекнинг қайинлари ҳали поччалари қайтганидан бери тузук суҳбат ҳам қурганлари йўқ эди. Улар айниқса, жиянлари Алишерни ҳар хил саволга тутиб завқланардилар:

– Алишер, сафарда зерикиб Ҳиротни қўмсаб қолмадингизму?

– Ҳиротни эрмас, сизларни бот-бот қўмсадим тоғойи.

Унинг дона-дона сўзлари тоғаларининг авжини келтирар, зукко жиянларининг теран фаҳмли бўлиб улғайиб бораётганига шукур қилиб фахрланиб қўярдилар.

– Табаррук мавлоно Шарофиддин Али бобо билан кўришмишсиз?

– Кўришиш ҳам гапми тоғойи, биз қўшни турдик. Отам юмуш билан бозорга кетардилар. Мен ҳар куни у киши билан суҳбат қурур эрдим.

– Бориш-келишда саёҳат ҳам қилдингизму? Томоша қандай бўлар экан?

У бир отасига, бир атрофдагиларга қараб олди. Сўнг болаларча соддалик ва ўзига хос зукколик билан гап қотди:

– Боргунимизча бир кун ортда қолиб кетдим. Уйқум келиб отдин йиқилиб тушибдирман. Ҳаво иссиқ эрди-да. Отим тепамда тураверибдир. Уйқудан уйғонсам битта ўзим. Бийдек чўлда ётибман экан. Отимга миндим. У эса жадаллик билан юриб кетди. Отам карвонни тўхтатиб мени излаб юрган эканлар. Карвонбоши таъзирини ебдир. Етиб келсам ойим нуқул йиғлайдирлар. Мен чумолимидим йўқолиб қоладирган, дедим.

– Қўрқмадингизму?

– Недин қўрқайин остимда отим бўлса?.

Тоғалари Алишернинг бу гапларига қотиб қолганча кулардилар. Суҳбат тугамас вақт алламаҳалга бориб қолганди. Алишер отасининг ёнида чўзилиб, уйқуга кетибди. Мир Саид билан Муҳаммад Али поччалари уларни бекорга чақирмаганлигини ҳис қилардилар. Улар иккиси ҳам поччаларини ниҳоятда ҳурмат қилар, бирор маслаҳат берса амал қилиб келардилар. Ғиёсиддин туфайли уларни ҳам бирор кимса мушугини пишт дея олмасди.

– Мен Сабзаворга кетадиган бўлдим. Шоҳ Сабзаворни йўлга солиб, бизга ёрдам берасиз деган фикрда. Ёрлиғ ҳам чиқарибди. Йўқ дея олмадим. Негадир иккингизнинг тўғрингизда маҳкамада майда гаплар юрибди. Бул ишлар сизу менга тўғри келмайдир, иниларим.

Улар иккиси ҳам чурқ этишмади. Унда-бунда шоҳ тўғрисида гапирган эканликларини тан олиб турардилар.

– Почча бизни авф этинг, энди бундай ҳол такрор рўй бермайди, – деди Мир Саид Али.

– Пича сабр қилиб турасизлар мен Сабзаворга бориб ишимни

бошлаб олайин, иккингиз ҳам ортимдин етиб борурсиз.

– Майли, биз тайёрмиз, деди – Муҳаммад Али.

Шу билан бу масала ёпилди. Чунки Ғиёсиддин Баҳодир ҳар жабҳада ҳам қатъий қилиб бир оғиз гапирар, кўп гапиришни ёқтирмасди. Унинг бу хусусиятини деярли ҳамма биларди. Дастурхонга фотиҳа ўқилди. Меҳмонлар қўзғалдилар.

Ғиёсиддиннинг Сабзаворга ҳокимлик фаолияти жўшқинлик билан бошланди. Уни бу борада қўллаб қувватловчилар ҳам, аммо бу эзгу соҳибният кишининг ишига атайин тўсқинлик қилувчилар ҳам етарлича топиларди. У шижоат билан бу ўлкани бошқарар, аммо Ҳирот соғинчи юрагини бир лаҳза ҳам тинч қўймасди. Тез-тез Ҳиротга қатнаб турар, унинг бу ҳаракатига Абул Қосим Бобур бирор монелик қилмасди. Аксинча, қўллаб қувватлар кези келганда рағбатлантирарди. Чунки Темурийлар салтанатида рўй бераётган айни дамлардаги нотинчлик замонида Сабзавор энг аҳамиятли бўлган бир минтақа ҳисобланиб уни тинч-тотув ушлаб туриш, яна бунинг устига у ерда яратувчилик ишларини ҳам олиб бориш ҳар кимнинг қўлидан кела олмайдиган иш эди. Ғиёсиддин Баҳодирнинг олиб бораётган ишларидан кўнгли мамнун шоҳ у билан тез-тез суҳбат қилиб турарди. Бу гал ҳам шундай бўлди. Шоҳ холислик билан гап бошлади:

– Мана, бир йилдин ортиқ вақтдан бери Сабзаворни осойишта тутиб турибсиз, биз сизнинг сиёсатингизни қадрлайдирмиз. Энди тиланг агар не тилагингиз бўлса ҳам они бажо қилурмиз.

– Ташаккур шоҳ жаноблари. Бирор нимадан камчилигимиз йўқ. То ҳаёт экандурмен шу салтанат учун жон фидо қилмакка ҳам тайёрман.

– Сабзаворнинг ободончилиги учун бирор маблағ зарурлиги пайдо бўлса сўйлангиз мен амр этурман, маблағ ажратурмиз. Бошлаган қурилиш ишларингиз бадастур тикланиши учун, албатта, маблағ зарур бўладир.

– Биз бунёдкорлиғ ишларимизни навбатма-навбат амалга оширмак ниятидамиз. Шу боис фавқулодда маблағга эҳтиёж сезаётганимиз йўқ.

Ғиёсиддин Баҳодир мана икки йилга яқин бўлиб қолди, Сабзавор ва Ҳирот ўртасида қатнайди. У ўғли Алишернинг сабоқ олишини ҳеч бирор нарсадан устун қўймайди. Доим ўғлининг билим олмоқлиги билан қизиқиб келади.

– Сабоғидин қийналмайдирму, – деди у хотини Бегимга.

– Ўзингиз биладурсиз. Машғули нуқул китоб. Мадрасада ҳам барча тенгқурларини яхшироқ сабоқ олмакларига ундар эмиш. Ўзидин тўрт ёш улуғ Ҳусайн деган бола билан дўст тутунибдир. Ул йигит улуғ султон Соҳибқироннинг эваралари эркан. Шоҳрух ҳазратнинг учинчи ўғиллари Ғиёсиддин Мансурнинг фарзанди эрмиш. Онаси малика Қутлуғ Султонбегим ҳам Соҳибқироннинг набиралари эркан. Ҳусайн ҳар икки томондин Темурий шаҳзода ҳисобланур.

– Хабарим бор. Айлантириб суриштирилса ўзимизга ҳам хеш бўладир у зотлар.

– Ишқилиб, умри узоқ бўлсин фарзандларимизни.

– Сизларни Сабзаворга олиб кетмак фикрига келадирман. Аммо Алишерни ўйлаб бу фикримдин қайтадирман. Ул бир ўзи ёлғиз бу ерда қолса, сабоғига акс таъсир этадирму деб хавотирдаман.

– Йўқ, бек отаси. Сиз ёлғиз қийналмасангиз бас. Биз қийналганимиз йўқ. Алҳазар Ироқдаги мусофирчилиғдин.

– Унда тузук. Мен бамайлихотир бўладирман. Мусофирчилик ҳам билинмагай.

– Ўғлимиз кечқурун бўлди дегунча тоғойиларининг ёнига шошадур. Шеърхонлиғлар бўлиб қолса шеър ҳам ирод қилармиш. Шу болангизга кўз тегмасин деб хавотирим ортади бек отаси.

– Шу ирим-сиримлар поёнини топадирму ё йўқму?

– Ирим-сиримларда ҳам бирор ҳикмат бўладирку.

Шундай қилиб, ёш Алишернинг ҳаёти учун ота-онаси доим қайғуриб турардилар. Отаси айтганидек унга тоғаларидан юққанлигига шубҳа қилмаса ҳам бўлади. Икки тоғаси ҳам соҳиби қалам. Энди улар салтанатга қарши бирор сўз ҳам ишлатмайдиган, чин садоқат билан давлат хизматига бел боғлаб ишлайдилар. Шеърият бобида ҳам ўз ўринларига эга бўлсалар не ажаб. Йўқса ижодининг нафаси турли мамлакатларга етиб борган Лутфий, Жомий каби шоирлар, Саид Мирак Наққош ва бошқа унга ўхшаш мусаввирлар ҳамда турли зиёли кишилар уларнинг хонадонида меҳмон бўлишар эдиларми. Лутфий ва Жомий Мирак Наққошнинг мусаввирлик санъатини жуда қадрлайдилар. Мирак Наққошнинг асли исми Саид Мирак Наққош бўлиб, Хожагонийлардан бўлганлиги учун мусаввирни Хожа Мирак Наққош ёки Саид Руҳулло ҳам деб атайдилар. Кўпчилик эса қисқагина қилиб Мирак Наққош деб айтишни лозим кўради. Шундай қилиб, ўзаро, қизғин суҳбатлар баҳсга айланиб кетарди. Навбатдаги шундай учрашувда Мирак Наққошга Лутфий ҳазрат савол назари билан қараб сўз қотди:

– Биз яқинда қулоғимизга чалинган хабардин мутаассирлиғда қолдик. Ул хешингиз беморму эрдилар бандалик қилибдирлар,

Гап яқинда етим қолган ёш Беҳзоднинг отаси тўғрисида кетаётганди.

– Раҳматли Саид Акбар бизга ота томонимиздин акрабо бўлур эрди. Саккиз-тўққиз ой олдин рўзғори синиб, хотини вафот қилмишди. Ўзи етимлиғда камол топганди. Ич терлама билан оғриган эркан.

– Ёшми эрди раҳматли,

– Ўттизга етиб эрди.

– Оллоҳ раҳматига олсин, мавлоно, начора бандалик, – деди кекса адиб Абдураҳмон Жомий.

– Оллоҳ бандасига эгалик қиладирман деса ҳеч бир чора топилмас. Бир беш яшар ўғли қолди. Шаҳарга олиб келдик. Ўзимиз тарбиятга олдик. Бола жуда зукко, бироқ айни дамда боланинг рангига қараб қалбимиз ўртанадики, сўнгги кўринмас. Бу дунёнинг ишларига баъзан инсон зоти тўзим топа била олмай қоладир.

– Ўзингиз бошини силасангиз ажиб бир йигит бўлғай у етим бола. Оллоҳ сизға куч берсин.

Даврада ўлтирганлар шу ва шунга ўхшаш гап-сўзлар билан Мирак Наққошнинг бу қилган эзгу ишини олқишлаб қўйдилар. Бу воқеадан хонадон соҳибларининг хабари бор эди. Ёш Алишер эса, тоғасининг ёнида кексалар айтган гапларни тинглаб ўлтирар, сағирликнинг аччиқ қисматини у жажжи қалби билан сезар, теран ҳис қиларди. Чунки ўзининг дўст тутинган ўртоғи Ҳусайн ҳам отасидан эрта ажралганини билар, унинг кўп ҳолларда маҳзун бўлиб қолганлигини кўриб юрарди. Энди давра аҳли шеърият, ижод тўғрисида музокарага киришиб кетдилар. Мир Сайид Алининг бир ҳикояси даврада ўлтирганларнинг барчасини диққатини ўзига қаратди:

– Султон соҳибқирон саройларинда бир хаттот хизматда бўлган экан. Хаттотнинг исми Умар Ўкта бўлиб бир қўли йўқ экан. Ўзининг истеъдоди ўз бошига бало келтириб, бир қўлидан айрилибди. Бунинг тарихи жуда узун бўлган. Табиблар ҳаётини сақлаб қолиш учун қўлини кесиб ташлаган эканлар. Ҳатто Соҳибқирон назаридаги энг кўзга кўринган кишилар қаторидан жой олади.

– Унда бахтини топган экан, ул киши.

– Нимасини айтасиз, албатта, унча-бунча киши Амир Темурнинг назарларига тушмоғи душвор бўлганлигини барча билади. Соҳибқирон уни бир асраб олган қизларига куёвликка муносиб ҳам кўрган эканлар. Воқеа бундай бўлган :

Соҳибқирон Бағдодни ишғол қилган вақтларида фарзандлари шаҳзода Шоҳрух Мирзо ҳам бирга бўлган. Бирор жангу жадал

содир бўлмай Соҳибқиронга тобе бўлган шаҳарда томоша қилиб юрган Шоҳрух Мирзо билан Соҳибқирон шаҳар кутубхонасига ташриф буюрадилар. Кутубхона мутасаддиси бир неча мўъжаз ва чиройли китобларни тайёрлаб уларга топширган экан. Кутубхонадан маънавий лаззат топган зафарнишон меҳмонлар пешин намози вақти бўлганлиги учун аъёнлар қуршовида масжидга қараб кетдилар.

– Тағин қайтиб бу маскандин озуқа олмак фикримиз бор, албатта,– деди Шоҳрух Мирзо кутубхона бошлиғига.

– Бош устиға амирзодам, – жавоб берди у ҳам.

Эртасига сал толиққан ўғлининг юзларидан сўник ҳолатни сезган салтанат соҳиби шаҳзодага бу "Тинчлик шаҳри"ни томоша қилишига рухсат берадилар. Шаҳарни кезиб юрган шаҳзоданинг диққатини бир чиройли пештоқли бино ўзига жалб қилиб қолади. Амирзода сайрга олиб чиққан аъёндан бу бино масжидми ё мадрасами деб сўрайди:

– Бу мадрасадур, – жавоб берди мезбон.

Шаҳзода у ерга кириб, илми толиблар билан суҳбатлашишни ихтиёр қилади. Ҳовлига киришса таажжубли ҳолга дуч келишади, яъни ҳовлида бирор зот кўринмасди.

– Айни дамда таътил бўлганлиги сабаб, бу бинода ҳеч ким йўқ, – деди сайр қилдирувчи хижолат тортиб.

Шаҳзода ҳовлида айланишда давом этди. Шу маҳал бир ҳужрадан кишини сел қилиб юборар даражадаги Қуръон тиловати эшитилиб қолди. Ҳамма тек қотиб ўлтириб олганча тиловатнинг тугашини кутди. Тиловат тугагач, Шохрух тўрт нафар навкар ҳамда саркарда Исмоил Баҳодир ҳамроҳлигида ҳужрага қараб юрди. Ичкарига кириб борсалар бир йигит хонтахтада ўлтириб китоб мутолааси биланд банд экан.

– Мумкинму, – деди шаҳзода Шоҳрух араб талаффузида хонага киришгач.

– Ассалому алайкум, хуш келибсиз, марҳабо, – деб ўрнидан

турди мезбон йигит ҳам арабий лаҳжада..

Меҳмонлар ва мезбон бир-бирларига анча қараб қолдилар.

– Кечирасиз тинчингизни буздим, – деди Шоҳрух.

Йигит ҳечқиси йўқ дея бош қимирлатиб қўйди.

– Сиз мударрисмисиз?

– Ҳа, мударрисман, меҳмон.

Шоҳрух бир пасда хужрадаги китоб жавонига бориб ундаги китобларни олиб кўра бошлади. Мезбон эса, бирор гап айтмасдан шаҳзоданинг ҳаракатини кузатиб туриб қолди. Китоблар орасидан бир мўъжазгина китобни қўлига олган шаҳзода уни очиб варақлай бошлади.

– Ул табаррук китоб Султон ул-орифийн Қул Ҳожа Аҳмад Яссавий ҳазратнинг ҳикмати мубораклари, – деди туркий тилда мезбон.

Шоҳрух Мирзо бир муддат ўз қулоқларига ишонмай жим туриб қолди. Сўнг ажабтовур ҳиссиёт билан тилга кирди:

– Сиз бизнинг турк тилимизни қайдин билурсиз?

– Биладирман, ахир ўзим турк улусиндин бўлатуриб нечун бу тилни билмаслигим жоиз? Қани меҳмонлар кўрпачага марҳамат ўлтирингизлар.

– Ажабо, ажиблиғ қандай қилиб бу юртларга келиб қолгансиз,

– Бунинг тарихи узундир, жуда ҳам. Падари бузрукворимиз асли моваруннаҳрлиғ бўлганлар. Аниқроғи Кеш шаҳринда таваллуд топғон эрканлар.

– Не дедингиз, Кеш шаҳри дедингизму?

Йигитнинг бу сўзидан Шоҳрух Мирзонинг кўзлари ёниб кетди. Сўнг бесабр мусофирдек сўз қотди:

– Тангри таолога беҳад шукрларким, етти ухлаб хаёлга кирмаган бир олис, бегона элда икки кимса учрашиб турса... Мана бу китоб кутубхонангиздин қай сифатда жой олмиш, айта оласизму? Ўзи яқинда китобат қилинган кўринур.

– Узоқ йиллар аввал бу китобни Бухоро шаҳридин келган бир

киши совға қилғонди. Вақт ўтиши билан сарғая бошлабдир. Ўзим яқинда нусха кўчириб қайтадин китобат қилғон эрдим.

– Хаттотлиғ била китобатлиғ ишиндин хабарим бор денг.

– Ҳа, оз-моз хабарим бор. Ўзингиз ҳам илму билимга берилғон инсон эркансиз.

– Тўрт-беш йил мадраса тупроғини ялаған кишига сизнинг айтғон таърифингиз мос келадур. Саройдаги уч-тўрт домладин узуқ-юлуқ таълим олган биздек инсонларга илмлиман демоқликка йўл бўлсин.

– Илмнинг кечи бўлмас, шаҳзода ҳали илм оламан десангиз фурсатингиз етадир ёшсиз, каминага ўхшаб.

– Хатингиз жуда бежирим эркан. Неча хил хатда ёза оладурсиз,

– Тўққиз хил арабий хатнинг барчасинда ёза оладирман. Ўн беш йилдин бери машқ қилиб юрадирман.

– Қаранг, китоб суҳбатиға шўнғибмиз вале, танишмабмиз ҳам. Исмингиз нима мавлоно, – деди Шоҳрух Мирзо.

– Исмим Умархон. Отамнинг исмлари Ўктамхон эрди.

Суҳбат қизғин давом этар атрофдаги тўрт-беш киши эса бу суҳбатга аралашмасдан хонанинг четида ўлтирардилар.

– Мавлоно авф қилғайсиз, хаёлимга бир фикр келиб қолди,– деди Шоҳрух. – Мободо, биз билан ота маконингиз бўлган юртга қайтмоқ фикрингиз йўқму?

– Билмадим, раҳматли отам билан волидам мендин бир ўтинч истаб бу дунёдин риҳлат қилган эрдилар. Бир вақти келиб қолса ўз юртларидан икки сиқим тупроқ олиб келиб қабрларига сочсам руҳлари ором олур эрмиш.

– Биз Бағдоди шарифда қанча кун бўлурмиз, ноаён. Бироқ сиз бирор қарорга келишни ўйлаб кўринг ва каминага хабар етказинг. Сизга сўз уқтирмоқлик жоизмас аслинда. Бироқ қазоси етган инсоннинг ўтинчини амалга ошириш тирикларга савоб нурини ёғдирадир. Бошқа нарса эрмас. Энди шайхул машойих ҳазратларининг ушбу китобларини мутолаа қилмак учун олсам изн берурсизму туфроқдош?

– Жуда уялтирдингиз каминани, шаҳзода. Шул нарсани сўраб ўлтирганингиз каминани хижолатга ғарқ этди. Бош устиға, бемалол олингиз.

Меҳмонлар ташқарига чиқишди Умархон уларни кўчагача кузатиб қўйди.

Ўғли олиб келган чиройли муқовали китобни варақлаб туриб, бу мўъжаз китобни кўчирган хаттотни саройга олиб келишларини Соҳибқирон тайинлади. Тангри таоло бу йигитга тенгсиз истеъдод бахш этган эркан, деган ўй кўнглидан кечарди соҳиби салтанатнинг.

Ал-Мансурия қасрининг гўзаллиги ва Соҳибқироннинг салобати саройга етиб келган Умархонни саросимага солиб қўйди. Уни бугун танишиб олган дўсти Шоҳрух Мирзо кутиб олди. Ичкарига Амир Темурнинг хонасига кириб олган пайтда мусаввир бироз саросимада қолди бироқ шу ондаёқ Амир Темур маҳобатли овоз билан гап қотди:

– Қани бизга ёвуқроқ келчи, хаттот мен сени яқиндин кўрайин деб бунда чорлағонман. Ҳукмдорнинг юзида табассум жилваланди.

Саросимами, ҳаяжонми нимадир Умарнинг вужудини қамраб олганди. У кўз қирини дўсти Шоҳрухга қадади ва ундан нажот кутди. Бемалол ўзингизни эркин тутинг дея имо қилди унга дўсти кўзи билан. Умархон Соҳибқироннинг қўлларидаги эрталаб Шоҳрух сўраб олган "Девони ҳикмат" китобини кўриб тураради.

– Настаълиғни бундоғ маҳорат била битмакни кимдин ўргангансиз хаттот? Ахир арабу ажамнинг бирор жойинда ҳалигача бу нозик, гўзал хатда битмак ва ўқимакни билмайдилар, шундоғ эрмасму? Ҳа, айтганча бу хатни ким ихтиро қилмишини билурмисан хаттот?

Умархон жим эди.

– Бундин йигирма йил аввал бизнинг саройимизда айнан хизматда бўлиб турган Хожа Мирали ибн Илёс Табризий бу хатни ихтиро қилғон эрди, – деди давлатпаноҳ ўз саволига ўзи жавоб айтиб.

Отасининг бу сўзларидан Шоҳрух ҳам фахрланиб олганлиги аён эди.

Соҳибқирон қўлидаги чиройли китобни кўксига босиб турди ва яна гапга тушди:

– Биз сенинг хаттотлигингга шубҳа қилмасмиз. Бироқ тафтиш қилмоқ, синаб кўрмоқ одатимиз бор. Сени бир синаб кўрсак кўнглингга олмассан ўғлим? Амир Темур менға инонмади деб ўйламагайсан.

– Асло кўнглимга олмасмен. Марҳамат шоҳим.

Шу заҳоти қоғоз қаламлар муҳайё қилинди. Хонтахта устида турган қаламлардан биттасини олиб Умар қоғозга соҳибдавлат айтган сўзларни ёза бошлади.

– Менга қара сен чап қўл билан хат ёзмакчимусан?

– Айбға буюрмассиз камина чапақайман. Бироқ ўнг қўлим билан ҳам хат ёзабераман.

– Майли, зарари йўқ, қани унда бошладик.

Умархон Амир Темур айтиб турган сўзларни тўққизта қоғозга арабий хатининг настаълиқ, насх, таълиқ, куфий, риқоъ, сулс, райҳоний, ҳамда шикаста, муҳаққаҳ каби барча тўққиз тури бўйича бирпасда ёзиб кўрсатди. Самарқандда бундай иқтидорли мусаввирни, хаттотни кўрмаганлари учун ота-ўғил ҳукмдорлар бу иқтидор эгасига лол қолиб турардилар.

– Падари бузруквор, бу ажиб тенгсиз истеъдоддур. Мен шу вақтларгача Мирали Табризийдек улуғ зотни бу борада жуда маҳорат соҳиби ҳисоблардим. Аммо менинг дўстим Умархон у кишидан ўн чандон ортиқ эрканлар, – эътироф этди Шоҳрух.

Дўстининг бу эътирофи Умархоннинг ийманишу ҳадик билан туришини йўққа чиқариб юборди.

– Сен бизнинг юртимиз, ўзингнинг боболаринг юрти Кеш, Самарқанду Насафни кўрганмусан хаттот?

– Олампаноҳ гарчи бу юрагимдаги пинҳона орзуим эрсада, ҳануз ул масканларга ризқим тортилмади. Аммо, ниятим ўшал тупроқларни тавоф этмаклик.

– Яратган эгам сенинг мақсадингга етказсун! Тарих ўқуганмусан?

– Тарихни у қадар ўқимабман, олампаноҳ.

– Бул яхшилиғ аломати эрмас. Яхшилаб ота-боболаринг келиб чиқишини ўрганмакка тиришгайсан.

– Хўп бўладир, айтганингизга амал қилурман.

Энди Соҳибқирон хаттотга рухсат бермоқчи эди, тўсатдан бир нарса хаёлига келди ва яна гапга тушди:

– Хаттот ўғлим, эртага тағин келгайсан. Бизнинг Бағдоди шариф уламои киромлари билан машваратимиз мавжуд. Сен эртага бизнинг тарафимиздин ул олийшон зотларга мутаржимлиғ қиладурсан, маъқулму?

– Бош устиға эртага, албатта, келурман. Не хизмат эрса тайёрман.

– Боракалло ўғлим. Бу сўзларинг туркийча тантилиғ аломатидин дарак берадир. Рафиқинг Шоҳрух сенинг ўшал мажлисда иштирокингни истайдир. Биз меҳмонмиз бу ерда сен мезбон сифатинда анга бир хизмат қилғинчи. Шу тариқа у бағдодлик илмли кишилар билан Соҳибқироннинг мажлисларида иштирок этиб, таржимонлиги билан ўзини намоён этди.

– Мавлонолар, сизларни зериктириб қўйдим чоғи, ҳикоям сал чўзиладир. Ё барҳам берайинму?

– Асло, зерикмаяпмиз. Биз ҳозир сизнинг ҳикоянгиз орқали гўё Соҳиби салтанат Амир Темур жанобларининг ёнларинда турғондекмиз. Сўзлайверинг, – деди мавлоно Жомий қатъий оҳангда.

– Хуллас, карвон Самарқандга йўл олиб ўн беш-йигирма кун деганда манзилга етади. Сароймулкхоним Амир Темурнинг топшириқлари бўйича Умархонни Мирали ибн Илёс хизматига топширди. Тез орада Умархоннинг истеъдодидан хабар топганлар орасидан унга хусумат билан ёндошадиганлар ҳам пайдо бўлди. Бундай кишилардан бири Мансур деган йигит эди. Чунки у ҳам хаттот бўлиб Умархондаги истеъдоднинг унда ўндан бири ҳам мавжуд эмасди-да. Қизиғи шу эдики, биз юқорида тилга олган Соҳибқироннинг тутинган қизлари Зулайҳо ҳам мадрасада хаттотликдан таҳсил оларди. Унга аввалроқ Мансур ҳам ошуфта бўлиб совчи қўймоқчи бўлган бироқ, қизнинг раъйи бўлмаганлиги, Мансурнинг отаси бизнинг бу оила билан тенглашадирган жойимиз йўқ, бекорга овора бўлганинг қолур дегани учун бу истак амалга ошмай қолиб кетганди.

Энди эса, орадан тўрт-беш ой ўтиб Умархон билан Зулайҳо танишиб олдилар. Орадаги муносабат қандайдир бир илиқ меҳр-муҳаббатга айланиб борарди. Соҳибқирон ҳали юришда бўлиб қачон қайтиши аниқ эмасди. Икки ёшнинг қалби бир-бирига талпиниб юргани учун, Сароймулкхоним Умарга шу яқин атрофдан бир ҳовли сотиб олиб бериб тўйни ўтказиб юбордилар. Тўй куни тўйда Умархоннинг тенгдошларидан фақат Мансур қатнашмади. Тоби қочиб қолган эмиш...

Орадан бир неча вақт ўтиб, Хитойдан катта савдо карвони Самарқандга келди. Умар ўша куни Мирали Табризий билан савдогарлар олиб келган молларни томоша қилгани борди. У ерда хаттотни бир гугурт қутисидек келадиган китобча қизиқтириб қўйди. Дарҳол ўша матоҳни сотиб олди. Қайтишаётган вақтларида Умархон Қуръони каримни мана шундай мўъжазгина китобчага кўчириб, Соҳибқирон эътиборларига ҳавола этмакчи эканлигини устозига айтди.

– Ихтиёрингиз, магарким бу ният юрагингиздин ўтибди

демак, Яратган эгам ўзи мададкор бўлғай, – деди Умархонга Табризий.

Умархон тезда ишга киришиб кетди. У бошидан ўтган кунларни, қийналиб яшаганини хаёлидан ўтказиб ҳунари ортидан мана шундай марҳаматга, ҳатто Амир Темурдек зотга яқин бўлганлигини ўйлаб сарафроз бўларди. У ўзи ўйлаган Қуръони карим нусхасини қарийб уч йил деганда ниҳоясига етказди. Саройга кириб келган Умархонни эшик оға Соҳибқирон ёнига киритмади. Аммо ичкаридан рухсат олиб чиққандан кейин унга киришга рухсат берилди.

Умархоннинг қўлида мўъжазгина қутичани кўриб турган Соҳибқирон уни саволга тута бошлади:

– Боболар юртига истиқоматингдин нолимасмусан хаттот?

– Асло, сиз менинг ҳаётимни бутунлай равон йўлга солдингиз олампаноҳ. Мен сизға ҳунаримни намойиш этмоқ, назарингиздин ўтказмоқ ниятинда бир совға тайёрладим, ушбуни олиб келғондим.

– Бу не совға бўлди хаттот, Амир Темур қутичани қўлга олди. У ниҳоятда гўзал қилиб яратилган бўлиб киши қўлидан қўйгиси келмасди.

– Муқаддас Қуръони каримни китобат қилиб, шу қутичага жойладим. Сизга совға қилиш фикринда эдим. Буни фақат сиз учун тайёрладим олампаноҳ.

Амир Темур бирпас жим бўлиб қолди. Кейин хаттотга қараганча сал таҳдид билан сўз қотди:

– Сен қандай қилиб муқаддас каломни ушмундоқ митти нарсага жойладинг? Қуръони карим шундай бачканаликка тенгму? Бу гуноҳи азим бўлмағайму?

Бироқ султон танбеҳ бериб ундан сўнг Умархонни мукофотлади. Меҳнатига ва истеъдодига таҳсин айтди. Энди эса мулзам бўлиб қолган хаттотни ҳеч нарса шодлантира олмасди.

Бундай муомалани кутмаган, аксинча, фақат мақтовли сўз эшитаман деб турган хаттот бирдан ўзига келди. Минг бора узр сўраб олиб келган матоҳини қўлига олиб, орқаси билан юриб чиқиб кетди. Умархон бу ҳолдан жуда кўп кунлар эзилиб юрди. Ўз қилган хатосидан, бу борада ишни бошламасдан туриб дўсти Шоҳрухдан маслаҳат олмаганидан афсус чекди. Бироқ тез кунда бу ишни бошқатдан бошлашни дилига тугиб қўйди. Энди Қуръонни жуда катта қилиб, ҳатто инсон қўлига олиб кўтара олмайдиган даражада яратишга аҳд қилди. Шу мақсад билан ишга киришди. Бу ишини хотини Зулайҳодан бўлак бирор зот билмасди. У куну-тун шу иш билан машғул бўлар, энди устахонаси остонасини ўзидан бошқа ҳеч ким босиб ўта олмасди.

Бу воқеадан кейин Соҳибқирон Ҳиндистонга юриш қилиб Самарқандни тарк этган эди. Бир йил деганда у бу ишни ҳам якунлади. Фақат китобни муқовалаш иши қолган эди, холос. Бу ишдан фақат устози Табризий ва унинг ўғли мавлоно Шаҳобиддин воқиф. Чунки ишни бошлашдан олдин Умархон қоғоз танлаш учун қоғоз сотувчи олдига устози билан бирга борганди...

Шундай қувончли кунларнинг бирида Умархоннинг ҳаётида яна бир унутилмас яхши воқеа содир бўлди.

Эрталаб унинг дарвозасини кимдир қоқди. Чиқиб қараса икки йигит уни кутиб туришарди. Меҳмонларни ичкарига таклиф қилди. Уни уч йил олдин Бағдоддан кузатиб келган Аслиддин исмли йигит ёнида яна бир йигитни олиб келибди. У гап бошлади:

– Бу йигит сизнинг қариндошингиз. Ўшанда Бағдоддан келиб бизнинг уйга тушганингизда Маҳмудхон исмли бобомиз бўлган эканлар деган эдингиз. Ҳамроҳим ўша Маҳмудхон бобонинг неваралари Аъзамхон бўладир. Шубҳа қилсангиз ана қўлида шажарасини ҳам олиб келган. Умар шажарага кўз

солди. "Маъруфхон, ўғиллари" Саидхон Махмудхон. Саидхон ўғли "Ўктамхон". Иккала қариндош кўзларида ёш билан қучоқлашиб кетдилар. Умархон Аслиддиннинг елкасига бир зарбоф тўн ёпиб сийлади.

Кеч куз кунларининг бири эди. Ёш хатотлардан бири Ёқубхон туғилган санаси муносабати билан уйида зиёфат уюштирди. Умархон тун алламаҳал бўлганда ўша зиёфатдан қайтарди. Ёнида юқорида тилга олганимиз Шаҳобиддин ҳам бор эди. Кўчасига яқинлашганида тўсатдан уларга бир киши от қўйиб кела бошлади. Бир пайт қиличнинг ялт этган акси намоён бўлди. Келаётган отлиғ Умарнинг елкасига қилич сермади ва яшин тезлигида тун қаърига йўқолиб кетди. Воқеадан шошиб қолган Шаҳобиддин нима қилишини билмай қолди. Чунки дўсти қонга беланиб, беҳуш ҳолда тупроқда беланиб ётарди. Сўнг Шаҳобиддин бақира бошлади:

– Ким бор, ёрдам беринглар, биродарлар ёрдам беринглар.

Умархонни бир аравага ётқизиб уйига олиб келдилар. Тезда уч-тўртта табибни уйидан бориб олиб келинди. Бемор ҳушсиз эди. Табиблар бир соатдан кейин хулосага келдилар.

– Қилич елкадан пайни ҳам, суякни ҳам кесиб кетибди. Энди қўлни елкадин кесиб ташлаш шарт. Йўқса, Мавлоно ўзига кела олмайдир. Қон тўхтамайдир. Охири фожеа бўлиши мумкин.

Бир елкасидан қўли чопиб ташланган Умар уч кун деганда кўзини очди. Энди табиблар унинг тирик қолишига ишондилар. Воқеа содир бўлган туннинг эртасига эса Мансур тўшакка михланиб бемор бўлиб қолди. Унинг ҳолидан отаси ҳайрон бўлди ва ўғлининг деворда осиқ турган қиличини кўздан кечирди. Қария даҳшатга тушиб қолди.....

– Сен оқпадарни Оллоҳ жазойингни берсин. Бу не қилғилиғинг? Энди бу оламда қандай қилиб бош кўтариб юрадирман? Оқ қилдим сани, жувонмарг бўлгин. Сенингдек фарзандим йўқ. Қария гурс этиб йиқилди.... Мансур эса жинни

бўлиб қолди. Отанинг қарғиши уни уриб қўйганди.

Кунба-кун табибларнинг ҳаракати билан Умар оёққа туриб кетди. Орадан қарийб бир йил ўтиб кетди. Бўлган воқеа Соҳибқирон қулоғига етиб бормаганди. Ҳинд юришидан зафар билан қайтган шоҳ уч-тўрт кунлик базм уюштирди. Базмга қатнашиш учун Зулайҳо қўлидаги чақалоғи, қизи билан саройга келди. Шоҳга одоб билан салом берди:

– Ассалому алайкум отажон, соғ омон келдингизму?

– Во-алайкум ассалом омон бўл, қизим. Қани бувиси бу қизим билан набирамизга мозорбости лаъллардин совға улашгинчи.

– Бош устиға амирим. Сароймулкхоним Зулайҳога ва боласига қимматбаҳо тақинчоқлар инъом қилди.

Зулайҳога ва жажжи қизалоғига қараб Соҳибқирон ич-ичидан эзилиб ўлтирар эди. У ичида ўзига ўзи сўзларди:

– Соҳиби салтанат эканлиғимни пеш қилиб бир қўли гул хаттотнинг ясағон буюмини салбий баҳолаб танбеҳ бермаганимда эрди, ўзим ҳам Оллоҳнинг қошида гуноҳкор бўлмасдим. Хаттот ҳам ногиронликка гирифтор бўлмасди. Мана, катта тантана қилиб элга ош бердим. Аммо менинг касримға дуч бўлган бир кўнгил қон ютиб базмға келмади. У мендин аразлағон. Минг бора ҳаққим ул Худонинг олдида бандасининг ҳаммаси тенгдир.

Тўй тадбирлари тамом бўлгач, Умар янги китобат қилган Қуръони каримни аравага ортиб, салтанат сари йўлга тушди. Воқеадан хабар топган Амир Темур ҳазрат ўғиллари ва хос аъёнлар билан унинг йўлига пешвоз чиқдилар.

– Сен хаттот яна ўз маҳоратинг бирла мен фақир Амир Темурдек бир зотни ҳайратга солдинг. Кел, сени бир бағримга босай ўғлим. Мендин сени койиганим учун нолишингга ҳам ҳаққинг бор, азамат.

– Аксинча, олампаноҳ сиздин нолисам гуноҳга ботган бўладирман. Ҳаммаси Оллоҳнинг ишидир. Мен тушунаман. Ахир ёш бола эмасманку.

– Барака топ ўғлим. Қани хазинабон мен бу хаттотнинг отига жиловдорлик қиладирман. Сиз эса унинг қилган хизматини баҳоси учун юз минг танга олтин ажратинг. Устидан сочқи қилинг. Бул зот шунга арзийдир, ҳа, ҳа арзийдир.

Хуллас, у бир қўл билан бўлса ҳам ўз ҳунарини маҳорат билан уддалар экан. Саройда унинг кўнглини кам ҳисоблаб биров хафа қилмас, нима илтижоси бўлса барча амалдорлар амалга оширишга бел боғлашар эканлар. Бу ишлари учун шоҳдан эъзоз ҳам топарканлар.

Ҳар доим уни эъзозлаб рағбатлантирувчи давлатпаноҳнинг дабдурустдан авзойи ўзгариб қолибди.

Бу воқеадан шу нарса англашилади, у ҳам бўлса ҳазрат доимо санъатни, маънавиятни қадрлаганлар. Керакли жойда, албатта, ижодкорга рағбатлар кўрсатганлар.

– Ҳа-ҳа-ҳа – деб кулди кекса шоир Жомий. – Ахир Шерозийга кўрсатган ҳимматларичи?

– Шерозийға қилган ул муомалалари ҳам аслинда шоирнинг маҳоратига қойил қолиб мутойиба қилғанлари бўлган-да, – деди даврада ўлтирганлардан кимдир.

– Бир фахр-ифтихор қилмоғимиз учун навбат етди, сўзламасам бўлмас. Табаррук зот Қаффоли Шоший не маҳоратли инсон бўлмишларки, қулф ясаб анинг калидини игнадин ясаган эрсалар. Бул ҳодисотларга ақлинг шошади инсон, ўзга бир нимарса эрмас, – деди яна ўлтирганлардан кимдир.

– Оқсаройдаги ложувардлик киши ақлини олади, – деди Мирак Наққош. – Унинг ноёблиғининг энг катта хусусияти шулки, сарой томининг тепасида улкан ҳовуз бунёд бўлғонлиги. Ҳовузга Тахти Қорача чўққисиндан сув ўз йўли билан оқиб келиб турадир. Бу сув йўли кориз усулинда бунёд қилинган бўлиб сопол ва қўрғошиндин тайёрланган экан. Шундай ноёб иншоотнинг меъмори табризлик уста ва наққош Муҳаммад

Юсуф ҳисобланадир. Бироқ унга Соҳибқироннинг ўзлари кўрсатма бериб турган эрканлар... Энди саройнинг безагига қанча олтин сарф бўлганлигини киши зоти ҳисоблаб чиқа билмас.

Баҳсли суҳбатнинг тугаб қолишини ҳеч ким истамасди. Кеч кириб қолганлиги сабаб ноилож ликдан дўстлар мажлиси якун топди.

Беҳзоднинг ҳаваси

Мирак Наққош қариндошининг ўғлини уйига олиб келганига икки ойча вақт бўлди. Жажжи Беҳзод бошидан нима кунлар кечаётганини сезар бирортадан отаси ё онаси тўғрисида сўрамасди. Наққош унга алоҳида меҳр кўргизишга ҳаракат қиларди. Чунки боланинг бу ерга олиб келганлигини эл-улус эшитган, ҳатто бундан Ҳиротнинг ҳукмдори Абулқосим Бобур ҳам хабардор бўлди. Энди бола тўғрисида бирор номақбул гап чиққудек бўлса, Наққошнинг обрўсига путур етиши табиий ҳол бўлади.

– Бировнинг боласини олиб келиб ўзингизга ўзингиз ташвиш орттириб нима қилардингиз, ёш гўдакнинг кўнглини топиш осонмикин, – деди хотини бир куни.

– Сенга оғирлиги тушмас, муомалангни тўғри қилгин. Қолгани ўз жойинда бўладир, – деди у жаҳли чиқиб.

Мусаввирнинг феълини яхши биладиган хотини шу билан қайта бу мавзуда гап очмайдиган бўлди. Наққош баъзи кунларда уйда қолар, қолган вақтларини шоҳ томонидан тайинланган топшириқларни бажариш билан банд бўларди. Хусусан, мамлакатда қурилаётган масжиду мадрасалар боғу роғларнинг китобаси, безак нақшлари тарҳини чизар, шоҳ билан деярли ҳар куни учрашишга мажбур бўларди. Кенг-кушод ҳовлисида

ҳам ажойиб адабий ҳаёт қайнар, шогирдлари устахонасидан аримасди. "Ўзимиз халққа олам гўзаллигини чизиб кўрсатишга тиришадирмиз, истеъдодимизни намоён қилиб ризқ топадирмиз. Шундай экан ҳар бир қилмак ишимиз гўзал бўлмоғи жоиз. Хусусан, кийинмакда, сўзламакда, истиқоматда ҳам", дейди Мирак Наққош. Шунга кўра у яшайдиган маскан орасталик касб этарди. Ҳовлисида экилган ҳар бир дарахт, бирор гул кўчати ўринсиз равишда кўзга ташланиб қолмайди... Туғишганинга эмас тушган жойингга ўхшагувчисан деб айтилган мақолни жажжи Беҳзод мисолида кўриш мумкин. У устозининг юриш-туришига муомала маданиятига лол қолар, таъбир жоиз бўлса айтиш мумкинки, жажжи қалбида Мирак Наққошнинг ҳар бир ҳаракати, хусусияти муҳрланиб борарди. Вақт ўтиши билан у эсини таний бошлади. Бу хонадонда бирор монелик кўрмади. Егани ёнида емагани ортида, бирор кийим-кечакка зориқмасдан улғая бошлади. Устахонада эса, доимо унинг машғулоти мусаввирлик, бўёқчилик асбобларини тозалаш, саришта-саранжом қилиш билан ўтарди. Наққошнинг хотини ҳам энди уни алқайдиган, ўз фарзандидек ёнига чақириб иш буюрадиган, эркалаб қўядиган бўлди. Беҳзод ҳам бу аёлга ўз онасидек эъзоз кўрсатар зеро, у энди ўн ёшга яқинлашиб қолганлигини ҳисобга олганда олти йилдан бери шу рўзғордан туз-намак еб улғаймоқда эди. Мирак Наққош шогирдларининг иши тўғрисида бирор гап очгудек бўлса аёли доим бир гапни такрорларди:

– Шогирдларингиз бироротаси менинг Беҳзодимчалик меҳнаткаш бўла олмас, ул жуда ғайратли йигит.

Мирак Наққош мийиғида кулиб қўяр “бировнинг боласи”га аёли бунчалик меҳр боғлаганидан мамнун бўлиб севинарди. Беҳзод эса, ўз билганича наққошликка қизиқиб кетар, қоғозда тасвирлари бузилиб кетган ё чала қолган чизмаларми, нақшларми ўшандай матоҳларни йиғиб ўзи битта жилдга

жамлаб юрадиган бўлди. У жуда кўп кузатарди. Ёшлигида отасининг хонасидаги қотиб қолган бўёқлар ва килкларни кўрганлигини эслаб отасининг ҳам бу соҳага қизиққанлигини фаҳм қиларди. Шу сабаб устозига кўплаб савол берар, Мирак Наққош уйда қолган ҳар бир кун унинг учун байрам бўларди. Бир куни Беҳзод устозига одоб билан мурожаат қилди:

– Устоз, бир савол берсам мени авф қилурмисиз?

– Қани эшитиб кўрайликчи саволингиз не тўғрисинда экан?

– Мен ёшлигимда отам раҳматли ҳаёт бўлган вақтларинда мана бу мойбўёқларни, ҳар хил шаклларнинг чизмаларини кўп кўрмиш эдим. Ўшал ашёлар ҳануз уйимизда қолиб кетган бўлиши, эҳтимол.

– Ҳа, рост айтасиз, – деди Мирак Наққош. – Бундай ашёлар сизнинг уйингизда мавжуд бўлиши бор гап.

– Аммо, ҳозир бу ердагидек, устахонадагидек бисёр эмасди. Камроққина эди.

– Отангиз раҳматли вақтинда менга шогирд тушмак хаёлида бўлган. Отангизнинг бобоси билан менинг бобом оға-ини бўлишган. Биз бир-биримизни яхши танирдик. Саид Акбар мендин ўн икки ёш кичик эрди. Менга ҳавас қилиб қўлига мойбўёқ тутмакни орзу қилганди. Бироқ, турмуш қийинчиликлари оғирлик қилди чоғи, вояга етиб раҳматли ойингизга уйланганидан сўнг бу ишдан кўнгли совуди. Оғир вақтлар эрди. У бир ўзи оилани тебратиши керак эди-да, шу билан келмай қўйди. Мамлакатда ҳукмдорлар пайдо қилган тортишув, зиддиятлар кўп истеъдодларнинг орзуларини йўққа чиқариб юборадир, болам.

– Айни дамда ҳам жангу-жадаллар бўлармиш устоз, шу ростму?

– Бу олам ҳар доим ҳам тебраниб турган, ҳукмдорлар салтанат талашиб туришган. Бу ҳодисалар бизнинг ҳаётимизга умуман дахлсиз. Биз ҳунармандмиз, ўз касбимизни эъзозласак бизга бирор ҳукмдор ёмон ният билан қарамас.

Боланинг саволидан кейин Мирак Наққош ўз ҳаётида кечган, шу вақтгача воқиф бўлиб келган воқеаларни ёдига олди. У ўз касбининг ортидан ҳеч қачон ёмонлик кўрмади. Қайси ҳукмдор бўлмасин доимо бирор ёмон ният билан унга укубат еткизгани йўқ. Ўзи туғилиб ўсган юрти Ҳиротдан бирор қадам четга ҳам чиққани йўқ. Мадрасада ўқиди Қуръонни ўқиб, таҳлил қилиб мағзини чақишдек билимни эгаллади. Наққош сифатида китобларни безаш ишини ҳам маромига етказади. Ўзи маҳоратга эриша бориб бир неча шогирдлар ҳам етиштириб касбини ўргатиб боряпти. Ёш Беҳзод ҳам ана шулар қаторига қўшилиб қолса не ажаб. Унинг мусаввирлик билан бир вақтда шуғулланадиган яна бир ҳунари бор. Маҳорати шунчаликки Мирак Наққош ажойиб ўқ-ёй ясашни ҳам уддасидан чиқади. Кўп йиллардан бери шу ҳунари билан ризқини топиб келмоқда. Мусаввирлик бўйича ҳам ўзига хос шиддат билан меҳнат қилади. Бошқалар уч-тўрт кунда бажара оладиган ишни у тўрт-беш соатда эплаб қўя олади. Шу касби орқали кўпгина кўзга кўринган ижодкорлар билан дўст тутинган. Улар Мирак Наққошнинг хизматига интиқ бўлиб юрадилар. Дастлабки иш бошлаган вақтларида Саъдийнинг асарларига суратлар чизиб эл оғзига тушган. Лутфий, Жомий асарларига ҳам ишлаган миниатюралари кўплаб топилади. Мирзо Улуғбек даврида Самарқандга бориб ижод билан шуғулланиш хаёли ҳам пайдо бўлганди. Аммо тўсатдан Мирзо Улуғбекнинг ҳаётидаги ўзгаришлар туфайли Самарқандга бориш фикридан қайтганди. Хуллас, у шу кунгача кечган ҳаётидан нолимайди. Энди қирқ ёшдан ўтди. Ҳали ҳаётда бажарилиши лозим бўлган, режалаган ишлари олдинда... Бир сўз билан айтганда унинг фаолияти доимо салтанат саройи билан боғлиқ ҳолда кечмоқда. Бироқ у бирор марта ўз йўлидан адашмади, бирор бора ҳукмдорга қарши ё салтанатга қарши ёмонлик қилиш фикрида яшамади.

Раҳматли Шоҳрух Мирзога суиқасд уюштирилган вақтни жуда яхши эслайди. Масжидда содир бўлган бу суиқасдни шоҳ сир тутишни амр этганди. Аммо пинҳона равишда бўлса ҳам бу ишнинг сабабчиларини излаш бошланган эди. Суиқасд қилган кимса бир бечораҳол дарвеш бўлиб ва ўша куннинг ўзида қатлга етказилганди. Тафтишчилар ҳаракат қилиб бу ишга алоқадор кимсани кимлигини топиш учун бутун Хуросонни изғиб чиқди. Масаланинг ниҳояси бўйича бир неча кишилар гумонланиб, ҳибсга олиниб, сўроқ-саволга тутилдилар. Қарангки, улар орасида бир хаттот ҳам бўлиб бу мусаввир Мавлоно Маъруф эканлиги аниқланди. У ўлимга ҳукм қилиниб, ҳибсга ташланади. Мавлоно Маъруфни Шоҳнинг ўғли Бойсунқур Мирзо жуда эъзозда тутарди. Бундай ҳодисотнинг содир бўлишини у хаёлига келтира олмаганди. Шаҳзода жадаллик билан ҳаракат қилади ва ҳибсхона бошлиғидан мавлоно Маъруф билан ўзини кўриштиришга кўндиради. Хаттот билан беш дақиқа суҳбат қилишга эришади:

– Сизни не шайтон йўлдин оздирмиш? – савол берди у нақкошга. – Шунчалик отам салтанатидин норизо эркансиз каминаға бир оғиз сўзлаб билдирмабсиз?

Қўлларига зил-замбил занжир осиғлиқ мавлоно Маъруф шаҳзодага қарай олмас, зотан не деб жавоб айтишга ҳам ҳайрон эди. Аслини олганда бу овоза унга бўлган ўз танишлари, кўра олмас кимсалар томонидан ўйлаб топилган туҳматдан бошқа бирор нарса эмас эди.

– Шаҳзодам, сиз менинг шу ишга алоқадорлигимга инонасизму?

– Асло. Шу сабаб сизнинг ўз забонингиздан бирор гап эшитайин деб учрашмакка жазм этдим.

– Орамизда бўлган мулоқотни олампаноҳга ўзингиз бориб айтингиз, менинг танҳо ўтинчим шул бошқа гап айтмакка ожизман.

Шаҳзода шу билан суҳбат якун топганини тушунди ва шитоб билан саройга йўл олди. Отасининг қабулига кирганда отасининг кайфияти анча чоғ экан.

– Келинг ўғлим – деди шоҳ.

Шоҳ топшириғига кўра яқин орада муқаддас Қуръонни сулс ёзувида ёзиб тугатган ўғли Бойсунқурни жуда катта мукофот билан сийлаганди. Бу ишининг туҳфаси учун Хуросоннинг бир йиллик хирожини бахш этганди. Нафис санъат соҳиби китобнависликда тенгги йўқ шаҳзода Бойсунқурни кўриб шоҳнинг яна ҳам чеҳраси очилиб кетди.

– Сизни соғиниб истиқболингизга шошилдим падари бузруквор, – деди Бойсунқур Мирзо.

Шоҳнинг Улуғбек Мирзоси фалакиёт, тиббиётда тенгсиз бўлса, бу фарзанди ҳам ўз ҳунари борасида тенгсиз.

– Хуш келдингиз, ўғлим. Сиҳатмусиз?

– Ташаккур отажон. Бир ўтинч бирла келдим мени авф этгаймусиз?

– Не тилагингиз бўлса айтингиз. Бажо қиладирман ўғлим.

– Мавлоно Маъруф бирла дўстлик, қадрдонлиғ ришталаримиз мустаҳкам эрди. Муборак қулоғингизга етиб келган хабарлар бўҳтондин иборат. Мен анинг бирлан учрашдим. Оллоҳни шафеъ келтириб онт ичди ва фақат бир сўзни сизга етказишимни ўтинди. Дедики:

– Шаҳзодам, сиз менинг шу қабиҳликка боришимга инонасизму?

– Падари бузруквор мен анинг шу бир оғиз сўзини ҳазм қила олмай лол қотдим. Ва демакчиманки, анинг бу ишга аралушувига инонмасмен.

Соҳиби салтанат жим бўлиб ўйланиб қолди. Шоҳ ўзича андиша қилар эди. Нечун ўғли мавлоно Маъруф учун бунчалик жафо чекяпти. Бош эгиб келиб ўлтирибди. Тўғри, ўғли аҳли санъаткорни, аҳли адабиётни жуда хуш кўради. Шоҳ ҳам, ўғли

ҳам хонада жим қотган эдилар. Бирдан шоҳнинг хаёлига отаси Амир Темурнинг ҳам неча аҳли шоир, неча аҳли ҳунармандни авф қилгани ёдига келди. Қатъий ва собитсўз отасининг сиймоси гавдаланди.

– Биз кечдик анинг гуноҳидин, балким бул иш унга нисбатан туҳматдир, – деди сўнгра шоҳ.

Шу билан мавлоно Маъруф ўлим чангалидан қутулди. Аммо, таниш билишлару эл назарида у барибир фитнакор деган тавқи лаънатга "сазовор" бўлиб қолди. Шукр Мирак Наққошнинг ҳаётида бундай ҳодисотлар содир бўлгани йўқ. Аммо Хуросону Мовароуннаҳрда кундан-кун нотинчлик ҳукмрон бўлиб бормоқда. Тўрт-беш йил осойишталик бўлса, яна қандайдир ички зиддиятлар авж олади. Шунга қарамасдан санъат, адабиёт бунёдкорлик борасида ҳаракатлар тинмайди. Шоҳрух даврида ташкил топган жуда катта нафосат ижодхонаси замонларнинг эврилишларига қарамасдан кундан-кун ривожланади. Бу борада юқорида тилга олинган шаҳзода Бойсунқур Мирзонинг хизматлари аҳамиятли бўлиб келмоқда. Шаҳзода ўн етти ёшида отасининг салтанатида вазирлик лавозимини эгаллаганди. Отаси унга Тус, Машҳад, Обивард, Шибирғон, Нисо, Мозандарон, Астробод, Журжон ва бошқа вилоятларни иноиб топширган. У жуда ақли теран ва моҳир саркарда ҳисобланарди. Салтанат тутган ҳукмдорлар орасидан унингдек истеъдодли саркарда етишиб чиққани йўқ. У Ҳиротда махсус кутубхона ҳам ташкил қилди. Қирқдан ортиқ етук мутахассисларни у ерга жалб қилди. Кутубхонага дунёда настаълиқ хатининг ихтирочиси мавлоно Мир Алининг шогирди Жаъфар Табризий саркор этиб тайинланди. Бу жамоа китобшунослик, хусусан, варроқлик, саҳҳофлик, тасвир, тазҳиб, тажлид, вассоллик, зарафшонлик ва бошқа бадиий санъат билан машғулликда бўлардилар. Шу қирқдан ортиқ ҳунарпарварларнинг барчаси нозик ва такрорланмас истеъдодга эга кишилар эди. Мавлоно

Шамс Бойсунқурий хаттотлик бобида Мирзо Бойсунқурнинг ўзига ҳам устозлик қилган. У олти хил хатни бежирим ёза оладиган киши бўлиб, шаҳзода Бойсунқурга шу маҳоратини ҳам мукаммал ўргатган. Бойсунқурдан ташқари мавлоно Азҳар, мавлоно Шаҳобиддин, Абдулла Марварид ҳамда мавлоно Шайх Маҳмудлар Жаъфар Табризийдан ҳунар ўрганганлар. Уларнинг кўпчилигини Мирак Наққош ҳам танийди, мулоқотда бўлган. Афсуски, Бойсунқур Мирзо ўттиз етти ёшида вафот этиб кетди.

Яқинда Сабзавор ҳокими Ғиёсиддин Баҳодир ҳам дунёни тарк этди. Бирор саркарда ё бирор ҳукмдор вафот этса, албатта, бу ишнинг мамлакат учун салбий таъсири намоён бўлади. Ғиёсиддин Баҳодирнинг ўғли ўн тўрт ёшли Алишер шеърият бобида ўз тенгқурларидан анча устун маҳоратга эга эмиш. Ёш йигитнинг довруғи Хуросону Мовароуннаҳрга овоза бўлиб улгурган. Устоз шоирлар унинг ёш бўлишига қарамасдан истеъдодига тан берадилар. Айни дамда ҳам ёш истеъдодлар етишиб чиқмоқда. Бир неча йил аввал шундай Темурийзодалардан бири шаҳзода Ҳусайн ҳам Абулқосим Бобур саройига хизматга кирган. У ҳам шеърият, адабиёт ва санъат борасида муносиб ўрнига эга бўлган саркарда деб тан олинган. Ҳусайн билан Алишернинг рафиқлик муносабатлари ҳам мавжуд эмиш. Алишерни ҳам, Ҳусайнни ҳам Абулқосим Бобур ўз тарбиясига олганди. Ўтган йили Абулқосим Бобур давлат пойтахтини Ҳиротдан Машҳадга кўчирди. Шунинг учун иккала шаҳзода ҳам Ҳиротни тарк этиб, Машҳадда яшашга мажбур бўлдилар. Ҳусайн Мирзо Алишердан уч ёш катта бўлиб саройда меҳнат қилар, Алишер эса асосан мадрасада таҳсил оларди. Улар деярли ҳар куни учрашиб, баҳслашиб турардилар.

– Мамлакатнинг нотинчлиги бизнинг ҳам қалбимизга жароҳат соладир дўстим, – деди Алишер бир куни. – Бот-бот Ҳиротни қўмсайдирман. Машҳад ҳам ёмон шаҳар эрмас, бироқ

ўз туғилган юртинг бошқача-да.

– Нимасини айтасиз, худди шундоғ Ҳиротда бўлганимизда яхшироқ бўлурди.

– Ҳиротда сабоқ олмоғимиз ҳам хийла яхши эрди. Зерикмасдик.

– Рост сўзлайсиз дўстим, шоҳимиз бизга бор шароитни яратғонлар. Камчилигимиз йўқ. Бироқ бизни соғинч қийнайдир.

– Сиз саройда ишлаяпсиз. Албатта эшитиб қолурсиз. Қачон Ҳиротга қайтур эрканмиз, била олмадингизму?

– Алишер дўстим, айни дамда бу ҳақинда билишга интилмоқ, бирор кишидин сўраб қизиқмоқ ҳам мумкин эрмас. Шоҳ эшитиб қолсалар ранжиб қоладирлар. Аммо, замона нотинч. Самарқандда Султон Абу Саид Мирзо куч тўплаб Хуросонга қўшин тортмоқчи бўлаётганмиш.

– Ё тавба. Яна хунрезликму? Бандаларга тинч яшамак имкони бўлмас эркан-да унда? Ахир Султон Абу Саид бизнинг шоҳимиз Бойсунқур Мирзо бирлан уруш очмасликка онт ичган эрдику?

– Бугунги айтилғон гап эртага тўғри келмас мақолини эшитмабму эрдингиз?

– Неча йилдин буён сарсонлиғдамиз, дўстим. Мен Ироқда яшаган кунларимизни эсласам, юрагим ҳаприқиб кетадир. Тунлари шу хаёл бошимға келса асло ором ола билмасман.

– Бу салтанат талашлик тугамас экан. Қани энди Ҳиротда ҳам Самарқандда ҳам Амир Темур бобомиздек адолатли шоҳ ҳукм ўрнатса. Биз ҳам осуда кунларда яшасак.

– Дўстим, шу нотинчликлар, беҳаловатлиғлар қанчалаб кишилар умрига зомин бўлмакда. Раҳматли отам Ироқда, Афросиёбда яшаган вақт бир беморликка дуч бўлмиш эрканлар. Шунинг касри умрларига зомин бўлди. Минг афсуслар чекадирман. Тоғойим сўзлашларига кўра шундоғ бўлғон эмиш. Отам раҳматли ўзлари тоғойим Мир Саид Алиға шундоғ деб

сўзлағон эканлар.

– Тезроқ улғайсак эрди. Мамлакат осойишталиги учун, элнинг сокин фаровонлиги йўлида хизмат қилар эрдик.

– Бу сўзингизга мен бажонидил қўшиладирман. Сиз бирор музофотнинг фармонбардори бўлсангиз эрди. Дарҳол сиз бирла ўшал масканга боришга тайёр эрдим.

– Яхши кунлар келур дўстим. Сиз шеъриятнинг забардаст яловбардори бўлурсиз. Битикларингизга устозларнинг баҳо беришларига кўра фикрим шак-шубҳасиз. Тоғойингиз иккалалари ҳам яхши қалам тебратадирлар. Буни тан олинг шеърият сизнинг қонингизда бор. Мен ҳавасдаман, дўстим.

– Раҳмат. Мен адабиётни жон-дилим билан севадирман. Рости ҳам жуда ёшлигимдин қизиқишим бўлғонлиги сир эрмас. Отам ҳам, волидам ҳам мени китобдин нари турсин деб кўп ҳаракат қилғувчи эрдилар. Раҳматли иккалалари ҳам мен фақирни китобга боғланиб телба бўлиб қоладир деб чўчиб юрардилар. Тафт мавзесинда Шарофиддин Али Яздий бобомиз билан қўшни турдик. Отамнинг менга қарши турганликларини у киши билиб қолиб падари бузрукворимга кўп танбеҳ бермиш эрдилар. Кун йўқ эрдики менга шеър ўқитиб эшитмаслар, кун йўқ эрдики биз шеърият борасинда сўзлашмасак.

Икки ёшнинг суҳбатлари энди беғуборлик масканларига кўчиб ўтди. Бир лаҳзага мазкур бевафо олам ташвишларидан холи қолишди. Ширин суҳбат эса баҳсма-баҳс давом этаверди.

– Алишер дўстим келинг энди бир шеър ўқингиз, менинг ҳам дилтанглигим чандон ортиб кетди. Ахир ашъорингизни эшитмаганимга ҳам неча ойлар бўлдиёв.

– Майли, дўстим қулоқ тутинг:

Гул борди эса, чаман муаттар бўлсун,
Шамъ ўчти эса, қамар мунаввар бўлсун.
Шаҳзодаға гар равза муяссар бўлди,
Султонға жаҳон мулки муяссар бўлсун.

– Офарин, Алишер беназирсиз. Бу қачон битилғон эрди?

– Ҳали сиёҳи қуриғони йўқ. Куни кеча битғон эрдим.

– Тасанно, бу рубоийни давлатпаноҳнинг назарларидин ҳам ўтказинг. Вале, бироқ нечун маҳзун рубоий битимишсан деб танбеҳ берсалар ҳам ажаб эрмас. Ул киши инсон руҳини енгиллатувчи ашъорларни қадрлайдирлар.

– Мен шеър ўқидим сизға, сиз ҳам бирор нарса битган эрурсиз, албатта. Энди биз эшитадирмиз дўсти қадрдоним.

– Бир ғазал ҳавасиға тушмиш эдим. Аммо, бу қораламаси ҳали бисёр тузатмак била эвга солмоқ жоиз. Майли ўқиб берадирман.

Шундай деб Ҳусайн дасторига қистирилган бир қоғозни олди ва ўқий бошлади:

Оҳким, ҳижрон ўтидин куйди жоним ўзга навъ,
Ўртади оламни бу ўтлиғ фиғоним ўзга навъ.....
Кўнглим олиб жонима қасд этти у бегонаваш,
Эй, Ҳусайний, бор эди андин гумоним ўзга навъ.

– Тасанно, Ҳусайн, беназир ғазал бўлибдир. Бироқ таклифим бор. Иккинчи сатрдаги "бу" калимасин ўрниға "ҳам" калимаси ишлатилса фикр яна жонлиғ айтиладир ва ғазалнинг жозибадорлиғи ортадир.

Яъни: Ўртади оламни ҳам ўтлиғ фиғоним ўзга навъ.

– Оре дўстим. Ҳали бу ғазал унча такомилига етмаган деб айтғоним бежиз эмасди. Мана, қусурини сиз тўғриладингиз.

– Ҳусайн дўстим, бу қусур дегани эмас. Шунчаки, фикрни жонлантириш.

– Алишер, шеърият борасида сизнинг фикрингизни ҳисобга олмаслик асло мумкин эрмас, мен шундай деб ҳисоблайдирман.

– Энди мумкин бўлса бир ғазал ҳам ўқиб берсангиз.

– Майли ғазал бўлса ўқиб берадирмиз:

Эй кўнгул, бир навъ ўлубмен аҳли даврондин малул,
Ким, эрурмен кимки ондин яхши йўқ, ондин малул.
Ҳажр агар будир, нетай мен жонни, жон нетсун мени,
Ким эрур ҳар лаҳза мендин жону мен жондин малул.
Эй муғанний, тут "Ироқ" оҳангию кўргуз "Ҳижоз",
Ким Навоий хотири бўлмиш “Хуросон”дин малул.

– Ҳозир ёнимизда ҳазрат устозлар бўлганларинда сизни олқишларга кўмиб юборур эрдилар Али. Бу шубҳасиз. Ажиб, тахаллус ҳам сизға хос, муносиб.

– Устозлар мени кўп рағбатлантирурлар. Мақтовнинг айтилғони яхши. Бироқ, мақтов меъёринда бўлса тузук деб биладирман. Бу сатрлар яқинда битилғонди. Аммо, ҳали ҳеч ким эшитмағонди. Сиз дастлабки тинглаған кишисиз дўстим.

– Алишер сиз инсонда туғма қобилият мавжуд бўладир деган фикрға не деб жавоб берғон бўлардингиз, – деди Ҳусайн.

– Туғма истеъдодку мавжуд бўлур. Бироқ туғма истеъдодим бор деб бирор беморни тушуниб ташхис қўймасдин ажалиндин олдин ўлдирган ҳакимлар ҳам бор-да.

Бу гапдан иккалалари ҳам қаҳ-қаҳ отиб кулиб юбордилар. Чунки, бундай ҳоллар Ҳиротда содир бўлиб ўтганлигини билардилар.

– Ҳазрати Ибн Синода туғма қобилият бор эрди. Бироқ, душвор иш бўлса ҳам ўлган беморнинг танасини очиб кўрганликлари бор гап. Ана шу туғма қобилиятнинг ёнидағи изланиш бўладир. Ҳамма инсонда истеъдод бўладир, аммо ўша истеъдоддин ақл ва илм бирла фойдаланмак жоиз бўладир-да дўстим.

– Ҳақсиз Али, сиз ҳар доим ҳақсиз. Рост сўзладингиз.

– Энди хайрлашурмизму Ҳусайн? Анча машғуллиғларим бор эрди.

– Яна бироз суҳбатлашсакми деган эрдим, дўстим. Сал енгил

тортиб қолдим.

– Кейинги гал, албатта, бисёр суҳбат қилурмиз Ҳусайн. Энди саломат бўлинг, яна кўришгунча хайр..

Пойтахт Ҳиротдан Машҳадга кўчирилганидан бери бир қараганда ҳеч нарса ўзгармагандек кўринса ҳам аслида шаҳарнинг аввалгидек гавжум ва серҳашамлиги йўқ. Кишиларнинг кўпи Ҳироту Дамашқ йўлида сарсон бўлиб юрардилар. Начора, киши қавми тирикчилик қилиш учун ҳаракат қилади, ўзига қулай шароит яратаман деб ўйлайди. Мирак Наққош ҳам энди қўшимча равишда савдо-сотиқ билан ҳам машғулликка ўтган. Савдога чиққан вақтларида ёнида Беҳзодни ҳам олиб чиқишга одатланган. Ўн уч-ўн тўртга кириб қолган ёш шогирд эса, доим устозининг ёнида юради. Кези келганда унинг энг яқин кўмакчисига айланган десак, хато эрмас. Чунки, устози нима ҳаракат қилса, у ҳам шундай ҳаракат қилади, наққошликнинг сир-асроридан савол беришдан эринмайди. Қўни-қўшнилар ҳам бу етим болани шундай камолотга етиштирганидан мамнун бўлиб шу иши учун устоз Мирак Наққошни янада ҳам кўпроқ ҳурмат қилишади. Камолга етгани сабаб уни энди таниш-билишлар Камолиддин деб чақирадиган бўлишган. Бу исм ҳамманинг қулоғига ўрнашиб энди Беҳзод деган исм Камолиддинга ўтиб алмашиб олган. Камолиддин деб юборади баъзан устознинг ўзи ҳам бирор иш тайинламоқчи бўлса. Мирак Наққош мусаввирлик борасида Камолиддиннинг анча қўли ўрганиб қолганидан хурсанд. Наққош хотинига ҳазиллашади:

– Сен бир пайтлар Камолиддиндан ташвишланиб нега бу болани олиб келдингиз деб айтиб эрдинг. Кўрарсан, Камолиддин мендин ҳам ўтиб ажойиб мусаввир бўлиб етишадир.

– Не бир фалокат босиб ўша гапни айтган эрканман. Минг йил яшаб ҳам менинг ўша сўзим ёдингиздин фаромуш бўлмайдир. Айтсам, айтдим-қўйдимда, бас энди.

– Жаҳлинг чиқдиму? Бор гапни айтдим бунинг нимаси ёмон,

– Ўша қилган хатойим учун унга беғубор камол топсин деб Камолиддин исмини ўзим қўйдим. Мендин эшитиб қўшнилар уни шундай деб аташди. Энди ўзингиз ҳам ўрганиб қолибсиз.

– Бўлди, бўлди энди сенинг айтган гапингни эсламайдирман. Сўнг ул айтган сўзинг эсимдин чиқиб кетадир. Мирак Наққош шундай деб кулиб қўйди.

Кунлар ўтиб улғайган сари Беҳзод устозининг касбига кунбакун боғланиб бораверди. У Мирак Наққошга кўплаб саволлар берарди, ўзи ҳам қоғозга кичик-кичик тарҳлар чиза бошлади:

– Устоз, тасвир деганда нимани тушунадирлар?

– Тасвир бирор нарсанинг, масалан дарахтнинг аксини чизмак-да бўтам.

– Тарҳ недир устоз?

– Тарҳ бирор бино қурмакчи бўлинса анинг шаклини, сувратини чизмак. Тасвир била тарҳ бир-бирига боғлиқ хилқат. Тасвир ёрдамида тарҳ чизиладир. Тарҳда қурилмакчи иморатнинг барча жоиз бўлган ашёларининг миқдори кўрсатилган, аниқ ҳисоб-китоб қилинган бўлмоғи шарт. Бу ҳол тасаввур қилмоқдин, яъни хаёл қилмоқдин кўра аниқ намоёнликда мазкур бўладир.

– Ганч деганда нимани фаҳм қиладирмиз?

– Ганчкор иморат иборасин эшитғонсиз, шундайму? Ганч оддий сўзлаганда лой демакдир. Аммо бу сўздин оддий лойни эрмас, иморатлар сиртига жозиба касб этадиргон безакни тушунадирлар. Ғишт теришда ҳам ганчдин фойдаланамиз. Меъморлар лойга бир қанча унсурларни бир-бирига аралаштириб ганч пайдо қилиб ғишт терадирлар. Ул ҳам ганч дейиладир.

– Жузв калимаси иморатнинг не хилқатини билдирадир?

– Жузв бир бўлак демакдир. Аслида жузв бу фикрни билдирса ҳам жузвдон калимаси қоғоз ва ёзувлар, тарҳлар сақланувчи

жилдни онглатади.

– Рангтасвир чизғон шаклимизни бўямакму?

– Боракалло.

– Мўйқалам?

– Мўйқалам айнан бизнинг ишлатадирғон қаламимиз. Мўйқалам яъни мўйдин ясалғон. Масалан, отнинг қилидин.

– Қолипларға солиб қуритилғон ганчлар шаклли безак буюмларни пайдо қилармиш.

– Албатта. Бизнинг касбимиз жуда нозик ва кўп касблар билан чамбарчас бўладир. Масалан, каштачилик. Ахир каштанинг тарҳини чизмасдин уни пайдо қилиб бўладирму? Иморатанинг тарҳини чизмай туриб меъмор ғишт тера билурму? Уста дурадгор тарҳи чизилмағон бешикни ясай олмайдирку? Кулол кўза ясайдир, аммо мусаввирлар, рассомлар анинг идишини безамаса у хунуклигинча қолиб кетаверадир. Шу билан бирга бу касб жуда софликни, батартибликни талаб қиладир. Бўёқлардин жуда усталик билан фойдаланмасангиз чизмакчи бўлган шаклингизни бузиб қўясиз. Уста наққош бўлса ўзи устида ишлаб, турли манзарали шаклларни чиза биладир. Ўз маҳорати билан мусаввирлиғни амалга оширувчи, яъни ўзи чиройли асар яратувчи мусаввирлар ҳам, ё ўзидин олдинги яратилган манзараларни кўриб шакл яратувчи мусаввирлар ҳам мавжуд.

– Ташаккур устоз, мен тушуна олмағон хилқатларим юзасидин савол бераверсам сизни зериктириб қўймасманму?

– Асло, ундай эрмас. Сўраб ўрганинг ва ўрганган нарсангизни ўзингиз чизишга одатланинг. Шаклни бузиб қўйсангиз эринмангиз, қайтадин яна чизишга одат қилингиз!

– Хўп устоз, албатта, тиришқоқ бўлишга сайъ қилгаймен.

Устозу-шогирд доим устахонада бир нарсанинг устида баҳслашар, ёш ҳаваскор эса навбатма-навбат бу касбнинг сир-асрорларини билиб борарди. Кейинчалик у бир дафтар тутиб олди ва сўраб ўрганган нарсаларини доимо қайд қилиб боришни ҳам одат қилди. Устоз эса яна битта шогирд тайёрлаб бораётганидан пинҳона хурсанд бўлиб қўярди. Чунки у Камолиддиннинг келажагини кўра биларди.

– Қунт билан кўнгил боғласангиз бу касбдин шараф топғайсиз, – қўшиб қўйди Мирак Наққош Камоллиддинга.

– Кейин ўзингиз яратган асардин ўзингиз завқланинг. Маънисини ўзингиз тушуниб етинг. Шунчаки тасвирловчи бўлиб қолманг. Руҳиятингиз доим мойбўёққа боғлансин. Унинг илоҳий хилқат эканлигини ҳис қила борсин. Энг муҳими, ғаразликка борманг. Чўчиманг, сизнинг ҳунарингизни бошқа биров ўғирлаб ола билмас. Ғаразлиғ била бу касбдин обрў топган инсон бўлған эрмас ҳали.

– Биламан устоз, Умар хаттот ҳаёти тўғрисиндаги афсонани кўп бор эшитганим бор.

– Ул афсона эрмас бўлиб ўтган ҳақиқат.

Кун кетидан ҳафта, ҳафтадан ой, ой кетидан йиллар ўтиб бораверарди.

***

... Кўкламнинг кўнгилга хуш ёқувчи шабадалари эсганча чор-атрофда уйғониш кўзга ташланади. Чексиз даштликлардан эндигина ям-яшиллик касб этаётган гиёҳларнинг бўйини шабадалар олиб келади, нафас олганда сабзанинг ҳиди бурунга келиб етади. Қир-адирларнинг қуёш тушадиган унгурларида эса, аллақачон исмалоқлар туп ёза бошлаган, даштларда ўтлаб юрган қўй-кўзилар чимдиб-чимдиб ўз ризқини топа оладиган кунлар етиб келган. Олам уйғонишга юз тутмоқда. Баланд-баланд дарахтлар, улкан миноралари совуқ томонлардан учиб келган лайлаклар банд қилиб олишган. Баҳорнинг дастлабки элчилари бўлган бу узун оёқ, узун қанотлар чор атрофга қанот қоқиб ризқ ахтаради. Ёш яланг йигит-қизлар исмалоқ

сайлига чиқишади, аниқроғи исмалоқ териш учун далаларни кезишади. "Кўм кўк фаслга етдик энди ўлмасмиз", дейишади кекса қариялар ҳазиллашиб. Яхши ният қилиб сумалак солган кишиларнинг баъзилари ҳовлисида дошқозон осиб қўшнилар, ҳамда хеш-ақраболар билан сумалак пиширишни бошлаб юборишган. Тунлари аччиққина совуқ этни жунжиктиради. Онда-сонда қулоққа чалинадиган доиранинг овози, аёлларнинг берилиб лапар айтишлари пишаётган сумалакларнинг базмидан хабардор қилмоқлик касб этади. Дарахтларнинг куртаклари ухлаб ётган гўдакнинг қисиқ кўзлари каби пирпираб хабар бергандек нимжонгина қўзғалишни намоён қилади. Эртапишар бодомларнинг қуёш яхши туша оладиган томонларидан уч-тўрт оппоқ гуллари кўриниб қолади. Кеча ёққан ёмғир тош тўкилмаган йўлларни балчиққа булаган. Йўл четидан қадам босган кишининг ҳам ковуши лойга ботиб кетишидан бошқа иложи йўқ. Бир сўз билан айтганда табиат уйғониш оғушида...

Ҳиротнинг кўҳна хусусияти бу йил ҳам баҳорда ҳар доимгидек биз юқорида ҳикоя қилган манзараларни намойиш қилиб турибди. Ҳовлининг кунгай бетидан бир кичкинагина курсига ўлтириб, ўзиникидан кўра сал баландроқ курсига тўртбурчакли қасноққа сурп тортиб олдига қўйиб олган ёш йигит Беҳзод ўз машғулотига сингиб кетган. Унинг ҳаракатини диққат билан кузатиб турган киши ёш "мусаввир"нинг чаққон ҳаракатларига гувоҳ бўлади. У ўзича хиргойи қилиб бошини тебратиб қўяди. Иложи борича ишига ҳушёр ёндошмоққа тиришади. Чунки эҳтиётсизлик билан сиёҳдони ағдарилиб кетиб, ичидаги мойбўёқни тўкиб қўйиб, устозидан неча бора танбеҳ олганлиги ҳеч қачон ёдидан фаромуш бўлмайди.

Кеча Машҳаддан бир хавотирли хабар келганмиш. Шу муносабат билан шаҳар кўчалари, овулларда маҳзунворлик кайфияти чўкиб ўрнашган.

– Шоҳ бетоб эрмишлар, – деди қисқа қилиб Мирак Наққош

оқшом пайти.

Шоҳнинг бетоблиги қанчалик тўғри ё нотўғрилигини билиш мушкул бўлгани ҳолда бу хабар ёшгина Беҳзоднинг ҳам кайфиятига таъсир қилди. Чунки дарахтнинг шохига урсанг илдизига зил етади, деган мақол тўғри эканлигини у яхши англайди. Мамлакат ҳукмдори бемор бўлгандан кейин фуқарога ҳам бу салбий таъсирини ўтказади-да. Бугун тонг билан эса Наққош шаҳарга чиқиб кетган. Бир ўзи қолган Беҳзод зерикканидан шу машғулотга берилиб ўлтирибди. Тушга яқин Наққошнинг аёли бир-иккита қўшнилар билан қаёққадир базмга отланди. Аниқки, бу базм сумалак ва ёрма пишириш базми. Аёллар тун бўйи сумалак қайнатиб ўйин-кулги қилиб чиқишади.

– Устозингиз қайтгунларича ҳовлида катта киши бўлиб, ўзингиз қоласиз Беҳзоджон, – деди у.

– Хўп бажонидил. Ҳеч қаёққа чиқмасман, шу ердаман.

– Оч қолсангиз говдишада қатиқ бор. Яна биттасинда сут-қаймоқ бор. Нон билан еб олинг. Тағин ичагингиз бўш қолиб жунжикиб ўлтирманг.

– Йўқ. Нега унақа дейсиз ёш бола эмасманку. Ўзимни эплай оладирман. Ҳазилга ҳазил билан ҳозиржавобли тарзда гап қайтарди Беҳзод. У бир ўзи қолиб ўз хаёлларига ғарқ бўлди. Мана, келганидан бери неча йиллар ўтиб кетди. Бу инсонлар унга ўз боласидек муносабатда бўлиб келишмоқда. Бир йилдан кўп вақт бўлди ўзига алоҳида хона ажратиб бердилар. Шу машғулига муккасидан кетиб устозидек ўзи ҳам қўлидан мўйқаламни олдидан нари қўя олмайдиган даражада нашаванд бўлиб қолди. Устози уни ўз ўғлидек кўради. Эндиликда кўп ҳолларда ўзи билан бирга шаҳарга олиб тушади. Ўзининг танишлари билан уни ҳам таништиради. Наққош бозорга тушганларидаку ажойиб саёҳатнинг ўзгинаси бўлади-қолади. Айниқса, жума куни бозорга тушиб туришнинг кўп гашти бор-

да. Мирак Наққош эринмасдан ҳар бир расталарни айланади. Баъзи бир дўконларга кириб узоқ ўлтириб қолганча суҳбат ҳам қуриб қолади. Бундай ҳолатларнинг ҳар бир дақиқаси Беҳзоднинг хаёлида муҳрланиб бораверади. Бозорда ҳар бир ҳунарпешаларнинг алоҳида расталари, бошқачароқ қилиб айтганда ҳунармандларнинг алоҳида бозорлари бўлади. Масалан, гиламдўзлар, бешикчилар, пичоқчилар, уста темирчилар, каштачилар эҳҳе санайверса адоғи кўринмайди. Қоғоз бозори билан мусаввирлар бозори ёнма-ён, унинг ёнида эса китоб бозори жойлашган. Аммо Беҳзод учун ҳаммасидан яхшиси китоб бозори. Турли безакли муқова билан қопланган китоблар, айниқса, чарм, мис ёки бошқа нафис металдан ясалган ғилофли китобларнинг бозори гавжум бўлади. Мусаввирлар бозорида эса турли катта-кичик қоғозга чизган тарҳлар, ҳатто инсонларнинг ҳам турли маҳоратли мусаввирлар томонидан чизилган акслари, эртаклардаги ёки тарихда содир бўлиб ўтган воқеаларга биноан чизилган суратлар кишини ўтмиш оламига етаклаб, лол қолдиради. Мадрасалар, баланд бинолар акс этган суратларига қарасангиз, гўё ўша бинонинг қошига бориб қолгандек бўласиз. Китоблар муқовасига ишлатиладиган қалин қоғозлардан ҳам ғилофлар ясаб сотувчилар бор. Бундай ашёлар кўпроқ болаларни ёки бировга бирор нарса совға қилмоқчи бўлган кишиларни ўзига жалб қилиб қўяди. Бозорга тушган ёш болалар отасигами, онасигами шу матоҳдан сотиб олиб беришини истаб харахаша қиладилар. Иложсиз қолган киши фарзандига ўша матоҳни сотиб олиб бериб қутулади, бошқа бирор йўли йўқ. Турли мамлакатлардан келиб қолган эски-туски китоблар ҳам бор. Баъзи катта-катта китобларнинг муқовалари янгиланган бўлади. Агар муқовасини очиб қаралса, ичидаги саҳифалар титилиб кетганлиги боис қайтадан саҳифаланганлиги аён бўлади. Ўшандай китобларни қайтадан нусха кўчириб, тайёрлаб, сотувчилар ҳам бисёр. Китоб

сотувчилар асосан, наққошлар, мусаввирлар билан яқин алоқа ўрнатишга ҳаракат қиладилар. Баъзи бир сотувчилар харидорга бирор китобни қайтадан китобат қилганларини ҳам айтиб мақтанадилар.

– Бул рисолангиз неча танга туради мавлоно, – дейди баъзан китобни арзонгаровга олмоқни кўзлаб келган харидор қувлик билан.

Сотувчига рисола сўзи ёқмайди, харидор гўё китобни шунчаки бир кичик мажмуа деб атаётгандек фикр уйғотади.

– Сиз бул табаррук китобнинг аҳамиятини билурмусиз, биродар? Китоб муқаддас хилқат они пастга урманг гуноҳга ботадирсиз.

– Нархини айтингчи?

Китоб сотувчидан китоб нархини эшитган харидор у айтган пулнинг ярмига сотиб олишини айтади.

– Сиз берадирғон пул, китобнинг қоғози нархича ҳам эмаску. Яккам инсоф билан сўранг.

– Фалон бозорда шу айтган нархимда турганлигини кўрганман-да биродар хафа бўлманг. Ахир мен харидорман нарх сўрашимдин гуноҳга ботурманму? Жаҳл қилади харидор ҳам ва нариги растага ўтиб кетади...

Китобат қилиб берувчиларга, мусаввирларга иши тушадиган китоб сотувчилар ҳам кўпчиликни ташкил қиладилар.

– Бул китобни муқовасини янгилаб сўнг фалон нусха тайёрлаб бера оласизму, – дейди китобфуруш.

– Нархига чидасангиз бу кўринишдин ўн чандон харидоргир қилиб тайёрлаб бера оламан. Аммо вақтига қистамасангиз бўлди. Пала-партиш тайёрлашни ёқтирмасман. Унда сохталик бўладир. Китобни муқаддас билиш лозим.

– Харидоримиз тезроқ тайёрлатиб беринг деб эди-да, шунга шошилинч тайёрлатурман деб эрдим..

Бундай тортишувлар, баҳслар бозорнинг баракасига

айланиб кетган десак хато бўлмайди. Шу тортишувларсиз бозор файзсиз гўшадек туюлади. Миллий кийимда қирқ кокилли маликаларнинг суратлари чизилган ашёларнинг ҳам харидоргирлиги чандон ортиқ. Айниқса, балоғатга етган йигитлар бирор суратни олиб узоқ вақт термулиб туриб қоладилар. Аксарият ҳолларда уни сотиб оладилар. Беҳзод шуларни ўйлар экан у ҳам қачон шундай мураккаб суратларни чиза оладиган, бинолар тарҳига эплаб чирой соладиган наққош бўлишини ўйлаб энтикиб қўяди. Шу пайт унинг хаёли бўлиниб кетди. Қўлида унча кўп катта бўлмаган халтаси билан устози кириб келди. Беҳзод югурганча бориб устозининг қўлига ёпишди, ҳамда қопни қўлидан ола туриб одоб билан салом берди:

– Ассалому-алайкум устоз. Яхши етиб келдингизму?

– Во-алайкум ассалом.

Мирак Наққош ўтиб кета туриб, Беҳзоднинг машқ қилиб турган чизмасига бир назар солди ҳамда мамнун жилмайиб қўйди. Устозининг майин жилмайиши Беҳзоднинг қалбини ғурурга тўлдириб юборди. Чунки Наққошнинг доим ним табассум қилиши ишинг анча тузук дегани бўлади. Агар сал хатолик сезса улуғ мусаввир бирор калима сўз айтмасдан жим, қовоғини уйиб жиддий туриб олаверади. Унинг одати доимо шундай. Кейинги вақтларда Беҳзод ўзининг серсаволлигини анча оширган, бўш қолди дегунча устозини саволларга ғарқ қилиб юборади.

– Устоз, бугун ҳам бир-иккита тушуниксиз мавзулар тўғрисида билишга қизиқмоқчи эрдим.

– Хўш. Қани эшитайликчи?

– Нима десам эркан. Аввало бу хатимиз яъни араб хатининг қачон пайдо бўлганлиғи ва недин иборат эканлиғининг асоси мени қизиқтирадир.

Жуда маъқул савол. Араб алифбосининг дастлабки шакли

хатти маъқалий деб аталур. Маъқалий хати куфий хатигача бўлган қадимий ёзувлардан бўлиб, ул куфийдин ажралиб турадир. Улар текис – ёйиқ, тик чизиқлар билан ифодаланадир яъни ўшал шаклларда битиладир.

– Нечун маъқалий дейиладир,

– Хатти "маъқалий" дейилишига сабаб шуки, бундин минг йиллар бурун икки шахс яшаган – бири Маккада Маъқал ибн Синон ал-Асжий, иккинчиси Басрада Маъқал ибн Ясор ал-Музанийларнинг бирига нисбат қилинғон дейдилар. Бироқ, мазкур хатдин узоқ фойдаланилмағон. Яъниким бу хат шуҳрат топа олмағон. Шул сабаб кўп ўтмасдин араб ёзувининг баайни энг қадимий ва энг машҳури хатти куфий пайдо бўлғон эрур.

– Араб халқининг муқаддас ёзувимидир унда бу куфий хати?

– Шундай деса ҳам бўлур. Бу хатда Куфа аҳолисининг барчаси ўқиб ёзишни билганлар. Улар бошқаларга кўра кўпроқни ташкил қилғонлар, шу боис ёзувни Куфий хати деб атағонлар. Қуръони карим ҳам ушбу хатда битилғон. Хулоса шулки, бу хат асосий ёзув манбайи бўлғон. Энди бу ҳақинда фаразлару ривоятлар бисёр. Бизға эрса Қуръоннинг ушбу хатда битилғонлиғи асосли далил бўла оладир.

– Қандай қилиб турларға бўлинғон, бунга сабаб нима устоз?

– Хатти маъқалий ҳамда куфий асосида турларга ажратилиб олти хил ёзув пайдо қилғонлар. Дастлабқиси сулс хати. Ул олти баҳрадин иборат, тўрт баҳраси равон (текис) икки баҳраси гард шаклинда. Дафтарингизга қайд қиляпсизму бу сабоқни?

– Албатта, устоз қайд қилмакдаман.

– Кейинғиси насх хатидур. Бул хатни машҳур хаттот Ибн Муқлаъ ҳазратлари яратғонлар. Ул зот Аббосийлар давлати вазири бўлғон эркан. Муҳаққақ хати шакл кўриниши жиҳатидин бир бўлак қисми равон, қолғон қисмлари эрса гард шаклинда битиладир. Райҳоний ҳам муҳаққақ хати асосинда пайдо бўлмиш. Бул икки хатнинг ихтирочиси мавлоно Ибн

Баввоб эрурлар.

– Жуда ҳам қизиқ эркан хатлар таърифи.

– Тавқеъ хати эрса ярим текис, ярим гард шаклдин ташкил топадир. Риқоъ хатининг эрса кўпчилик харфлари бир-бирига қурама (қўшиб) қилиб битиладир. Аларнинг ихтирочиси маълум эрмас. Бул дегани кимдир ихтиро айлағон, аммо ким ихтиро айлағон маълумотлар йўқолиб кетғон. Таълиқ ёзуви эрса илиб қўйилган, осилиб тургани маъноларни онглатур. Бу хат аслинда риқоъ бўлғон деган фикрлар мавжуд. Икки юз йиллар бурун пайдо бўлғон. Шу риқоъни ҳар ким ўзинча талқин қилиб, ёзиб таълиқ ёзуви пайдо бўлмиш. Ондин муншаотлар битишда, саройдағи расмий ёзувларда фойдаланиш мақсадга мувофиқ кўрилғон. Бул ёзув ҳарфлари юқоридин чапга кенгроқ равишда битиладир. Хожа Тожиддин Сулаймон ҳазратлари ушбу усулни яратмишлар. Бул киши яратғон таълиқ хати риқоъ хатининг бир шохобчасидир. Санаб ўтилғон хат турлари хаттотлар тили билан сўзлағонда "Ал-Хутут-ас-сабъа" яъни етти хат демакдир. Хаттот аҳли борки, ушбу услубларни ўрганиб олмоғи ҳам фарз, ҳам қарздур мавлоно Беҳзод. Устози шундай деб ҳазиллашиб Беҳзодга жилмайиб қараб қўйди. Бу кўриниш бугунги сабоқ ниҳоясига етди, бас дегани эди.

– Устоз беҳад миннатдормен сиздин – деди Беҳзод мамнун бўлганча.

– Эртага яна дарс ила машғул бўлмаклик фикрингиз борму? Мен эртага бирор жойга чиқмасман. Бугун хатларнинг пайдо бўлишини билиб олдингиз, эртага шу хатларнинг битиладирган ашёси муқаддас қоғозимиз хусусиятларини билиб олғайсиз. Буни ҳам мусаввир зоти билиб қўймаклиги фойдадин холи бўлмас.

– Албатта устоз буни ҳам ўргатсангиз ёмон бўлмас эрди. Мен ҳам эртага мадрасага бориб ўлтирмасам ҳам бўлаверади. Қолган сабоғимни ўзлаштириб ола биладирман.

Эртасига яна устозу шогирд машғулотни давом эттирдилар. Беҳзод доим сабоқларни ёзиб борувчи дафтарини очиб шай бўлиб турди. Мирак Наққош дарсни бошлаб сўзлай кетди:

– Қадимдин авлодларимиз бизға қолдирган қўлёзма китоблар нафосати доимо кишига завқ-шавқ бағишлайдир. Қўлёзма китоблар, одатда, қатор санъаткорлар ҳамкорлигида яратилғон: қоғозсозлар, хаттотлар, музаҳҳиблар, муқовасозлар ва бошқалар.

– Музаҳҳиблар кимлар устоз?

– Алар китобни зарҳаллиғлар билан безатувчилар, яъни заргарлар ҳам десангиз бўлур. Китоб яратиш услуби жуда мураккаб бўлганлиги боис китоблар жуда кам яратиладир деб ўйлайдирман. Кўпгина ноёб китобларнинг бизгача етиб келмаганлиги номи бору ўзининг топилмаслиги улар кам яратилғонида бўлса керак. Шул сабабданми баъзи китоблар қўлда узоқ вақт давомида тайёрланиши, қоғозлар етмаслиги ёки музаҳҳиблар йўқлиги сабабли оддий қоғозларга битиладур ёки безаксиз қоладур. Аслида қоғозлар пишиқ, китобнинг узоқ йилларга сақланишини таъминлаши зарур. Қоғозлар хамирини тайёрлашда, асосан, ипак, тут қобиғи, зиғир каби хомшёлардан фойдаланиш ва қоғоз усти қобиғини сақлаб турувчи оҳор ва музра деган икки унсурни ишлатиш жараёнлари билан амалға ошур.

Устоз кумуш идишга қуйилган дамламадан бир икки оғиз ҳўплади. Фикрларини бир қур жамлаб олди ва давом этди:

– Оҳор тухум оқи, нишаста каби жинслар билан қоғоз устига едирилиб сурилади. Қуригач, ақиқ тош ёрдамида икки тарафи силлиқланиб олинадир. Бундай қоғозлардан тилла суви, ранглар ва сиёҳ ўз рангини йуқотмайди. Тилла суви ранглари учиб-сўниш олмайди. Қоғозларимиз асосан бизға Мовароуннаҳрдан аниқроғи Самарқанддин етиб келадир. Билимдонлар тажрибалари шундин далолатки, Самарқандда

қоғоз тайёрлаш услуби неча юз йиллардин аввал бошланғон. "Самарқанд қоғози", "Қўқон қоғози" номи билан юритилувига сабаб ҳам шунда.

– Қўқон қоғози иборасиға тушунмадим, устоз.

– Бу ҳам маскани билдирадир. Туронда Қўқон деган шаҳри азим мавжуд. Китобат санъатида қоғозларнинг ранги ва безаклари ҳам кишига бир бадиий завқ бағишловчи омилдир. Қоғозлар ўсимликлардан олинган турли рангларга бўялади. Булар табиий бўлиб, узоқ йиллар мобайнида усталарнинг тажрибаси асосида ишлатилиб келинган. Сариқ ранг зарчуба сувида қоғозни бўяш орқали олинади. Гултожихўроз гулининг ўсимлиги сувига солиш билан қоғоз қизил рангга бўялади. Гултожихўрознинг қип-қизил кўринишда эканлигини фаҳм қилурсизму?

– Бале устоз. Аммо ундан қоғозга жоиз бўладирган ранг олинишини эшитмаган эрканман.

– Энди билиб олдингиз. Албатта, қадимдан ҳар бир устанинг ўзига хос усули ва махфий равишлари, сири бўлган. Булар ҳаммаси узоқ тажрибалар асосида қўлга киритилган. Қоғозларни безашда яна бир тур санъат борки, бу "Абри баҳор" қоғозлари дейилади. Буни яратишда махсус дарахтлардан олинувчи дарахтнинг аччиқтош елими, ранглар, сигирнинг ўт пуфагидан олинган суюқлик ишлатилган. Юқорида тилга олинган ашёларни ярата олган киши китоб тайёрлашни эплай олса, саҳфаларни ўсимликлардан тайёрланган турли рангларга бўяй олиши мумкин.

– Замонлар айланиши билан айни дамда биз кўпроқ деярли ҳамма вақт настаълиқ хати услуби билан форс, араб ва турк тилинда китоблар яратмакдамиз. Бу хат китоб усталари учун асосий хат тури ҳисобланиб қолди. Ушбу хатни билишдан ташқари, унинг қандай яратилишидан ҳам хабардор бўлиш жоиз. Бунинг учун қамиш қаламларни очиш, (ўзига хос мақта

пичоқ)лар ясашни билиш керак. Бу хатни ёзиш учун суякдан ясалган махсус қурол (митти мосламача) ҳам зарур бўлади.

– Юқорида тилға олинган мосламалар ҳам усталар томонидан тайёрланса керак-да устоз?

– Албатта. Сиёҳ эса, (сиёҳ асосан зиғир ёғининг дудидан олинади) ўрик ёки шафтоли елимига қориб, суюқ оқувчан ҳолига келтириб ишлатилади. Бошқа дарахтларнинг елими бунга тўғри келмайди. Музаҳҳиблик санъатида эса китобнинг аввалги саҳифаси шамс, унвон, зарварақ ҳамда охирида хотима ўрнида тилла суви ва ложувард билан безалади. Ниҳоят, китоб мазмунига кўра, исталган тасвирлар чизиб мунаққашланади, яъни жозибадор қилиб расмлар солиб безалади. Тасвирлар чизиб безаш китоб санъатининг ажралмас қисми ҳисобланади. Тасвирлаш мазмунан пухта ўйланиб танлаб олингач, юпқа нозик қоғозларга туширилиб, игна билан атрофи тешиб чиқилади. Сўнг асл қоғозга қуйилиб, қора кукун билан туширилади, таҳрир қалами ёрдамида қирмизи ранг билан шакл тузилади, ранглар билан ишлаб тугалланилади. Тасвирлаш санъатида кўпроқ қуруқ ранглар (доғ пайдо қилиш учун) ишлатилади.

Устоз яна бир пас сабоқни тугатиб тин олди. Энди иссиқ чойдан бир пиёла ичди. Ва яна давом этди:

– Бунинг учун тухумнинг оқи сиркада суюлтирилиб, узоқ вақт қориштирилгандан сўнг фойдаланилади. Тасвирларга мўлжалланган мўйқалам учун икки ойлик мушук юнги каптар патига ўрнатилиб ишлатилади. Ниҳоят, китоб битгач, саҳифалар тикилиб, муқовага олинади. Муқоваларнинг икки хил усулда яратилиши бугунгача етиб келган. Бири чармга зарб қилиб, қолиплар ёрдамида гул туширилиб безатилади, иккинчиси эса бўёқли муқовалардир. Бунда ранглар билан исталган гул ва бошқа тасвирлар чизилиб лак (равғани камон) билан бўялади. Қадимда бу усулни "равғани камон" деб юритганлар. Айни дамда ҳам шу усулдин кўп фойдаланилади. Мана сизга бу

тўғрисида ҳам мавжуд тушунчалар айтдик.

– Устоз, бугунги машғулотимиз кечагидан ҳам қизиқарли бўлди. Ташаккур сизға.

– Ҳозирги айтаётган сўзимни ҳам саҳвсиз битиб қўйингиз. Балиқ пиширилаётганда кераксиз деб олиб ташланадиган унинг боши подшоҳлар саройидаги наққошларнинг қимматбаҳо хом-ашёси эканлиги, наққошлар балиқ бошидаги тангачаларни безаклар учун, унинг боши ичидаги айрим суюқликларни қимматбаҳо бўёқлар тайёрлашда ишлатмоғини кўпчилик билмайдир.

– Таажжуб устоз, мен ҳам энди эшитишим бу маълумотни.

– Китоб бозориға борган вақтингизда бугунги ўрганган сабоқларингизни кўз олдингизга келтиринғиз. Бежирим китобларни қўлингизга олиб менинг сўзларимни эсласангиз ўзингиз ишонч ҳосил қиласиз. Бир умр қалбингизға муҳрланадир.

– Албатта, айтғонингизни бажараман.

Биз юқорида айтиб ўтганимиздек Мирак Наққош Беҳзоднинг бошқа талабалардан ажралиб туришини қадрлайди. У бошқа толиблардек кўп савол ҳам такрорлаб ўлтирмайди. Устозидан эшитганларини амалда қўллайди. Буни ўзи ошкор қилмаса ҳам Мирак Наққош унга ўзи ўргатган нарсаларни Беҳзоднинг кичик ишларини кўриб сезади...

******

Машҳад кўчаларини бугун фавқулодда бир ғурбат қоплаб олган. Сарой дарвозалари тонг саҳардан ланг очилиб турган бўлса ҳам кишилар хушчақчақ эмаслар. Белидаги камарлари уларнинг сиёсатидан хабар берувчи сарбозлар саросималаниб тез-тез у ёқдан-бу ёққа юриб турадилар. Бир неча ойдан бери касал бўлиб ётган Темурий шоҳ Абулқосим Бобур бугун бу оламни тарк этди. Табиийки, бу воқеадан кимдир хурсанд

бўлган бўлса, аксинча кимдир хафа. Ичкарида кўплаб аёлларнинг уввос солиб йиғлагани эшитилади. Бу нохуш хабарни олиб аллақачон турли томонларга чопарлар йўлга чиққан. Самарқандга, Бухорою, Насафга, Чочга, Хуросоннинг узоқ-яқин музофотлари ҳисобланган Ҳиротга, Қобулга ҳамда бошқа мавзеларга мактуб билан кишилар жўнаб кетишган. Машҳад кўчаларини тўлдирганча келаётган гурос-гурос кишиларнинг кети кўринмайди.

Таъзиядорлик тўнини кийиб олган шаҳзодаю аъёнлар шоҳнинг турли яқинлари, атанган саркардалар сарой ҳовлисини тўлдириб юборган. Ким бирор нарса сўзламоқчи бўлса эгилиб суҳбатдошининг қулоғига нимадир деб фикрини билдиради. Алишер билан Ҳусайн ҳам чопон кийиб белларига шоҳи белбоғ боғлаганча азадорлар қаторида турибдилар. Уларнинг иккисининг ҳам қалблари жароҳатлик, кўзларига тўлган ёшларини дастрўмоллари билан артиб турганча бир-бирларига термулиб қўядилар. Чунки, бу адолатли шоҳ уларнинг иккисини ҳам бошини силаб оталик қилган ва иккисининг ҳам сағирлигини билдирмай меҳрибонлик кўрсатарди..

– Қандоғ қора кунлар бошимизда бор эркан Ҳусайн?

– Оллоҳнинг тақдиридин қочиб не тадбир қила олурмиз, – дейди Ҳусайн ҳам йиғлаб турганча. У энди ўн еттига ўтган, йигитлик ғурури билан атрофдагиларга ўзини тетик тутишга ҳаракат қилади.

– Бу фавқулодда ҳол юрагимни хун қилиб юборди. Не деб ўзимға таскин айтишга лолу ҳайронмен, – пичирлайди сал ўзини босиб олган Алишер. – Отамдин ажраганимда бўлғон фожеа қайтиб бошимға зоҳир бўлди дўстим, – давом этади у.

Шоҳнинг вафоти ёш Алишернинг ҳаётига қаттиқ салбий таъсир ўтказди. У Машҳадда қолиб ўқишини давом эттирди. Дўсти Ҳусайн эса бир қулай муҳит истаб Чоржўй ва Марв томонларга кетишга мажбур бўлди. Хуросон бошқа

Темурий шаҳзода Абу Саид Мирзо қўлига ўтди. У пойтахтни Самарқанддан Ҳиротга кўчириб олиб келди. Машҳаддан чиқиб кетаётган Ҳусайнга дўсти Алишер сўз қотди:

– Сиз ҳам номаълум томонларга кетмакдасиз ёлғизлиғ исканжаси фақирни эзғилаши муқаррар эркан дўстим. Мен айни дамда ўзимни қанотсиз қуш мисолинда кўрадирман. Жоним бору учмакка мажолим йўқ.

– Ўксинмангиз Алишер, ҳали ҳаётимиз, саодатли дамларимиз олдинда. Албатта, мактублар битиб турурмиз. Бир-биримиздин ажралмасмиз.

– Тўғри айтдингиз, мактуб бирла қалбимиз жароҳатларига малҳам қўймакдин ўзга бир чорамиз йўқ. Начора, чидайдирмиз дўстим.

Миттигина бир отга мингашиб олган Ҳусайннинг оти жиловидан тутиб олган Алишер шундай деб сўзлаб кетар, йўлдан у ёқдан-бу ёққа ўтиб турган кишилар бу ёш йигитларнинг ҳолатига воқиф бўлганча тез-тез қараб-қараб қўйишарди. Ҳусайн минган ориқ от ортига қўшилган аравани зўрға тортиб борар, афтидан ушбу сарсонликни шу тилсиз жонивор ҳам истамаётганди. Арава шаҳар дарвозасидан чиқиб йўлга равона бўлди. Алишер ва атрофидаги бошқа бир-иккита танишлар Ҳусайн билан хайр-хўшлашиб ортга қайтдилар. Ҳусайн Марвга етиб келди ва ҳукмдор Санжар Мирзо Марвий хизматига кирди. Ҳусайннинг ёшлигидан ҳарб илмини эгаллаб борганлиги қўл келди. У тез орада ҳукмдорнинг назарига туша бошлади. Саройда энг яқин ва уддабуррон саркарда бўлиб шаклланди. Шу вақтлар оралиғида у Ҳирот, Машҳад ва бошқа шаҳарларга хат ёзиб турарди. Хусусан, энг яқин дўсти Алишер билан жуда кўп мактублар битишиб жавоб оларди. Улар бир-бирларини ўз турган гўшаларида кечаётган воқеалар тафсилоти билан хабардор қилиб турар эдилар. Ҳусайн кечагина Алишердан келган мактубни очиб ўқиб ўлтирибди.

Дўстим Ҳусайн, саломат бормусиз? Каминаға битғон муншаотларингиз, дуойи саломларингизнинг барчасин жавонда сақлагум. Сизни соғиниш туйғуси фақирни доим безовталиғ оламиға етклайдир. Каминадин аҳвол сўрасангиз, ташаккур, сабоғимни давом қилдириб, дўстлар орттириб ўзимға ўзим таскин топиб юрибдирман. Аммо, бул рафиқлар ҳеч бириси каминаға Ҳусайнчалик ҳамсуҳбат бўла билмаслар. Ҳа, айтганча ҳаёт йўлингизнинг чароғон бўлғони ва ҳаёт боғингизда очилғон ғунчанинг бир умр атрофингизда меҳру ифор сочмаклиғи абадий бўлишиға тилакдошмен. Қўша қаринғиз. Яратғон бошингизни балолардин омон сақлашини истаб дуойи салом ила

Алишер. Имзо. Сана.Машҳад.

Ҳусайн айни дамларда ҳоким Санжар Мирзо Марвийнинг ўн беш ёшли қизи Бека Султоннинг висолига етишганди. Уларнинг бу бахтли ҳаётларинг бошланганига ҳали икки ой ҳам вақт кечгани йўқ. Дўсти Алишер эшитган хабарига кўра унинг Бека Султон билан абадий бахтга эришишини тилабдир. Ажойиб бағрикенг самимий дўсти бор-да Ҳусайннинг. Аммо негадир кейинги вақтларда Санжар Мирзо билан Ҳусайннинг муносабати бир-бирига тўғри келмай қоляпти. Балким саройдаги ғанимлар бунга сабаб бўлаётгандир. Ёки ҳукмдор Санжар Мирзо бу Темурий саркарданинг саройда ҳамкорлари кўпайиб кетаётганидан таҳликага тушиб қолаётгандир. Бу оламнинг ишларига лол қоласан киши, хаёл қилади Ҳусайн. Ўз қайнотам ўзимга инонмаса не тадбир била бу олам буқаламунлиғини барбод қила билурман? Икки ойлик келинчак эса, Ҳусайннинг атрофида доим гирдикапалак, чунки отаси билан эрининг ўртасидаги кечаётган вазиятнинг баридан у ҳам воқиф.

– Сиз эътибор берманг, бегим, падари бузрукворимга ўзим

яхшилаб тушунтирадирман. Сиз билан баҳслашишни бас қиладирлар.

– Майли, бекачим, сиз ҳаётимнинг мазмунисиз, мен учун ташвиш тортмакингиз жуда ўринли. Аммо биз эркак аҳлининг орамизға заифалар аралашмаслиги жоиз. Бундай ҳолат уят саналадир. Ўзимиз тил топишиб кетадирмиз. Мен тақдирнинг бир ҳотамийлиғидин шод эрсам, яъни сизнинг висолинғизни менга раво кўриб сийлағонидан сарафроз эрсам, бир томондин дунёнинг бевафолиғи, кишиларнинг бемеҳрлиғидин жигархунмен.

– Майли, бегим унда мен аралашмағоним бўлсин. Йўқса, отамға бир мактуб битиб, хийла гина-кудурат қилмакчи эрдим. Бегим, бир шеър айтинғиз мен ҳам зерикдим, онамни соғинибдирман.

Бека Султон бегим шундай деб ноз билан эрининг пинжига тиқилди. Ҳусайн ҳам жилмайган кўйи шеър айтишга тушди..

Оҳким, ҳижрон ўтидин куйди жоним ўзга навъ,
Ўртади оламни ҳам ўтлиғ фиғоним ўзга навъ.
Кўнглим олиб жонима қасд этти у бегонаваш,
Эй, Ҳусайний, бор эди андин гумоним ўзга навъ.

– Ким эркан ул бегонаваш? Жонинғизға қасд қилгувчи? Бул ашъорни қачон битғонсиз, бегим? – яна нозланди Бека Султон.

– Бул ғазал неча йиллар бурун битилған. У Алишернинг ҳам назариндин бир бора ўтғон эрди, маликам, бу ғазалнинг битилғонида сиз балким ўн ёшда бўлғондирсиз.

– Алишер! Ким бўлди эркан ул киши. Мен нечун танимасмен?

– Энг яқин дўстим. Бир масканда таваллуд топғонмиз. Айни дамда дўстим Машҳадда. Бул ерда эрмас, шунинг учун ул тўғрисинда билмассиз. Шеърият борасинда юксак билимға эга. Мен Машҳаддин чиққан куним отимға жиловбардорлиғ қилиб

кузатиб қолди. Кўзларидағи ёшни ҳануз унута олмасман. Ахир ул ҳам етимлиғ била ўсмоқда. Мендин тўрт ёш кичик. Бироқ илму-билими мендин чандон ортиқки, асло кам эрмас. Анинг отасининг исмини Ғиёсиддин дерлар эрди. Биз Алишер бирлан кўкалдошмиз, ахир.

– Шу кунларда дўстинғиздин хат-хабар борму?

– Албатта, менға сиздек маликанинг тақдири боғланғонидин ҳам анинг хабари бор. Табрик ила мактуб битиб толейимизни тилағон. Ҳусайн ўрнидан туриб китоб жавонидан Алишернинг хатини олиб Бека Султонга тутди. Хатни синчковлик билан ўқиган келинчак ҳайрат билан Ҳусайнга қараб гапирди:

– Ростдин ҳам иқтидорпеша эрканлар дўстингиз. Битғон хатларининг зеболиғи таҳсинга сазовор эркан. Маҳоратли мусаввирларғина шундай бежирим хат бита олишлари мумкин. Офарин. Дўстингизнинг ҳам иқболи офтоби чароғон порласин бегим.....

Орадан бир неча вақт ўтиб, Ҳусайнни қайнотаси чақириб қолди.

– Не юмушлар қилиб юрибсиз шаҳзода, – деди дабдурустдан ҳукмдор.

– Сояйи давлатинғизда ўз юмушимиз бирла бандмиз.

– Сизға салтанат керакму? Шуни очиқ сўзласангиз бўлмасму эрди?

– Бул муомалангизға тушуна олмайдирман. Менға салтанатнинг не жоизлиғи бор деб хаёл қиладирсиз?

– Унда нечун Ҳасан понсод бошлиғ менинг уч юз навкарим сизнинг қўшинингизға қўшилибдир?

– Оллоҳ шоҳид Ҳасан понсодни чорлангғиз. Агар мен анинг сипоҳлари бирлан менга хайрихоҳ бўлғин деган бўлсам Каломуллоҳни шафе келтириб не деб сўзласангиз ризомен.

Ҳусайннинг бу далили қошида қайнотаси жим бўлиб, мулзамликда қолди. Ҳусайн эса ҳукмфармо бўлса ҳам

бунчалик калтафаҳмликка борган қайнотасидан қаттиқ хафа бўлди ва чиқиб кетди. Энди унинг ҳаётдаги сарсонлик вақтлари бошланди. Чунки у айни дамда ўз юрти Ҳиротга ҳам, боболари юрти Самарқанду Бухорога ҳам бориб қўним топа билишига ишонмасди. Мовароуннаҳр ва Хурсондаги мавжуд вазият айни дамда бирор саркардага бундай шароит яратиб бера олмасди. У боши оққан томонга кетишга мажбур бўлмоқда эди. Ёнида бирор кўмакчиси йўқ, ҳеч бўлмаганда Алишердек маслаҳатгўйи бўлмаган саркарда нима қилишини билмасди. Бир ҳафта бурун Алишердан олган мактубига қараганда Ҳиротга келиб ўрнашган Абу Саид Мирзонинг салтанати бутунлай янгиланган. Саройда фақат Мовароуннаҳрдан келган аъёнлар ин қуриб олишга улгурганмиш. Бир томондан ҳукмдор Алишернинг ўзига ҳам рўйхушлик бермаётган экан. Бунга сабаб Алишернинг Ҳусайн билан ўзаро яқинлиги, ҳамда азалдан ҳамфикр бўлиб улғайганида кўринармиш. Чунки, Абу Саид Мирзо Ҳусайннинг келажакда, албатта, етук саркарда бўлиб етишиши ва ўзи учун ягона рақибга айланишини башорат қилурмиш. Ҳусайн билан Алишернинг ростдан ҳам яқин муносабатда бўлиб келганлигини ҳеч ким инкор қила олмайди. Зеро, Алишернинг тоғалари Мир Сайид Али ҳамда Муҳаммад Али бирга саркарда Ҳусайн Мирзонинг хос хизматига киргандилар. Алишернинг яхшигина иқтидорли шоирга айлангани бироз жонига оро кирди. Унинг шеърлари нафақат Хуросонда, балки Мовароуннаҳр ва бошқа музофотларга ҳам овоза бўлиб кетганлиги учун Абу Саид Мирзо унга нисбатан бирор қалтислик қила олмайди. Бу мирзо гарчи Мовароуннаҳр ва Хуросонни бирлаштираман деб ҳаракат қилаётган бўлса ҳам, амалда мамлакат аввалги ҳолидек тарқоқ ички ва ташқи сиёсат барқарорлаша олгани йўқ.

– Ҳирот. Салтанатнинг жиловини ушлаб олган янги ҳукмбардор Абу Саид Мирзо аъёнлари қуршовида ҳар

куни машваратлар чақиради. Ўз режаларини ўртага ташлаб муҳокамалар қилади. Унинг суянган пири Хожа Аҳрор Вали ҳазратлари эса доим шоҳнинг ёнида унинг билан маслакдош бўлишга мажбур. Ҳиротнинг кўчалари бироз гавжумлашган, сал бўлса ҳам саодатли дамлардан хабар берувчи ҳодисалар кўзга ташланиб туради. Саройга кириб келган Алишерни шоҳ эмас, Хожа Аҳрор Вали кутиб олди. Чунки шоҳ томонидан Хожага бу иш топширилган экан.

– Ассалому-алайкум ҳазрат, – деди Алишер шайхга рўпара бўлиб.

Хожа Аҳрор Вали бир зум бу йигитга термулиб турди. Сўнг бугун ким салтанатга келиши ёдига келди чоғи бирдан сўз қотди:

– Во-алайкум ассалом, келинг Алишер. Басаломатмусиз?

– Ташаккур. Саломат юрибмиз.

– Келганингиз яхши бўлди. Яна бирор киши бирлан хабар юборурмиз деб турғон эрдик.

– Нечун, Менга кеча хабар етди. Бугун мана, етиб келдим. Ортиқча оворагарчилик жоиз бўлмас шайх жаноблари.

– Шоҳ сизни йўқлатғон эрдилар.

– Ниятлари муборак бўлсин. Ўзим ҳам бир табрики таҳният борасинда шоҳимиздин қарздорлиғ ҳолатинда турганимни биладирман. Хижолатдаман. Тобим йўқ эрди. Вақтида кела билмадим.

– Зарари йўқ, Алишер. Шоҳимиз тушунадилар сизнинг аҳволингизни. Менга сиз тўғрингизда тунов куни жуда кўп гапирдилар. Ростини айтганда сиздин бир оз кўнгиллари ранжибдир.

– Бунга не сабаб? Мен неча йилдин бери ўз юртим соғинчи ила жабр чекиб Машҳадда яшаб эрдим. Ҳиротға келганимга ҳали кўп бўлмади. Ўз кунимни ўзим кўриб юрибман. Қўлимда баҳоли қудрат қаламим бор. Шу менга овунч бошқа бирор

мақсадим бўлғон эрмаску.

– Алишер иним. Мен сизға бир омади гапни айтадирман. Бу шунчаки ўз фикрим. Бирор зотни аралаштирмаган ҳолда айтаяпман. Шу дунёнинг фиску фасоди-ю, буқаламунлиғи қай кимсага жафо қилмади, Қай кимсанинг қалбини ўртамади?

– Ҳа, сўзингиз рост мен бу фикрингизни тан оладирман.

– Аммо сизға гуноҳ қўйишларининг бир-иккита асоси ҳам борки, бу аниқ далил бўла олғай. Шоҳнинг норизолиғига асос саналғай.

– Хўшш-шш?

– Бу шундин иборатки, сиз саркарда Ҳусайн бирлан мустаҳкам дўстлиғ риштасини боғламишсиз.

– Ахир туғилмишдин бир даҳада улғайибмиз, кўкалдошмиз. Бунинг не ёмонлиғи бор ва қайси бир далил борки, мен Ҳусайнға Абу Саид Мирзо бирла ёвлашғину анға қарши бўлғин деғон эрсам?

– Тоғойинғиз иккиси ҳам анинг хизматинда эрмиш. Йўқ хизматинда эрмиш эрмас, бул аниқ далил. Шоҳ эрмас мен ҳам бу ишнинг аниқлиғини биладирман.

– Ахир алар тоғойим. Жияним эрмас. Ўз хаёллари бор. Ёш бола эрмаслар. Агар алар номуносиб йўлдин юрғон эрканлар, мен не тадбир қилайин? Отам ҳаёт бўлғонларинда балким алар нотўғри йўл тутсалар танбеҳ берсунлар эрди. Бироқ билурманки, тоғойимнинг ҳеч бириси шоҳ Абу Саид Мирзоға қарши отланмайдир. Яна бир мулоҳаза шоҳ бирлан аларнинг ўртасинда ер бирла осмонча фарқ бордур. Алар бир оддий сипоҳ, илкиларидин не келадур? Наҳотки, шу мулоҳазалар шоҳнинг хаёлларига келмайдир?

– Мен айтдимку. Фиску фасод бу оламнинг бузувчиси деб.

– Энди мендин шоҳнинг муддаолари не бўлиши мумкиндур?

– Ҳеч қандай муддао бўлмайдир, иним. Аммо агар шу маслаҳатимға амал қилсангиз менинг ўз мулоҳазам бор. Маъқул

топсангиз айтадирман. Бўлмаса айтмай қўя қолганим дуруст.

– Майли, айтингғиз, маслаҳатингизни.

– Мана бу содир бўлаётган можаролар пайсал топгунича Ҳиротни тарк этингиз. Бирор манзилға бориб таҳсил олиб турингиз.

– Яна Машҳадму? Қобулму? Қай гўшага бош олиб кетмагим бор эркан, тағин?

– Асло. Ундай эрмас. Маслаҳатим Самарқандга боринг. Шунда эл кўзинда ҳам, шоҳнинг назаринда ҳам сиз фақат таҳсил жафосини чекиб юрган кўринасиз. Бориб бамайлихотир таҳсил қилаверинг. Бирор монелик сезсангиз фақирга мактуб битингиз. Фақир ҳам яна бир-икки ой ичинда Самарқандга қайтурман. Менинг сўзларим кўнглингизга озор солди деб ўйламасман Алишер шундоқму?

Алишер бир оз ўйланиб қолди. Хожа Аҳрорнинг айтаётган фикри эса унга холисона бўлиб туюлди. Сўнг жавоб берди:

– Фикрингиз маъқул тақсир.

– Боракалло. Сиз жуда мулоҳазакор йигитсиз. Яратғон сизға бекорға иқтидор бериб қўймамиш. Мен шоҳға Алишернинг Самарқандга таҳсил олиш учун кетиш нияти бор эркан деб айтаман. Шаҳзода бир нима демас, ўзим тайинлағайман. Сизға бирор кимса зарар сола билмайдир.

Шундай қилиб, шайх Хожа Аҳрор Вали ва Алишернинг ўртасида самимий суҳбат бўлиб ўтди. Бир ҳафта ўтмасдан Алишер Самарқандга жўнаб кетди...

Ҳар бир инсонни Яратган сийласа унга толенинг муяссар бўлиши ҳеч гап эмас. Алишер гарчи Хожа Аҳрор Валининг маслаҳатига амал қилиш билан Самарқандга келган бўлса ҳам уни доимо Ҳирот соғинтиради. Айни пайтдаги Самарқанд ҳокими Аҳмад Ҳожибек ҳам адабиётни қадрлаган киши бўлиб Вафоий тахаллуси билан шеърлар ёзиб турарди. Ҳоким Алишернинг Самарқандга келишини эшитган ва шоирнинг

шаҳарга кириб келишини интизорлик билан кутаётган экан. Шаҳар дарвозасидан кириб келганда эса, шоирни шаҳарнинг уч-тўрт аъёнлари кутиб олдилар. Улар барчаси ижодкор кишилар эканлар. Аввалига Алишер буларни унинг ортидан қўйилган хуфями деб ҳам ўйлади. Бироқ ҳақиқатда эса улар Алишернинг ҳурмати учун ҳоким Аҳмад Ҳожибекнинг топшириғи билан пешвоз чиқишибди.

– Хуш кўрдик Алишер деб, дастлаб салом берди бир киши. У Мир Қарший экан.

– Асссалому алайкум, – дея Алишер уларнинг барчаси билан қўл беришиб кўришди.

Мир Қарший билан бирга Шайхим Суҳайлий, Улойи Шоший ҳамда яна бир киши кутиб олишга чиққан экан. Мир Қарший Алишерни қолганлар билан ҳам таништирди. Бул киши мавлоно Муҳаммад Олим деди энг сўнггида.

Кутиб олувчиларнинг барчасини ёши Алишернинг ёшидан улуғ эди.

– Сиз азизлар билан танишмоғимдин сарафрозман, – деди Алишер.

Навбатдаги хайр-хўш, яхши келдингизми, каби саволлардан кейин фойтунга чиқдилар. Иккита фойтун кетма-кет саройга қараб йўл олди. Бошқалардан кўра Мир Қарший меҳмонга кўпроқ илтифот кўрсатар, тинмай сўзлаб борарди.

– Табаррук зот Аҳмад Ҳожибек шахсан ўзлари сизни кутмакдалар, Самарқандга ташрифингиз, албатта, хайрли бўлди. Ахир маърифат ўчоғи бўлган шаҳримизга сиздек маҳоратли қалам соҳибнинг ташрифингиз эзгулик аломати эрур.

– Ташаккур, мавлоно. Мендек фақирга бунчалик илтифот кўрсатурлар деб етти ухлабману тушимга кирмабдур, – деди астойдил.

– Ўзи ухлаб туш-муш кўрадирсизму ё фақат ғазал ёзиш бирлан

тунни бедор ўтказадирсизму? – деди Шайхим Суҳайлий.

Унинг мутойибасидан барчалари кулиб юбордилар. Йигирма тўрт-йигирма беш ёшли бу йигитнинг исми шунчалик шараф топганидан ҳамда унга Яратган томонидан бу қадар туғма қобилият ато қилинганига ҳаммалари чин дилдан ҳавас қилардилар. Саройга етиб келдилар. Фойтун Аҳмад Ҳожибекнинг қабулхонаси олдига келиб тўхтади. Улар тўхташи биланоқ Аҳмад Ҳожибек ўзи пешвоз чиқиб, қучоқ очиб кўришди. Алишер ҳам чин ихлос билан бу самимийликдан сарфроз бўлганча Аҳмад Ҳожибекни ўз яқин ўртоғи сифатида қалбига яқин қабул қилди.

Ичкарига кириб ўлтиришдилар. Бу давранинг энг ёши улуғи Шайхим Суҳайлий бўлса, энг ёши кичиги Алишер эди.

– Ҳазрати Фазлуллоҳ Абу Лайс мадрасасинда сабоғимни давом эттирсам, – деди Алишер илтимос оҳангида.

– Мир Қарший жаноблари. Сиз меҳмоннинг ётоқлари ва яшаш шароитлари борасинда масъул этиб тайинландингиз. Шул дақиқадин бошлаб истаған вақтда бу борада савол-сўроғимизга тайёр турмаклигингиз жоиз. Қўшимчаси булки, Алишер зерикиб, мусофирчилик не эрканлиғини асло сезмасинлар. Ул киши бирлан сайру саёҳатлар уюштирмак ҳам сизнинг зиммангизда.

– Бош устига, амирим. Саъй қўшиш билан Алишерга яхши шароитни яратурмиз. Ҳирот ёдларидин фаромуш бўлса ажабмас.

Шундай қилиб, Алишер Самарқандда яшай бошлади. Хожа Аҳрор айтганларидек унга бу ерда бирор монелик бўлмади. Ўзи истагандек Абу Лайс мадрасасида таҳсилни давом эттирди. У бу ерда мавлоно Ховарий, Мирзобек, Ҳарими Қаландар ва бошқа кўплаб ижодкорлар билан дўстлашиб кетди. У дўсти Ҳусайнни ҳеч қачон унута олмас у билан деярли ҳар ойда бир мактуб олиб хабардор бўлиб турарди. Ёз фасли бошланди дегунча Алишер

Ҳиротга ошиқар, киндик қони тўкилган тупроқда бир - икки ой бўлиб яна Самарқандга қайтарди. Ўзи Самарқандда осойишта ҳаёт кечирсада, Ҳусайннинг сарсон юрганидан эзилар унга ёрдам бера олмаганлигидан афсусланарди. Чунки Ҳусайн унга гоҳ Журжондан, гоҳ Хуросондан, гоҳ Хоразмдан, Астроботу Мозандарон ва бошқа жойлардан мактуб битиб юборарди. Бир сўз билан айтганда дўсти бирор шаҳарда муқим яшаб тура олмасди. Ҳиротга борган вақтларида Султон Абу Саид хабар топиб саройига чорласа ҳам унинг ҳузурига бормасди.

– Ўз киндик қони тўкилғон юртдин бадарға бўлиб мусофир, дарбадар юрған фақирға олийшон салтанат бўсағасидин ҳатламакнинг не зарурати бор, – деб жавоб қиларди у келган вакилга.

Алишернинг ёшлигидан кўрган тарбияси, қатьиятлиги, бир сўзли эканлиги уни шундай қарорга келтирганди. У бирор кимсага, айниқса, ҳукм юритувчи вазифадорга бош эгиб бормасди. Бир сўз билан айтганда ўжар эди Алишер. Бу сафар ҳам у ўз жавобини айтиб Самарқандга жўнаб кетди. Шундай кунлардан бирида Алишерни шаҳар ҳокими Аҳмад Ҳожибек чақириб олди. Аслида, уни кўп мароталаб Аҳмад Ҳожибек суҳбатга тортар, саройда бўладиган йиғинлар Алишернинг иштирокисиз ўтмасди. Бу гал эса суҳбат жиддийроқ кечди:

– Мавлоно сизни йўқлатғанимиздин бизнинг бир жиддий мақсадимиз бордир.

– Бош устиға. Ҳар не хизмат эрса тайёрдирман, – деди Алишер.

– Бизға сизнинг кўмагингиз зарур эрур. Сизни девонға ишга тайин этурмиз. Бироқ бу сабоғингизға зарра таъсир қилмағай. Ойлик маош ҳам тайин қилинадир. Биз аъёнлар билан бу хусусинда хулосаға келиб қўйдик.

– Ишончингиз ва илтифотингиз учун ташаккур. Токим не имконим мавжуд эркан мамлакат фаровонлиғи йўлинда ҳисса қўша олсам ўзимни бахтиёр ҳисобламишман.

Ахмад Ҳожибекнинг хусусиятини Алишер жуда яхши билади. У бир сўзли, қатъиятли саркардалардан. Ҳарбу зарб илмини мукаммал эгаллаб олган. Султон Маҳмуд Қошғарийнинг ўғли ҳисобланади. Сулоласининг ҳам ўзига яраша мавқейи бор. Келишган барваста йигит. Хуросонда улғайган. Ўн йилга яқин Хуросонда Дорус-салтанада хизмат ҳам қилган. Бу ерда ҳам салтанат ишида собит ва қойим турибди. Аммо бирор киши ундан ҳанузгача бирор нораво муносабатни кўрмади. Адолат унинг қалбида тутган шиори. Баҳодирлигини эса ҳамма эътироф этади. Шеърга машғул бўлиб туради. Шеър санъатини ҳам кераклича ўзлаштирган. Форсийда битган шеърлари ўзимнинг муносиб ўрнини топиб олган.

***

Султон Абу Саид Мирзо қўл остидаги мамлакатининг ҳудудини кенгайтириш мақсадида жадал ҳаракатлар бошлаб юборди. Бунинг натижасида давлат чегарасининг ҳудуди Шарқий Туркистондан Ироққача, бир томони эса Сирдарёдан Ҳиндистон чегараларигача кенгайиб кетди. У доимий тарзда ҳокимиятни мустаҳкамлаб борарди. Мамлакат ичкарисидан чиққан исёнкор ноибларни аямасдан қаттиқ жазога тортди. Шу билан бирга у бирмунча маданий тадбирларни кўнгилдагидек амалга оширди. Санъат, адабиёт, тиббиёт, ривож топа олди. Ҳунармандчилик, тижорат юксак даражага кўтарилди. Ҳирот, Астробод, Мозандарон, Самарқанд, Бухоро ва шулар каби кўзга кўринган бошқа шаҳарларда кўплаб иморатлар бунёд бўлди. Деҳқончилик ривожланди. Аммо унинг бу борадаги ҳаракатлари изчиллик билан натижа кўрсата олмади. У бугун аъёнлари билан мажлис қилиб ўз фикрларини баён қилмоқда эди:

– Бизнинг олиб бораётган салтанатимиздағи ишларимиз не чоғли аҳамиятли бўлса ҳам бул хайрли ишимизға қарши кимсалар ҳам мавжудлиғи сир эрмас. Хусусан, Хуросону, Эрон, Хоразмдағи исёнлар учун не тадбир қилмакка бошим қотадир. Исёнкорлар гуруҳларининг таъзирини берсак, унга қўшилиб тинч аҳолини ҳам жабр кўришиға сабаб бўладирмиз.

– Ташқи кучларнинг ҳам салбий таъсири мамлакат аҳолисининг тинкасини қуритмагига сабаб бўлмакда. Биз ҳам наҳотки энди Шоҳрух Мирзо ёки Султон Улуғбек Кўрагон сингари осойишта мамлакат шакллантиролмасак. Хориж мамлакатларига элчилар юбориб, ўзаро муносабат ўрнатмасак. Тажриба алмаша билмасак? Қандай ажиб даврлар бўлган эрканки, Соҳибқирон Амир Темур бобомизнинг илкларинда ярим дунёнинг жилови собит турган эркан.

– Қани энди сиз хаёл қилғон ишлар маърифат, маънавият бирлан амалға ошса. Қилич бирлан эмас ақл бирлан, эзгу ишлар, эзгу ниятлар амалға қўйилса, – деди даврада ўлтирган шайх Хожа Аҳрор Вали. – Сиз тилға олган улуғ бобонгиз «Давлат ишларининг тўққиз улуши кенгаш, тадбир ва машварат, қолган бир улуши эса қилич билан бажо келтирилишини англадим», – деб айтғонлар.

Хожа Аҳрор Вали бу сўзи билан ўтмишда ҳукмдорнинг фаолиятида содир бўлган бир қанча мақсадсиз урушларни, беҳуда қон тўкилишларнинг содир бўлганига ишора қилаётганди. Шундай талотўплардан биринг натижасида ўтмишда Султон Абу Саиднинг ўзи ҳам жабр кўрганди. Хусусан, Султон Мирзо Улуғбекнинг вафотидан кейин марҳум шаҳзода Абдулатиф Мирзо Абу Саидни Бухорода зиндонга солганди. Салтанатпешалик хаёли ҳар доим ҳам шундай кўнгилсизликларга сабаб бўлади. Абу Саид Мирзо Хожа Аҳрор ҳазратларининг фикрини доим ҳам ҳисобга олса-да, у кибру-ҳавога берилган, кўплаб шафқатсиз жанглар қилган. Вақти

келганида момоси Гавҳаршодбегимга ҳам шафқат қилмаганди. Бир иқтидорли ёшгина ўспирин, марҳум Ғиёсиддин Баҳодирнинг ягона ўғли шоир Алишерни Самарқандга кетишига ҳам сабабкор бўлган, Хожа Аҳрор Валининг холис фикри билан унинг жонига қасд қилмакдан тийилиб турибди.

– Қани, кимдин баҳодирлиғ чиқадир, кимдин каминанинг фикриға ёндош фикр чиқадир? Бир томондин Хоразм таҳликаси турибдир. Шаҳзода Ҳусайн Мирзо салтанатимизға даъвогар бўлмак ниятинда эрмиш. Ул шаҳзода зимдин бизға қарши иш юритмак эрса, биз жимғина қўл қовуштириб турсак, бу қандай ҳол бўладир? Менинг айтаётғон фикрларим исботини топғон, менга инонған кишиларим бу сўзларни етказадир.

Абу Саид Мирзонинг гапига ҳеч ким бирор нарса дея олмасди. Чунки Хожа Аҳрор Вали турган мажлисда ундан ўтиб бирор саркарда фикр бера олмасди. Айни дамдаги вазият шундан иборатки, Абу Саид Мирзо Темурийлар тахтига эга бўлганидан сўнг, орадан кўп ўтмай, туркманларнинг Оққуюнли уруғи вакили Узун Ҳасан билан Қорақуюнли давлат ҳукмдори Жаҳоншоҳ ўртасида салтанат учун кураш бошланиб кетганди. Икки йил аввал Узун Ҳасан Қорақуюнли давлатининг ҳукмдори Жаҳоншоҳни мағлуб этиб, ўз давлатига асос солиб олган. Узун Ҳасан гарчи аввал Темурийлар билан яхши муносабатда бўлган бўлса-да, давлат тепасига Абу Саид Мирзо келиши билан зиддият ривожланиб бу алоқаларга путур етди. Чунки, Абу Саид бир пайтлар Темурийларга тобе бўлган Оққуюнлилар давлати ҳудудларига, хусусан, Озарбайжонга кўз тикиб уни тасарруф этиш ҳаракатида бўлиб келди. Унинг бу ҳаракати зимдан давом этаётган бўлса ҳам Узун Ҳасан барча вазиятдан хабардор. Ҳозир бўлаётган машваратнинг асосий мақсади шоҳнинг шу орзусини амалга ошириш учун режа тузиб олишдан иборат. Йиғиндаги аъёнларнинг ҳеч бири шоҳнинг истагини қўллаб қувватламадилар. Чунки на мамлакат

ичкарисида, на ташқарисида беҳуда қон тўкилишини бирор киши истамасди. Шу билан мақсадсиз чақирилган машварат якун топди. Орадан эса кўп вақт кечмасдан яна шу қарор билан машварат чақирилди.

Қиш фаслининг ўрталари. Абу Саид Мирзонинг хос қўшинлари Хуросондан чиқиб йўлга тушди. Икки кундин бери тинмай ёғаётган қор от-уловнинг йўл юришини душвор қилиб қўйган. Тунларда эса ғуборсиз осмонда пайдо бўлган юлдузлар ва тўлин ой оламни чароғон қилса ҳам, қаҳратон авжига минади. Туф деганда тупук ерга музлаб тушади. Қўшин Озарбайжон сари одимламоқда. Ниҳоят Миёна деган қасабага етгач, Абу Саид Мирзо Оққуюнлилар султони Узун Ҳасанга мактуб ёзиб юборди. Мактуб таҳдидона тарзда бўлиб, Абу Саид Мирзонинг калондимоғлиғини яққол кўрсатиб турарди:

"Султон Абу Саид Кўрагон сўзим. Ҳасанбекка салом етгач, сўз улким, Тенгри иноятн бўлуб, Соҳибқирон Темурбек тамом мамоликни мусаххар қилиб юрган замонларинда, улуғ отанг Усмонбек чин кўнгли била бек давлатига паноҳ келтуруб, ихлосини билдурган эрди ва шул учун бобом Темурбек даҳи иноятлар қилиб, барча улусдин ортуқси кўруб, Диёрбакир вилоятини билдуруб, хоссатан ўғил ушоқининг тинчлиги учун Ҳамидтек ерни доғи суюрғаб юрт берган турур эрдилар. Бобонг Усмонбек доғи бекнинг ул иноят шафқатини унутмайин, Бекдин сўнгра ўғлонлариға чин ихлос била куч бериб, бурун бек чоғинда қилған хизматларини ҳаргиз ўзга қилмади. Тенгри иноят қилиб, Соҳибқирон бек отамнинг тахтини менга рўзий қилди эса, сен доғи отанг юртини билиб, эл-улусингни бошлағонингдин бери яхшилиғинг чин эътиқодингни билдуруб эрдинг..."

– Мактуб бориб етганидан сўнг Узун Ҳасан Абу Саид Мирзо унинг боболари Амир Темурга хизмат қилганидек тобеликни истаётган эканлиги аниқлигини кўрди. У ҳам мактубга жавоб йўллаб ўз фикрини билдирди:

Билдирғон фикрларинғизда ғалат фикр йўқ. Кўрмамишманки, ниятинғиз ёмон бўлғай. Дўслиғ ришталаримиз мустаҳкам жипслашувини чин дил била истамишман. Иним Юсуфбекни сизға менинг дуойи саломимини етказмоғини тайинлаб жўнатмакдамен.

Шундай қилиб, Узун Ҳасан Абу Саидга иниси Юсуфбекни элчи қилиб юбориб, сулҳ тузишни таклиф қилади. У ўз мактубида Абу Саид Мирзодан узр сўраб, юз йилдан бери ота-боболари Амир Темур ва унинг авлодларига садоқат билан хизмат қилиб келаётгани, бундан буён ҳам шундай бўлиб қолишини, фақат Озарбайжондан чиқиб кетиш учун баҳоргача рухсат беришни сўрайди. Абу Саид эса Узун Ҳасаннинг бу узрхоҳлигидан янада ҳаволаниб, илгарилашда давом этади.

Шу ўринда тан олиш керакки, аслида бу Узун Ҳасаннинг ҳийласи эди. Шу тариқа Узун Ҳасан Абу Саидни қопқонга туширмоқчи бўлганди ва бунга муваффақ ҳам бўлди. Сулҳ таклифига қулоқ осмаган Абу Саид Қорабоғ томон илгариб бораверди. Аммоҳаддан ташқари совуқ ва озиқ-овқат танқислиги Темурий султоннинг эллик минг кишилик қўшинини ҳолдан тойдирди. Амирлар ва беклар Абу Саиддан юз ўгириб, ярим йўлда ташлаб кетиб қолдилар. Энди Абу Саиднинг ўзи Узун Ҳасан билан сулҳ тузишни таклиф этиб, ҳатто унинг ҳузурига онасини йўллади. Узун Ҳасан худди шу фурсатни кутганди. У Абу Саиднинг оз сонли қўшинини осонлик билан мағлуб этиб, шу баробарида эса ўзини асир олади.

– Шоҳим биз Темурий ҳукмдор Абу Саид Мирзони қўлға олдик, – деди Узун Ҳасаннинг уддабурон хос қўмондонларидан бири.

Узун Ҳасан жуда ўзини босиб олган, ҳовлиқмайдиган ҳукмдор эди. Бу хабар уни ниҳоятда қувонтирган бўлса ҳам сир бой бермади.

– Аъёнларни машваратга тўплангиз, – деди у босиқлик билан.

Узун Ҳасаннинг хосхонасида эллик-олтмиш саркардаю, шайхлар атанган сипоҳ қўмондонлари йиғилди. Абу Саид Мирзони олиб кирганларида, унга Узун Ҳасан пойгакдан жой кўрсатди.

– Сизнинг жойингиз ана у ер, – деди у ҳам энди Абу Саид Мирзога нописандлик қилиб.

Ҳамма жим бўлиб турар, бу икки ҳукмдор бир-бирига нима муносабат билдиришини томоша қилиш барчага завқли эди.

– Бу ер менинг обрў-эътиборимга тўғри келадиган жой эмас, менга тўрдан жой беришинг керак эди, – деди Абу Саид Мирзо.

– Сен ҳурматингни билиб ўз ихтиёринг билан ҳузуримга меҳмон бўлиб келганингда, сенга тўрдан жой кўрсатардим. Аммо сен менга қарши қилич яланғочлаб келдинг ва охир-оқибат енгилдинг, шу боис, сени бундан юқорироққа ўтқазолмайман. Эсингдаму мен сенга ҳурматингни сақлаб сулҳ таклифини қилдим. Эрондин қиш ўтгач, ўз ихтиёрим билан чиқиб кетишимни билдирдим. Сен эса бошингни осмон қадар мағрур тутдинг. Тақдир доим ўзингни сийлашига инондинг, – деди Узун Ҳасан.

– Мен сенга сулҳ таклиф қилдим. Ишонч сифатинда волидаи муҳтарамамни ҳузурингга жўнатдим. Бироқ сен ҳам бошингни мағрур тутиб мени писанд қилмадинг. Натижада мана шундай мухолифатлиғ пайдо бўлди.

– У пайтда вақт ўтғон эрди. Сенинг саркардаларинг ўзингдин юз ўгириб кетиб, кучинг заифлашганидан сўнг менга сулҳ таклиф қилдинг. Энди мен сени қанчалик жазолай десам ҳам қурбим етадир. Мен яна бир мардлиғ қиламан сенга қўлимни ҳам теккизмайдирман. Саройимда ўз акраболарингдин саркарда Ёдгор Муҳаммад Мирзо хизмат қиладир. У сенға ўхшаш эрмас. Камтаринлиғ оламининг шоҳи ул. Сенинг тақдирингни ул ҳал қиладир. Нима қарор қабул қилса унинг ихтиёринда...

Бир неча йил аввал, аниқроғи бир минг тўрт юз эллик еттинчи йилда Абу Саид Мирзо Улуғбек Мирзонинг онаси ҳисобланмиш Ёдгор Мирзонинг бувиси Гавҳаршодбегимни кекса ёшли аёл эканига ҳам қарамай, шафқатсизларча ўлимга буюрган эди. Ёдгор Мирзо эса бувиси Гавҳаршодбегимнинг хуни эвазига Абу Саидни қатл этди. Шу тариқа Абу Саид Мирзо ўз Ватанидан олисда ҳаёт билан видолашди.

Хуросону Мовароуннаҳр эса яна шаҳзодаларнинг салтанат талашиш майдонига айланиб кетди. Бугун бозорга тушган Мирак Наққош ёнида ёш шогирди Камолиддин Беҳзодни ҳам ўзига ҳамроҳ қилди. Бозорда кўп қолиб кетишмади. Керакли ашёларни сотиб олишганидан кейин қайтиб йўлга тушишди. Ҳамманинг оғзида бир хил гап-сўз юрарди. Оққуюнли саркарда Узун Ҳасан қўлида асир тушган ва қатл этилган Абу Саид Мирзо ҳақида билган-билмаган кишилар сўзлашиб қолишарди. Чунки энди ўн олти ёшга ўтган Камолиддин Беҳзоднинг фаҳми ҳам бу гап-сўзларнинг барчасини мағзини чақа олар, оз-моз давлат сиёсатини ҳам тушунадиган ёшда эди.

Йўлда бир кичкина саройга тушиб тамадди қилишди. Барча кишилар Мирак Наққош билан ҳол сўрашишар унинг ёнидан салом бермасдан ўтиб кетишмасди.

– Мавлоно, эшитдингизму Султон Абу Саид бандалик қилғон эрмушлар, – деди бир кексайиб қолган киши.

– Ҳа, шундай гап сўзлар бўлиб турибдир, бироқ аниқ бир гапни ҳали ҳеч ким айтғони йўқ, – деди мусаввир.

– Шамол бўлмаса дарахтнинг шохи қимир этмайдир. Бир гап бордирки, овоза эшитилибдир.

– Энди тақдири азал, ҳар бандaнинг бошида не савдо бўладир танҳо Яратган биладир, биз бандалар не ҳам қила олар эрдик.

Уйга қайтиб келганларидан кейин эса, Беҳзод устозидан сўраб қолди:

– Устоз бу безовталикларнинг бизнинг оиламизга алоқаси борму?

– Оиламизға алоқаси бўлмас. Бироқ салтанатға кимдир эга туриб мамлакатни осойишлиққа олиб чиққунича вақт ўтиши керак. Бу халқнинг оз-моз азоб тортишига сабаб бўладир. Нарху навога таъсир қиладир.

– Саркарда Ҳусайн Мирзо Ҳиротга келаётган эрмишлар шу ростму устоз? Агар ул муҳтарам зот Ҳиротни эгалласалар, албатта, у кишининг дўстлари, юксак маҳоратли шоир Алишер Навоий ҳам Самарқанддин Ҳиротга қайтар эмишлар....

Шу йилларга келиб ёшу кексанинг тилида Алишер деган исм ёд бўлиб кетганди. Ўзини танимаган одамлар ҳам унинг шеърлари таъсиридан қалбида ажиблик туярди. Эҳтиром билан Алишер Навоий деб атайдиган бўлиб кетганди. Албатта, Беҳзод ҳам шундай хаёлдан йироқ эмас, у ҳам ғойибона Навоийнинг сиймосини кўз олдига келтирар ва албатта унинг билан учрашишни орзу қиларди. Ёш бўлишига қарамасдан Беҳзод ҳам Ҳиротда анча тилга тушиб қолган мусаввир эди. Чунки Ҳиротда мусаввирлар ҳақида гап кетганда ҳамманинг кўз олдига ёш мусаввир ўн олти ёшли Беҳзод ва ўттиз уч ёшли Султонали Машҳадий гавдаланарди. Султоналининг ҳам жуда юксак иқтидори бўлиб, Мирак Наққош билан доимий алоқада бўлиб борарди.

– Балким шундай бўлар, – деди у Беҳзоднинг саволига жавоб бериб. – Аммо сабр қилиб турайлик-чи. Таъбир жоиз бўлса агар гапирадиган бўлсак, ҳозир мамлакатимизнинг бирор жойи тинч эмас. Барча ҳадик ва саросима ичинда.

Мусаввир айтганидек, пойтахтда, саройда эса бесаранжомлик ҳукм суради. Ҳукмдор Абу Саид Мирзонинг асирга тушиб шаҳид қилинганлигини бу ердаги сипоҳлару ҳарам аҳли ҳамма эшитган. Энди бу сарой пиллапояларини қайси шаҳзода босиб ўта олади ва девони хосда турган тахтга ким келиб ўрнаша олади. Шу тўғрисида ҳар ким ўз билганича мулоҳаза юритади. Пичир-пичирлар авж олади. Биров чин дил билан Абу Саид

Мирзонинг бевақт ўлимига ачинса, кимлар учундир бу кутилган вазият ҳисобланади. Айни кунлардаги гап-сўзларга кўра шаҳзода Ҳусайн Бойқаро тахт даъвогарларининг асосий вакили эмиш. У айни дамда Хоразм томонларда қўним топа олмасдан юрган экан.

– Энди не чора топмак мумкин, – деди марҳум шоҳнинг ўғли Султон Аҳмад оғаси Султон Маҳмудга.

– Ҳусайн Мирзонинг қўшини салмоғини билмак жоиз. Ахир падаримиз идора қилғон салтанатни ташлаб қўядирмизму, – деди Султон Аҳмад.

– Ҳусайн Мирзоға қарши юриш қилсақ, балким толе бизға насиб бўлиб Ҳиротни мухосара қилармиз. Ҳирот тахти қўлға ўтса, ошиғимиз олчи бўлур.

Ёш бўлса ҳам гапга чечанлик қилаётган жияни Султон Али Мирзонинг маҳмадоналиги Султон Аҳмадга ёқмади.

– Ёши улуғлар олдида суҳбатда бўлганда гапни тинглаб ўлтиришни ўрганинг шаҳзода, – деди Султон Аҳмад.

– Ҳирот қалъасини эгаллаш сен ўйлағанчалиғ осон бўлса қани эрди, – деди шаҳзодага отаси ҳам жеркиганнамо.

Хуллас, беш-олти кун маслаҳатлашиб шаҳзодалар бир қарорга келишолмадилар. Эндигина Наврўз байрами ўтиб бўлиб, орадан икки кун кечиб шаҳзода Ҳусайн Мирзо Ҳиротга кириб келди. Келишилганидек тунда кириб келган қўшинларга Ҳирот қалъасининг дарвозалари очиб берилди. Жума куни эди, шу муносабат билан дарҳол Ҳусайн Мирзо номига хутба ўқилди ва у Хуросон ҳукмдори деб тан олинди. Шаҳзодалар Султон Али Мирзо ҳамда Султон Маҳмудлар эса Ҳусайн Мирзо билан курашга отланишга ботина олмадилар. Вақтни ғанимат билиб Самарқанд сари ошиқдилар ҳамда Самарқанд тожини илкларида маҳкам тутдилар. Энди Хуросон ва Мовароуннаҳр яна иккига бўлиниб, икки алоҳида мустақил мамлакат бўлиб қолаверди. Бу салтанат соҳиблари бир-бирларига уруш эълон

қила олмасдилар. Чунки шайх Хожа Аҳрор Валининг бу икки шоҳ олдида ҳам нуфузи жуда юқори бўлиб, у ҳар икки мамлакат бўйлаб вазиятни осойишта сақланиб қолиши учун кафил бўлиб турди. Самарқандда таҳсил олиб турган Алишернинг ҳужрасини бугун кечқурун Ҳиротдан келган бир хабарчи тақиллатди. Алишер бугун анча кўп дарсларда қатнашганлиги учун андак толиққанди. Бироқ ҳужрасида шогирдлари ва сабоқдошларидан тўрт-беш киши мавжуд эдилар.

– Сизға Ҳиротдин дуойи салом олиб келдим муҳтарам шоир, – деди чопар. У теварак-атрофга аланг-жаланг қарарди. Афтидан унга Алишернинг танҳо ўзига учрашиб, бу хабарни етказиш тайинланган эди. Хабарчи дастори қатидан кичкина бир қоғозни олиб Алишерга узатди. Шоир тезда хатга кўз югуртириб чиқди:

Дўстим Алишер, Яратганга ҳадсиз шукрлар бўлсинким, бугун Ҳирот қалъаси илкимизга ўтди. Она юртимиз Хуросоннинг равнақиға ҳисса қўшмак вақти етиб келди. Сизни интизор бўлиб кутяпмиз. Бизнинг номимиздин Аҳмад Ҳожибек жанобларига дуойи салом етказиб, ўтинчимизни, албатта, билдирсангиз. Ул табаррук бирodаримиз ҳам сизнинг Самарқанддин чиқиб йўлга отланишингизга кўмак берурлар деган фикрдамиз.

Султон Ҳусайн Мирзо. Имзо. Сана. Ҳирот.

Алишер бундай воқеа содир бўлишини аввалдан сезганди. Чунки мамлакатда кечаётган ҳодисалар, албатта, унга маълум эди. Дўсти Ҳусайн Мирзонинг забардаст саркарда бўлиб етишганлигини у ҳис қиларди. Орадан ўтган ўн икки йиллик вақт ичида бу икки дўст қанчалаб азобларни бошларидан ўтказишди. Фақатгина мактублар орқали мулоқотда бўлишди. Бир-бирларининг дийдорларига қанчалик муштоқ бўлиб юришди. Самарқандда Алишерга хизматлари учун ҳам "Чиғатой амири" унвони берилганди. Шу вақтлардаги хизмат

қилиш жараёнида у салтанат ишларини мукаммал ўрганиб ўз тажрибасини ҳам ошира борганди. Бир томондан қараганда Аҳмад Ҳожибек унинг Самарқандни тарк этишига унчалик рози ҳам эмасди. Аммо Султон Ҳусайн билан Алишернинг қалин муносабатини ҳис қиларди. Бунинг устига Алишер Ҳиротга, ўз юртига қайтишни хоҳлаётган эди.

– Биз сизға монелик қила билмасмиз. Начора, сиз ўз киндик қонингиз томған элга қайтмоқни ихтиёр қилмакдасиз. Магарким, айни дамда менинг сизға қарши турмаклигим ҳам бирор аҳамият касб эта билмайдир. Шунча йил ёнимизда туриб улуснинг дарди бирлан яшадингиз. Бизға камарбаста бўлдингиз ташаккур сизға шоир. Султон Ҳусайн биздин бу борада рухсат бермаклиғимизни сўрабдирлар. Мен Ҳиротда туғилғонмен. Киндик қоним томғон элнинг салтанат соҳибининг сўзини рад қила билар эрдимму?

Самарқанддан йўлга чиққан Алишери Фоний шамол янглуғ тез Ҳиротга етишини истарди. Айни дамда у Хуросон, Турон, Хоразм ва бошқа кўплаб музофотларга донғи кетиб бўлган Алишер эди. Йўлда саройларда тўхтаб қолган вақтларда иқтидорли шоир билан танимаган кишилар ҳам кўришишни истардилар. Шу ўтган йиллар давомида у бу қўнган работларидан неча бора ўтиб-қайтган, кўп кишиларни таниб ҳам улгурганди. Шиддат билан йўл босаётган уловлар Алишернинг назарида жуда ҳам секин ҳаракат қилаётгандек эди, гўё. Баҳорнинг ажиб жилваланиши, уйғониш фаслининг йўллар атрофидаги жозибали бетакрор мафтункорлиги ҳам унинг хаёлини забт этолмас, шоирлар тили билан сўзлаганда қалбига илҳом туйғусини сола билмасди. Унинг қалбини фақат она шаҳри, Ҳирот туйғуси заб эта олганди...

Салтанат, янги ҳукмдор

– Аҳли жамоа, бугун Ҳиротга азиз дўстимиз, эл-улус назаринда ажиб ашъорлари билан шуҳрат топган ҳазрати Фоний кириб келадирлар. Биз ул кишининг пойтахтга келишларини байрамона нишонлаб, муносиб кутиб олишимиз керак, – деди шоҳ Ҳусайн Бойқаро ифтихор билан аҳли умаросига жиддий юзланиб.

Бу хушхабар кўпчилик аъёнларни хурсанд қилиб юборди. Ҳамма бир-бирига мамнун жилмайганча хонани пичир-пичир овози тутиб кетди. Ҳусайн Бойқаро шундай деб барча ўтирганларга бир-бир кўз қирини ташлаб чиқди. Алишерни кутиб олувчилар орасида амалдорлар билан бирга мусаввир Мирак Наққош, Султонали Машҳадий, шоирлар Биноий, Осафий каби маърифатли инсонлар бор эди. Буларнинг шоирни кутиб олишга чиқишларини шоҳнинг ўзи тайинлаб, бирма-бир номларини айтиб чиқди.

– Созингиз бадастурму, – деди шоҳ Қулмуҳаммад Удий билан Шоҳқули Ғижжакийга қараб.

– Доирамиз хурсандлиғидин бир ҳафтадин бери ғилофига сиғмайдир, – мутойиба билан жавоб берди иккала санъаткор ҳам.

Хонада гурр кулги кўтарилди.

– Алишерни чорлаб келмак учун Самарқандга ўзим бормаганимдин афсусдамен, – деди шоир Биноий.

– Айни дамда Алишер эллик тошли йўлда эрмишлар, яёв юриб пешвоз чиқсангиз балким кўнглингиз таскин топар мавлоно Биноий – луқма ташлади Мирак Наққош.

– Юз тошли йўл бўлса ҳам энди пешвоз чиқмагимнинг ҳожати қолмади жаноби мусаввир. Яхшиси етиб келсинлар бошқалар тек турсинлар, ўзим жиловдорлик қилай. Мусаввирлар шу ҳолни хотирада сақлаб, нақшласинлар. Қалам ҳақини ўзим

берай унда ёддин чиқмас иш бўлур ва нозиктаъб шоиримизнинг кўнгиллари хушнуд бўлсун.

Биноийнинг айтган сўзидан бировлар завқланса, яна кимдир унинг бу ҳаракатини ҳавас деб тушунди, кимдир эса Биноийнинг Навоийга бўлган ҳасади деб қаради. Кутиб олувчилар баҳслашабаҳслаша саройдан чиқдилар. Беш чақирим жойга етганларида, усти ёпилган икки-уч арава маҳофада самарқандлик меҳмонлар келмоқда эдилар. Алишер эса эгар-жабдуғи олтин-кумуш билан жиҳозланган отда келарди. Унинг ёнидаги отда эса яқин дўсти Шайхим Суҳайлий келарди. Дастлаб Султон Али Машҳадий меҳмонга рўпара бўлди. Унинг ортидан Мирак Наққош, Биноий, Осафий қатор турдилар. Улар ўз отларининг жиловини хизматкорларига тутқазгандилар. Отдан тушган Навоийни биринчи бўлиб Султон Али Машҳадий бориб қучди. Лаблари титраганча сўз қотди:

– Дилбандимиз Алишер, саломат бормусиз? Шундоқ кунларимиз ҳам бор эканки, дийдор кўришмакни раво айлаган Тангрига шукур.

– Маним кўзларимга пайваст Ҳирот соғинчи ва дўстларимнинг муборак дийдори ғуборлар солди десам такаббурлик бўлмас.

Алишер билан Султон Али Машҳадий қучоқлашиб кўришди. Кейин Мирак Наққош ва навбатдагилар Алишер билан кўриша кетдилар. Йўл ўртасида тўхтаган фойтунлар, отуловлар бир-бирига қоришиб кетди. Меҳмону мезбонлар ўзаро дийдорлашган фараҳбахш бу онларни асло тугамаслигини истар эдилар. Шу тариқа қарийб ярим соатга яқин давом этган кўришиш маросими тугади.

– Қани уловларга мингашайлик, – деди Мирак Наққош.

Унинг бу сўзи меҳмону мезбонларнинг қаерда тўпланиб турганликларини эсларига солди. Уловларга чиқиб, саройга жўнадилар. Алишер ўзига кўрсатилаётган юксак эъзоз ва эътибордан кўнгли таскин топиб, шодланиб турарди. Шу

билан бирга унинг кўзига меҳрибон ва мураббий бўлган ўз тоғалари Мир Сайид Али ва Муҳаммад Алининг сиймоси гавдаланарди. Афсуски, иккала тоғаси ҳам мақсадсиз бўлиб ўтган урушларда шаҳид бўлиб кетгандилар. Уларнинг ўлимига салтанат учун курашган жанглар сабаб бўлганди. Начора, ўлим ҳақ унга чидаш эса инсоннинг гарданида. Алишер бирдан ҳушёр тортди. Чунки саройга яқинлашиб қолгандилар. Кенг, катта кўчага кирганларида ноғоралар, карнайларнинг акс-садоси қулоқларни қоматга келтириб юборарди. Кўчанинг икки четида кутиб турган кишиларнинг овозлари, мусиқанинг акс садоси остидан узуқ-юлуқ эшитиларди:

– Буюк шоир келдилар... Ҳирот энди машҳури жаҳон бўлгай.... Султонимиз адолатпешалиғда тенгсизлар... Ҳазрати Алишернинг қадамларига ҳасанот.....

Юз-юз эллик қадам жойга ёзилган пойандозлар устидан Алишер Навоий, ёнида Султон Али Машҳадий, ортидан Шайхим Суҳайлий, Мирак Наққош ва бошқа кишилар оҳиста қадам босиб борардилар.

– Ахир нечун бул тариқа дабдабавозлиғ, – деди Навоий оҳорли енгил чакмонининг чўнтагига қўл юбориб дастрўмолини олар экан Султон Али Машҳадийга.

– Шоҳ амри вожиб Алишербек.

...Саройнинг эшигига эллик қадамча қолганда эса кишилар шоҳ Султон Ҳусайн билан Алишер Навоийнинг бир-бирларини қучиб кўришишларига гувоҳ бўлдилар. Шоҳ ва шоир ажиб бир яқинлик билан бир-бирларининг дийдорларига тўймас эдилар. Аммо на султоннинг, на шоирнинг тилига бирор калима сўз айланарди. Балким севинч ёшлари ҳам кўзларидан сизиб чиқмоқни истар, аммо эл кўзида ўз ҳолатларини ошкор қилмасликка тиришиб, йиғлаб юборишдан ўзларини тийиб турардилар. Бу ҳолатлар ҳар икки дўст учун ва атрофдаги кўпчилик узоқ йиллар кутилган онлар эди.

– Бағоят сарафрозмен, Алишер. Шодлиғимдин тилимға калима келмайдир. Шукрким шу кунларға ҳам сиҳатлиғда етиб келдиқ!

– Неча кундин буён ўз иниға ошиққан қуш тимсолиндамен. Вале руҳим тетик. Чунки ёнимда сиз борсиз, дўстим, Ҳусайн.

Султон Ҳусайн билан бошқа меҳмонлар ҳам кўришдилар. Кўришиб бўлишгач, шоҳ чап қўлини кўксига қўйиб, ўнг қўли билан йўл кўрсатиб турганча Навоийга қараб сўз қотди:

– Қани ичкарига марҳамат Алишербек.

Навоий билан шоҳ ёнма-ён ичкарига йўналдилар қолганлар ҳам изма-из саф бўлиб сарой ичкарисига қараб юрдилар. Уларнинг ортидан эса карнай-сурнайларнинг овози узлуксиз келиб турди.....

Ҳиротнинг мовий гумбазли кошоналаридан акс-садо қайтараётган қуёшнинг заррин нурлари баланд миноралрнинг сайқалланган ғиштларига қўниб қизғишликни орттирарди. Майин эсган тонгги насимлар қалбларга софлик олиб кирарди. Митти майсаларга қўнган тонгги шабнамлар симобдек ялтираганча кўзга ташланарди. Баландда, миноранинг пештоқидан қўним топган икки мусичанинг ку-кулаб қадам-бақадам ҳар ёққа юриши кўзга ташланарди. Оқ-қора булутлар осмонни ишғол қилиб бу фаслда ёғингарчилик сероб бўлишидан дарак берарди. Табиатнинг ушбу манзараси, уйғонишнинг ижобий таъсири саройга ҳам илиқ муносабатни олиб кирган. Тонг билан гавжум бўладиган хонаи хосга фуқаролар тез-тез кириб чиқиб турадилар. Мунший шоҳнинг янги-янги фармонларини битиб тайёрлаш билан банд. Чунки бу фармонлар тезда Хуросоннинг турли музофотларига юбориларди.

Тахтда ўлтирган Ҳусайн Бойқаро Навоий кириб келиши билан ўрнидан турди ва Алишер ўлтирмоқчи бўлган курсининг рўпарасидаги ўриндиққа чўкди. Ҳусайннинг номига хутба

ўқилганига ҳали бир ой вақт бўлмаган бўлса ҳам салтанатдаги ишлар йўлга солинган, хусусан, ҳар бир мансабдор ўз вазифасини мукаммал бажарарди.

– Хуш кўрдик Алишер, – деди Ҳусайн кечаги базм ва уйқусизликдан ухламаган кўзларини ишқалаб қўйганча.

– Хушвақт бўлингиз. Сиҳатингиз яхшиму? Уйқудин қолмишсиз, – деди Навоий дўстига астойдил юраги ачишиб.

– Уйқуку майлига. Бироқ чоғир мажлиси оҳанрабодек кишини ўзига тортмиш ва сўнггида карахтлиғ била бош оғриғини келтириб чиқарур.

Шоҳ кеча саройдаги барча катта-кичикни йиғиб зиёфат берди. Бу зиёфат ҳам Навоийнинг Самарқанддан қайтиши муносабати сабабли уюштирилган. Дастурхонга қўйилган таомнинг неча турлигини санаб, адо қилиш мушкул бўлди. Май тутиб даврани айланган косагул йигитларнинг ўзлари ҳам тиллари ғулдираб, йиқилиб қолиш даражасига етиб бордилар.

– Бу оби замзамдин бир қадаҳ тотсангиз бўлмасму? – деди мўйлаби энди сабза ура бошлаган хизматчи йигитчалардан бири Навоийга эгилиб туриб.

– Ташаккур, ҳали Ҳирот об-ҳавосига унчалик киришиб кетғонимча йўқ. Насиб этса ҳали кўп бора базми жамшидлар бўлажак, ўшал пайтларда бу оҳанрабодин тотиб кўрурмиз. Алишер шундай деб чап қўли билан қадаҳ ушлаб турган хизматкорнинг қўлини қайтарди. Аммо бу ҳолни кузатиб турган ширакайф Ҳусайн Алишерга сўз қотди:

– Дўстим. Олинг қадаҳни. Бу сабил дил ғуборини ёзмоқ учун дастурхонга тортилган. Хабарим бор ҳали толиқишингиз бисёр. Ичинг сал тетиклашасиз. Ахир бу хурсандчилик онларининг келишини неча йиллаб кутиб яшадик.

Алишер ноилож қадаҳни қўлига олди. Сўнг хонтахтага қайтариб қўйди. Бундай қадаҳдан шоҳ неча бора сипқорганини унинг ўзи ва Яратган билса керак, – хаёл қилди Алишер. Базм

сўнгида машшоқларнинг хонишини ҳам ҳеч ким эшитмай қўйди. Навоий бу вағир-вуғурдан зерикиб кетди. Иложсиз кечанинг тугашини кутди сўнг уйига равона бўлганди.... Ҳозир шоҳ тилга олган чоғир мажлисининг таъсирини мана собит ҳукмдорнинг башарасидан аниқ кўриб турибди.

– Бул қадар майға муккасидин кетмаклик...? – деди Навоий.

– Танбеҳингиз ўринли, дўстим деди қисиқ кўзларини катта-катта очиб шоҳ.

– Бул сўзимни танбеҳ деб қабул қилманг, дўстим. Мен танбеҳ бермак фикридин йироқмен. Аммо мастлиғ пайтинда киши ҳеч бўлмаганда чоракдин уч ҳисса ақлини йўқотур, шунинг учун ташвишланадирман. Кеча сизнинг кўзингиз олдида баъзи бир йигитлар раққослару, канизларни жуда эркалатдилар... Шоҳу, вазифадорнинг фарқи бўлмай қолди...

Алишернинг сўзларидан Ҳусайн Бойқаро ўзини қўлга олди. Суҳбат давомида сармаст шоҳ сал ўзига келиб олди. Сўнг Алишерга қараб сўз қотди:

– Девон ишларини қайтадин кўриб чиқмак жоиз. Энди менинг ёнимда бўлиб юксак вазифада собит турурсиз. Сарой аъёнларининг хатти-ҳаракатларига муносиб баҳо бериб туриш ҳам сизнинг зиммангизда бўладир.

– Албатта, дўстим энди бир-биримизға инонган суянч бўладирмиз. Фуқаронинг дарди билан яшаш бахтиға сазовор бўлибмиз. Бу ҳам аслинда бир толе. Яратғонға шукур қилайлик.

– Неки тажрибангиз бўлса ишға солурсиз. Ахир Самарқандда шаҳар салтанатини қарийб ўзингиз бошқардингиз. Барча тафсилотдин хабарим бор. Муҳтарам Аҳмад Ҳожибекнинг ёнида туриб қанчалик ани қўллаб-қувватлағонингиз ҳеч кимга сир эрмас, дўстим.

– Бош устиға қўлимдин келганча баҳоли қудрат ҳаракатда бўлғайман, дўстим, хотирингиз жам бўлсин. Аммо салтанат машғуллиғи деб ижодим, режа қилғон ишларимдин

йироқлашмасам бўлгани эрди деб ташвиш чекадирман.

– Ҳаммаси яхши бўладир. Биз сизга не тилагингиз бўлса муҳайё қиладирмиз.

– Агар мумкин бўлса, бир ўтинчим бор эрди дўстим.

– Хўш, эшитадирман Алишер истиҳоласиз аниқ-равшан сўзлангиз.

– Дўстимиз Шайхим Суҳайлийга ва бошқа мен бирлан келганларга вазифалар тайин этилиб, алар ҳам мамлакатда иш билан таъмин этилса?!

– Аввал аларнинг яшаш маконларини, бошпана масаласини ҳал қилувимиз жоиз. Барчаси жойлашдиму, яшашиға имкон бадастурму?

– Бу томондин хотирингиз жам бўлсин Ҳусайн, барчалари яшаш жойи билан таъминланиб бўлдилар.

Энди улар бемалол суҳбат қилаётгандилар. Ҳусайн Бойқаро барча ўйлаган режаларини Навоийга бирма-бир айтиб бермоқда эди. Маъқул деб қўярди Алишер шоҳга. Агар таклиф юзасидан мулоҳаза қилишга тўғри келиб қолса, Навоий ўз фикрини асосли равишда дўстига тушунтирар сўнг бир қатъий қарорга келиб олишарди. Чунки йигирма саккиз ёшга кирган Навоий Самарқандда ишлаш баробарида салтанатда ва девондаги ишлар тартибини анча мукаммал ўрганганди. Ўн тўртинчи апрель санасида Ҳиротда Рамазон ҳайити нишонланди. Ҳайит муносабати билан бугун сарой анча гавжум бўлди. Тушдан кейин Ҳусайн Бойқаро кенгаш ўтказди, шоҳ дона-дона сўзлар, унинг айтаётган фикрларини аъёнлар маъқуллаб турардилар.

– Аҳли жамоа, бугун мен сизларга ўзимга маъқул келган бир қароримни билдирмоқчиман. Бу шундан иборатки, улуғ шоир, дўстимиз Алишерни мен муҳрдорлик вазифасига тайин этмакчиман. Алишер гарчи мусофирлиғда Самарқандда бир неча йил умр ўтказган бўлсалар ҳам, бирор дақиқа вақтлари беҳудага сарфланмағон. Таҳсил олиш билан бир вақтда

Самарқандда салтанатда меҳнат қилиб, тажриба орттирдилар. Бу хайрли иш бугун бизга қўл келмакда. Халқ манфаатини доим қалбида мангу сақлаб юрадирган дўстимизни бу лавозимга лойиқ деб ҳисоблайдирман.

Офарин, муборак бўлғай, Алишер буюк истеъдод эгаси, албатта давлат, халқ манфаати йўлида жон куйдириб меҳнат қила оладилар, деган хитоблар эшитилди.

– Биз ўйлаймизки, Алишер ҳар бир қабул қилинадиган фармонни диққат билан ўрганиб, сўнг муҳр босадирлар. Токи, қабул қилинган бирор қарор элга ҳам, салтанатга ҳам ўнғайсиз ва ножоизлик келтирмасин.

– Аҳли жамоа, менга бунчалик ишонч билдирган шоҳимиз, дўстим Ҳусайнга ҳам, сизларга ҳам миннатдорлик изҳор қилажакмен. Биз муҳр босқон қароримизнинг ҳар бири элнинг осойиши йўлинда бўлсин. Юртнинг равнақи учун хизмат қилсин. Энди Ҳиротда, Хуросонда хайрли ишларни амалга оширайлик. Адабиёт, маърифат гуллаб яшнасин. Элни оқилона бошқариб, шундай хайрнок тадбирларни амалга ошириш, шоҳ жанобларига ва кенгашда ўлтирган аъёнларимизнинг фаҳмига, аларнинг хулосасига боғлиқ. Тинимсиз курашлар исканжасида қолган халқ энди шодон яшашни истайдир. Фаровонлиғни қўмсайдир.

– Алишер, дўстим, – деди шоҳ. – Сизнинг фикрингизга бирор қўшимча қилмак андишаси ҳеч бир кишида мавжуд эрмас. Биз Оллойи таолонинг изни билан шоҳлиғ мартабасига етдик. Бироқ ёнимизда, сиз ва сизга ўхшаш аъёнларимиз хиради билан мақсадимизга етурмиз. Улкан работлар, масжиду мадрасалар, шифохоналар қурурмиз. Хайрли ишдан толиқмасмиз.

– Бугун улуғ кун муносабати билан кейинги вақтда қоралама қилғон бир насрий назмий мажмуани сизларнинг ҳукмингизга ҳавола этмак фикриндамен. Қасида йўлинда битиғон бу асаримни "Вақфия" деб атадим. Балким кўп йиллик

соғинчларимиз таъсиридин юрагимда кечғон туйғулар мени безовта қилғондир. Дўстим шоҳ Ҳусайн бирлан менинг неча йиллик айрилиқлар ичра қолғонимиз бор ҳақиқат. Шукрким, ўз юртимиздамиз. Киндик қонимиз томғон тупроққа етишдик. Ушбу асарим ўшал туйғулар таъсиринда битилғон бўлиб уни дўстим Ҳусайнға бахшида сифатинда кўрдим.

Алишер шундай деб ёзган қасидасини ўқишга тушди:

..... Аммо ҳамд ва сано вазоифи ва наът ва дуо шароитидин сўнгра жон мазрасини ва кўнгул ҳадиқасин улум талабиға вақф этган воқифлар ҳазратида ва мазраа ва ҳадиқа маҳсулин фунун касбида сарф қилғон сорифлар хизматида маъруз ва маъруф улким... муқтази ул бўлдиким, олам аҳли ва бани одам хайлиға олий миқдор хулафо ҳукмрон ва хилофат шиор салотин нофизи фармон бўлғайлар. Буларға худ диёнатлиқ мададкорин не чора ва кифоятлиғ вазирдин не гузир бўла олғай эрди. Ҳар ойинаким, салтанат корхонасидағи муносибдин ҳар мучага лойиқ фаросат ойин хушмандларни ва ҳар чоргага мувофиқ киёсат тазйин хирад пайвандларни салтанат умуриға мутаааллиқ ишлар кифояти учун сойири носдин танлаб оммайи халойиқдин сечиб, аморат наврўзиси била сарафроз ва вазорат зайлучаси узра муомалапардоз қилдилар ва бу амрнинг жузвий ва куллий ишига куллий ва жузвий кишини таъйин эттилар.

То бу фархунда замон ва бу хужаста давронким, бу Жамшеди соҳибқирон салтанат тахтин олдилар ва ...

Кейин асарнинг назмий қисми бошланди.

Хамул афлоки дафъ айлаб аламни,
Тажарруд кўйида қўйсам қадамни.

Фано кунжини мужгондин супурсам,
Хамул мужгон сиришкидин сув урсам.

Қилиб маснад қаноат бўръёсин,
Кийиб дебо киби узлат палосин.

Не кўкка, не қуёшга инса бошим,
Бузуқ уй бўлса кўк, равзан қуёшим.

Агар нафс этса майли лолау боғ,
Юзин нун нуқтасидин айласам доғ.

Агар кўз қилса мардум ашкини ол,
Тилаб кофургун юз анбарин ол....

Навоий, не бало андуҳ эрур бу,
Ўзунгни солмағинг мундоқ бўлурму...

Қўюб бекорлиғ фарзона бўлғил,
Илик ур, ишгаву мардона бўлғил.....

Хонаи хосда ўлтирган неча киши бўлмасин барчаси Навоийнинг наср ва назм уйқашиб кетган бу қасидасининг ҳар бир сўзини жон қулоғи билан тинглар, Алишернинг туғма истеъдодига тан бермаган кимса топилмасди.

Офаринлар, олқишлар билан зийнатланган бу машварат барчанинг қалбини тўлқинлантириб юборди. Эллик беш ёшни қоралаб қолган мавлоно Нуран Абдураҳмони Жомий ҳазратлари эса бу назм гулшанининг ифоридин сармаст, шундай шогирди борлигидан сарафрозлик ва хийла мағрурлик оғушида ўлтирарди. У тўлқинланиб сўзларди:

– Алишерга офарин айтмакликнинг ўзи камлик қиладир. Менинг фикри ожизим шундан иборатки, шогирдимиз мавлоно Алишернинг келажак йўллари нурафшондир. Бизнинг қарийб йигирма беш йиллик ҳамкорлиғимизнинг ҳар бир

кунинда, ҳар бир лаҳзасинда у кишининг абётинда юксалишни кўриб келмакдамен. Парвардигор шогирдимизни ҳамиша ўз паноҳинда сақласин дея дуои хайрга кафт очиб, фотиҳа бердилар.

Шундай қилиб, Алишер энди Ҳиротда ҳам салтанат ишига масъул этилди. Ҳиротда ўз маблағи ҳисобидан турли маърифий-маданий иншоотлар, шифохоналар, ҳамда илм масканлари қуриш иштиёқига тушди. Зеро, у болалигидан орзу қилган ниятларини амалга ошириш вақти келганлигини теран ҳис қиларди. Ҳусайн Бойқаронинг салтанат соҳиби бўлгани, муносабати билан Хуросонда бир мунча нотинчлик ҳолатлари ҳам пайдо бўлганди. Халқнинг тоқати тоқ бўлган, турли хил солиқлардан норизо бўлган эл-улус камбағал бечоралар қўзғолон кўтариш даражасига етиб борганди. Қўлига илинган нарсани олган дарғазаб халқ, шоҳнинг ҳукуматига қарши бош кўтарди. Уларга на салтанат хизматкорларининг, на аъёнларнинг, на сарбозларнинг кучи етарди. Бунинг олди олинмаса кўпдан-кўп қон тўкилмаги муқаррар эди.

– Дўстим Алишер, эл қўзғолонининг боисини аниқлаб, алар бирлан мулоқот қилсангиз. Не талаби бор эрса билиб қайтсангиз.

– Бечора авомнинг не талаби бўлиши мумкин? Дўстим, мен албатта алар бирлан юзлашадирман. Аммо сизға шуни айта оламанки, элнинг талаби бўйнидағи ортиқча солиқларни бартараф қилмак, очкўз амалдорларнинг халқ бошиға солмиш кирдикорларини фош айлаб, аларға чора кўрилишини истамакдин иборат.

Беш-ўн отлиқлар билан ўрда ҳовлисидан чиққан Алишер шаҳарнинг барча кўчаларида дарғазаб кўтарилганлигига гувоҳ бўлди. Қўзғолончилар орасида эндигина мўйлаби сабза ура бошлаган ўспиринлар ҳам, ҳассасига суяниб зўрға юрадиган мўйсафидлар ҳам мавжуд эди.

– Ассалому-алайкум яхшилар, – деб хитоб қила бошлади Алишер. Ҳар нафасда, асабий халқ эса, баъзан унинг саломига алик олар, баъзилари истеҳзо билан нималардир деб унинг ҳам салтанат пешвоси эканлигини гапириб қўярдилар. Шу кўринишда Алишер то катта майдонга етмагунча отининг жиловини бўшатмади. Майдонга етиб бориш асносида унинг ортидан эргашган халқ шаҳарга сиғмай кетди. Шу пайт Алишер отдан сакраб тушди, отининг жиловини бир ёш йигитга тутқазди ҳамда пою-пиёда одимлаб қўзғолон кўтарган халқ ичига кириб кетди. Гоҳ ўнг ёнидаги, гоҳ чап ёнидаги ёшу-кексанинг қўлидан сиқиб ушлар, елкасига қоқиб ҳол-аҳвол сўраб борарди. Бундай ҳолнинг содир бўлишини ўйламаган халқ аста-секин тинчлана бошлади. Алишер энди баланд овоз билан уларга қараб сўз қотди:

– Биродарлар, мен шахсан ўзим сиз меҳнаткаш халқнинг дардингиз боисини, нимадан норизо эканлигингизни ўз сўзингиздин эшитмак истаб, олдингизга чиқдим. Ўтган даврлар ичинда мамлакатда содир бўлган жамики адолатсизлиғларни биз ҳам, шоҳимиз Ҳусайн Бойқаро ҳам яхши англайдурмиз.

Навоийнинг бу гапларини эшитган халқ ҳар томондан гапира кетди.

– Сизнинг бу борада алоқангиз йўқ эрса ҳам салтанат манфаатини кўзламагингиз аён, бор гап. Биз буни яхши англайдирмиз.

– Бурунги подшоҳнинг сарбозлари елкамизға гаврон солмаган куни бўлғон эрмас.

– Ўзимиз ҳам тушуна билмағон солиқ деб аталғон таъмагирлиқ тинкамизни қуритиб ётибдир.

– Ҳусайн Бойқаро адолатлиғ шоҳ бўламан десалар, дарҳол ислоҳот қилсунлар. Солиқларни бартараф қилинишини, адолатли ҳукмлар ишлаб чиқилишини истайдирмиз.

Навоий бу талабларнинг ҳаммаси адолатли айтилаётганлигини

эшитиб турарди. Айни дамда халқ очликдан тинкаси қуриб қолган, онасига талпиниб сут истаган гўдак мисолида эди.

– Биродарлар, бугун ўтмишни эсга олиб қалбимизни жароҳатга солмайлик. Ўтмиш ўтди, у ортга қайтмағай энди. Ҳали кўп вақт бўлмади. Ҳусайн шоҳнинг эзгулик учун олиб бора бошлаған ишлари кўзга кўринғонича йўқ. Биз буни тан оладирмиз. Бироқ сизға Оллоҳни шафеъ келтириб айтадирман ва шу ишға машғуллиғимни ривожлантирурменким мамлакатда сиз истаған адолат тамойили ўрнатиладир. Бўйнингизға кишан бўлиб турған зил-замбил солиқлар божу хирожлар шу кундин бошлаб бекор қилинадир.

Бу гапни эшитган оломон сал пасайди. Ола-ғовурлар сусая бошлади.

– Биз мамлакатни гуллаб-яшнатиш фикридамиз. Барча режаларимиз ишлаб чиқилған. Айни дамда шоҳ ҳам, вазир ҳам, ҳар бир амалдор ҳам шу ишға машғулликда. Бироқ азизларим минглаб амалдор ҳам бу ишни сизнинг иштирокингиз бўлмаса амалға ошира билмас. Сизнинг иштирокингиз соф меҳнатингизда ва тинчликни сақлашингиз билан намоён бўладир. Менинг фикримға монелигингиз бўлса чиқинг ўртаға ўз таклиф, мулоҳазангизни сўзланг, сизнинг қарорингизни эшитмак менинг қарор чиқаришимға, шоҳни огоҳлантириб талаб қўйишимға асос бўладир.

Баджаҳлликка минган халқ Навоийнинг бу жўяли сўзларини эшитиб аста-секин бош эгиб турганча унинг фикрларига маҳлиё бўлиб қолди. Шу тариқа қўзғолон бостирилди. Эртасидан эса Ҳусайн Бойқаро мамлакатда мавжуд бўлган солиқларнинг кўпини ислоҳ қилишга тушди, бир қанча солиқларни бекор қилди. Бу тадбирларнинг гувоҳи бўлган меҳнаткаш эл энди Навоийни ўзининг халоскори сифатида кўриб, унга суяна бошлади. Салтанат хайрли ишларни юритиш билан мамлакат осойишталикка юз тутиб борарди. Навоий ободончилик ишлари

билан ўзи астойдил машғул бўлар, бир ёқдан ижодининг ривож олиш палласига етиб бораётганини намоён қиларди. У ҳар тонг саҳарлаб ўзи қурдираётган биноларга бориб разм солар, уста меъморларга керакли кўрсатмалар берарди. Оддий меҳнаткаш ишчилар билан шахсан юз кўришиб, уларни алқаб қўярди. Таъбир жоиз бўлса айтиш мумкин бўлардики, шоирнинг жадал ҳаракатлари билан нафақат Ҳирот, балким бутун Хуросонда катта ўзгаришларга имконият яратилиб борди. Ҳаёт ўзгаришга юз очди. Хусусан, Навоийнинг ўзи ташкил этган билим масканларида иқтидорли ёшлар таҳсил ола бошладилар. Навоийнинг бундай эзгуликлар учун қилаётган ҳаракатларини Ҳусайн Бойқаро ҳам қўллаб-қувватларди. Орадан йиллар кечиб борарди. Навоий эса давлат ишлари билан банд бўлиш билан бирга адабиёт, санъатнинг ривожи учун ўз ҳисобидан қанча маблағ лозим бўлса ҳам сарфларди. Жуда кўп ҳолларда Навоий билан Ҳусайн Бойқаронинг суҳбатлари адабиёт, шеърият ва шу юртнинг ободлиги хусусида давом этарди. Бугун ҳам Навоийнинг ҳузурига янги толиби илмлар ташриф буюришган. Хусусан, Мирак Наққош олиб келган Беҳзод исмли йигит унинг диққатини тортди. Навоий у билан шахсан ўзи суҳбат қилиб кўрди.

– Ассалому-алайкум устоз, – деди йигит Навоийнинг қаршисига келиб.

– Во-алайкум ассалом, Камолиддин, келингиз. Биз сиз тўғрингизда эшитганмиз. Аммо ўзингизни кўриш энди насиб этди. Сиз энг яхши ва шарафлиғ касбнинг бошини тутмакни орзу қилибсиз.

– Ташаккур устоз. Мен сизнинг ҳузурингизга келмакни йиллаб орзу қилдим. Бироқ сиздек улуғ зотга рўпара бўлиш орзуим эрса-да, қаршингизда намоён бўлмакликка журъатим етмай келмиш эрди.

– Не учун фақирга рўпара бўлишдин чўчидингиз, – деди

Навоий, табассум билан. – Камина ҳам Яратганнинг ожиз бир бандасидурман.

– Сўзингиз рост устоз. Аммо сиздағи бор истеъдод ва мамлакатдаги юксак мавқега эришмаклик тақдири барчага ҳам муяссар бўлавермас. Элнинг дарди билан яшамаклик янглиғ эзгу ишлар билан барчанинг қалбиға ўрнаша билмас.

– Шу ватанда таваллуд топғон ҳар бир инсоннинг орзуси шу эл равнақи, юрт ободлиги учун саъй-ҳаракатда бўлмоқлиғ бўлиши керак. Хўш, энди ўзингизнинг ҳаётингиз, келгувси режаларингиз тўғрисинда сўзлангиз.

– Ота-онадин етим қолдим устоз, тақдир мени устод Мирак Наққош ҳазратнинг тарбиятларини олмакка дуч қилди. Ул кишига ҳавас қилдим. Мусаввирликдек олийжаноб касбдин ўзимни бир сония ҳам айро кўра билмасман. Баҳоли қудрат таҳсил олишга тиришмакдаман. Сиздин бугун бир ўтинчим бор эди, шуни айтишимга имконият бўлди деб ҳисоблайдирман.

– Бемалол айта беринг. Хижолат бўлманг.

– Мадрасада таҳсил олмак билан билимимни оширсам деган ўй доим каминани қийнаб келадир.

– Мен сиздек иқтидорли ёшларнинг билимини ошириш, аларга фойдам тегсин деган ўйда бу илм даргоҳларини ташкил қилғонман. Сиз бугундин бошлаб мадрасага қабул қилиндингиз. Энг аввало ётоқ жойингиз, ҳамда кутубхонага кириб-чиқишингизга имконият яратилди деб ҳисоблангиз Камолиддин.

Навоий бу ёш йигитнинг муомаласига, беназир иқтидорига қизиқиб қолди. Чунки Беҳзод бугун ўзи ишлаган кўплаб расмларни олиб келган экан. У истиҳола билан ўзи яратган суратларни Навоийнинг олдига қўйди. Атрофдаги бошқа бир нечта талабалар ҳам Навоий билан Беҳзод ўртасида бўлиб турган суҳбатни ҳавас билан кузатмоқда эдилар. Навоий Беҳзоднинг чизган бир неча нафис суратларини қўлига олиб

термулди, синчковлик билан ўзича мулоҳаза қилди. Суратларда, турли табиат манзаралари, қушларнинг учиб юришлари, чаманзорларнинг нафис кўриниши, жилғаю булоқларнинг тоғлардан ошиб тушиши, жозибадор миноралларнинг шаклу шамойили маҳорат билан тасвирланганди. Навоий бу суратларни қаршисида ўлтирган эндигина балоғатга етай деб қолган ёш йигитнинг чизганлигига ўзи ҳам ишониб-ишонмай турарди. Ажабо, ўйлади у бу заҳматкаш халқнинг орасинда не-не иқтидор эгалари борки, аларнинг юзага чиқмаклиги учун дунёнинг ташвиши, тождорлик даъвогарлиги боис кечаётган жараёнлар монелик қилғай.

– Неча ёшингиздин тасвирий санъатга ошносиз, – деди Навоий жилмайиб.

– Уч-тўрт ёшимдин бери бу ишга машғуллиғ қалбимға оташ солғон, – деди Беҳзод Навоийга сергаклик билан боқиб.

Беҳзоднинг кўнглига Навоий унга "ҳали анча хом экансиз, бир оз ҳаракат қилсангиз қўлингиз анча келиб қоладир" деб айтмоқчи бўлаётгандек туюларди. Айни дамда ўша "бир оз ҳаракат қилсангиз" калимаси айтилса ҳам унга анча дадиллик бахш этган бўлар эди.

– Қани илми толиблар яқинроқ келингиз, – деди Навоий тўсатдан. – Мана бу тенгдошларингизнинг маҳоратини кўрингиз. Ким нима деб баҳо бера олса, иккиланмасдин ўз фикрини очиқ айтсин.

Талабалар ўзаро пичир-пичир қилишар. Бироқ бирортаси жўяли бир мулоҳаза билдира олмасди. Навоийнинг ўзи лол қолиб турган бу йигитнинг иқтидори тўғрисида талабалар нима ҳам дея олишсин? Беихтиёр Навоийнинг хаёли Самарқандда яшаган даври ва машҳур мусаввир Мансур ҳамда унинг ўғли Шоҳ Музаффар билан ўрнатган дўстона муносабатларга боғланди. Алишернинг Самарқандда иш бошлаган кунлардан бири эди. Унинг ҳузурига Мансур мусаввир ўғли Музаффар

билан бирга келганди. Улар ҳам бугунгидек Навоийнинг олдига ўзлари чизган анчагина сувратларни олиб келгандилар. Узоқ ўлтириб суҳбат қилишганди. Аслида ижодкор аҳлининг кўнгли шундай, у меъморми, рассомми, шоирми ким бўлишидан қатъий назар ўз яратган ижодини ким биландир бўлишишни, фикр олишни истайди.

– Мен сизнинг санъатингиз қошинда лолмен, мавлоно – деганди Алишер ўшанда ҳам ҳозиргидек лол қолиб Мансур мусаввирга. – Бул нафис санъат кошки эрди ривож топса. Сизлар чизғон ажойиб тасвирлар биздин кейинги авлодларға ҳам етса.

– Қани эрди шундоқ бўлса. Аммо биз бу дунёнинг нотинчлигидин кўнглимиздағи ишларимизни амалга ошира билмасмиз. Бир кичкина нигорхонамиз мавжуд. Унда шароитимиз бадастур. Аммо юрт нотинч бўлса, ижодкор аҳлининг қўли ишга бормас, кўнгли хотиржам бўлмас.

Мусаввир билан Алишер суҳбатга берилиб кетгандилар. Мансурнинг ўғли Музаффар эса отаси ва шоирнинг суҳбатлашиб турган пайтини чизишга киришиб кетди. Навоий ўшанда мусаввирнинг ўғлини қанчалик иқтидор эгаси бўлиб етишган эканлигини ҳамда ўз ҳунарини фарзандига мукаммал ўргатган отани ҳаётда биринчи бора учратганди. Шоир ўша йиллари шаҳар ҳокими Аҳмад Ҳожибекка айтиб, уларга қўлидан келганча ёрдам ҳам бериб юрди. Абу Саид Мирзо Ҳиротни олгандан кейин эса, уларни ҳам Самарқанддан Ҳиротга олиб келди. Айни замонда эса улар яна Самарқандга қайтишган. Энди Шерозга кетишни режа қилиб юрган эмушлар. Бу фоний дунё бандасининг бир жойда истиқомат қилишига йўл қўймас эканда, аслида..... Навоий уларни Ҳиротда қолишларини кўп бора таклиф қилди. Ҳеч бўлмаганда ўғли Шоҳ Музаффарни шу ерда қолишини маслаҳат берди. Аммо улар буни лозим топмай Самарқандга кўчиб кетдилар. Ростини айтганда уларга ўхшаган

соҳиби иқтидорлар кўпчиликни ташкил қилади. Ҳар ким ҳам ўзига қулай маскан, ўзи чиқишиб кетиша оладиган ҳукмдор соясида бўлишни истайди-да. Хуллас, Навоий бугун келажакда яна бир иқтидорли мусаввир бўлиб етишадиган ўспирин йигит билан танишди....

Навоий ишлари кўп, вақти тиғиз бўлишига қарамасдан Беҳзод билан мулоқотни тугатгиси келмасди. У толиби илмга бир қанча саволлар берди. Олган жавобларидан қониқиш ҳис қилди. Мадрасада илми толиблар билан Навоий қизғин мулоқот қилиб турган шу дамларда эса, узоқ бўлмаган жойдан, яъни яқин атрофда қурилаёган бинолардан кишиларнинг ўзаро гап-сўзлари, қулоққа чалиниб турарди. Навоий энди ноиложликдан мадрасани тарк этди. Чунки унинг бугун мўлжаллаган юмушлари бисёр. У дўсти Шайхим Суҳайлийни саройга етиб келишини сўраб хабар юборганди. Чунки Ҳусайн Бойқаро бугун машварат чақиртирган, унда Навоий ўзининг ўйлаб қўйган режасини ошкор қилмоқчи. Шоҳ машваратни бошлаб, сўз қотди:

– Бизнинг мазкур машваратимизнинг мавзуси доимгидек юртнинг ободлиги, элнинг осойишлиги тўғрисинда бўладир. Ва албатта, биз мамлакат зиёли кишиларининг олиб борғон эзгу ишларини қувватламоғимиз жоиз бўладир. Кейинғи йилларда бу борада дўстим Алишернинг олиб борғон ишларини таҳсинға лойиқ деб ҳисоблайдирман. Алишер бино этғон илм масканларинда қанчалаб иқтидорли толиблар етишиб чиқмоғини ўйлаш кишинининг қалбини сарафроз этадир. Бир вақтда биз Хуросоннинг гуллаб-яшнаши борасида олиб бораётғон ишларимизни яна ривожлантирмоқчимиз. Деҳқончилиққа эътибор кўрсатайлик. Элни деҳқон боқадир. Биз эса ўшал қўли қадоқ деҳқоннинг меҳнатининг моҳиятини билмасак натижаға эриша билмасмиз. Қақраб ётғон биёбонларға, баланд нишабли қир-адирларға сув чиқаришни

йўлға қўя билмасак натижа бўлмас.

– Албатта, шоҳим, – деди Навоий. – Қадоқ қўлли меҳнаткашу заҳматкаш халқимиз не ажабким осойишталиқ бўлса тупроқдин олтин яратур. Саройда ўлтирсағу меҳнаткашдин хабар олмасак бундай салтанат чикора. Улуғ шоҳ Мирзо Улуғбек Кўрагон "Кабоб еймиз вале қўйчибондин хабаримиз йўқ" деб бежизға айтиб кетмағонларку. Бул оддийғина эшитиладирғон калиманинг остинда не-не маънолар мавжуд.

– Шоҳим, – деди мажлисда ўлтирганлардан бири сўз олиб. Бу мавлоно машҳур мусиқашунос шайх Фоний Ноий эди. – Айтиб турғон сўзларингиз жуда ҳам ўринли. Мен кеча сиз ният қилиб иш бошлатғон "Боғи байт-ул имон"га бордим. У ердаги кишилар меҳнатини кўриб кўз яшнаб кетадир. Суронли алғов-далғовли йиллардин ўтиб олган Хуросон аҳли сизнинг сиёсатингиздин шод.

– Хўп борган эрсангиз соз бирлан бордингизму ёки шунчаки, ҳорманг дея мулозамат кўрсатиб қайтиб келабердингизму, – деб луқма ташлади Биноий шайх Фонийга мутойиба оҳангида.

– Албатта, баҳоли қудрат ул табаррук меҳнат аҳлининг кўнглини овладик. Созларимизнинг ўзлари ҳам жўшиб кетдилар. Хонандаларимиз жуда яхши тер тўкишди. Мезбонлар биздин хурсанд бўлдилар, мавлоно.

Мажлис қизғин баҳсга айланиб кетди. Шоҳ кеча тунда ҳам озгина майхўрлик қилган эди. Бу қизғин суҳбат унинг ҳам кайфиятини кўтариб юборди. Шунинг учун у яна май тилашдан ўзини тийди. Жиддий бўлиб яна нима ишлар қилиш режасини ўртага ташлади. Навоий эса эрталабдан бери айтмоқчи бўлган фикрини энди ўртага ташлади:

– Шоҳим. Мен бир неча йилдин бери салтанат муҳрдорлиғини бажариб келдим. Шу йиллар ичинда бу борада сизу менинг ўртамизда бирор носозлик содир бўлгани йўқ. Гарчи фисқу фасод бирлан тўлиб-тошган бу дунёдағи ғаламисларнинг

тутган тадбирлари кучли бўлса ҳам, сизнинг адолат қиличингиз адоватнинг бошини узиб, кунфаякун қилганлиғи боис алар мақсадларига эриша билмадилар.

– Албатта, дўстим мен бу борада адашмағон эрканман. Сизни муҳрдорлиғ вазифасиға тайинлағаним Олийшон томонидан қалбимға солинғон нури ҳидоят бўлғон эркан, инонинг менға.

– Энди мулоҳазамни айтсам. Шоҳим хабарингиз бор кўпгина қурилишлар бошлатиб қўйғонмен. Аларнинг назоратини ўз зиммамда қолдирдим. Бунинг устиға ижодимнинг самарасини юксалтирмагим учун ҳам менга вақт керак бўладир. Кунлик ташвишлар каминани ижод оламидин йироқлаштириб қўймакда.

– Сиз барчасини уҳдасидан чиқурсиз Алишербек.

Аъёнлар Навоий билан Ҳусайн Бойқаронинг баҳсини диққат билан кузатиб турардилар. Чунки бу икки ҳукмдорнинг баҳси, албатта, бир хайрли ишга киришиш дебочаси бўлиб тугашини ҳамма биларди.

– Рост айтдингиз муҳтарам шоҳ сиз айтғонинғиздек мен барчасини эплайдирман. Ҳали яна Ҳиротдин эмас бошқа шаҳарларда ҳам қўшимча масжиду мадрасалар бино қилмакни ўйлаб юрибман. Аларнинг тарҳини чизишни бир-иккита мусаввирларга топширдим ҳам. Лойиҳалар битгач, ўзингиз билан кенгашурман. Айни дамда эса ўтинчим шундин иборатки мени муҳрдорлиғ вазифасиндин озод қилсангиз.

Шоҳ Алишернинг бундай илтимос қилишини хаёлига келтирмаганди. У Алишер бирор нарсадан хафа бўлдимикин деб ўйланиб қолди. Чунки юксак обрўга эга бўлган Алишер Навоий жуда дидли шу билан бирга нозик феълга эга эди.

– Дўстим, ахир мен сизга қаттиқ инонганимдин муҳрдорлиғни сизға топширганман. Сиз менинг ўнг қўлимсиз, бошқа бирор кишини бу вазифаға тайинлаб сизнинг ташвишингизни енгиллата олмасман. Бу вазифага сиздин ўзга бирор муносиб

номзод кўра билмаяпман.

– Модомики, шундоғ эркан ўзим шу ишга лойиқ мендин ҳам маҳоратлиғ кишини тавсия қилсам, қандоғ бўларкин?

Ҳусайн Бойқаро ўйланиб қолди. Чунки агар у ҳозир адолат билан иш тутмоқни ўйласа, дўстининг жуда ҳам иши кўпайиб кетаётганлигини тан олиши керак. Майли, муҳрдорлиғни топширса ҳам Алишерни саройда бош маслаҳатчи қилиб қолдирадурман,– ўйлади ўзича шоҳ.

– Майли, Алишер сиз шу мақсадни кўзлағон бўлсангиз, начора, мен сизнинг маслаҳатингизга қулоқ тутишга бурчлиман.

– Ташаккур шоҳим, мен сиздин ушбу жавобни кутгандим. Офарин, каминани сарафроз айладингиз. Муҳрдорлиғ вазифасини эса дўстимиз Шайхим Суҳайлийға лозим кўрсак сизға маъқулму?

Аъёнлар ҳаммаси жим бўлиб шоҳнинг жавобини кутиб туришарди.

Чунки Алишернинг бу вазифадан истеъфо беришини орқаваротдан эшитган кўплаб хушомадгўйлар бор эди. Улар Ҳусайн Бойқарога ҳам, Алишерга ҳам бу борада ялтоқланиб юргандилар. Орага киши қўйиб пора бермоқчи бўлганлари ҳам талайгина. Шунинг учун улар жим бўлиб ўйланиб қолган Ҳусайн Бойқаронинг оғзини пойлаб турардилар.

– Қани аҳли аъён жавоб берингиз Мирнинг сўзларини тасдиқлаймизму? У кишининг таклифи маъқулму? Шайхим Суҳайлий шу вазифани уҳдасидин чиқурларму?

– Жуда дуруст иш бўларди. Тўғри ўйланган қарор. Муборак бўлсин, – деган хитоблар эшитилди. Шайхим Суҳайлий муҳрдорлик вазифасига маъқул кўрилди.

– Муқаддас Каломи мажид шафе бўлсинки, мен бу вазифани ҳалоллиғ билан бажарадирман. Ўтинчим шулки, жоиз бўлганда муҳтарам Мир Алишер ўзлари мендин маслаҳатларини дариғ тутмасалар бас.

– Муҳтарам жамоа, – деди шоҳ салмоқ билан сўзлаб. – Майли, Алишер бу лавозимдин озод бўлсинлар. Бироқ, бугундин бошлаб Алишер саройнинг мулозими бош маслаҳатчиси, мушовири вазифасига лозим топиладилар. У кишига оғир вазифа юкламасмиз, лекин маслаҳатлари билан бизга кўмак бериб турсинлар.

Навоий энди дўстининг бу таклифига эътироз қила олмасди. Аҳли мажлис ҳам шоҳнинг таклифини қувватлаб турардилар. Салтанатда бўлган бугунги ўзгаришни ҳамма эшитган, ҳатто талабалар ҳам бундан воқиф бўлиб улгуришди. Алишер салтанатдаги барча ишларини ниҳоясига етказиб ёнидаги мулозимларига эрта бозорга икки юз бош қўй ҳайдаб чиқишларини тайинлади. Чўпонларига эса, икки юз қўйни бериб юборишни амр этди. Шогирд толиблардан ҳам иккитасини эрта тонг билан унинг ҳузурига келишларини тайинлаб қўйди. Шу шогирдларининг биттаси Камолиддин Беҳзод ҳисобланади. Беҳзоднинг истеъдодидан Ҳусайн Бойқаро ҳам хабар топган, Мирак Наққошнинг бу шогирдини мусаввирликка ўргатгани учун унга таҳсинлар ҳам айтган. Бироқ ёш Камолиддин ҳали шоҳ ҳузурига киргани йўқ. У кунбакун ўзининг маҳоратини ошириш билан банд. Устоз Навоий билан ҳар кун учрашади. Навоий Беҳзодга кейинги ҳафтада буюк устоз шайх, мавлоно Жомий билан учраштиришни ваъда қилган. Қисқа вақт оралиғида Камолиддин билан Навоийнинг дўстликлари мустаҳкам бўлиб кетди. Беҳзоднинг ҳар бир чизган сурати, унинг одоби Навоийни завқлантиради. Шу сабаб уни туғма қобилиятли йигит дея олқишлаб, ҳурмат қилиб юради. Уларнинг ёшларининг ўртасидаги тафовут эса роса ўн беш йилни ташкил қилади. Яъни Беҳзод Навоийдан ўн тўрт-ўн беш ёш кичик.

Тонг саҳарлаб бозорга кириб келган Навоийнинг атрофини кишилар ўраб олгандилар. Олди-сотди авжига чиқиб кетганлиги

учун кишиларнинг бақир-чақирлари борлиқни тутиб кетган. Икки юстача қўйни тунда бозорга олиб кирган Навоийнинг хизматкорлари ҳазратнинг келишини кутиб турардилар. Буларнинг орасида савдо-сотиқнинг яхшигина ҳадисини олган даллоллар ҳам бор. Бугун улар бу қўйларнинг сотилишидан унча-бунча пул ишлаб олиш илинжида бўлиб, жуда мамнун эдилар. Навоий уларга яқинлашди, қўйларни яқинига бориб кузатиб чиқди.

– Қўйлар сотилмасин, ушлаб турилаверсин, – деди у қисқагина қилиб.

Ҳазратнинг бундай қарор қилишидан ҳамма лол эди. Унинг "Қўйлар сотилмасин" деган калимасини барча эшитди. Ҳатто ундан беш-ўн қадам нарида турган ёш мусаввир Беҳзод ҳам бу гапни ўз қулоғи билан эшитиб гувоҳ бўлди. Устоз эса, бошқа расталарни айланиш билан машғул бўлиб кетди. Бозордаги нарх-наво кишиларнинг ўзаро муомалалари билан қизиқиб юрди. Шу зайлда вақт ўтиб борарди. Кун анча ёйила бошлаганда Навоий яна қўйлар ёнига қайтиб келди. Ортидан эргашиб юрган мулозимлари, шогирдлари ҳазратнинг нима қарорга келишини била олмай танг аҳволда қолган эдилар. Воқеанинг қизиғи энди бошланди, Навоий қўйларга қараб турган кишини ёнига чақириб олди. У неча йиллардан бери Навоийнинг бош чўпони ҳисобланади. Миқтигина қорачадан келган Каромат чўпон ҳалол ва пок иймонли киши.

– Лаббай ҳазратим, – деди у шоирга рўпара келиб.

– Қўйларни фақат бева-бечораларга, уларнинг аҳволига қараб уч-тўрт, беш бошдан тарқатингиз.

– Тарқатурмизму, амирим, – ҳайрон бўлиб сўради чўпон.

– Ҳа, текин тарқатингиз! Мен шу ерда бўладирман. Қўй олғон киши менға, албатта, учрасин. Нархини ўзим белгилайдирман. Аммо, фақат камбағалға тарқатасиз. Йўқса қаттиқ жазога мустаҳиқ бўлурсиз. Икки-уч киши сиз қўй бермакчи бўлғон

кишингиз унинг бечора ҳол эрканлиғиға восита бўлсин. Эртадин бошлаб бул ишнинг ортиндин тафтиш ҳам қилдирурмиз.

– Хўп амирим.

Чўпон Навоийнинг бу тадбирини сирини топа олмай боши қотди.

Орадан ярим соатча вақт ўтмасдан қўйлар тарқатила бошланди.

– Қўйларнинг нархини ҳазратим белгилайдирлар, жуда арзон ўзлариға учраб кетаверасиз, – дер эди чўпон Навоийни харидорларга кўрсатиб.

– Ҳазратим, тўрт бош қўй олдим, нархини билишни истардим, дея – келиб Навоийга учрашарди харидорлар.

– Кўнглингиздин чиқариб бир нарса берарсиз. Пича кутадирсиз, қачон Султон Ҳусайн бандалик қилса ўшал куни қўйнинг пулини келтириб берасиз. Бироқ ўшал кундин кечикмасангиз бўлгани.

Навоий қўй сотиб олган ҳамма кишига шу жавобни айтиб бозордан чиқариб юборарди. У ҳар бир кишини гапга тутар унинг жуда ночор киши эканлигини аниқлаб, шунга иқрор бўлганидан кейин жавоб бериб юборарди. Икки-уч соатда бу тадбир амалга ошиб бўлди. Қўйларни тарқатиб бўлганларидан кейин барча хизматкорларига жавоб берди. Қолганлар ҳам отларига миниб, сарой томон ошиқдилар. Кун эса пешиндан оша бошлаганди.

– Ҳазратим сизни йўқлаб турибдирлар, энди ёнингизга чопар юбормакчи эрдилар, – деди эшикда турган посбон.

– Шу ҳолни ўзим сезганим учун ўз оёғим билан келдим-да тақсир, – деди Навоий жилмайиб. Сўнг ичкарига кириб кетди.

Ичкарида шоҳнинг олдида, Биноий ва тўрт-беш мулозим бор экан. Ҳамма шивир-шивир қила бошлади.

– Жаноблар, сизларға ижозат. Мен Алишер билан танҳо сўзлашиб олмакчиман, – деди гулдурос овоз билан Ҳусайн

Бойқаро. Унинг овозидан ўзининг нимадандир норизо эканлиги яққол сезилиб турарди.

– Келинг Алишер, – деди у ҳамма хонани тарк этиб чиқиб кетганидан кейин.

– Келдим ҳазратим. Сиҳатингиз тузукми?

– Шукур, сиз менинг ўлимимни истаб бу истагингизни элга овоза қилиб юрган бир вақтингизда менинг саломатлиғим дуруст, жойинда.

Навоий шоҳнинг нима учун бундай деб айтаётганини билиб турса ҳам атай ўзини гўлликка солиб жавоб берди.

– Шоҳим, тушунмадим. Нечун мен сизнинг ўлимингизни истайдирман, Бу фисқу фасоддир. Аммо ҳар галгисиндин бу гал бошқачароқ бўлибдир.

– Бозорда бечора кимсаларга қўй тарқатибсиз. Пулини олмабдирсиз ва демишсизки, вақти-ки Ҳусайн Бойқаро вафот этган куни қўйнинг пулини қайтарурсиз. Бул далил ёлғонму?

– Бул далилингиз рост ҳазратим. Мен қўйларни жуда камбағал, бир умрида ҳеч қачон қўй хариди учун пул топа олмайдиган камбағалларга бердим. Сиз айтғон гапни ҳам ҳар бирининг қулоғига қуйдим.... Қўлларини дуога очиб, овмин қилишди. Қувончларидан шошиб қолишди-да. Биласиз... улар уйларига бориб хаёлларини жамлаб оладирлар. Кейин бир умр сизнинг умрингизнинг узун бўлишини Яратгандан тилаб кечаю-кундуз дуо қилиб юрадирлар. Оллоҳ эса мискиннинг дуосини қабул қилгувчидир. Демак, сизга узоқ умр ато айловчидир.....

Бу далиллар олдида Ҳусайн Бойқаро лол бўлиб қолди. Ўзининг шошма-шошарлиги эсига тушдими ё бошқа сабабми қаҳ-қаҳ отиб кулиб юборди.

– Доносиз, Алишер, дўстим доносиз, – дер эди шоҳ гапдан тўхтай олмай.

Ташқарида эса ҳозир Алишернинг Ҳусайн Бойқаро томонидан жазо олишини кутиб турган бир неча ғаламислар

қулоқлари динг бўлиб шоҳнинг қандай қарор қилишини кутиб турардилар. Шоҳ кафтларини бир-бирига уриб, икки марта қарсак чалганди хос ҳожиб югуриб кирди.

– Бир зарбоф тўн билан бир ҳамён тилло келтиринг, – деди шоҳ унга.

Тезда қайтиб кирган мулозим шоҳнинг амри билан заррин тўнни Алишернинг елкасига ташлади.

– Менинг қилган холисона хизматим бир ҳамён олтинга арзимас дўстим, – деди Навоий.

– Агар бул инъомни олмасангиз мени қаттиқ ранжитурсиз Мир Алишер, – деди Ҳусайн Бойқаро.

Энди Алишернинг совғани олишдан бошқа йўли йўқ эди. У олтин тўла ҳамённи қўлига олди ва шоҳ инъом қилган бу тиллаларни ўзи қурдираётган бинoларга сарфлашини кўнглига тугиб қўйди.

Кишининг қонида бўлган фисқу-фасод ҳеч қачон йўқ бўлиб кетмас экан. Бундай ғаразгўйлик билан беандиша кишилар кўп бора Ҳусайн Бойқаро билан Навоийнинг орасига нифоқ солишга уринардилар. Бу айтилган саргузаштни ҳам нима билан тугашини Навоий олдиндан сезганди. Шунинг учун у саройга келмасидан олдиноқ манфаатпарастлар саройга етиб келганларини ҳам хаёлидан ўтказганди. Саройга атай кечикиб келишининг ҳам сабаби шу. Навоийнинг юксак дид, нозик кўнгиллилик хусусиятлари бор бўлганлиги билан бир вақтда унинг феълида ҳазил-мутойибага мойиллик ҳам кучли. Зотан, у баъзида сарой аъёнларига нисбатан мана шундай ажиб масхараомуз ҳодисаларни қилиб турар, бундай ишлари билан ҳам Навоий шоҳнинг олдида мунофиқ кимсаларнинг башарасини очиб қўярди. Айнан содир бўлган ҳодиса эса унинг шоҳни яна бир навбатдаги огоҳлантириб қўйишларидан деб ҳисобланса тўғри бўлади.

– Устоз Мир Алишер тунов куни менга бир ваъда бердилар.

Сизға айтадирман деб хаёлимдин фаромуш бўлибдир, деди Беҳзод Мирак Наққошга.

– Нима ваъда бердилар экан, эшитайликчи?

– Уч-тўрт кун орасинда каминани ҳазрати мавлоно Абдураҳмон Жомий ҳузурларига олиб борар эмушлар.

– Ажойиб янгилик. Аммо, бундин хабарим бор эрди. Алишер менға ҳам бу тўғрисинда сўзлағон эрдилар. Кекса донишманд устознинг ёнларига борилғонда, баногоҳ саросимаға тушиб қолманг. Ул кишининг асарларига монанд чизған суратларингизни ҳам ёнингизга олиб олинг.

– Ахир, ҳали ул суратлар ниҳоясиға етмағон эрдиларку. Хижолатда қоладирман деган хавфдаман.

– Асло хижолат бўлмангиз, бул шариф ишға ҳавас қилғонингизнинг ўзи мавлоно Жомий ҳазратларини бениҳоя шодлантирадир.

– Сиз ул зоти шарифнинг асарларига ажиб суратлар чизмишсиз. Эътироз нуқтайи назардин ҳам бирор гап-сўз деганми эрдилар.

– Мавлоно эътироз қилсалар ҳам ўз фикрларини ҳалимлиқ билан тушунтирадирлар. Суҳбатлари мудом самимият билан кечадир. Ташвиш қилмангиз. Мирак Наққош шундай деб шогирдига ҳазрати Абдураҳмон Жомийнинг олийқадр ҳаётлари тўғрисида билганларини сўзлай бошлади:

Мавлоно Абдураҳмон Жомий айни дамларда олтмиш ёшлар атрофидалар. Оталари Жом вилоятидаги машҳур сулоладан ҳисобланиб, Аҳмад Ибн Муҳаммад Даштий деб аталганлар. Дашт Исфаҳонга қарашли йирик мавзелардан биридир. У кишининг оналари эрса Имом Муҳаммад Шайбоний авлодига бориб тақаладилар. Асли исмлари Нураддин бўлганлигини эшитганмисиз? Тақдир тақозосига хос ўлароқ улар Хуросонга кўчишиб шу ерда муқим яшаб келмакдалар. Таваллуд масканлари Жом шаҳри бўлганлиги сабаб Жомий тахаллус олганлар.

– Алишери Фоний ҳазратлари билан жуда яқин муносабатда эрканлар. Буни илми толиблар ҳам сўзлаб юришади.

– Илми толиблар рост сўзлабдир. Ул кишининг бетакрор, ноёб ижодини Мир Алишер бениҳоя қадрлайдилар. Ўзларининг кўплаб машҳур асарлари мавжуд бўла туриб, ҳазрат феъли кенг бўлганликлари, абёт сир-асрорини мукаммал билишлари сабаб Алишерни аксар ижод аҳлидан устун қўядирлар. Битган мажмуалари "Нафаҳотул-унс", "Баҳористон", "Бўстон" "Туҳфатул-аҳрор" энди санайверса адо бўлмас асарларининг барчаси кишилар қалбидан мангуга ўрин топмишдур.

– "Баҳористон" асарларини мутола қилдим устоз. Саъдийнинг “Гулистон”ларига татаббу йўсинда эркан.

– Султон Абу Саид замонида бир ғазаллар девони тартиб қилдилар. Барча эшитган қулоғу ҳам кўрган кўзга маъқул келди. Ажиб шуҳрат топди. Бу воқеалар кечганига ўн-ўн беш йил бўлди, аммо элу халқ ул воқеаларни худди бугун содир бўлганидек хотирлағайлар...

Келишилганидек Алишер Навоий билан Беҳзод сарой ҳовлисида учрашдилар. Ҳазратнинг хизматкорлари тайёр қилиб эгарлаб қўйган отга Беҳзод ҳам миниб олди. Тўрт отлиқ бўлиб шаҳар дарвозасидан чиқиб йўлга тушдилар. Йўлда Навоийнинг кетаётганлигини кўриб қолган кишилар от устидан туриб баъзан чаққонлик билан отларидан тушиб ҳазратга бош эгиб салом берардилар. Баъзилари югуриб келганча Навоийнинг қўлини ўпиб, саломлашардилар. Орадан кўп вақт ўтмасдан бир баҳаво қишлоққа етиб келишди. Бу қишлоқ шаҳардан унча узоқ бўлмаган жойда жойлашган бўлиб, мавлоно Жомий шу масканда яшар эканлар. Кенг-кушод ҳовли саҳнида барқ уриб турган гуларнинг ифори борлиқни тутган, баланд садақайрағочларнинг сояси ерга офтоб тушишига монелик кўрсатиб турибди. Аллақаердан оқиб келган бир тарновгина

сув жилдираганча ҳовлидан ўтиб, бошқа ҳовлига ўтиб кетаркан. Кунгурадор иморатнинг пештоқи ганчкорлик билан безатилган. Бошига ёзги бўрк кийиб олган, эгнида енгилгина жигарранг халат, оёғига сағри ковуш илган мезбон меҳмонларга пешвоз чиқди. Жадаллик билан қадам ташлаган Навоий бориб устознинг қўлларини кўзига суртиб, донишмандона мулозамат билан ижозат сўраб сўзга киришди:

– Ассалому-алайкум устоди бузургавор, шайхи шариат ва тариқат, мазҳари дину диёнат ва фасоҳат. Офтоби адаб ва улумият дийдорингизга бир ҳафтадин бери шошадирман, бироқ тирикчилик важҳидин бўладирган кунлик ташвишлар бу хайрли дийдор кўришмакни ортга суриб келмишлар. Хижолатдамен, авф этгайсиз, устоди олий.

– Во-алайкум ассалом, мавлоно хуш кўрдик. Биз ҳам сизнинг келишингизни интизор бўлиб кутиб ётибмиз. Аммо фақир кўнглимиз эрса, юмушингиз бисёр эрканлигини сезиб туродур.

Жомий ҳазрат Навоий билан кўришиб бўлиб, Беҳзод томонга қайрилиб қаради. Шу вақт Беҳзод жадаллик билан икки одим олдинга қадам ташлади ва елкасидаги хат жилдини тўғрилаб олиб икки қўллаб Жомий билан кўришди.

– Ассалому-алайкум, устоди беҳамто, – деди у ҳам Навоийнинг сўзларини такрорлаб.

– Хуш кўрдик, келинг меҳмон, – деди жилмайиб мезбон. У бугун Алишер янги бир истеъдод соҳибини бошлаб келганлигини сезиб турарди.

Серсоя салқин ҳовлида шоҳи кўрпачалар, лўла болишлар қўйилган сўрига чиқиб ўлтиришди. Меҳмонларнинг қадами қутлуғ бўлишлигини, юртнинг осойиш, шоҳларга инсоф тилаб дуо қилган ҳазрати шайхи Жомий қўлларини самога кўтариб юзига фотиҳа тортди. Булар ҳам ул зоти бобаракотга қўшилиб дуо қилдилар. Икки хизматкор йигит тезда дастурхон ёзиб, мева-чевалардан дастурхонни тўлатиб юбордилар. Навоий

Беҳзодни ҳазрати Жомийга таништирди:

– Бул йигит илми толибларимиздан. Беназир истеъдоди бор. Мавлоно Мирак Наққош мазкур йигитнинг устозлари бўладирлар. Мусаввирлик санъатининг кўп сир-асрорларини мукаммал эгалламишлар, устоди олий.

– Офарин, сад офарин, хўп яхши эркан. Миракнинг бир шогирди бор, истеъдоди бениҳоя воло эрмиш деб эшитғонимиз бўлғон эрди. Ҳайтовур сиз ўшал йигит ҳақинда сўзламакдамусиз, Алишер?

– Исмлари Беҳзод, Камолиддин ҳам дерлар. Мирак Наққошга хеш ҳам саналурлар.

– Бисёр олий. Аҳсант..

Бир пасда суҳбат авжига чиқди. Алишер Навоий билан Жомий гоҳ мамлакат сиёсатидан, гоҳ шеъриятдан, гоҳ бўлиб ўтган қизиқ воқеалардан сўзлашиб қолдилар.

– Муҳрдорлиғни топшириб, энди бемалол бўлиб қолдинғизму Алишер?

– Топширишға топширдим, аммо энди у маҳалдин ҳам ишим боз басо кўп бўладирку, асло камаймас. Шайхим Суҳайлийға ҳам маслаҳатим ҳар сонияда даркор бўладир. Яна шоҳнинг раъйини қайтара билмасдин, мушовир мавқесини ҳам бўйнимға олмишменки, бу ишни баъзида ғалат деб ўйлаб қоладирман. Не мақсадда муҳрдорлиғдин қутулмакни ихтиёр қилдиму, не андишадин боз салтанату саройға боғландим.

Бу гапдан устоз Жомий бир яйраб кулиб олдилар. Беҳзод ҳам беихтиёр устоз олдида ўзини базўр кулгудан тийиб турарди. Суҳбат асло тинчимасди. Гоҳ Навоий, гоҳ Жомий бир-бирларига савол беришдан, баҳсдан толиқмасдилар. Энди бирдан Навоий суҳбатни Беҳзод мавзусига буриб юбори.

– Устоз бу йигитча сизнинг ижодингиз кўйида сармастдир. Бажараётғон машқларинда сизнинг асарларингиздин беҳад фойдаланадур.

– Бисёр хуб. Жуда яхши. Қани унда фикрларини эшитайлиғчи.

Беҳзод аввалига хийла ўнғайсизланди. Алишернинг савлати унга таъсир қилмаса-да, мавлоно, донишманди замон, қутбул адаб, шайх Абдураҳмон Жомийнинг қошида бисёр саросималанди. Терга ботиб, базўр хатжилдини олиб очди ва ҳазратнинг баъзи бир асарларига чизган чизмаларини кўрсатди.

– Устоз "Баҳористон" асарингизни кўп бора ва такрор-такрор ўқиб турадирман, ҳатто ёд олгандирман, – деди сўнгра.

– Қани унда ўқингчи, эшитайлуқ.

– Аммо, иккиланмасдин ўз ихтиёрингиз билан ўқингиз, – деди Навоий.

Сўз айтиб пушаймон егандан кўра,
Унсиз ўлтирмоқлик юз карра афзал.
Сирингни айтмаслик пушаймонлик йўқ,
Айтганлар пушаймон бўлар кўп маҳал.

– Боракалло, ажиб, бенуқсон ёд олмишсиз Беҳзодхон, – деди Жомий завқланиб.

Беҳзод "Баҳористон"дан ўқиган уч-тўртта қисқа ҳикоятларни ҳам хотиридин равон ва шаррос айтиб берди. Яна байт ўқиди:

Ўткинчи нарсадин кўнгил уза ол,
Абадлик тадбири билан бирга қол.
Нимани билолсанг билишга интил,
Сўнгра билганларинг бир-бир ишга сол...

– Офарин, ҳазор офарин, – деди устод Жомий яна такроран. – Алишер шогирдингиз беқиёску. Мана бу бошлағон машқлари ҳам фақирни тафаккур ва тахайюл дунёсиға олиб кирди. Кўз тегмасин. Мана истеъдод, мана нафислиғ. Неча ёшингиздин бу истеъдодинғизни фаҳмладингиз?

– Тахминан уч ёшимдин устоди бузругвор. Машқ қилиб бошлағоним уч ёшларимда эрди. Устоз Мирак Наққошнинг ортлариндин қолмас эрдим. Нигорхоналари очилган заҳоти қишму ёзму аларнинг муборак ҳузурлариға югурардим.

– Толейингиз баланд бўлғай. Парвардигори олам пушти паноҳат. Омин ё Раббал оламин. Сиздин ажойиб мусаввир етишиб чиқишиға шубҳа қилмасмен.

Беҳзоднинг юзлари қизариб қора терга ботди. У бир томондан шайхи замоннинг мақтовидан, бир томони синовдан яхши ўтганлигидан юзлари лов-лов ёниб хурсанд бўлган бўлса, иккинчи томондан бу иккала устоди давронлар менинг етимлигим сабаб, шунчаки олқишлаб турибдиларми деган ўйга бориб қолганди.

Дастурхонга фотиҳа ўқилди. Беҳзод Навоий билан Жомий ҳазратнинг бирор ўзаро пинҳона суҳбатлари бўлиши мумкин деган фикрга борди ва аста-секин кўчага чиқишга ошиқиб юра бошлади. Унинг тахмини тўғри бўлиб чиқди. Сўрининг икки томонига икки устоз суяниб тик турганча анча гаплашиб қолишди. Баъзан бир-бирларига қараб кулиб олишардилар. Анча фурсатдан кейин меҳмонлар мезбон билан хайрлашиб йўлга тушишди.

– Камолиддин тоғойингиз Мирак Наққош қадрдонимизға фақирнинг дуойи саломимизни етказинг, – деди кекса донишманд Беҳзодга.

– Хўп, албатта. Сиздин салом айтадирман. Соғ бўлинг устоз.

Алишер билан Беҳзоднинг отлари ёнма-ён қадам босарди. Икки мулозим йигитлар эса йигирма қадамча орқадан уларни кузатиб келардилар. Навоий сўз бошлади:

– Камина сизнинг олдинғиздаги қарзимдин қутулдим, энди бемалол устози бузургни кўрганда бамайлихотир салом-алик қилаберасиз, азизим.

– Устоз, катта раҳмат сизга. Азиз табаррук шоирнинг илоҳий

бир кучлари бор экан чоғи. Ёнимда сиз бўлмағонингизда бирор калима сўз айта билмас эрдим.

– Илоҳий куч. Шундоқ бўлиши табиийдур. Ул зоти бобаракот, лисонул ғайбдурлар. Ҳофизи Қуръон, сухангўйи Худодурлар ул зоти муҳтарам. Аларнинг дуоси ҳамиша ижобат бўлғон. Кимға назар солсалар, азизу мукаррам бўлур. Аҳли Хуросон ул зоти гаронбаҳони "Марди Худо", назаркарда Ҳақ субҳона ва таъоло дерлар. Аммо баъд, илм аҳлини кўрганда киши шундай ҳолга тушиши ҳам мумкин. Энди машқларингизни мукаммаллаштирингиз.....

Бугунги кун Камолиддин Беҳзод учун энг унутилмас кун бўлди. Унинг хаёллари узоқ ўтмишга бориб тақалди. Ота-онасининг сиймоларини кўз олдига келтирди. Улардан айрилиб қолганлиги, кейин устози Мирак Наққош хонадонига келганлиги, етимлик нималигини билмай ўсганлиги барчаси кўз олдида намоёнланди. Энди эса, кимсан Алишер Навоийдек улуғ шоирнинг назарига тушмоғи, шунинг сабабидан бугун устоди олий Абдураҳмон Жомий хонадонига ташриф буюриши ва ул кишининг муборак назарларига тушиши... Севинчдан унинг бошлари ғувуллаб қолаёзди. Кўзларига шодлик ашки жилоланди. Ўпкаси тўлди. Сўнг кўз ёшлари сел бўлиб оқди. Дунёни унутди. Ўзлигини топди, қалбига илоҳий бир нур инди. Намози хуфтонга ошиқди...

******

Беҳзод энди мусаввирлик касбини мукаммал эгаллай олишига батамом ишонди. Кунба-кун каттароқ ишларга қўл ура бошлади. Бу орада мадрасани тугатди. Эндиликда у мусаввирлик санъатининг ўзи белгилаб олган йўлига тушиб олганди. Нафис истеъдоди билан турли-туман йўналишлардаги нақшлар унинг қаламига мансуб. У яна бир устози Пир

Саид Аҳмад Табризийдан ҳам сабоқ олиб тураради. Навоий ижодхонаси толиблари ва устозлари Султонали Машҳадий ҳамда Ёрий Музаҳҳиблар билан жуда яқин ҳамфикр. Шунинг учун у Ҳусайн Бойқаро саройида шаклланган санъаткорлар орасида энг иқтидорлиси ҳисобланиб қолди.

Маълумки, Темурийлар даври тасвирий санъати Шоҳрух Мирзо салтанати даврида анча гуркираб ривож топганди. Бунга сабаб эса шоҳ Бойсунғур Мирзонинг Ҳиротда мусаввирлар мактабини ташкил қилганлигида эди. Орадан вақт ўтиб эса айни йилларда ҳам мусаввирлик санъати ўша ривожланиш палласига етиб бормоқда. Бунда, хусусан, Камолиддин Беҳзоднинг олиб бораётган ишлари муҳим ўрин тутади.

Бугун Алишер Навоийни шоҳ Ҳусайн Бойқаро шошилинч етиб келишини истаб чақиртирган экан. Мир Алишер шоҳнинг, албатта, бир муҳим маслаҳати борлигига шубҳа қилмасдан тезда етиб келди. Чунки беш-олти йилдан бери Ҳиротда ва бошқа кўплаб шаҳарларда олиб борилаётган қурилишлар, ерларнинг ўзлаштирилиши, солиқларни тартибга солиш ишлари, албатта, Ҳусайн Бойқарога Навоий билан фикр алмашиб туришини тақозо қилади.

Хонаи хосга кириб келган Навоий дўстининг авзойи сал бузуқ турганини фаҳмлади ва шоҳга салом берди:

– Во-алайкум, ассалом, келингиз Алишер, – деди шоҳ Навоийнинг саломига алик олиб.

– Нечун паришонҳолсиз, дўстим, Ҳусайн, тинчликму, сиҳатингиз жойиндаму?

– Ташаккур бир йилдан ортиқ вақт бўлибдир таъмирлатаётғон бинонинг пештоқиға битилиши жоиз бўлғон китобат ишлари бошланмабдир. Мирак Наққошға топширилғон эркан бу вазифа. Мамлакатда кўзға кўринғон бир мусаввирни жазолашни амр этишға менинг виждоним йўл қўймайдир. Бироқ Наққош жаноблари буни ҳис этмай турибдирлар чоғи Алишер?

Навоий Бойқаронинг қаттиқ дарғазаблигини кўриб турарди. Ростдан ҳам Мирак Наққош нега бу ишни пайсалга солиб келаётганини у ҳам айни дамда тушуна олмаётганди.

– Изн берсангиз, шоҳим охирги имконият. Мен шу бугун Мирак Наққош билан сўзлашсам. Сизнинг номингиздин огоҳлантирсам.

Бойқаро Навоийнинг гапларидан бироз жаҳлидан тушди. Кейин дўстига қараб вазминроқ ҳолда сўзлади:

– Ахир сиз Наққош жанобингизни яхши киши, бир неча шогирдлар етиштирмакда деб айтгандингиз. Бундай бағрикенглиги мавжуд бўла туриб нечун ишни пайсалга солганига ҳайронман.

– Беайб Парвардигор шоҳим, гуноҳидин ўтинг мусаввирни. Бироқ мен масаланинг моҳиятини билиб, албатта, сизга етказадурмен.

Шундай қилиб, Мирак Наққошнинг бундай йўл тутиши ўзига бало олиб келиши мумкин бўлган вазиятни Навоий икки калима сўз билан юмшатиб юборди. Кечга яқин Мирак Наққош Навоийнинг қабулига кириб келди. Чунки, шоҳнинг қабулидан чиқа солиб Навоий Наққошнинг тез етиб келишини хизматкорига тайинлаб хабар юборганди. Мирак Наққош Навоийни жуда қаттиқ ҳурмат қилар, ўзининг иниси каби Алишер деб эъзозда тутарди. Етиб келган Наққош шоирга учрашди:

– Алишер фақирни йўқлатибсиз. Эшитган заҳоти ёнингизга ошиқдим. Беҳзод шогирдингиз борасинда бирор жиддий маслаҳат борми деб хаёлим учиб кетди.

– Келингиз. Беҳзоднинг ишлари бариси жойинда. Аммо яхши шогирд тайёрлаяпсиз, бунинг учун офарин дейдирман сизга.

– Мен тўғримда бирор гап-сўз бўлғон...?

– Ҳа, қулоғингиз қизиғон чиқар. Сиз тўғрингизда, албатта,гап-сўз бўлди. Шоҳимиз сиздин жуда оғринғон кўринадирлар.

Таъмираланаётғон масжиднинг пештоқиндаги китобат иши сизнинг зиммангизда эрди. Бул ишни нечун пайсалға солмакдасиз. Бирор сабаби борму?

Мирак Наққош бошини ерга эгиб қолди. Унинг ёши Навоийдан анча катта бўлишига қарамасдан ҳозир устозининг олдида ийманиб қолган толибдек жим бўлиб қолганди. У ростдан ҳам фаромуш хато қилганини англаб хижолат тортарди.

– Шоҳ фақирни авф этсинлар, Алишер ўзингиз шоҳид бўлиб кафил бўлинг. Мен тонг саҳарлаб ул ишға киришадирман. То масжиднинг пештоқида битилиши жоиз бўлған китобатни битказмасдин уйимға ҳам кирмагайман. Бу менинг Яратғон олдида ҳам берган ваъдам бўлсин.

– Бу бошқа гап, – деди Навоий жилмайиб. – Мен шоҳга андак фаромушхотирлиғ бўлибдир. Мусаввир афв қилишингизни сўрадирлар деб айтадирман. Қани овмин эрта тонгдин ишға киришингиз. Бу менинг амрим эрмас, ўтинчим сиздин мавлоно.

– Амр этсангиз ҳам ҳақлисиз, Алишер. Каминанинг яна бир ўтинчим бор. Шу ишни битиргунимча Камолиддин ёнимда кўмак бериб турса деган эрдим.

– Дуруст ўйладингиз. Бажонидил ёрдамлашсин. Тажрибаси ҳам ортадир. Жуда ҳам яхши, майлига, келишдик.

Эртасига Мирак Наққош бошқа ҳамма ишларини четга суриб, масжиднинг китобасини чизишга астойдил киришиб кетди. Орадан икки ҳафта ўтиб, масжиднинг пардоз-андоз ишлари якунланди. Мирак Наққош ва шогирди Камолиддин Беҳзод Ҳусайн Бойқаронинг олқишига сазовор бўлдилар. Ҳар бир ишнинг хайри бўлади дейилганидек шу сабаб Камолиддин Беҳзод Ҳусайн Бойқаронинг назарига тушди. Шоҳ бу мусаввир йигитнинг истеъдодини кўриб унинг санъатига ошуфта бўлди.

Камолиддин Беҳзоднинг Оллоҳ насиб қилган юксак маҳорати билан бирга унинг ниҳоятда тарбияли йигит бўлиб етишганлиги, самимияти бошқа ижодкорлар томонидан

ўзига нисбатан жуда кўп ижобий қарашларни шакллантирди. Жумладан, уни Мирак Наққош, Алишер Навоий, Абдураҳмон Жомий, Султонали Машҳадий, Пир Саид Аҳмад Табризий, Ёрий Музаҳҳиб ва бошқа ўнлаб юксак истеъдод соҳиблари жуда ҳурмат қилардилар, доим қўллаб-қувватлардилар.

Беҳзод ҳали подшоҳ Султон Ҳусайн билан асло мулоқот қилган эмас. Навоий Беҳзодни мавлоно ҳазрати Абдураҳмон Жомий ва бошқа маъруфли кишилар билан яқиндан таништирганди. Бу сафар шоҳ Беҳзодни танишмоқ учун йўқлаганда Мир Алишер унинг билан Ҳусайн Бойқаро ҳузурига бирга кирмади. Аммо, Беҳзодга бардам бўлишни, бор гапни очиқ-ойдин сўзлашни, Ҳусайн Бойқаро савлатли шоҳ бўлса ҳам самимиятни ёқтиришини айтиб унинг кўнглини хотиржам қилиб қўйди. Белгиланган вақтда Беҳзод шоҳ ҳузурига етиб келган вақтда эса, Навоий саройда бўлса ҳам унга кўриниш бермади. Бу ҳолни у Султон Ҳусайнга ҳам тушунтириб қўйганди.

– Ассалому - алайкум шоҳи мукаррам, – дея дадил салом берди Беҳзод Бойқарога.

– Во-алайкум, ассалом, келингиз мусаввир, – деди Ҳусайн Бойқаро бир қўр овозини баланд қилиб. Кейин қўли билан тахт ёнида яқин қўйилган курсига ишора қилиб Беҳзодни ўлтиришга таклиф қилди. Беҳзод олиб келган хатжилдини курсига қўйди ва курсига ўлтирмасдан кўксига қўлини қўйиб тик турганча тавозе кўрсатиб турди. Ҳусайн Бойқаро бу ҳолни жуда баодобликка йўйди ва алоҳида амр қилиб Беҳзодни ўлтиришга ундади:

– Ўлтиринг Беҳзодбек. Биз ҳали кўп суҳбат қиладурмиз. Қани энди ўзингиз тўғрингизда бафуржа сўзланг. Сир эрмас ўзингиз ҳам сезғондурсиз, бизга сиз тўғринғиздаги кечғон кўп гап-сўзлар етиб келғон. Истеъдодинғиздин хабаримиз бор.

– Ташаккур. Султони олий.. шоҳим. Мен баҳоли қудрат мусаввирлиғ касбиға обдан қизиқдим. Ота-онадин эрта

етим қолиб, устоз Мирак Наққош хонадонларинда яшаб келмакдаман. Ана шу табаррук хонадонда яшашим мени мусаввирлиғ оламиға етаклаб кирди десам дуруст бўлғай.

– Устозинғиз бирлан янги қурилғон масжидда бажарғон ишларингиз бизни жуда кўп хурсанд қилди. Сизларнинг санъатинғиз жилваси иморатлар пештоқию ичкарисиға қайтадин жон бағишлади десак хато эрмас.

– Токи сиҳат-саломат эрканмиз шу эл учун бунёд қилинажак ҳар не иморат борки жоиз бўлғон иш учун камарбаста бўлғаймиз.

– Боракалло, Камолиддин, ниятинғиз мустажоб бўлсин.

Шоҳ билан Камолиддиннинг суҳбати авж олар, орадан бирор соатдан ҳам кўп вақт кечиб бормоқда эди. Бир пайт шоҳ икки қўлини бир-бирига уриб эшик оғани чақиртирди. Сўнг салмоқ билан ундан сўради:

– Алишер нега ҳаяллаб қолдилар. Суриштирдингизму?

– Ҳазрат ҳозиргина етиб келдилар. Аммо ичкариға киришга ботинмай турибдирлар.

– Ботинмай турибдирлар, Нечун, Камолиддин кўрдингизму устозингиз не хил камтаринлиғни истайдирлар. Бироқ ўзлари сезмамишларки, ўта камтаринлиғ, манманлиғдир.

Камолиддин шоҳнинг бу гапига қўшилишни ҳам, қўшилмасликни ҳам, ёки бирор сўз билан жавоб айтишни ҳам била олмасди. Шунда бирдан ичкарига Навоий кириб келди. Беҳзод шошганча ўрнидан турди ва бориб Мир Алишернинг қўлини ўпиб кўришди. Салом-аликдан сўнг Бойқаро Навоийга қараб сўз қотди:

– Дўстим, Алишер нечун камнамосиз? Ажиб, шогирдларингизни мен чорласам, сиз йўқ бўлиб қоладирсиз. Бу не камтарлиғму ё бошқа бир ҳолму?

Хуллас шоҳ билан Навоий ўзаро мутойиба қилиб кетдилар. Беҳзод тик турганча шоҳ билан шоирнинг мулоқотини кузатиб

тураrди.

– Шогирдингиз чакки эрмас. Мусаввир бўлса шу йигитдин кам бўлмас. Чизғон нақшларининг барчасини томоша қилдим. Нечун ёнимизда ушмундоқ истеъдодли ёшларимиз бор, пайқамасмиз? Сиз бул йигит тўғрисинда каминаға айтғон сўзларингиз, маълумотларингиз бежизға эрмас эркан. Ташаккур сизға дўстим.

Султон Ҳусайн Мирзо эса унга алоҳида меҳр кўрсатди. Амир Алишердан Камолиддин Беҳзоднинг турмуши тўғрисида суриштирди.

– Ул мадрасани тугатди. Яшаш манзили ҳануз Мирак Наққош хонадонинда кечмакда, – деди Навоий шоҳға.

– Амр этурмизки, бундин кейин Камолиддин саройдин узоқ бўлмаган жойда яшасин. Истиқомати учун махсус ҳовли билан таъмин этилсин. Неки сарфу харажат жоиз бўлар эркан хазинадин ажратилсин. Алишер сиз менинг бу фикримга не муносабатдадурсиз?

– Шоҳим, сиз энг мақбул қарор қабул қилмишсиз. Қарорингиз қутлуғ бўлғай.Сизда ғалат қарор бўлмас.

Шундан сўнг шоҳ Камолиддинга саройдан узоқ бўлмаган манзилдаги боғ ичидан бир ҳовли солдириб берди. Ўзига қулай бўлиш учун ҳовлисида устахона ҳам ташкил қилдирди.

Камолиддин кунба-кун буткул саройга боғланиб борарди. Барча шароитлари муҳайё қилинган, маош тайинланган мусаввир тиним билмасдан меҳнатга шўнғирди. Энди ўз устахонасидан четга чиқиб устозларини йўқлаб боришга ҳам фурсат топа олмасди. Беҳзод улуғ хаттот Султон Али Машҳадий билан ҳам жуда яхши илиқ муносабат ўрнатганди. Султонали Машҳадий ҳатто Беҳзодни ўз фарзандидек кўрар, унга суяниб қолгандек эди. Меҳнатга шўнғиб кетган Беҳзод бир неча муддат устозининг ҳузурига бора олмай қолувди. Орқаворотдан келган гап-сўзларга кўра Султонали Машҳадий

Беҳзоддан жуда ранжиб юрган эмишлар.

Бугун Камолиддин устозининг ҳузурига боришга астойдил киришди. Бозорга кириб ул-бул нарса харид қилди. Ҳолва, қанд-қурс мева-чева, иссиқ нон билан халтасини тўлдириб олди. Манзилга етгач, таниш хонадоннинг эшигини қоқди.

– Кист,– деган овоз эшитилди ичкаридан. Бу устознинг овози эди.

– Устод, ассалому-алайкум мен Камолиддинман.

Йўл-йўлакай сўзлаб келаётган устознинг овози тобора яқинлашиб келарди:

– Биз фарзанд ўрнида кўриб юрғон бир шогирдимиз, бизни унутмиш, кўзимиз йўлинда интизор қотадир.

Куз ҳавоси бўлганлиги учун эгнига чакмон ташлаб олган устоз эшикни очди ва шогирдини қучоқлаб бағрига босди.

– Саломат бормусиз, бўтам. Ахир шунчалик ҳам бўлурму? Устознинг шодланганиданми ё соғинчданми юзига икки-уч томчи кўзёш юмалади.

– Каминани кечиргайсиз, устоз, – дея олди Камолиддин. Чунки унинг ўзи ҳам тўлқинланиб кетганди.

Ичкарига кириб курси атрофига жойлашиб ўлтирдилар. Фотиҳадан сўнг устоз тағин ўпкалагандек гап-сўз қилди. Беҳзоддан бор гапнинг барисини эшитганидан кейин астойдил ҳовури босилди. Аксинча, бекорга ўпкалаганини тан олди, шогирдининг иқболини кўриб жуда хурсанд бўлиб кетди.

– Устоз ҳазрати Жомийнинг сувратларини чизсам деб уриниб юрибман. Бироқ бу ҳали ҳавас. Шул сабаб бу орзу-умидимни ҳеч кимга сўзлаганим йўқ. Амир Алишер ҳазратлари каминани устоз Жомий хонадонларига олиб бордилар. Яқиндин танишдик.

– Муборак бўлсин. Жуда яхши иш бўлибдир. Мирнинг ҳар бир қилғон саъйи ҳаракатлари кишини жуда завқлантирадир. Алишернинг истиқболига кўз тегмасин. Яратган паноҳида

асрасин у кишини.

Султонали Машҳадий билан Камолиддиннинг суҳбатлари бир неча соат давом этди. Ўзаро ҳамфикр бўлиб мазмунли суҳбат қилиб олдилар. Камолиддин билан Машҳадийнинг ораларида йигирма икки, йигирма уч йиллик фарқ мавжуд. Камолиддин йигирма тўрт-йигирма беш ёшда бўлса, Машҳадий қирқ беш ёш атрофида. Камолиддин кетишга изн сўради ва хайрлашиб кўчага чиқди. Султонали Машҳадий бугун Камолиддиннинг кетишига рухсат бермай олиб қолмоқчи бўлди. Аммо ишнинг жуда кўплигини рўкач қилиб, Камолиддин кетишга рухсат олди.

– Устоз энди тез-тез келиб турадирман. Хавотир олмангиз.

– Албатта, шундай бўлсин. Унда яхши етиб олинг.

Шундай қилиб Камолиддин бугун устозининг суҳбатидан баҳраманд бўлиб қайтди. Баҳонада ўзи ҳам бир оз чалғиди. Ахир ақлий меҳнат кишини жуда толиқтириб қўяди-да. Ҳазрати Мир Алишер бежизга шоҳликнинг муҳрдорлиғ ишиндан истеъфога чиқмакни истамагандирлар. Беҳзод шундай деб ўзига ўзи сўзлаб отига қамчи босганча йўлда кетиб борарди.

Беҳзоднинг устахонаси кенг-кушод барча шарт-шароитлар муҳайё қилинган ҳолатда эмасди. У чоғроққина ҳужрадан иборат бўлиб оддий жиҳозланган, гилам тўшалган. Бу жиҳозлар меҳмонларга мўлжалланган. Ҳужранинг деворларига оқ мармардан ишлов берилган бўлиб, Шарқ хаттотлари деворларга Қуръони карим оятларини муҳрлаб чиққандилар. Ҳужранинг орқасига ўтилса чоғроққина боққа дуч келинади. Сокин эсган шабада анвойи гулларнинг бўйини ҳовлининг саҳни узра таратадилар. Шафтолилар ғарқ пишган, ҳосилни кўтара олмай қолган дарахтларнинг йўғон шохлари камондек эгилиб турадилар. Ишкомлардаги узумлар ғуж-ғуж бўлиб кўзга ташланади. Ҳовли саҳнидаги мармартоб ҳовуздаги кўм-кўк оби зилол сув ғубори ювилиб тозаланган улкан шишани эсга солиб

туради. Чор-атрофда атиргуллар ва турли бошқа гулларнинг чамандек очилиб ётиши инсон зотини ҳайратнишон оламга бошлаб киради. Ана шундай муҳитда Камолидддин махсус курсида ўлтириб олганча ижодга шўнғийди. Унинг дастидаги мўйқалам қоғоз ҳуснини бежиримлик билан безай бошлайди... Эрта тонгдан бош кўтарган заррин қуёш ҳужранинг тароватини ошириб юборади. Эшик ва даричалардан тушган қип-қизил нур деворлардан акс садо қайтариб ичкарини шафақгун кўринишга чулғаб юборади. Беҳзод ўрнашиб олган курсининг устидан ўнлаб ва балким ундан ҳам кўплаб турдаги мўйқаламлар тартиб билан махсус қаламдонларга жойлаштирилган. Худди шунга мутаносиб тарзда бўёқлар солинган митти қутичалар ҳам тартиб билан териб қўйилган. Шу манзаранинг ўзини чизган ҳар қандай мусаввир одам зотининг хаёлини ажиблик дунёсига олиб кира олади... Бир тасвир устида мусаввир кетмакет кунларни сарф қилади. Баъзи ишларни яримлатиб қўйиб бошқа ишга шўнғиб кетиш ҳолатлари ҳам жуда кўп содир бўлади. У дастлаб тарҳни рангсиз қаламда чизиб олади. Баъзан бир кунлаб битта суратнинг митти бир бўлаги устида ҳам хаёл суриб қолади. Суратнинг ўзига маъқул келмаган бўлагини ўчиради, қайтадан чизади, яна ўчиради, қайтадан чизади.... Иш жараёни муттасил шундай кечаверади. Беҳзод икки-уч ой шайх Саъдийнинг "Бўстон"ини мутолаа қилиб юрди. Қайта-қайта ўқиди, айрим жойларини ёдлаб ҳам олди. Асардаги ривоятлар Беҳзодни беихтиёр узоқ ўтмиш саҳифаларига тортиб кетардилар. Афсоналар олами ичра йўқотиб юборар эдилар. Айни дамдаги ишлари шунинг таъсири остида яралмоқда. Бу ишни жиддий деб ҳисоблаганига ҳали тугатиб улгургани йўқ. Биров четдан бу чизгиларга разм солиб яхши-ёмон фикр ҳам айтгани йўқ. Жиддий иш эмас, деб ҳисобласа битгандан кейин анча-мунча кўзга кўринарли асар пайдо бўлишига шубҳа ҳам қилиб бўлмас. Хуллас, бу ижодининг айни дамдаги

таърифига ҳали чўпкори бошланган иморатнинг фақатгина дастлабки кўринишларини мисол қилса бўлади, холос. Беҳзод бошлаган ишининг хаёли билан кун-тун ўз руҳиятини ошно қилган ҳолда умр кечирмоқда. Тунлари тушларида ҳам ўзининг қўлида мўйқаламни кўриб чиқади. Тонг саҳарлаб турган вақтида таҳорат олиб, намоз ўқий бошлайди. Хаёли мўйқаламга боғланиб сураларни ҳам адаштириб юборган вақти кўп такрорланади. Бу асарни асос қилиб олишга олдию, нечта сурат ишлай олишини рости ҳали ўзи ҳам аниқ-тиниқ била олмайди...

Ниҳоят, орадан анча ойлар ўтиб Беҳзод Саъдийнинг асарларига муқояса қилиб чизган асарларини тугатди. Кўп асарларига имзо чекмади.

– Устоз нечун асарларингизга имзо битишни истамайсиз, – деди унинг ёнида юрган, айнан шу асарларнинг ишланишига ёрдам берган ёш йигит Ёрий Музаҳҳиб.

Бу йигит билан Беҳзоднинг ёши орасида уч тўрт йил тафовут бўлса керак. У Беҳзодни устоз деб атайди. Ўзи ҳам чакки эмас. Аввалига Ёрий Музаҳҳибнинг Беҳзодга устоз деб мурожаат қилиши бир оз ўнғайсиз туюларди. Вақт ўтиши билан Беҳзод бунга кўникиб кетди.

– Ҳали ёшмиз Ёрий ишларимизга имзо қўйишга улгурадирмиз. Ҳа деб чизғон нақшга имзо қўявериш манманликни келтириб чиқаради. Бизга шу керакми?

– Йўқ, мен бу фикрда эмасман. Бироқ юртда мусаввирлар кўпку. Ҳар кимнинг яратган асари билиниб турса яхши бўлади деган фикрдаман, холос. Айтганингиз рост бу борада масаланинг икки томони бор. Буни нокамтарликка ҳисоблайдиганлар ҳам топилади. Аммо бир томондан мухлислар асар эгасини топа олмай қийналишади. Чалкашликлар содир бўлади-да. Беҳзод ростдан ҳам бу гапда мантиқ борлиги учун ўйланиб қолди.

– Майли, бир гап бўлар, – деди кейин қисқа қилиб.

Шу сабаб бўлди-ю энди яратган суратларига гоҳ-гоҳида имзо қўядиган бўлди. Кейин фақат учта суратга эса, "Амали абди-Беҳзод" деб имзо чекиб қўйди. Мажмуанинг дастлабки саҳифаларига иккита қўшалоқ сурат ҳам нақш этди. Бу султон Ҳусайн Бойқаро сурати эди. Бехзод энди бемалол истаган мавзуда истаган суратни чиза олиш учун қўл урадиган даражадаги мусаввир бўлиб етишганди.

– Устоз, мана бу суратимни кўриб баҳо айтингиз, – деди бир куни у Мирак Наққошга.

Суратга диққат билан разм солиб турган кекса мусаввир жилмайиб қўйди. Сўнг хурсандлигидан ҳис-туйғуларини жиловлай олмай қолди.

– Кўз тегмасин ўғлим, исмингиз жисмингизга мос камолотга етдингиз. Сизни тарбият қилиб зарар кўрмадим. Илоҳо олганингиз олчи бўлсин. Асло, камлиғ нималиғини билмангиз...

Беҳзод бу тасвирларида меҳнаткаш халқнинг турли жабҳалардаги аҳволини акс эттирганди. Боғларда, далаларда меҳнат қилиб юрган деҳқонлар, елкасига кетмон тутган соҳибкорлар. Пишиқчилик вақтида ҳосилни териб олишга кўмаклашаётган ўспиринлар. Қовун-тарвуз пайкалларида пишиб ётган ҳосилнинг кўринишлари, ишкомларда ғарқ пишиб етилган узумлар, боларилларнинг турли томонга учиб юришлари... Хуллас, бу тасвирларнинг ҳар биттаси турли мажмуага жойланганди. Бу ноёб чизмалар ҳали мусаввирлик соҳасида қаламга олинмаган ажиб бир янгиликлардан иборатликни касб этарди.. Унинг ўзига хос алоҳида йўл топа олганлигини кўрсатарди. Ғоявий етук бўлиб олганлигидан далолат берарди. Унинг нозик диди ҳар бир миниатюрасида акс этиб нақшланарди. У чўққилари осмонларга бўй чўзган қиррали улкан тоғларни, арчазорлар, яшилликка бурканиб ётган ўтлоқлар, зилол сувлар оқиб ётган ариқлар, наслдор отлар, йилқибоқарлар, отларга мингашган суворийларни ранг-баранг

кўринишларини чизиб улар тимсоли воситасида табиатнинг сирли манзараларини бадиий тасвирлар кишининг хаёлини табиатга чамбарчас боғлаб қўя оларди. Бу тасвирларни кўрган киши соатлаб унинг ёнидан жила олмай қоларди. Унинг мазкур ишларини ақл билан таҳлил қилган, диққат билан қараган киши Беҳзоднинг ўзи табиатнинг жуда нозик қирраларини чуқур ҳис қила олганлигига амин бўлади.

Унинг навбатдаги яна бир иши устоз ижодкорнинг "Бўстон"и руҳиятига ҳамоҳанг. Бунда бино ичкарисида бўлиб ўтган воқеалар акс этган. Суратларнинг биттаси эса масжидда намоз ўқиш пайтини баён этади. Бу суратларнинг асосий ғояси–бинокорлик, шарқ меъморчилик услублари, бино деворлари ҳамда пештоқларининг турли кошинкор нақшлар ва гуллар билан безатилиши, уларнинг жозибали манзарани шакллантира олганлигидир. Бу ҳол уста наққош ва мусаввир ақлу заковатининг уйқашлигини кўрсатади.

– Сиз бул маҳоратни қай йўл билан қалбингизга жо этмишсиз, – деб сўрашади ундан баъзида тенгдошлари.

– Яратғоннинг иноятиди-да дўстим – дея жавоб беради у камтарлик билан.

– Камолиддин сиз шундай улкан ишларга қўл уришдан асло чўчиб ўлтирмайсиз, илоҳий бир кучингиз борга ўхшайдир, – дейди яна бошқаси ажабланганини яшира олмасдан.

Бундай суҳбатларнинг кечиши бежизга эмас. Камолиддин кейинги бир-икки йил ичида жуда тиришқоқлик билан меҳнат қилиб айтиш жоизки, ўз тенгдошларидан неча баробар ўзиб кета олди.

Машҳур табаррук зот Шарофиддин Али Яздийнинг "Зафарнома" асари уни буткул ўзига ром қилиб қўйди. Асарни хаттот Султон Али Нур кўчирган. Буюк Соҳибқирон ҳаётини тасвирловчи бу асар кимнинг ҳам ақлини шоширмайди дейсиз. Беҳзод бу борада устози Алишер Навоийга жуда ҳаваси келади.

Чунки Мир Алишердек унутилмас асарни ёзган улуғ инсон билан кўришиш бахтига муяссар бўлганди, у.

– Устоз буюк инсон Шарофиддин Али Яздий билан кўришғонингиз қандай толе эрдики бунга муяссар бўлмишсиз, – деди бир куни у журъат қилиб Навоийга.

– Унда мен беш-олти ёшлик бола эдим. Тақдир тақозоси, Хуросондаги алғов-далғовлар барчани турли томонларга кетиб жон сақлашини тақозо қилғон бўлса керак. Отамиз раҳматли бир кун олдин волидамизни Ҳиротдин чиқиб кетишимиз кераклиги борасинда огоҳ этибдирлар. Икки маҳофа, уч-тўрт аёл, волидамиз ва хизматкор аёллар, яна уч-тўртта хизматкор қўриқчилар тонг маҳали Ҳиротдин чиқиб кетғонмиз. Раҳматли волидам бирлан кетаётған бошқа аёллар нуқул йиғлайдирлар. Бироқ кўз ёшларини отамдин ниҳон тутадирлар.

– Отанғиз саройда атанғон беклардин ҳисобланғонларку, нечун саройни, салтанатни ташлаб кетмакка мажбур бўлмишлар?

– Бунинг не сир-синоати бўлғонлиғини Худо раҳмати падари бузрукворим ўзлари бирлан у дунёға олиб кетмишлар. Мен бу борада савол берғон вақтларимда ҳам арзирли жавоб ола билмағонман, Камолиддин. Йўқса орадин икки йил ўтмасидин Хуросон ҳукмдори Султон Абул Қосим Бобур ўзи мактуб битиб, отамизни Ҳиротга қайтариб олиб келғонди. Отамиз қайси ҳукмдор била чиқиша олмай қолғонларини мен билмасмен.

– Мавлоно неча ёшларда эрканлар ўша йиллар?

– Етмишдин ўтиб қолғондилар раҳматли. Жуда камтарин, одамохун киши эрдилар. Юксак маданиятли қалб соҳиби бўлғонликлари, чуқур билимлари боис "Зафарнома"дек қадри баланд асар битмишлар.

– Албатта, уларға Оллоҳи карим назар қилғон кишилар деб қарамоғимиз жоиз. Мен шундай деб ҳисоблайдирман устоз.

– Тўғри фикр қилғайсиз Камолиддин.

– Устоз, мен сиздин улуғ зот тўғриларинда сўрамагим бежизга эрмас. Кеча тунда тушимга бир нуроний чол кирмишлар. Ижодкор эрмишлар. Бир айвонли бинода базм бўлаётган экан. Кўпчилик хокисор зотлар йиғилғон эрмишлар. Мавлоно шайхи жаҳон Жомий ҳазратларининг ёрқин сиймолари ҳозир ҳам кўз олдимда турибдир. Сизнинг ёшлигингиз бўлиб, нуроний бир чол сизни алқаб турибдирлар. Ўйлаб ўйимга ета билмасман. Ул олийшон зотнинг "Султон Соҳибқирон" деган сўзларини ўз қулоғим билан эшитдим. Уйғониб кетдим. Буни мен бирор ҳафталар олдин қўлимга олган "Зафарнома"нинг таъсирига йўйдим. Сизни алқаган киши Шарофиддин Али Яздий тушимга кириб мени огоҳ этдилар деб қарор қилдим. Энди "Зафарнома"нинг ҳам руҳиятиға мос ул-бул тасвир этмасам ором топа билмағаймен.

– Киши ўнгида кўрган неки хилқат борки, агар ўшул нарсага боғланиб қолса тушида кўрмоғи муқаррар. Яратғон сизнинг қалбингизға "Зафарнома" асариға ҳам қўл урмагингизни солибдир. Муборак бўлсин.

Бундан бир неча йиллар олдин Шерали хаттот Султон Ҳусайн Мирзо кутубхонаси хазинаси учун "Зафарнома"дан нусха кўчирганди. Нусха настаълиқ ёзувида битилган. Бу китобнинг аввалги нусхалари билан ҳам мусаввир яхши таниш. Беҳзод шу китобни мутола қилиб юрганди. Ишга киришган мусаввир бу асар таъсиридан ҳам, унга кўплаб суратлар ишлаб қўйди. Ишлаган тасвирларининг деярли барчаси табиат манзараларига уйқаш қилиб чизилган. Беҳзоднинг суратгарлиги ўзидан аввлги устоз мусаввирларнинг ишидан замин сатҳи, табиат манзараларини жозибали ярата олганлиги билан фарқ қилиб, жуда юқори савияда туради. Беҳзоднинг бу чизган суратларини Алишер Навоий билан Ҳусайн Бойқаро жуда катта баҳоладилар. Ахир шоҳ ва шоир иккаласи ҳам юксак дидли ижодкор бўлганлиги сабаб ҳам Бехзоднингни иши

устида қизғин мунозара олиб бордилар. Шоҳ салмоқ билан сўзга тушди:

– Дўстим, мен неча кунлардан буён Беҳзоднинг "Зафарнома"ға ишлаған суратлари таъсиридин асло чиқа билмасмен. Бир фикр айтсам қарши бўлмассиз. У бу китобни чизган суратлари воситасинда қайтадин битибдир.

– Мен ҳам анинг бу асарни ниҳоятда безакли тасвирлаганига амин бўлдим, шоҳ ҳазрати олийлари. Самарқандни жонли тарзда қоғозда акс этибди-қўйибди. Ҳазрати Соҳибқироннинг боғда ўтказаётғон қабул маросимлари, машваратлариға жон бағишлаб юборибдир.

– Қаранг, ўнг томонда бобомизнинг яқин кишилари, сўл томонда эрса, турли мамлакатлардин келғон элчилар, сарой мансабдорлари. Иккитаси ҳар хил кийимда курсида ўлтирган ҳолда. Демак, улар икки мамлакатдан келган элчиларнинг саркорлари. Беш киши эрса Соҳибқироннинг рўпараларинда тавозе билан қўл қовуштириб турибдирлар.

– Элчилар орасинда қора танлилар ҳам бор. Алар Ҳинддин келғон бўлсалар не ажаб. Бу ишни мўъжиза деб аташ мумкин ўзга нарса эрмас, шоҳим.

Шоҳ билан Навоий лол қолганларича яна суратларни томоша қилиб, фикр алмашишга шўнғиб кетдилар.

– Қаранг шоҳим, Урганч қалъасининг забт этилиши. Мана бу баланд сервиқор қалъанинг чиқиш жойида баланд чинор қад ростлағон эркан. Унинг шохларига ток чирмашиб кетган. Ажабо, ажиблик, бунчалик манзараларни Беҳзод қандай тасаввурига жо эта олди экан.

– Қалъа ҳимоячилари душман устиға харсанглар отиб юборишмоқда.

Ҳатто хотин-халаж ҳам ёвларга қарши курашга отланибдир. Темур аскарлари қалъа дарвозасининг осма кўпригини тушириб олишга муваффақ бўлибдирлар. Илғор қисмлар қалъага кириб

боришмакда. Отдин йиқилғон сипоҳлари ҳам мавжуд. Хуллас, жонли манзаралар. Бу ноёб суратлар замонамизнинг жонли тимсоли десак, асло хато қилмасмиз Алишер.

Шоҳ билан Алишернинг баҳслари асло тугамасди. Вақт пешинга яқинлашиб қолган, шоҳ ҳузурига кирмоқни истаган бошқа кўплаб аъёнлар ҳукмфармо билан Навоийнинг шунчалик жиддий баҳси бор эканми, деб ҳайрон қолиб ўлтиришардилар.

Ростдан ҳам бу альбом ўзига хос бошқача тарзда яратилганди. Беҳзод Бибихоним мадрасасининг қурилиш даврини яъни ўзи туғилмасдин аввалги бир неча ўнлаб йиллар бағрига сингиб кета олганди. Манзара қуйидагича акс эттирилган: Бошларига қийиқча, белига белбоғ боғлаб олган усталар ўз ишлари билан банд, тинимсиз у ёқ-бу ёққа ҳаракатланиб турибдилар. Бинонинг асосий қисми нафис гуллар билан нақшланган айвоннинг ишлари гўё тугатилган. Пастда эса ишчиларнинг бир қисми девор юзасига ишлов бериш учун қурилган ҳавозаларда оғир мармарларни олиб чиқиш билан банд. Бошқа бир нечтаси эса шу таъмир учун ғишт терувчиларга керак бўладиган лой тайёрламоқда. Энг тепада эса, қўлида бинонинг тарҳини ушлаб турган меъморнинг тарҳ устида бош қотириб тургани яққол кўринади.

Иккинчи суратда эса, бинони пардозлаш жараёни акс этган. Дурадгор тахта қирқиб, текисламоқда, рандаламоқда. Сангтарошлар эса мармарларни ўйиб нақш солиш билан куйманадилар. Бошқа уч-тўрттаси мармар кошинларга нозик, нафис гуллар тушириш билан шуғулланмоқдалар. Назоратчи бир хизматкорни калтаклаб турибди. Олдинда мармар кошинлар ортилган арава келмоқда. Тасвирда қурилиш аёшёлари ортилган яна бошқа аравалар ҳамда хизматчи ҳиндларга оид кишиларни яққол кўриб ҳис этиш мумкин. Бу билан мусаввир Соҳибқирон Амир Темурнинг Самарқандга турли ўлкалардан ҳунарманд, хизматкорларни олиб келганлигига ишора қилган. Беҳзоднинг

бундай маҳорат билан расм ишлашига сабаб Ҳиротда айни йиллар давомида қурилаётган, битказилган иморатларни ўз кўзи билан кўриб улардаги жараёнларни ўрганганлиги десак тўғрироқ бўлади.

Яна бир сурат мажмуаси Соҳибқироннинг Олтин Ўрда хони Тўхтамиш устидан қозонилган ғалабаси тасвири. Темурнинг илғор қўшинлари Тўхтамишнинг қолган оз қисмли сипоҳларини тор-мор қилмоқда. Темур аскарларининг қуроллари, кийимлари ва шахслар ҳаракатини Беҳзод жонлантириб юборган. Бу эса Амир Темур сипоҳларининг шиддаткорлигини аниқ кўрсатиб турибди. Аскарлар тоғнинг юксак чўққисидан тўрт-беш сипоҳни чилвир ёрдамида пастга туширмоқдалар... Бу шакллардан Беҳзоднинг ниҳоятда юксак дид эгаси бўлганлигининг исботини кўриш мумкин.

***

Ҳусайн Бойқаро салтанатининг ривожи кун-кундан ошиб борарди. Кўплаб ободончиликлар қилиниб, халқнинг яшаши яхши томонга ўзгариб кетди. Хусусан, маънавий-маърифий ишларга катта эътибор берилди. Айниқса, Алишер Навоий Хуросон салтанатининг бош вазири лавозимига тайин этилганидан сўнг мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳаётида туб бурилишлар амалга ошиб борди. Навоий Ҳусайн Бойқарога Беҳзодни сарой кутубхонасига раҳбар қилиб тайинлашни маслаҳат беради.

– Шоҳим, фақирни кўп вақтлардин бери бир мулоҳаза чуқур ўйга солиб келмакда ва бу фикримни сизға бир таклиф сифатинда айтмакни жоиз деб биладирман, – деди Навоий.

Алишер Навоий бош вазирликка тайинланганидан кейин айниқса, барча масалаларда шоҳ билан кенгаш қилиб олади, бирор таклифи Султон Ҳусайн томонидан рад этилмасди.

– Таклифингиз қутлуғ бўлсин, бахайр, – деди султон хайрихоҳлик билан.

– Салтанат кутубхонасини кенгроқ қилиб бойитсак. Ноёб асарларни жамлаб унинг нуфузини оширсак. Маблағнинг жойизлиғи мени ўйлантириб қўяётгони йўқ. Алалхусус бул ишни амалға қўймоқни истасак Камолиддинни ушбу даргоҳга мутасадди қилиб тайинласак, муборак қарорингизни эшитмакни истар эрдим.

– Менга маъқул фикр дўстим. Аммо мени бир масала ўйлантириб қўйди. Мусаввирнинг зиммасидаги масъулиятни оширсак унинг ижодиға салбий таъсир этмасму?

– Асло, ундай бўлмас. Мен анинг бирла суҳбат қилиб олганмен. Сизнинг рухсатингиз бўлса ул ишламак фикринда.

– Унда фармон тайёрлатингиз бул савобли ва хайрлиғ ишларнинг аълоси бўлғай, дўстим.

Шундай қилиб, шоҳ билан вазир келишиб олганларидан кейин фармони олий тайёрланди ва аъёнлар олдида Беҳзоднинг Ҳирот кутубхонаси бошлиғи этиб тайинланганлиги эълон қилинди. Саройга чақирилган Камолиддин Беҳзод бу иш учун чорланганлигини олдиндан сезиб келди. Чунки Навоий уни бир неча ҳафта олдин бу борада огоҳлантириб қўйганди. Хонаи хосда йиғилган аъёнлар бугун нимадир бирор янгилик бўлиши кераклигини тахмин қилиб турардилар. Шоҳнинг тоби бўлмаганлиги боис мажлисни Навоийнинг ўзи олиб боришига тўғри келди. Шоҳ эса тахтда ўлтириб вазиятни кузатиб турди Алишер сўз олиб нутқ ирод қилди:

– Аҳли уламои гиром, маълумингизким Хуросон мамлакат салтанати сўнгги йилларда ривожланиш палласига етиб олди. Раиятнинг кўнглидин жой олишдек муборак тадбирларни уддалаған шоҳимиз, сиз аъёнларнинг кучига доим суянадирлар. Зиёли кишиларни ул табаррук зот қадрлашларини бу ерда турғонлар барчаси саҳиҳ биладир. Бул қадру-қиммат ортинда

сизнинг эзгу ишларингиз раиятнинг бошиға бахт нурларини сочиб турғон эрса не ажаб. Шоҳимиз бугун яна бир мақбул фармонни имзоладилар. Рухсатингиз билан мен бу фармоннинг матнини сизларға маълум қилмакни жоиз деб билдим:

"Ҳирот кутубхонасининг раҳбарлиғи (мансаби) борасинда моҳир мусаввир Камолиддин Беҳзод номига берилган нишон. Маълум бўлсинким, ижод ва холиқият дарсхонаси мусаввирининг иродаси, еру осмон нигорхонаси муҳаррирининг қудрати билан, қалбимизға етишиб маромига етган қароримиз, бул даргоҳнинг кейинги ривожи ва мавқеининг ортиши борасинда кўп ва хўб кенгашиб фикрға келдик..... ҳукм қилурмизки, мусавирлар пешвоси, маҳоратли касб соҳиби... муҳтарам Камолиддин Беҳзодга Ҳумоюн (яъни подшоҳ) китобхонаси аҳлига: котиб, наққош, музаҳҳиб, жилвакаш, халкор ва заркўбларга, шунингдек, мазкур ишларга мансуб бўлган Аллоҳ паноҳидаги бутун мамлакат жамоатига рутбаи раҳбариятлиғ мақоми топширилсин.

Муҳр. Сана. Султон Ҳусайн Мирзо.

– Дўстимиз, моҳир санъаткор Камолиддин айни ҳол зиммаларидаги вазифанинг нуфузи ва талаби ортганлиғини яхши фаҳмлайдилар. Ўйлаймизки, бул ўлтирган азизларнинг ишончларини оқлашға саботлари етадир, – деди Навоий.

– Биз Беҳзоднинг меҳнатини қадрлайдирмиз рост. – деди шоҳ. – Инчунун, шу ўринда унинг чапдастлиғи, меҳнатсеварлиғи менинг учун жуда қадрлидир. Мен кутубхонанинг энди бундин кўра ўн баробар ривож топишини истайдирман ва шунға инонадирман.

– Азизлар, айни дамда сизларнинг олдинғизда жуда хижолатда қолдимки, Мир Алишер, эъзозли ҳукмдоримиз ва бошқа аъёнларнинг менга шунчалик эътиқодлари бор эркан. Азиз устозларимизнинг менга билдирғон ишончлари икки елкамдин пару бол чиқариб учмагимга кафил десам рост

сўзлаған бўладирман. Мен Хуросон юрти учун жон тикмакликка камарбастадирман. Илкимдаги қуролим–мўйқалам бир дақиқа ҳам асло толиқмағай, ташаккур барчангизга эъзозли ва қадрли зотлар, – тўлқинланиб сўзлади Беҳзод!!!

Мажлис ниҳоя топгач эса барча йиғилганлар ташқарига чиқдилар. Улар сарой ҳовлисига чиқиб ҳайратдан ёқа ушлаб қолдилар. Ҳовлида Беҳзоднинг тенгқурлари, мактабдошлари унинг чизган катта-кичик сувратларини намойиш қилиш учун тайёрлаб қўйган эдилар. Мусаввирлик санъатининг маъносини тушунган ҳам, тушунмаган ҳам ҳар бир чизилган нақш ёнидан нари кета олмас эди. Бу намойиш барча учун жуда қизиқарли туюларди. Намойишга қўйилган Саъдийнинг "Бўстон"ига ишланган суратларни бу ердаги кўплаб кишилар томоша қилгандилар. Низомий ҳазратнинг "Панж ганж" ига ишланган суратлар Беҳзоднинг мусаввирлик хазинасига қўшилганлиги томошабинларнинг яна ҳам кўпроқ қизиқишини орттириб юборди. Турли томондан айтилаётган саволларга Беҳзод бамайлихотир жавоб қайтариб ҳовлини айланиб юрарди:

– Бу чизмангиздаги рангларни қандоқ танлай олгансиз?

– Хаёлға шу манзарани акс этдириш фикри жиддий бўлса, рангларни қандай танлаш муаммоси бўлмас.

– Нечун тонг манзарасини чизибсизу унда атиргулнинг тўлиқ очилмишини тасвирламабсиз?

– Илк баҳор тонгларини бир эслангиз, атиргуллар ҳали муғжаси етилиб-етилмай турган тонгларни...

Икки-уч киши давра қуриб ўзларича суратларни муҳокама ҳам қилиб қолардилар:

– Дарёнинг икки қирғоғинда майсалар мавжуд, дарё ўртасиндаги кема, эшкакчининг қиёфаси, ажиб жойлашибдир. Кўкдаги оппоқ булутлар тезда дарё устинда жала қуйиб юборса керак...

Ажиб..ажойиб офарин.

Алишер Навоийнинг доим бирор эзгу ният билан айтган сўзи ҳикматли бўлиб чиқади. У Беҳзодни огоҳлантирганда “ўша куни сарой ҳовлисида бир кўргазма ҳам ташкил қилингизлар, тенгдошларингизга тайинланг” деб бежизга айтмаган экан. Бу тадбир кичикроқ бир байрамга айланиб кетди. Беҳзоднинг ўзи ҳам бундай хурсанд бўлишини кутмаганди. Бир вақт қараса Навоийнинг ўзи ҳам шоҳ билан бирга кўргазмани айланиб чиқишаётган экан. Бугунги кун ҳамманинг кайфиятини кўтариб куннинг мазмунли ўтишига сабаб бўлди...

Бу ишлар Навоийнинг Беҳзодга ихлос қўйганлигидан эди. Йўқса бирор ҳунарманд ё санъаткор сарой ҳовлисида кўргазма ташкил қила олармиди? Сарой қўриқчиларининг саркори бунга тиш-тирноғи билан қарши бўларди. Мир Алишер Навоий хайрихоҳ бўлганларидан кейин бу ишга қаршилик кўрсатишга кимнинг ҳадди сиғсин? Беҳзоднинг зиммасида энди жуда катта масъулият бор эди. Устози Мирак Наққош билан учрашишга, туғилган бўлмаса ҳам ўзи улғайган муқаддас ҳовлига ҳам вақту-бевақт бора олмасди. Хуллас, унинг ҳаётида туб бурилиш содир бўлганди. Бутун Хуросон унинг ким бўлиб етишганлигини билиб олган, таниш-нотаниш кишилар Ҳирот кутубхонасидан аримасдилар.

Бугун қуёшли фараҳбахш куннинг зийнати ўзгача. Тонг саҳарлаб бошланадиган шовқин-сурон ҳар доимгидек авжига чиққан. Кўчалардан у ёқ-бу ёққа қатновчи кишиларнинг сафи бугун кўпайгандек. Кимдир уловда, кимдир отига извош тақиб олган, юк билан тўла аравалар бозорга етиб олишга ҳаракат қилиб силжийдилар. Шаҳарда қурилаётган иморатлар томон шошилиб кетаётган ҳунармандлар, бир-бирларига навбат беришни истамай сўзлашадилар.

Беҳзод раҳбарлик қиладиган кутубхонанинг нуфузи кенгайиб кетган. Кутубхонада кўплаб ҳунармандлар учун, яъни жами санъат, адабиётга, китобдорлик ишларига алоқадорлар

учун устахоналар ташкил қилиб қўйилган. Ҳар тонг Беҳзод эринмасдан уларнинг ҳар бирини хонасига кириб чиқади. Ҳунармандларнинг, талабаларнинг илтимосларини, айтган таклифларини эшитиб чиқади. Керакли топшириқлар ҳам беради. Йироқ ҳудудлардан келган арзгўйлар ҳам учраб туради. Улар ўз яшайдиган шаҳар, қишлоқларида шундай майдароқ маскан ташкил қилиш таклифи билан ҳам келадилар. Уларга ваъда беришдан аввал ҳазрати Мир Алишер билан маслаҳатлашмоқ, бу таклифни шоҳга етказмоқ, хазинадан маблағ ажратишни ҳал қилмоқ керак. Шунинг учун бу ернинг ташвишини ўзи ҳам етарли. Ҳар куни ҳал қилинишга муҳтож ишлар анча сероб. Қоғоз, бўёқ, ҳунармандларнинг маошини ошириш, китоб тайёрловчиларнинг дардини эшитиш. Жаҳон дурдоналари ҳисобланган ноёб асарларни қайтадан тиклаш. Китоб ҳолига келтириб қайта кўчиртириш, эҳҳе санаб ўлтирса адоғи бўлмас бу ишларнинг. Келувчиларнинг дардини эшитишга вақти етмай қолган кунлари кўп ташриф буюрувчилар шу ерда ётиб қоладилар. Бунга ҳам шароит, ётоқ ташкил қилиб қўйилган. Эрталаб Беҳзодни йўқлаб бир йигит келибди. Ичкарига кириб салом берган бу йигитни у танимади:

– Ассалому-алайкум устоди нақшнигнор – деди йигит.

– Во-алайкум ассалом, келинг. Марҳамат деди у ўриндиқни кўрсатиб.

– Мени танимайроқ турибсиз, чоғи.

– Топдингиз. Аммо сизни қаердадир кўрганман шекилли, – деди Беҳзод сал хижолатлангандек.

– Мен, қишлоқдан келдим. Исмим Музаффар. Сизга жиян бўладирман. Нажмиддин бобом раҳматли отангизга хеш бўлганлар.

Беҳзод ўрнидан туриб келиб йигитни қучиб олди, елкаларидан ушлаб кўксига босди. Бир зум гапира олмай қолди. Сўнг тилга кирди:

– Ахир нега шуни вақтлироқ сўзламадингиз?

– Тўсатдин ёнингизга келдим. Бирдан не демакликни ҳам била олмадим. Ахир, кўришмаганмиз. Хижолат бўлиб қолдим.

– Асло хижолати йўқ иним. Бемалол гапираверишингиз лозим эди. Танимағоним учун мени авф этинг сиздин узр сўрайдирман. Хўш қишлоқда нима гаплар? Кўряпсизми ташвишлар билан бора олмаганимга ҳам неча йиллар бўлиб кетди.

– Биз бошқа ёққа кўчиб кетганмиз. Уч-тўрт қишлоқ нари. Сизни суриштириб юргандим. Кейинги икки йилда келишни кўп режа қилдиму, ботина олмадим. Ахир юксак обрўли, вазифадор кишининг олдига нима деб борурман деб такрор-такрор хаёлимдан ўтди.

Йигит соддалик билан яна нималардир деб сўзларди. Беҳзод эса бир зумда хаёлларга ғарқ бўлди.

– Чакки қилгансиз. Келаверишингиз жоиз эди. Аммо ҳечдан кўра кеч деб келғонингиздан хурсанд бўлдим. Хўш, уйдагилар, барчалари волидангиз, падари бузрукворингиз саломатмулар?

– Ҳа, яхши шукур. Беҳзод оға улар бу оламни тарк этиб кетишганига тўрт-беш йил бўлди. Бир йил оралиғида иккилари ҳам бандалик қилдилар. Тақдир экан.

– Оллоҳ раҳматига олган бўлсин, иним. Айтишадику ота-она мўрт келади деб.

Беҳзод юзига фотиҳа тортиб, марҳумларнинг руҳлари шод бўлсин деб қўйди.

– Мен сизни топганимдин жуда шодман Беҳзод оға. Йигит сал дадилланиб олди ва гапини давом эттирди. – Ахир, сиз менга тоғойи ҳисобланадирсиз. Онам раҳматли сиз тўғрингизда кўп гапирар эрдилар. У киши сизға яқин хеш бўлган эканлар.

– Ҳа, албатта, мен сўнгги борганимда ойингиз дадил эрдилар. Отангиз билан ҳам суҳбат қилган эрдим. Унда ёш эрдим. Айтдимку неча йиллар бўлиб кетди деб. Мен ҳам сизни

топганимдин хурсандман. Менинг ҳам сиздек жияним бўлиши қалбимни шодлантиради Музаффар. Бугун кўп савобли иш қилдингиз. Келганингиз мени сарафроз қилди. Қадамингизга ҳасанотлар бўлсин.

– Бу ерда истиқомат қилганингизга кўп бўлдими Беҳзод оға?

– Ҳа, икки-уч йил бўлди. Шу ердан уй-жой қилганмен. Ҳунарим деб мана шундай яшаб юрибман. Худога шукур қиладирман иним. Яна такрор айтсам айбға буюрманг бугун жуда шодумон бўлдим. Бу лаҳзаларни нима деб таърифлашни ҳам билмай қолдим.

– Мен сиздан бир ўтинч сўрасам қарши бўлмассиз?

– Айтаверинг фикрингизни, бемалол.

– Мен, энди сизни тоғойи десам бўлаверар, рухсат қиларсиз деган фикрдамен.

– Албата, бемалол, ахир бунга маънавий ҳаққингиз бор. Оббо Музаффар. Зап савобли иш қилдингиз. Сизлар тўғрингизда кўп ўйлаб юрардим. Аммо бормаганимга анча йиллар ўтиб кетгани учун хижолат бўлиб ҳеч кимдан суриштира олмасдим. Синглингизми, опангизми у тинчми?

– Мендин уч ёш катта опам. Шукр, яхши иккита фарзанди бор. Турмуш ўртоғи ҳам ўзимиздек меҳнаткаш йигит, ҳаёти яхши.

– Яратган омадларини берсин, қўша қарисин. Нима ҳунар тутдингиз ўзингиз?

– Мадраса кўрмадим, шарт-шароит ўқишимни тақозо қила билмади. Тирикчилик, деҳқончилик, баъзида савдо-сотиқ, кун ўтиб турибди.

– Тузук, тузук, дуруст. Сиҳат бўлсангиз шунинг ўзи кифоя. Ҳали ҳаётингиз олдинда иним.

Уларнинг суҳбати асло тугай демасди. Икки қондош асло бу кунни унута олмайдиган даражада шод эдилар. Шундай қилиб Камолиддин Беҳзод жиянлик, меҳмон йигит Музаффар эса

тоғалик бўлиб олишди. Меҳмоннинг бугун қайтиб кетишига Камолиддин рухсат бермади.

– Эртага кетаверасиз, шошиб қаёққа борасиз, – деди Беҳзод жиянига. Улар туни билан суҳбатлашсалар ҳам суҳбатлари ниҳоясига ета олмасди.

Кунлар шундай ўтиб бораверарди. Ҳаёт давом этишдан тўхтамасди. Энди Камолиддин чизган суратларининг довруғи Хуросонда эмас Турон, Ҳиндистон, Эрон каби мамлакатларга ҳам ёйила бошлади. Мутахассислар Беҳзоднинг ижодини яна бир машҳур мусаввир Шоҳ Музаффар билан солиштиришади. Маълумки, Шоҳ Музаффар ижодиёт билан боғлиқ оилада ўниб-ўсган. Унинг отаси ҳам машҳур рассом бўлган. Шоҳ Музаффарни жуда нозикдаст мусаввир деб ҳисоблайдилар. Аммо Беҳзод ундан маҳоратлироқ, табиат манзараларини чизиб тарҳ этишда Беҳзодга етадиган мусаввир мавжуд эмас деб эътирофлайдилар. Устоз Низомийнинг ижодига қўл урган Камолиддин Беҳзод "Хамса"даги манзараларни маҳорат билан тасвирлаган. Асарнинг бу нусхаси кўчирилган вақтда ҳали Беҳзод оламга келмаган ҳам эди.

– Бу асарни ажиб нафислиғ билан бажарибсиз, Камолиддин, – деди Мирак Наққош навбатдаги учрашувлардан бирида. – Тўрттала суврат ҳам мусаввир бўлсам-да мени мафтун қилди. Сиз сураткашликнинг шунчалик нозик қирраларини топа олиб ижод қиладурсиз.

– Доимо азиз устозларимизнинг тажрибаларига суяниб иш юритаман.

– Аммо ўзингизга Яратғон томонидан насиб қилғон бир истеъдод мавжудки, бу ҳар доим биз мутахассисларни лол этади.

– Лайли ва Мажнунинг руҳиятини тирик тасвирга олиб чиқмишсиз. Мана, ўзингиз ўйлаган фалсафангизни қаранг. Тасвирнинг олдинги қисмида гиламда мударрис ва талабалар,

ёзув ашёлари, қалам, сиёҳдон ҳамда хизматкор, у ҳабаш миллатига мансуб. Бунда Лайли ва Мажнуннинг зодагонлар тоифасидан эканлиги кўринади. Аммо мен бу ерда ишқнинг шоҳу гадога баробарлигини тасвир этганлигингизни ҳис қилдим.

– Ҳа, устоз тўғри топдингиз мен бу суратда айнан шу ҳолатга урғу беришга жуда кўп ҳаракат қилган эдим. Мажнуннинг Лайлига шеър ўқиб турганлигини ўйлаб, ўша кўринишни муҳрлашга ҳам аҳамият берувдим.

Беҳзод Низомий Ганжавийнинг "Хисрав ва Ширин" достонига ишлаган суратларида ҳам достондаги шеъриятнинг нозик ўхшатишларига қўшимча тасаввурларни чизиб ўз маҳоратини акс эттирган. Бир томондан қараганда Ўрта Осиё тасвирий санъати кўпроқ китоб билан боғлиқ бўлганлиги сабаб, унинг анъанавий ўзига хос бадиий воситалари, ранглар уйғунлигини, бадиий тимсол, мавзу ва мазмунни акс эттирувчи услублар мавжуд. Мусаввир Ширинниг гўзаллигини яна ҳам бўрттирмоқ мақсадида Хисравни ҳайрат бармоғини тишлаб турган ҳолда тасвирлаган. Аслида бу хусусият шоирнинг сатрларида мавжуд эмас.

Алишер Навоий ва мусаввирлар

Алишер Навоий ўзи ижодкор бўлганлиги учун эмас, балким илм-фанни севганлиги сабаб китобат аҳли мутахассислари билан яқин алоқада бўлиб шу соҳа вакилларига кенг имкониятлар яратиб беришни хоҳларди. Уларга алоҳида меҳрибонлик ҳам кўрсатарди. Мирак Наққош, Султон Али Машҳадий, Камолиддин Беҳзод, Султон Муҳаммад, устози Лутфий, Абдураҳмон Жомий, Хожа Аҳрор Валий, шоир Абдулла Марварид Кирмоний, Шайхим Суҳайлий, Дарвеш Муҳаммад, Ҳожи Муҳаммад Наққош, Абдулмажид ва бошқа

ўнлаб ижодкорлар шулар жумласидан десак хато эмас. Бу кишиларнинг ҳар биттаси Навоийнинг қошида ўз ўрни бўлиши билан бирга улар ҳам ҳазратни жуда эъзозда тутадилар.

Мусаввирлар ҳар биттаси шоирнинг асарлари, ҳатто танҳогина бир рубоийси, ғазали асосида ҳам нақшинкор тасвирлар яратишга ҳаракат қиладилар. Шулар таъсириданми Алишернинг ўзи ҳам мусаввирлик санъатига қизиққан вақтлари кўп бўлади. Айни кунларда ижод аҳли орасида тилдан-тилга кўчиб юрувчи бир ҳодиса мавжуд. Воқеа бундай кечган экан. Мир Алишер ўз ижодхонасида бир сурат чизиш учун бу машғулотга берилиб ўлтирарди. Эшикдан шоҳ кириб келди. Алишер эса буни сезмади ё сезса ҳам ўз машғулоти таъсиридан чиқиб кета олмай қолди. Шоҳ эса бу ҳолдан қаттиқ ранжиди ва сўз қотди:

– Мавлоно, Алишер сизнинг мусаввирлик ҳунарингиз борлиғидин бехабар эканмиз. Зероки, биздин кўра ҳам сизға сурат азизроқ кўринмиш.

– Сўзингиз рост. Аммо бу суратда кимни тасвирлаётғонимни билғонингизда мен учун нима азизроқ эрканлигини яна ҳам яхшироқ онглаган бўлур эрдингиз.

Ҳусайн Бойқаро бу сўздан кейин яқинроқ бориб қараса Навоий Ҳусайн Бойқаронинг суратини чизиб турган экан. Ҳусайн Бойқаро ўз суратини таниб хижолат бўлибди. Дўстининг унга бўлган садоқатини кўриб қувонибди. Бир оз ҳазил-ҳузул мулоқотдан кейин Алишер яна бир суратни чизишга киришибди. Ҳусайн Бойқаро энди диққат билан дўстининг ишини кузатиб ўлтираверибди. Мир эса бир занжирбанд шернинг суратини чизиб подшога узатибди.

– Шеърни нега занжирбанд қилдингиз, – сўрабди шоҳ Алишердан.

– Сизнинг қошингизда барча олимлару шоирлар, донолару яхшиларни мен шу занжирбанд шеър тимсолинда кўрадирман.

Аммо сиз уларни занжирбанд қилмасдин маҳв этиб қўйгансиз. Шер хоҳ занжирбанд бўлсин, хоҳ занжирбанд бўлмасин у ўзини мағлуб деб билмайдир, унинг мақсади доим енгиб чиқмоқлик. Бу ҳақиқатга жавоб топа олмай Ҳусайн Бойқаро лол бўлиб қолибди. Дўстига бирор жўяли сўз айта олмабди. Мусаввирликдек нафис санъатни Алишер Навоий жуда теран тушунарди. Шоир аҳлининг ижодига қандай холис баҳо берса, хаттотлик, мусаввирлик, мусиқашунослик борасида ҳам холисона, далил келтира оларди. Жумладан, бир манбада Мир Алишер бундай деб қисқагина қилиб ёзганди:

– "Мирзо Бойсунғур хаттот ва навдош, созанда ва гўяндадин мунча беназир кишиким, отаси Мирзо Шоҳрухнинг тарбиятидан орога кирди, маълум эмаским, ҳеч подшоҳ замонида бундай ҳол пайдо бўлмиш бўлғай".

Алишер Навоийнинг олиб борган холисона ҳаракатлари тўғрисида ўз замонасида ҳам кўплаб адабиётларда унинг қилган ишлари эътироф этилди. Ўз даврининг тарихнавис олими Хондамир "Амир Алишернинг ҳунар табақасига ғамхўрлиги жуда беқиёс ва туганмасдир. Тазҳиб ва тасвир илму ҳунарида бенуқсон ва чексиз бўлган қалам аҳллари, шунингдек, замон наққошлари ва давр муҳандисларининг кўпи ул ҳазратнинг тарбия ва таълим воситаси билан ҳунарларини ўргандилар ҳамда атрофда монанди йўқ яхшилар қаторида бўлдилар" деб ёзди. Навоий билан замондош бўлган адиб Хондамир "Равзатус-сафо" номли тарихий асарнинг муаллифи, Бухорода тавваллуд топган мавлоно Мирхонднинг набираси ҳисобланади. Ҳусайн Бойқаронинг Хуросон тахтига чиқишидан кейин Хондамир ва унинг бобоси Мирхонд Ҳиротга келгандилар.

– Мавлоно, деди бир куни Алишер Навоий Мирхондга. – Бир тарихий асар битилишиға эҳтиёж сезиладир. Сиз шу хайрли ишға қўл урсангиз қандоқ бўлар экан?

– Жуда яхши ўйлабсиз амирим, аммо асар ёзиш учун осойиш

бир гўша бўлса, токим фикри хаёлимиз бир жойда жам бўлиб бул шариф ишға киришсак.

– Муаммо бўлмас. Сизға алоҳида жой тайёрлатурмиз. "Халосия" хонақоҳидин каттагина хона ажратиладир. Кутубхона эрса сиз учун хоҳлаған вақтингизда очиқ бўладир.

– Ташаккур Амир Алишер, мен токи имконим бор эркан сизнинг амрингизни бажаришға камарбаста бўлғайман.

– Мавлоно, бизнинг бу тўғрисинда ул-бул талабларимиз ҳам мавжуд бўладир.

– Хўш. Биз риоя қиладирмиз. Талабингизни изҳор қилсангиз яхши бўлур эрди.

– Дастлабкиси, бошқа асарлардин воқеаларни айнан кўчириб олмаслик. Ижодий ёндошмоқлик. Асарни тушунарли ҳамда қийин бўлмаган сўзлар воситасида ёзиш.

Бу асар асосан Темурийлар ҳаёти тўғрисида бўлиб Улуғбек Мирзонинг салтанати воқеаларини ҳам қамраб олганди. Мажмуа форс тилида битилган "Равзатус-сафо" китоби эди.

Алишер Навоий ўзининг кўплаб вақтини ижод аҳлининг асарларини синчковлик билан кўриб таҳлил қилишга ҳам сарф этарди. Масалан, хаттот Султонали Машҳадий тўғрисида сўз юритиладиган бўлса Алишер Навоий Беҳзодга қандай меҳр кўрсатган бўлса унга ҳам шундай оқибат кўрсатиб доимо қўллаб-қувватлаб туради. Хаттот Султон Али Мирзо даврида бир воқеа содир бўлганди. Хаттот Жаъфар ибн Али Бойсунғур Мирзо учун ҳазрати Низомийнинг "Хамса" асарини кўчириб тугаллашни унга топширганди. Бироқ хаттотнинг умри қисқа эканми тез орада у вафот этиб, асар эса тугалланмай қолади.

– Хўш, – деди бир кун Султон Али Мирзо аъёнларни тўплаган вақтда. – Ким биз буюрғон ишни ниҳоясиға етказиши мумкин?

– Султон Али бул ишни эплай билур, шоҳим. Бошқа унингдек соҳиби маҳорат киши ҳозирча йўқ.

– Чорлангиз Султон Али Машҳадийни, – дейди шоҳ.

Шоҳ ҳузурига кирган Машҳадий топшириқни эшитади ва қўлини кўксига қўйиб розилик беради:

– Бош устига шоҳим, меҳр бирла сиз амр этган мажмуани, албатта, ниҳоясига еткизгайдирман.

Султон Али Машҳадий ишга киришиб кетади ва асарни Жаъфар ибн Али услубида эмас, ўз услубида кўчиради.

Ўша даврда машҳур ҳаттот Заҳириддин Азҳар ҳам қобилиятли хаттот ҳисобланиб Жаъфарнинг шогирди эрди. У Султон Али Машҳадийни ёнига чақириб олади бироз жаҳл қилиб савол беради:

– Асарни кўчирибсан, тузук. Бироқ нега устознинг услубини бузиб, ўз услубингда сабт қилдинг?

Султон Али Машҳадий андак каловланиб қолди, у шу топда нима деярини билолмасди.

– Менинг ўз худравлиғим, ўз равишим бор шу сабаб билғон услубимда кўчирдим.

Икки ўртадан тортишув чиқди ва Заҳириддин Азҳар Султон Али Машҳадийни икки кун ҳибсда сақлади. Аммо кимдир бу ишга аралашди ва Машҳадийни ҳибсдан озод қилдириб юборди. Орадан кўп вақт ўтмасдан эса, икки мусаввир ўртасида дўстлик ришталари боғланиб Заҳириддин Азҳар Султон Али Машҳадийнинг ўз услубини тўғри деб ҳисоблаб унинг ижодини тан олди. Ҳатто уни қўллаб-қувватлайдиган бўлди. Орадан вақт ўтиб салтанатни қўлга олган Ҳусайн Бойқарога Мир Алишер бир таклиф айтди:

– Шоҳим, хаттотлиғ соҳасинда Самарқандда бир мусаввир бор, исми Султон Али. Машҳадлиғ эшитғондирсиз! Ани Ҳиротға чорласак яхши бўлур эрди.

– Жуда маъқул, дуруст иш бўладир Алишер, чорланғиз ул мусаввирни етиб келсин.

Шундай қилиб, Навоийнинг аралашуви билан Султон Али Машҳадий ҳам Ҳиротга келади ва Султон Ҳусайннинг назарига

тушади.

У Абдураҳмон Жомий, Мавлоно Мир Алишер билан ҳамкорликда ишлай бошлайди, тез орада ўз ўрнига эга мусаввир эканлигини намоён қилади. Унинг ниҳоятда одобли эканлиги, ўз касбининг моҳири эканлиги жуда кўп гапириларди. Султон Ҳусайн Бойқаро ҳамда Навоий ва бошқа ижод аҳлининг асарларини моҳирона кўчирарди. Кунлардан бир куни у Султон Ҳусайннинг девонини тугатиб бўлди ва шоҳ уни ҳузурига чақирди:

– Хушнавис маҳоратингиз мени жуда ҳам шодлантирди, мавлоно Султон Али, – деди ҳукмдор.

– Ташаккур, шоҳим. Камина бул ҳунарға ёшлиғимдин меҳр берғонимни ўзингиз биладирсиз, эшитғонсиз. Илкимда қилқалам тутмағон куним мен учун жуда оғриқли кечадир.

– Жомийнинг "Туҳфатул-аҳрор"лари ҳам ажиб ҳуснкорлиғ касб этибдир. Устоз сиздин бисёр сарафроз бўлмишлар. Менға бу ҳақда Алишер батафсил сўзлаб берди.

– Шоҳим бизнинг бу касбимиз шундай сеҳргарки унинг оҳанрабоси бордур. Алишернинг ҳам гоҳ-гоҳ қўлларига патқалам тутиб туришлари бежиз эмас деб ҳисоблайдирман. Хаттотлик тўғрисинда бир рисола битмак ҳавасимиз ҳам йўқ эрмас. Яхши ният қилиб ул асарни бошлағонман. Керакли маълумотлар йиға олсам бир рисола яратарман деган хаёлдаман.

– Қутлуғ бўлсин. Яратғоннинг ўзи мададкор бўлсин.

– Ташаккур, шоҳим. Мен асаримни "Сиротул-хат" деб атадим. Мир Алишер билан ҳам бу ҳақда андак суҳбат қилғон эрдик. Асаримнинг дастлабки бобида хаттотлик санъатининг тарихи, хатларнинг турлари борасинда фикрларни битмакчиман. Бул санъатнинг ўзига яраша сеҳри бор дедим. Бу ҳақинда бир ривоят ҳам эшитгандурман.

– Қани, ривоятдин сўзланг, – деди Султон Ҳусайн.

– Аслида араб ёзувидаги куфий хатининг ихтирочиси ҳазрати

Алидурлар. Куфийдин олдин ҳам ёзув мавжуд бўлғон. Мисол тариқасинда айтсақ, сўғд ёзуви, сурёний, оромий, паҳлавий, урхун ёзувлари ва бошқалар. Қолганлари эрса насх, сулс, муҳаққақ, райҳон, тавқеъ, риқо. Буларни Ибн Муқла ва Ибн Баввоб ихтиро этишғон. Бундин қарийб саккиз-тўққиз юз йил бурун мазкур ёзувларни ихтиро этган киши Ибн Муқла бўлиб у ажамий хаттоти ҳисобланади.

– Давом қилаверинг, – деди шоҳ мусаввирнинг сал тўхтаб у ёқ-бу ёққа аланглаганини кўриб. Мусаввир сўзида давом этди:

– Ибн Муқла Аббосийлардан бўлган. Муқтадир ва Қоҳир ва ар-Розий замонинда сарвазирлик мансабида бўлғон. Туҳмат била анинг ўнг қўлини чопадирлар, зиндонга солиб азоблайдирлар. У вафот этади.

– Ноҳақлиғ, бедодлиғ ҳамма замонда ҳам мавжуд бўлғон эркан-да мусаввир?

– Шундоқ шоҳим. Кейин унинг ишини Ибн Баввоб Абулҳасан Аловуддин ибн Халил давом эттиради. Бироқ Ибн Муқла хатининг такомилига етказиб ниҳоялаган киши Ёқут Мустаъсимийдир. Ёқут Аббосий халифа Мустаъсимийнинг Ҳабашистондан сотиб олиб келган қули бўлган.

– Истеъдод шоҳу-гадони танламас эрканда, мавлоно.

– Бале, шоҳим. Шундай қилиб, бир куни Ёқут Қуръони каримни кўчириш билан банд бўлганда Мустаъсим уни чақиради. Ёқут хожасининг чақирганини эшитмайди. Бошқа хонада бўлган Ёқут ўз ишига берилиб кетганидан хожасининг овозини эшитмай қолган бўлади-да. Уч-тўрт дафъа чақиргандан сўнг шогирд овозни эшитади ва ташқарига йўналади. Бироқ шу маҳал хонага кирган жаҳлдор ҳукмфармо Мустаъсим Ёқутнинг бошига сиёҳдон билан уриб юборади. Мусаввирнинг боши ёрилиб қон оқа бошлайди. Ёқут эса қаламни ўз қонига олуда қилиб ишини давом эттиради. Шунда ҳукмдор ўзининг бу ишни хато қилганлигини сезади ва афсус чекади. Шу воқеа сабаб, ҳукмдор асло Ёқутнинг ишига аралашмайдиган, унга танбеҳ бермайдиғон бўлғон эркан, шоҳим.

Шоҳ Султон Алининг сўзларини диққат билан тинглаб ўлтирди. Бу ноёб санъатнинг қанчалик сир-асрорлари мавжудлигини ўз кўнглидан ўтказди. Хаттотлар яна ҳам қадрланиши кераклигига амин бўлди.

– Чиройли хат кўзни равшан қилади, – деди Султон Али шоҳга. – Бу касбда нуқул машқ қилмак билан муваффақият топилади, шоҳим.

Уларнинг суҳбати ниҳоясига етди. Шоҳдан рухсат олган Султон Али ишхонасига равона бўлди. У бугун ҳам янги ишга қўл уришни режа қилиб қўйганди. Шоҳ билан суҳбатининг натижаси ўлароқ у ўзи кўп йиллар аввал ўқиш вақтида сабоқларини ёзиб олган дафтарини топиб олди ва унга кўз югуртира бошлади. Сарғайиб кетган саҳифалар орасидан унга дафтарда битилган чиройли ёзувлар намоён бўла бошладилар:

Айни замонда сиёҳ тўрт усул бирла тайёрланур: бир миқдор дуда (қозон қуруми), бир миқдор зок (бўёқ-маъдан), мозу (ранг берувчи ёнғоқ), самғ (дарахт елими) қўшилади ва узоқ муддат аралашитириладир. Ёки сиёҳнинг бошқа бир тайёрлаш усули мавжуд. Бу бир дирам чироқ дудаси, тўрт дирам самғ (арабий олча елими), ярим дирам оқ зож аралаштирилиб тайёрланадир.

У ўзи сиёҳ тайёрлашнинг қуйидаги усулини қўллайди. Бир сир дуда, тўрт сир самғ, бир сир зож, икки сир мозу олган. Самғни тоза сувга солиб икки-уч кун қориштириб қайнатгандан сўнг мозу сувини ҳам обдан қайнатиб унга юмшоқ заммани қўшган. Шу ўринда шуни тушуниш керакки, замма оқ тусдаги маъдан бўлиб, у сувга солинганда қора ранг ҳосил қилади.

Дафтардаги ёзилган сабоқнинг давоми эса қуйидагича экан:

Хаттотлик санъатинда ҳарфлар таркибига оид саккиз қоида, истилоҳ мавжуд: усул, таркиб, курси, нисбат, сууд, нузул, шамра, ирсол. Устозлар хатларининг энг чиройли, бежиримларини

танлаб ўрганиш жоиз бўладир. Кундуз кунлари майда ҳарфларда, тунда эрса йирик ҳарфлар билан кўчириладирган ишни бажармоқ жоиз. Хат кўчириш вақтида хатога йўл қўймак жуда хунук одатлардан саналадир. Хаттот дафтарнинг шу еригача ўқиб чиқди. Сўнг жилмайганча дафтарини ёпиб, китоб жавонига олиб бориб қўйди. Кейин ўзининг чиройли хати билан Султон Ҳусайннинг ўғли Баддиуззамон Мирзога мактуб ёза бошлади:

"Ҳудовандо, пушида қолмасинким, фуқародан Саййид Нажмиддин Удий, Шоҳ Дарвеш Ноий, Шаҳоб Дамкаш, ҳофиз Собир қозоқ, махдумзода устод мавлоно Ҳожиб мусанниф, жаноб Хожа Шодишоҳ охун, Мавлоно Яқиний ва бошқалар ила бирга бирордарлик йўлини тутган Мавлоно Ғиёсиддин музаҳҳиб, Хожа Абдулло қотеъ (қоғоз кесувчи), Моҳпора Мужаллид, Саййиб бобо афшонгар (китоб муқовасини бўёвчи заргар), Шукри Чорторий, бизга мақбуллардан Исорбек Ноий, вазирлардан Хожа Уйғур, амирзодалардан Қосимбек барлос, Тўфонбек Баҳодирхон, Султонхон Жалойир, маҳбубалардан Ҳурнажод, Шоҳхонум, Меҳри Талъат, Шоҳнавоз Хотун, Нағма Сароий тўкин дастурхон атрофиндалар ва муборак қадамингизга интизорлиғдалар. Лутф этиб биз томон келсангиз. Ушбуни битаётган вақтимда саййидлар пешвосининг амирлари Шайхим Суҳайлий, амир Малик Жувайлий ва Хуршидхоним ташриф қилдилар. Кўрдингизки, малак ҳам фалакдин туриб анжуманимизга рашк қиладир. Каминангиз Султон Али".

Имзо. Сана.

Ҳусайн Бойқаро ҳам, Алишер Навоий ҳам Султон Али Машҳадийнинг ҳаётидан жуда яхши хабардорлар. Навоий эса ҳеч қачон унинг бажарган ишини ҳайратланарсиз кузата олмасди. Умуман олганда саройдаги ижодкор аҳлига бўлган муносабат, ғамхўрлик Мирзо Улуғбекдан кейинги бирор

Темурий ҳукмдорлар салтанатида айни Ҳусайн Бойқаро давридагидек бўлган эмас.

Навоийнинг баъзи бир ғалати одатлари ҳам мавжуд. У бирор ишни текширмоқ иштиёқига тушса ўзини бошқа одам қиёфасига солиб ҳам олаверарди. Бир куни шундай воқеа содир бўлди:

Унда Беҳзоднинг ёшлик вақтлари эди. Мусаввир кўплаб кишиларнинг суратларини чизиб устахонасини тўлдириб ташлаган экан. Навоий ўз либосини ўзгартирди ва Беҳзоднинг ишхонасига кириб борди. Эшикни тақиллатганди ичкаридан "лаббай" деган овоз эшитилди. Шоир разм солиб қараса, устахонада ўзининг ҳар турли суратлари шоҳ Ҳусайн Бойқаронинг суратларидан ҳам кўп экан. Ҳазрат овозини ҳам ўзгартириб савол берди:

– Хўш, бу тасвир кимники?

Наққош чексиз ҳурмат ва тавозе билан сўз қотди:

– Биз каби ҳунармандларнинг отаси, тадбиркор ва хешованди меҳрибон Амир Алишер жанобларинкидурким, мен ўз ҳузурларинда турибман.

– Хўш. Унда нечун шу пайтгача ҳузуримға келмадинг, – жилмайди Алишер.

Наққош ҳозиржавоблик билан деди:

– Нечун дейсизму? Мен ҳузурингизға борганимда менга туҳфалар инъом қилардингиз. У ҳолда мен чизмаларимни сизға сотғон бўлур эрдим. Ваҳоланки, сизнинг тасвирларингизга шунчалик харидор кўпки, бизларға навбат ҳам етишмайди.

Навоий Беҳзодга таъзим қилди ва бундай деди:

– Мен қадр-қимматимни Султон салтанатидин эрмас, бир камтар наққошнинг кулбасидин топдим. Бундин бениҳоя шодмен.

Шундан кейин Амир Алишер Беҳзодга меҳри ортиб, унинг эҳтиёжларини бажаришга ваъда берди. Шу тариқа Беҳзод

билан Мир Алишер Навоийнинг ўрталаридаги ришта маҳкам боғланганди. Иккаласи билан алоқадор шундай воқеалар такрор-такрор содир бўлиб турарди.

Мавлоно Ҳожи Муҳаммад Наққош ҳам Султон Ҳусайн саройининг машҳур олими, шоири эди. Яратган унга турли ҳунарларни ўрганишни ато этганди. Алишер Навоий тарбиясини олган шоирнинг китобдори бўлиб хизмат қилади. Навоийнинг ўзи унга бундай деб таъриф берарди:

"Мавлоно Ҳожи Муҳаммад машҳадликдир. Истиқомати кўпроқ фақир била кечадир ва каминаға фарзанд мақомидадир. Ахлоқда малакий, башар сурати била келган ва феълу-атворда фаришта мисол. Табъи софий ва тафаккури барчанинг диққатларига вофий яъни бисёрдир". У тасвир ва тазҳиб илмида жуда маҳоратлиғ эди. Аслида илми чиннисозлик бўлган бу истеъдод соҳиби ҳаётининг кўп қисмини чинни пиширишга сарф этган. Яъни узоқ йиллар чиннига оро бериб, уни пиширишга машғул бўлган. У ясаган чинни идишлар Чин-Мочин чинниларидан қолишмас экан.

Ҳожи Муҳаммаднинг ихтирочилик қобилияти ҳам мавжуд бўлиб, Мир Алишер Навоий кутубхонасида бир соат ихтиро қилибди. Сандиқ ичида ўрнатилган бу соатнинг ишлаши ҳам ғаройиб экан. Сандиқда бир сурат ҳам нақш этилган бўлиб, ҳар бир соат вақт кечганда ўша сурат қўлидаги таёқча билан олдида ўрнатилган ноғорага бир уриб қўярди. Икки соат ўтгач, икки бора, уч соат ўтгач уч бора ва ҳоказо ноғорага уриб турарди. Шу йўсинда у куннинг ҳар бир соатини таёқча билан ноғорага уриб билдириб турган. Бундан шу хулосага келиш мумкинки, ҳазрати Мир Алишер ўз тарбиясига олган ижодкорлар қайси соҳа вакили бўлсалар ҳам ўзига хос истеъдодга эга тенги йўқ маҳорат соҳиблари бўлганлар.

Ўз навбатида Навоийнинг шогирдлари, ижодий ҳамкорлари ҳам мутойибага жуда хайрихоҳ эдилар. Мазкур ижодкорлар бу

ҳазил-мутойибаларни асарлари руҳиятига ҳам сингиштириб юборардилар. Навоий ташкил қилган бир мажлисда Беҳзод яқинда ўзи чизган суратларни олиб келибди. Бу суратни у бевосита Навоий билан боғлиқ воқеалар асосида яратган экан. Суратни томоша қилган илм аҳли баҳсга киришиб кетдилар. Дастлаб, Мир Алишернинг ўзи бу тўғрисида сўз бошлади:

– Мен бағоят лолменки, бул табаррук суратни Беҳзод ўзининг навбатдаги бетакрор ижоди билан ажиб безатмиш. Офарин, Беҳзодгаким қўли дард кўрмасин, қилқалам илкидин тушмасин. Эй мусаввир, ташриф буюриб маҳзунликка хайрихоҳ кўнгилларимизни сарафрозлиғ гулзориға оғоз айладингиз.

– Ташаккур устоз, менинг ҳам бу ташвиқингиздин бошим кўкларға етди.

– Қани азизлар бу дилхоҳ тасвирга боқиб нима мушоҳадалар юритурсиз?

Даврада ўн-ўн беш сония сукунат ҳукм сурди. Сўнг эса Мирнинг устози Хуросонда юксак мавқега эга бўлган Мавлоно Фасиҳиддин сўз қотди:

– Биродари азиз. Кўз олдимда рухсорини намоён қилган бу гулларга қўл узатсам, авайлаб бандидин узсам ва дасторимга санчиб қўйсам. Бу давра аҳли гулларнинг бўйидан маст бўлғон бўлур эрдилар.

Сўнг Алишернинг дўсти Соҳиб Доро сухан айлади:

– Мен ҳам шундайин истакда иштиёқ билан тўладирман. Бироқ қўл чўзай десам дарахтларга қўниб ором топган қушлар учиб кетиб қоларлар деган хавотирда турибман.

Хуросоннинг аҳли пешволаридан бири Мавлоно Бурҳоннинг фикри эса қуйидагича тус олди:

– Мен мулоҳазага бордим, қўлимни тортиб, тилимни тийдим. Агар сўз қотсам мабодо нозиктаъб Алишер жаноблари аразлаб қолғайлар, юзларини буриштириб, қошларини чимирадирлар. Бу давра аҳлига дилхиралик келтиргай.

Навоий тарафидан Латифатарош деб лақаб олган Мавлоно Бадахший бўлса сал ўйланиб, тилига эрк бериб юборди:

– Эй, Мавлоно Бурҳон, агар бу ҳаракатим беодоблик ёки густоҳликка кирмаганида, сувратдаги Алишернинг қўлларидин асони олур эрдим ва бошингга солур эрдим.

Баҳс тугамас, мутойиба авж олар ва бунинг таъсиридан хонани қаҳқаҳа овози тутиб кетарди. Сўнг Мир Алишер ўзи суҳбатга якун ясаш иштиёқига тушди ва сўз қотди:

– Азизлар Беҳзоднинг бу яратган асари тўғрисинда самимий беғубор сўзларни гапиришди. Агар Мавлоно Бадахший ўша номаъқул ишни раво кўрмаганларида ва дағал сўз айтмаганларида мен сувратда тасвир қилинган табақдаги олтинларни мазкур дўстларимнинг бошидин сочқи қилур эрдим.

– Офарин, мавлоно Беҳзод, қўлингиз асло дард кўрмасин, кўз тегмасин, – хитоб қилдилар даврадагилар.

– Қани Беҳзодга бир зарбоф тўн. Қолганларга ҳам ўз бўйи бастлариға қараб тўнларни олиб келинг, – деди Навоий хизматкорларга.

Ҳамма тўн кийган, бир-бирини қутлаб хурсандчилик қиларди

– Энди бизнинг бошимизда олтин тўла табоқлар кашф этган Мавлоно Беҳзодга эгар-жабдуғи олтин суви билан безатилган жийрон от армуғон қилинсин. Амри фармон битингиз, – деди Навоий муншийга. – Бироқ Камолиддинға биз совға қилғон отнинг довруғини Мавлоно Шаҳобиддин янглуғ Хуросону Туронға овоза қилмаслиғларини тайин этурмиз, акс ҳолда.... Ҳазратнинг бу гапи ҳам қаҳқаҳага сабаб бўлди. Чунки Мавлоно Шаҳобиддин ва Мир Алишер ўртасида қуйидагича воқеа содир бўлиб ўтганди. Кунлардан бирида Мавлоно Шаҳобиддин Мудаввин бир катта даврада камбағалчиликдан нолиб қолиб сўз қотди:

– Бул бевафо замонда рўзғори ғоратдин орттириб бир улов ҳам сотиб ола билмасмиз. Пою-пиёда юравериб товонимиз ёрилиб кетадир. Навоий Шаҳобиддин Мудаввиннинг ростдан ҳам камбағал эканлигини биларди. Ҳазратнинг унга азбаройи раҳми келиб кетди. Шу сабаб Шаҳобиддинни бозорга боришини амр этди.

– Ҳазратим, ассалому-алайкум, амр этғон эркансиз, мана, етиб келдим, – деди Шаҳобиддин тонг саҳарда бозорга бориб шоирга.

– Ортимдин юрингиз, – деди Амир Алишер Шаҳобиддинга.

Улар иккиси ва Навоийнинг яна уч-тўртта хизматкори от бозорига ўтдилар. Навоий хизматкорларига бир яхши от танлашни амр этди. Танланган отнинг баҳоси юз тангага кўтарилди. Шу отни сотиб олдилар. Шаҳобиддин эса ўзига умуман алоқадорлиги йўқ бу воқеадан Амирнинг мақсадини била олмасдан гаранг қотди.

– От жиловини Мавлоно Шаҳобиддинга тутқазингиз, – деди Навоий.

Анграйиб қолган Шаҳобиддин Ҳазратнинг бу ҳотамтойлиги қошида ҳангу манг эди. Шундай қилиб Шаҳобиддин энди давраларда камбағалмиз, пою-пиёда юрамиз деб сўзланмайдиган бўлди. Аммо у энди қаерда юрса, қай даврада бўлса нуқул бошқа бир сўзни такрорларди:

– Ҳазрат Навоийдек улуғ пирнинг муборак назарлариға тушдик. Биздек бир фақир кимсаға ул олийшон зот беназир от совға қилдилар... Кўринадирки, биз ҳам ул Олийшон зотнинг хос кишилари қаторинда турадирмиз. Шукр минг бора. Ҳа, ҳа ҳазор бор шукур.

Шаҳобиддин энди уйининг бўсағасигача отда борар. Юқоридагижумланиҳечтилиданқўймасди.Саройаҳли,ўзининг қўни-қўшниси, ҳатто бозордагилар ҳам Шаҳобиддиннинг бу сўзларини ёд олиб олдилар. Бундай мақтовдан Алишернинг номи "сотилиб" юрганидан Мирнинг ўзи хижолат тортарди.

Бунинг устига Мир Алишер қаерга отланмасин унинг хизматкорлари билан бирга Шаҳобиддин ҳам ортидан эргашар, шаҳру қишлоқларни оралаб юрган вақтларда ҳам у дуойи калимасини айтишни канда қилмасди. Хижолатда қолган шоирнинг сабри тугади. Аъёнларини чақирди ва – "шу бадбахт отни ўғирлаб, сўнг бозорга олиб бориб сотингиз" – деб амр этди. Уддабурон хизматчилардан бир-иккитаси Шаҳобиддиннинг отини ўғирладилар ва бозорга олиб чиқиб сотдилар. От тўқсон тўрт тангага баҳоланиб харидорини топди. Пою-пиёда қолган Шаҳобиддин йиғлаб-сиқтаб яна Амир Алишернинг ҳузурида пайдо бўлиб сўз қотди:

– Ҳазрат сиз совға қилғон тулпорни қароқчилар ўғирладилар. Энди эрса фақир боз пою-пиёда юришға маҳкумман.

– Начора, биз отинғизнинг баҳосини берадирмиз, бироқ бундин кейин от сақламайсиз, от минғон вақтимиз ортимиздин тушиб бош оғриғи ҳам бўлмайсиз. Шундай қилиб, Алишернинг амри билан Шаҳобиддинга тўқсон тўрт тангани тутқаздилар.

У яна Алишерга шикоят қилди:

– Ҳазратим отни сиз юз тангага сотиб олиб бергандингиз.

– Биз сотиб олиб берғон вақтдин бир йилдин кўп вақт ўтиб кетди. Айни дамда отинғиз бозорда шунчага нарх қилинибди,– деди Алишер. Энди ҳамма нарсани англаган Шаҳобиддин отини Мир Алишернинг ўзи амир этиб ўғирлатганига тушунди ва отсиз қолганига ўзининг хусусияти сабаб бўлганлигини англаб етди. Навоий Беҳзодга от совға қилган вақтида шу воқеага шаъма қилганди.

Беҳзод ва Навоийнинг ўзаро дўстлик, устоз-шогирдлик мақомлари Шаҳобиддинникига ўхшамаган тарзда ўзаро ҳурмат билан намоён бўларди.

Навоийнинг мусаввирлар билан жиддий муносабатда бўлиши бор гап. Шу сабаб у битган ғазалларини машҳур хаттотларга кўчиритирарди. Бир сабаб билан ўзининг хаттотининг тоби

қочиб қолибди. Бундан хабардор бўлган, ўзини маҳоратли ҳаттот деб ҳисоблаб юрган бир хаттот: "Рози бўлсалар, Ҳазратнинг хизматларини жоним билан адо қилурдим", дебди.

Бу воқеа узоқ йиллар аввал содир бўлганди. Шундай қилиб, шоир рози бўлибди ва шеърларини кўчиртириш учун ўша хаттотга берибди. Навоийнинг жуда қаттиққўл ва инжиқ эканлигини биладиган илм аҳллари бир кун мушоирада пичирлашиб ҳазрат тўғрисида сўзлашиб турганликларини эшитади. "Маликул шуаронинг ўзлари ҳам нуқсон-қусурга йўл қўймишларку, ўзгалардан нимани талаб қилиш мумкин", дейишарди улар. Гап нима ҳақида бораётганини зукко шоир тахмин қилибди ва ҳозиргина кўчиртириб олиб келинган ғазалларини ўқиб кўрибди. Мақтанчоқ хаттот тушмагур "кўз" сўзининг ўрнига "кўр" деб ёзиб юборган экан. Натижада ғазалнинг матни бузилиб бошқа маънони англатувчи сатрга айланиб қолган экан. Ҳазрат мушоирада иштирок қилаётган аҳли фозилларга қараб:

– Кўзимни кўр қилганлар ўзлари кўр бўлишсин!–деди-да, хаттотни уялтириб, танбеҳ бериб, даврадан чиқариб юборди.

Беҳзод ҳам Навоийдек ўз машғулотига жиддий киришар, ҳар бир нуқта устида ҳам эринмасдан ишларди. У ўз замондошларининг суратини чизганда сурат қаҳрамонининг ички ва ташқи дунёсини тўлиқ очиб бера олиш хусусиятига ҳаракат қилгувчи эди. Шунинг учун унинг чизган сурати кишиларни осонлик билан ўзига жалб қилиб ҳайратлантирарди. Муҳтарам ўқувчимизга маълумки Беҳзодни Мир Алишер Навоий эъзозли зот устози Абдураҳмон Жомийнинг уйига олиб бориб таништирганди. Шу учрашувдан кейин Беҳзод Абдураҳмон Жомий билан жуда яқин алоқада бўлиб унинг ижодига катта эътибор билан қаради. Устоз шоирнинг ижодини синчиклаб ўрганди. Асарлари таъсиридан ажойиб миниатюралар яратди. Катта-катта мураққа (альбом)–

лар чизди. Шу билан бирга Ҳазратнинг портретини ҳам акс эттирди. Беҳзоднинг қайси мавзуда бўлмасин яратган асарининг муҳокамаси салтанатда ҳам байрам тусини оларди. Беҳзод Жомийнинг суратини чизишда унинг иш жараёнида турганлигини акс эттиришга ҳаракат қилди. Сурат қуйидагича тасвирланган:

Миниатюрада улуғ шоир ва мутафаккир Абдураҳмон Жомий чўккалаб ўтириб, ўзининг янги ёзган шеърларини мутолаа қилиб турган вақти тасвирланган. Унинг чап қўли чап тиззасининг устида, ўнг қўлида эса шеърлари битилган қоғоз, олдида эса очиқ турган китоб, ўнг томонида обдаста. Суратда Жомийнинг пишиқ гавдали, узун бўйли, тўладан келган, салла ўраган, соқол мўйлови ҳам ўзига ярашган, пок, нуроний мўйсафид кишилиги, ўйчан кўзларидан ўткир ақл-идрок соҳиби бўлганлиги, юзидан доим нур ёғилиб турувчи инсон тимсолида эканлиги суратда бағоят маҳорат билан намоён этилган.

Бугунги йиғинда "Бадоеъ ул-вақоеъ" асарининг муаллифи тарихнавис Зайниддин Восифий ҳам қатнашаётганди. Суратни томоша қилиб офаринлар ўқиганлар орасида у ҳам бор эди. У Беҳзодни қучиб табриклади ва қуйидаги мақтовли сўзларни айтди:

– Беҳзод иним. Мен сизнинг маҳоратингизга таъриф айтмакни эплай олмасам керак. Бугунги асарингиз ҳазрати Жомийнинг аксларини ажиб маҳоратингизнинг мингдин бири, балким ўн мингдин бири деб баҳоланса муболаға бўлмас. Агар Яратган томонидан бир илоҳийлик бўлиб сиз яратган суратга жон ато қилиш имкони бўлганда эди, сўзсиз бу заминда иккинчи Абдураҳмон Жомий ҳам пайдо бўлмиш бўлур эди.

Восифий бекорга бу таърифни айтмаётган эди. У ҳам мавлоно Жомий билан деярли ҳар куни бир дастурхондан туз-намак еб, бир ҳаводан нафас олиб яшарди. Хусусан, Ҳазратнинг ички ва ташқи дунёсини жуда яхши биларди. Шунинг учун юқоридаги таърифни холисона айтаётганди.

Восифий ҳам ўзининг тарихий солномаларининг яратилиши борасида Абдураҳмон Жомий тўғрисида холисона фикрлар ёзиб асарларига киритган эди. Жумладан, у Абдураҳмон Жомийга қуйидагича таъриф бериб ёзганди:

"Ҳазрат мавлоно, шайхи замон Абдураҳмон Жомий қишин-ёзин сурпдан тикилган қабо (либос) киярди: бошида доимо "Ҳожа Убайдий" кулоҳи бўлиб, унинг атрофида кичик ва арзимас дастор (салла) ўраб юрарди. Мажнунтолдан ишланган қўлидаги асоси эса шунчалик узун эдики, ўзининг гавдасидан чорак ҳиссача ошиб турарди".

Маълумки, шоҳ Ҳусайн Бойқаро ва Беҳзоднинг ўзаро яқинлиги ҳам мавлоно Мир Алишер воситачилигида йўлга қўйилган. Беҳзод ўз маҳоратини Ҳусайн Бойқаронинг суратини чизиш орқали ҳам намойиш қилиб барчани лол этиб ҳайратларда қолдирганди. Бу сурат Ҳусайн Бойқаронинг ташкил қилган бир шоҳона зиёфати таъсирида мароқ билан чизилган.

Оқшом пайти. Ҳирот шаҳридаги гўзал ва ораста боғ ичида атрофи панжара билан ўралган улкан супада Ҳирот хукмдори Султон Ҳусайн Мирзо ўз аъёнлари билан зиёфат ўтказмоқда. Юкорида, ўнг томонда шароб тайёрлайдиган асбоб кўриниб турибди, унинг атрофида кичик хумча ва кўзачалар. Эшикдан катта хум кўзга ташланади, унинг устида эса кўзача. Эшик олдида, ям-яшил ўтлар устида хизматкор ҳабаш аёл чўккалаб ўтирипти. Унинг бошида ва елкаларида узун, ерга тегиб турган оқ рўмол. Хизматкор аёл катта идишдан найча оркали кўзачага қуйилаётган шаробни диққат билан кузатмоқда. Унинг ёнида яна бир ҳабаш хизматкор ҳам бор. Мазкур хизматкорнинг елкасида хумчалар осилган обкаш. Қуйи томонда, панжара ичкарисида бошка бир ҳабаш хизматкор мева-чева солинган

катта сават кўтариб супа томонга боряпти. Унинг олдида эса елкасига ичимлик солинган катта хумча кўтариб жадал суратда супа томон бораётган яна бир хизматкор. Супа тўрида чиройли қора ҳалқалар тасвирланган материалдан тикилган тўрт бурчакли кўрпачада ўтирган ширакайф Хусайн Бойқаро зиёфат аҳлини эътибор билан кузатаётир. Унинг рўпарасида эса шароб ва шарбатлар қуйиладиган кўзача ва қадаҳлар. Қуйида, чап томонда, ҳовлига кираверишда тасвирланган ҳаётий манзара ва уни кўрган кишининг диққатини ўзига жалб этади. Эшик олдида соқолли, салла ўраган, қилич тақкан, пишиқ гавдали пешқоровул бир гадойни дарғазаб ҳолда калтак билан савалаб эшик олдидан ҳайдаб юборяпти. Супанинг қуйи томонида, панжара ичкарисида, сарой аъёнларидан баъзи бирлари маст-аласт ҳолда алжираб юришган пайти ҳам мусаввир томонидан моҳирлик билан тасвирланган. Супа ўртасида эса икки киши кўзача ва қадаҳларга шароб ёки шарбат қуймоқда. Умуман, мазкур мўъжаз тасвирни ҳам Камолиддин Беҳзод бошқа шоҳ асарлари сингари ўзига хос услубда ўта ҳаётий, ҳаққоний тарзда яратган. Сарой аъёнларининг маиший ҳаёти, уларга елиб-югуриб хизмат қилаётган аёллар, калтак билан ташқарига ҳайдалаётган нотавон гадойларнинг аянчли аҳволи истеъдодли мусаввир эътиборидан четда қолган эмас.

Мажмуадаги иккинчи сурат хам мазмун жиҳатидан биринчисига ўхшаб кетадики, унда ҳам Султон Ҳусайн Мирзонинг зиёфатларидан бири тасвирланади. Олти бурчакли чиройли бурж, унинг эшиги бироз очилган. Бурж ёнига ўтов тикилган. Ўтовнинг тепа қисмига ғоятда гўзал қилиб турли-туман ҳалқасимон ҳандасавий шакллар чизилган. Мазкур шакллар орасига ҳайвонот ва наботот оламидан ҳар хил тасвирлар ишланган. Ўтов ичига чиройли гулдор гилам тўшалган. Гилам устидаги оқ рангли кўрпача устида Султон Хусайн ўтирипти. У ўнг кўли билан белбоғини ушлаб,

рўпарасида ўтирган ёшроқ, меҳмонга чап қўлини кўтариб имо-ишоралар билан алланарсаларни уқтираяпти. Ўнг томондаги бироз очилган эшик олдида қиличини осиб, пешқоровул сал энгашган ҳолда кўриниб турибди. Мазкур эшикдан ташқарида қийғос очилган гуллар ҳам кўзга ташланади. Хумча ва кўзачалардан қадаҳларга ичимликлар қуяётган, турли-туман емишлар ва кўзачаларда шарбатлар ушлаб турган, кайфи ошиб қолган, хуллас, ҳар бири турли ҳолатга тушган ўн бешдан ортиқ киши Султон Ҳусайн ҳузурида айшу ишрат ва кайфу сафо билан овора. Бу мўъжаз тасвирда хам Беҳзод сарой аҳлининг маиший турмушини ҳаққоний бир манзарасини зўр маҳорат билан чизган.

Мазкур мажмуадаги Беҳзод ижодига мансуб тасвирларнинг учинчиси Малик Дорога нисбат берилиб ишланган. Шарқ ва Ғарб беҳзодшунослари орасида ниҳоятда машҳур ва манзур бўлган мазкур тасвирда ажойиб навбаҳор фаслини мушоҳада киламиз. Ариқчадан кўм-кўк зилол сув шилдираб оқмоқда. Турли-туман кўк ўтлар, анвойи дарахтлар билан безанган ям-яшил дала. Учта отбоқар бир гала йилқиларни ўтлатиб юрибди. Чап томондаги қалин дарахтлар орасидан қўлида узун калтагини ушлаб, яйдоқ от миниб келаётган бир отбоқар кўринади. Юқоридаги ўнг томонда қўнғир от энгашиб ўт еяркан, унинг қора тойчоғи эса чап оёғини сал букиб мириқиб сут эммоқда. Миниатюранинг қуйи томонидаги уч отнинг бири чап оёғини хийла букиб, ариқчадан сув ичаяпти. Ўртадаги семиз ола от ҳуркиб Малик Доронинг отига безовталаниб қараётган бўлса, оқ тойчоқ бепарвогина чўкка тушиб, эркаланиб онасини мириқиб эммоқда. Учинчи семиз оқ от ҳам безовталаниб Малик Доро отига қараб кишнамоқда. Камонидаги ўқ-ёйини отбоқарга қарата, уни отмок учун тайёрлаб турган Малик Доронинг гижинглаган оти эса ҳозиргина чопиб келгани учун ҳансираб, безовталаниб депсиниб турибти. Отбоқар эса Малик

Дорога қараб кулги аралаш, икки қўлини чўзиб таажжубланиб алланарсалар демоқда. Шу ўринда Малик Доро тўғрисида бир ривоят мавжудлиги хотиримизга келди:

"Эшитишимча, кунлардан бир куни шавкатли подшоҳ Малик Доро ов пайтида адашиб, йул қидириб ўрмон чеккасига бориб қоларкан, бир отбоқарга рўпара келади. Малик Доро отбоқарни душман деб ўйлаб, ўқдон(киш)идан бир ўқ чиқариб камонини отбоқарга қарата, уни отиш ниятида тўғрилайди. Шу пайт отбоқар кулиб унга дейди: "Эй Шаҳаншоҳ, менга яхшироқ разм сол, мен сенга душман эмасман мени ўлдираман деб беҳудага шайланаяпсан. Мен мана шу ўтлоқда сенинг отларингни боқиб, парвариш қилиб юрган чўпонлардан бириман", подшоҳ ҳам саросималикдан ўзини тийиб, отбоқарга қарата кулиб шундай дейди: "Эҳ отбоқар, бахтинг бор экан, фаришта Сиёвуш ёрдам қилди, шекилли, сен омон қолдинг. Бўлмасам, мана шу ўқ-ёй билан қулоғингни тешиб юборардим, сен ҳалок бўлишинг мумкин эди".

Отбоқар яна кулиб, Малик Дорога шундай дейди:

"Шаҳаншоҳ, менинг насиҳатимни яхшилаб уқиб ол, мен сенга неъмат (яхшилик) кўрсатяпман. Одил подшоҳ дўсти ким, душмани ким эканлигини яхшилаб билиб олиши даркор. Турмуш кечиришнинг шарти шуки, ким сенга яхшилик қилади, ким ёмонлик қилади, уларни фарқлаб олишинг лозим. Масалан, мени кўп марталаб саройда кўргансан, яйлов тўғрисида, отлар ҳақида мендан кўп нарсаларни сўрагансан. Мен ҳозир сенинг рўпарангда меҳр-муҳаббат билан турибман. Сен бўлсанг, мени душман фаҳмлаб, менга ёмонлик қилмоқчисан, ҳатто мени ҳалок этмоқчисан. Мана мен, фаҳм-фаросат билан юзлаб-минглаб отлар орасидан керакли отни адашмасдан танлаб оламан. Мен отлар галасига қандай меҳр-оқибат, эътибор ва диққат билан қарасам, сен ҳам мамлакатингдаги халқингга яраша, ўшаларга лойиқ, одил ва меҳрибон нигоҳбон бўлишинг

керак".

"Чўпончалик тадбирга эга бўлмаган бир подшоҳнинг мамлакати ғам-андуҳ билан тўлиб-тошган бўлади".

Шарқнинг буюк халқпарвар шоири Саъдийнинг "Бўстон" асаридан келтирилган ушбу ҳикоятда биз муҳтарам ўқувчилар, кишилар диққатига шу фикр ҳавола этиладики, мазкур ҳикоят сўнгидаги хулоса:

– "Чўпончалик тадбирга эга бўлмаган бир подшоҳ мамлакатдаги аҳолининг ҳаёти ғам-андуҳ билан тўлиб-тошган бўлади", деган ажойиб ҳаққоний фикр ҳар қандай кишини ҳам бефарқ, лоқайд қолдирмайди. Айни мана шу фикр, умуман ҳикоятнинг мазмуни, воқеа жараёнидаги ўткир қурилма, ҳикоя асосида ётган чуқур руҳият ва қудратли халқпарварлик ғоялари забардаст мусаввир Беҳзодда ҳам ўз вақтида катта қизиқиш уйғотиб, инсонпарвар рассом сифатида уни ҳам ҳайратга солган эди. Беҳзод томонидан бағоят зўр маҳорат билан ишланган мазкур миниатюранинг юқоридаги ўнг, қуйидаги чап томонида Саъдий ҳикоятидаги қизиқ ҳолат, Малик Доро билан жасур ва доно отбоқарнинг кизғин савол-жавоб пайти баён этилган сатрлари битилганлиги ҳам бежиз эмас. Муҳаммад Мустафо томонидан нашр этилган мажмуадаги тўртинчи тасвир "Бир масжид ичидаги манзара" деб аталибди. Ушбу миниатюрада мусаввир масжид ичкарисида содир бўладиган диний-мазҳабий ҳаётдан бир кўринишни тасвирлайди. Деворлари Шарқ услубида ажойиб зеб-зийнатлар билан безатилган қуббали улкан масжиднинг ичкари қисми кўринади. Масжид олди ва ичкарисидаги турли-туман ҳолатларда харакат қилаётган ўн икки кишининг ҳаракати ўта жўшқин тарзда чизилган. Чап томондан қуйида масжид мадхали (кираверишда) таҳоратини тугатаётган саллалик ёшроқ киши. Унинг рўпарасида сочиқ тутиб турган ҳабаш хизматкор. Эшик олдида эса елкасига оқ мато ташлаган гадо ҳассага суянган, хийла букчайган

қария садақа бермоқда. Эшикнинг ўнг тарафидаги деразадан ичкарида намоз ўқиётган киши кўриниб турибди. Юқорида бир киши чўккалаб олган ҳолда такбир қилаётир, бурчакдаги киши бошини чап тиззасига қўйиб, чуқур ўйга толган ҳолда ўлтирибди. Чап томонда устун ёнидаги киши иккала қўлини юзига тортмоқчи бўлиб намозини тугатмоқда. Икки устун орасида эса бир киши ёнида ўтирган аёлга аллақандай китобни ўқиб, масала уқтираяпти. Меҳроб ёнида икки шайх чўккалаб олиб мунозара олиб бормоқда. Беҳзоднинг ушбу миниатюраси Шарқ халқларининг диний-мазҳабий ҳаётидан олинган, масжид атрофи ва ичкарисида содир бўлаётган воқеалардан беш-олти манзара алоҳида-алоҳида, ўзига хос жўшқин тарзда зўр маҳорат билан тасвирланган. Яна бир чизилган суратда ҳам мусаввирнинг маҳорати акс этиб турганлигини кўрсатади:

Масжид ичкарисида саккиз киши турли ҳолатда, афтидан аллақандай диний-мазҳабий масалаларни мунозара қилиш билан овора. Мусаввир кишиларнинг имо-ишораларини, баҳс, тортишув жараёнини усталик билан тасвирлаган. Айниқса, юқоридаги, чап ва ўнг томондаги кишиларнинг ўзаро суҳбатлари, мунозара ва музокаралари, тортишувлари ғоятда жонли, қизиқарли ва ҳаққоний тасвирланган. Улардан ташқари Беҳзод ўз миниатюрасида улкан масжиднинг баланд арки, деворлари ва пештоқидаги турли-туман зеб-зийнатлар, гўзал шакллар, арабча ёзувлар тасвирига хам алоҳида диққат ва эътибор қаратган. Масжиднинг нариги томонида, ташқарида қийғос очилган ажойиб гуллар, дарахтлар суратга қараганлар назарига аниқ ва яққол ташланади. Аркнинг иккала томони ва юқори қисмида бир туркум форсий байтлар мавжудким, уларнинг охиргиси (чап томондагиси) мусаввирнинг имзоси билан тугайди: "Амали Беҳзод" ёзуви кўзга ташланади. Камолиддин Беҳзод ушбу мўъжаз тасвирни анча йиллар аввал ўттиз тўрт ёшларида ишлаганди.

Демак, юқоридаги нашр этилган мажмуадаги миниатюралардан бештаси Камолиддин Беҳзод мўйқаламига мансубдир.

Камолиддин Беҳзод ўз даврида Алишер Навоий билан Абдураҳмон Жомий – икки буюк ҳаммаслак шоир, мутафаккир, шогирду устод, самимий дўстлар орасидаги эҳтиросли мушоира пайтини тасвирловчи миниатюра ҳам яратгади. Шу билан бирга мазкур миниатюра ва Беҳзоднинг бошқа гўзал миниатюраларини мужассамлаштирган бир улкан шеърий қўлёзма китоб ("Жунг") у томонидан тузилган эди. Абдураҳмон Жомийнинг асарларига ишланган расмлардан иборат. Бу асарни ҳам Ҳиротнинг машҳур хаттоти Султон Али Машҳадий кўчирган ва Камолиддин Беҳзод уни ўзининг гўзал миниатюралари билан зийнатлаган.

Тан олиш керакки, Беҳзод жуда ҳам меҳнатсевар, тездаст, қалами ниҳоятда сеҳргар ва сербарака бўлган мусаввирдир. Айни дамда унинг шогирдлари ҳам ўзининг изидан бориб аввал устозлари бошлаб берган асарларни шогирдлари унинг услубида давом эттириб, такмил қилганлар. Қосим Али Чеҳракушо, Оқо Мирак, Султон Муҳаммадларга ўхшаш эъзозли устози (Камолиддин Беҳзод) даражасига етиб қолган бир неча мусаввирларнинг асарларини миниатюрашунослар Беҳзод асарлари билан алмаштириб ҳам юрадилар. Беҳзодга ҳавас қилган жуда кўп истеъдодли рассомлар, Беҳзодга бўлган ҳурмат-эҳтиромлари туфайли ёки ўз асарларининг қийматини ошириб кўрсатиш мақсадида, уларнинг остига “Беҳзод” деб имзо чеккан ҳоллар ҳам йўқ эмас.

Хуросоннинг нотинчлиги

Хуросонда қарийб ўттиз беш йиллик ҳукмфармолик қилган Султон Ҳусайн Бойқаронинг салтанати ҳам кейинги йилларга

келиб ўз мавқейини оз бўлса-да, йўқота бошлади. Чунки эндиликда вояга етиб қолган шаҳзодалар – Султон Ҳусайннинг фарзандлари ҳам ўз илкига салтанат жиловини ушлаб, бошига тож киймакни орзу қилардилар. Унинг шоҳлик даврида ҳам аввалги Темурийзодалар ҳаётида содир бўлган воқеалар такрорланмоқда эди. Бундан ташқари шоҳнинг кексаликка юз тутганлиги, салтанатнинг жиловини қўлида тутиб туриш борасида йўл қўйган бир қатор камчиликлари, охир-оқибатда унинг салтанатида қатор номувофиқликларнинг пайдо бўлишига сабаб бўларди. Табиийки, бу ўртадаги можароларда илм аҳли Ҳусайн Бойқаронинг атрофидаги аъёнларни ҳам ташвишга соларди. Хусусан, Хуросон давлатининг осойишталиги шоҳ билан бирга кўпроқ Мир Алишер Навоий, Беҳзод каби инсонлар ҳаётига ҳам озор етказиши табиий эди. Саройда вазият шу даражага етган эдики, Султон Ҳусайн Мирзо бир тараф, малика Хадичабегим ҳамда Астробод ҳукмдори Бадиуззамон Мирзо, Музаффар Ҳусайн бир тараф бўлиб салтанат талашардилар. Қирқ ёшни қоралаб қолган Бадиуззамон Мирзо отасининг салтанатини тортиб олишга очиқчасига ҳаракат қилишини яшириб ҳам ўлтирмасди. У бир томондан Камолиддин Беҳзод ва Алишер Навоийни жуда ҳам ҳурмат қилар, ўртадаги шу муносабат ҳам шоҳ ва ўғли қўшинларининг бир-бирига қилич кўтаришига қаршилик қилиб келмоқда. Султон бугун аъёнларни машваратга чақирган, хос хонада йиғилган барчанинг юзида ташвиш. Айниқса, Алишер Навоий, Камолиддин Беҳзод, Шайхим Суҳайлий, Мир Қарший ва бошқа салтанатдаги кишиларнинг қалбида бу қарама-қаршиликларни тинч йўл билан ҳал этиш фикри бўлса. Бош вазир Мажидиддинга ўхшаш бошқа тарафдорлар эса ё қарама-қаршиликни авж олишини истардилар ёки ўзларини бетараф қилиб кўрсатардилар.

– Муҳтарам жамоа, – деди шоҳ йиғилганларга қарата

мурожаат қилиб. Унинг авзойидан беморликка юз тутганлиги аниқ билиниб турарди. – Мен сизга не дея сўз очмакка ҳам истиҳолада турибман. Фарзандимиз шаҳзода Бадиуззамоннинг салтанат ҳавосининг қалбиға муҳр қилғонлиғи айни дамда қанчалиғ ташвишимизни орттирганлиғи барчаға аён.

– Биз шаҳзодаға неча бор мактублар битиб, ани инсоф юзасиндин иш қилмакка чорламакдамиз, шоҳим, – деди Алишер Навоий сўлғин бир кайфиятда.

– Шаҳзода гапга кўнмас эркан. Начора, анинг қўшинини тормор қилмак жоиз бўладир, – деди Мажиддидин ўртадан туриб.

– Йўқ, бул ишға қизиққонлиғ бирлан ёндошмоқлиғ калтабинлиғдир, шоҳим, – деди Беҳзод ташвишланиб. – Иложи бўлса сулҳ йўлидин бормак мақсад қилинса хайрли кўринадир. Унинг фикрини бошқа аъёнлар ҳам маъқул топдилар.

Масала шу тариқа муҳокама қилинди. Эртасига Мир Алишер Навоий ва Камолиддин Беҳзод бу масалани ижобий томонга ўзгартириш, шаҳзодани отасига қарши бош кўтаришдан қайтариш мақсадида Астроободга жўнаб кетишди..

Астробод Хуросон шаҳарларининг орасида энг нуфузи юқори, тинч-осойишта шаҳар ҳисобланарди. Чунки бу шаҳарга бир неча йиллар олдин ҳазрати Навоийнинг ўзи ҳам ҳокимлик қилганди. Халқнинг осойишталиги, яхши турмуш кечириши учун жоиз бўлган барча ишларни йўлга қўйиб юборганди.

– Қадамингизга ҳасанот, табаррук устоз, – дея алоҳида ҳурмат кўрсатиб, Навоий билан Беҳзодни кутиб олди Бадиуззамон Мирзо.

– Шаҳзода эл тилинда гап мавжудки, ҳам саёҳат ҳам тижорат. Биз ҳам саёҳат ва тижоратни ният қилиб мана, шаҳрингизда меҳмонмиз, – деди Навоий Бадиуззамонни бағрига босаркан.

– Устоз, яхшики тижорат ҳам мавжуд эркан. Йўқса келмас эркансиз-да? – деди Бадиуззамон сўз ўйини қилиб.

– Тижорат бирлан сизнинг дийдорингизга муштоқлиғ ҳам

бор қалбимизда, шаҳзода, – деди Беҳзод ҳам Бадиуззамон билан кўришаркан.

Бадиуззамон Мирзо уларнинг ҳурмати учун ўзи кўпроқ ҳазил-мутойиба гаплардан гапирарди. Тезда унинг Хонаи хосида зиёфат уюштирилди. Ҳазрат Алишер Навоий, Камолиддин Беҳзоддек улуғ кишилар ташриф буюрган ушбу кун ҳеч кимнинг тасаввуридан ўчмайдиган хайрли кун ҳисобланарди. Беҳзод билан Навоийнинг ташрифи муносабати нима учун эканлигини Бадиуззамон жуда яхши англаб турибди.

– Шаҳзода, биз сиздин бунчалик калтабинлиғ қилади деб асло кутган эмасдик. Мунаввар қалбингизни нечун шайтони лаъин забт этғонлиғини тушунмай турибмиз, – деди Навоий бирдан.

Навоий бу ерда вазиятни бир оғиз сўз билан юмшатиш мақсадида атайин Ҳусайн Бойқарони ёки салтанатни тилга олмади. Орага озроқ жимлик оралади.

– Ҳазрат, – деди шаҳзода вазминлик билан. – Мен ўзим ҳам илкимға қилич тутиб отамға қарши бош кўтарайин деган фикрда эрмасман, асло. Валекин қулоғимға етиб келаётғон фисқу фужур сўзлар баъзан қалбимға жароҳат етказадир.

– Шаҳзода, сиз фисқу фужур сўзларға инонадирғон киши эмассиз. Ва шу бирлан бундайин ғалат сўзларға эътибор қиладирғон ёшда ҳам эрмассиз, – деди Камолиддин ҳам гапга аралашиб.

– Волиданғиз малика Хадичабегим ўтмишдағи Султон Мирзо Улуғбекнинг волидалари Гавҳаршодбегимнинг тутғон йўлларини тутадирлар, ўшал момонгиз ҳам ёш шаҳзодалар орасиға аралашиб кўп номақбул ишларға бош-қош бўлғонлар эркан. Таассуфким Абдулатиф Мирзо ул момосининг тарбиясини олғон эрди. Шаҳзода, алҳазар бўлсин бул сифат тақдирлардин. Эсинғизни йиғинг, тавба қилингиз. Отага нафақат қилич кўтармоқлик, баайни юзиға тик қараб бўлмас.

Сизға не бўлди билолмай доғда куядирман, – деди Навоий.

Бадиуззамон бу икки зоти шариф қошида нима деб жавоб қайтаришни била олмай донг қотиб қолганди. У бирпасда ўзини ўнглаб олди ва сўз қотди:

– Устоз, иккингиз ҳам мен учун дунёдаги тенгги йўқ эъзозимдағи кишиларсиз. Мен сизнинг сўзингизга кирмасдин не обрў топа олгум эрди. Мен сизларнинг гавҳарга баробар насиҳатингизга қулоқ тутадирман. Лашкар шу бугуноқ ўз қиличини қиниға жойлагайдир. Энди минбаъд отамға қарши бирор муборизлиқ қилмасман. Аммо табаррук сўзингиз билан падарим қулоқлариға етказсангизки, ул табаррук зот ҳам биз фарзандларини бир кўзда кўрсунлар.

– Майли, сўзингиз маъқул шаҳзода биз ўзимиз ҳам салтанатда тантилиқ билан иш юритилишиға ўзимизни масъул кўрадирмиз. Ҳар қандай фитнаю аразларға йўл қўймасмиз. Падарингиз била ўртанғиздаги фитна юритувчиларга қулоқ бермангиз. Қани овмин бугунги сўзлашғон хайрли ниятларимиз даргоҳи Ҳақ таолода ижобат бўлсин.. Навоий шундай деб юзига фотиҳа тортди. Атрофдагилар ҳам бу фикрга қўшилиб овмин қилдилар.

Шундан кейин Ҳусайн Бойқаро билан ўғиллари орасидаги келишмовчиликларга бироз чек қўйилди. Фарзандлар инсофга келди чоғи. Ҳаёт яна маромига тушиб кета бошлади. Орадан икки йилча вақт ўтди...

Султон Ҳусайн Мирзонинг ҳаётда йўл қўйган катта хатоларидан энг каттаси унинг майхўрликка берилганлигида эди. Шундай экан унинг фарзандлари ҳам майга ошно бўлган, давлати кўплигидан босар-тусарини билмай қолган шаҳзодалар бўлиб етишгандилар.

Баҳор кунларининг бирида Ҳиротда шов-шув кўпайиб қолди.

– Султон Ҳусайн Ҳисор устиға лашкар юборармишлар, – деди бир савдогар ёнидаги иккинчисига.

– Мен ҳам эшитдим, Ҳисор беклиғи салтанатни тан

олмаётганмиш. Бунинг устиға ул музофотда ички низолар ҳам авжиға чиққон эрмиш. Ростму-ёлғонму Яратғон биладир, аммо эртага Ҳиротдин қўшин чиқиб, Ҳисорға йўл олар эркан.

Бу гап рост эди. Ҳиротдан йўлга чиққан қўшин жадаллик билан Ҳисор томонга кетиб борарди.

Шаҳзода Бадиуззамонга битилган мактубни олиб чопар Астробод томонга жўнади. Мактубни олган Бадиуззамон шаҳар ҳукмдорлигига ўн бир яшар Муҳаммад Мўмин Мирзони қолдириб, ўзи отасининг амрига кўра қўшинни йўлга тушириб Ҳисор томонга юрди. Бадиуззамон Мирзо отасининг қўшини билан бирлашиб, натижада Султон Ҳусайн Мирзо қўшинлари ғалаба қозонди. Ғалабадан сўнг бу ерда ҳам ўтмишда содир бўлган Мирзо Улуғбекнинг тадбирига ўхшаш воқеа содир бўлди. Султон Ҳусайн Бадиуззамоннинг ўрнига кичик ўғли Музаффар Ҳусайн Мирзони Астрободга ҳоким қилиб тайинлади. Бадиуззамонни эса Балхга ҳоким қилиб тайинлади. Бадиуззамон ўн бир яшар ўғли Мўмин Мирзога Астрободни инъом қилишни режа қилиб юрганди. Шу сабаб бўлиб ота ва ўғил ўртасидаги муносабатга путур етди. Бадиуззамон бу воқеадан кейин ўғли Мўмин Мирзога Астрободни мустаҳкам туриб ҳимоя қилиш тўғрисида хабар юборди. Балхга етиб келган чопар Мўмин Мирзога отасининг топшириғини тушунтирди:

– Амирзодам, падари бузрукворингиз Астробод қалъасини қаттиқ ҳимоя қилиб туришингизни амр этдилар. Қалъа дарвозасини ҳеч кимга очиш мумкин эрмас эркан.

– Бош устиға, аммо қалъани мухосара қилғон ёв қўшиниға бизнинг кучимиз етмаслиғи аён. Не тадбир била бу вазифани бажарурман?

Астрободга хабар етказган Бадиуззамон Мирзо ўз қўшинини тўплаб отасига қарши қўшин тортади. Бу қонли тўқнашувда Ҳусайн Бойқаро ўз ўғлининг устидан ғалаба қозонади. Астрободга етиб келган Музаффар Ҳусайн Мирзонинг

қўшини Астробод қалъасини забт этиб, Бадиуззамоннинг ўғли Муҳаммад Мўмин Мирзони асирга олади ва Ҳиротга келтириб, Ихтиёриддин қалъасига қамайди. Кўпдан бери қулай вазиятни кутиб ётган Хадичабегим (Музаффар Ҳусайн Мирзонинг онаси) Мурғоб ҳарбий истеҳкомида вазир Низом ул-Мулк иштирокида Султон Ҳусайн Бойқаронинг мастлигидан фойдаланиб, ўн бир яшар Муҳаммад Мўмин Мирзони зудлик билан қатл этиш ҳақидаги фармонга муҳр бостириб олади ва ҳукм ўша кечасиёқ ижро этилади.

Бу қонли тадбирни амалга оширишда камарбаста бўлганлар, албатта, ўзлари ҳам қонхўр кишилар бўлиб, ушбу воқеани ҳеч нарса билан оқлаб бўлмасди. Бундай қабиҳликка қарши турувчи Алишер Навоий ҳам, Камолиддин Беҳзод ҳам ва бошқа ақл соҳиблари ҳам ўша тунда пойтахтда бўлмагандилар. Шаҳзоданинг хуни учун унинг ортидан яна неча кишининг боши танидан жудо қилинди. Аммо бу тадбирлардан энди бирор наф бўлмаслиги аён эди.

...Ўтмишда салтанат ва шеъриятни ёнма-ён қўйиб, бир қўлида қилич, бир қўлида қалам тутган ҳукмдорлар кўп ўтган. Хусусан, Темурийлар тарихида табъи назмга ошуфта бўлган тождорлар кўплаб учрайди. Ушбу сулола вакиллари орасидан кўплаб нозиктаб шоирлар етишиб чиққан. Ҳусайний тахаллуси билан шеърлар битган Хуросон ҳукмдори, Темурийлар сулоласининг вакили Султон Ҳусайн Бойқаро ана шундай подшоҳлар қаторидан ўрин олганди. Аммо нечун у бундай қабиҳ қарорга имзо чекди? Бу майпарастликнинг натижаси, кекса шоҳнинг қариган пайтида Оллоҳ томонидан берилган жазосимиди? Саволлар бисёр, бироқ жавоб эрса йўқ. У бошқа кўплаб Темурий шаҳзодалар каби болалигидан, тантиқ бўлиб улғаймагандику. Нечун унинг тақдирига бу ёзуғлар битилган экан? Султон Ҳусайн улуғ салтанат соҳиби Амир Темурнинг эвараси бўлиб, мелодий бир минг тўрт юз ўттиз саккизинчи йил

муҳаррам ойида Ҳиротнинг шарқи-шимолидаги Давлатхона даҳасида дунёга келганди. Унинг отаси Ғиёсиддин Мансур Бойқаро Мирзонинг учинчи ўғли эди. Бойқаро Мирзонинг отаси эса Амир Темурнинг иккинчи ўғли Умаршайх, онаси Ферузабегим эса ота томонидан Амир Темурнинг катта қизи Ўғи Бегихонимнинг ўғли Султон Ҳусайн Мирзонинг қизи бўлиб, Феруза бегимнинг онаси Қутлуғ Султонбегим эса Амир Темурнинг учинчи ўғли Мироншоҳ Мирзонинг қизи эди. Дарҳақиқат, Ҳусайн Бойқаро "каримут-тарафайн", яъни ҳар икки томондан ҳам насаби Амир Темурга бориб тақаларди. Шундай экан, шубҳасиз, адолатпешалик унинг қонида мавжуд эди. Унинг ҳаётини, саркардалик салоҳиятини яхши билган ёш бўлса-да юксак иқтидор эгаси бўлган яна бир Темурий шаҳзода Заҳириддин Муҳаммад Бобур шоҳ тўғрисида ўз фикрини айтганди. Бобур майпарастликка ортиқча берилиш қандай оқибатларга олиб келишини Ҳусайн Бойқаро ва унинг ўғиллари мисолида яхши биларди. Эътиқоди мустаҳкам, қатъиятли шахснинг бу қадар майпарастликка кўнгил қўйишига нима сабаб бўлди, деган савол унинг қалбида доим тугун бўлиб турарди. Ҳали ёш бўлишига қарамасдан ҳаётнинг кўп аччиқ кўргуликлари бошига тушган Бобур жами машаққатларини сабр билан енгарди, қанча хиёнатларни кечиришда ўзида куч топа олди, қанча мағлубиятларда букилмаган иродаси наҳотки, шу нафсини енгишга келганда ожизлик қилса? У йўқлик ёки тўқликдан эмас, балки ҳаётдан зериккан, бекор қолган вақтларида ўрганган кўнглига қарши боролмасди. Шиддатли курашларда, қизғин ижод билан машғул онларида бу балога яқин ҳам келмасди, хаёлига ҳам келтирмасди. Қанчалик қийин бўлмасин бу одатни тарк этишда ҳам намуна кўрсатди, сабр матонати, мустаҳкам иродаси ва соф иймони билан майпарастликка қарши туриб нафсини енгди, ундан ғолиб кела олди. Айни замонларда у ҳам шу салтанат можароларидан халос

бўла олмай, гоҳ Андижон, гоҳ Самарқанд, гоҳ Насафу Бухоро оралиғида қўним топа олмай сарсонлиғда ҳаёт кечирмоққа мажбур. Бу борада ҳазрати Мир Алишер Навоий бир ўринда айтганидек, "тўқайдаги йўлбарсни енган кимса баҳодир эмас, балки ўз нафсини енган кимса баҳодир саналур" . Энди қайси бир киши Ҳусайн Бойқарони кўз олдига келтирар экан Алишер Навоий билан бир замонда яшаган, унинг билан ҳар лаҳзада маслакдошликда бўлган, аммо маишатга, айш-ишратга муккасидан кетган, буюк шоирнинг меҳру-муҳаббатига сазовор бўлган, бироқ ўзининг зукко набираси Мўмин Мирзонинг ўлимига сабабчи бўлган ҳукмдор гавдаланади. Аслида ҳам шундаймиди? Агар ҳақиқатни тан олиш керак бўлса, Темурий Ҳусайн Бойқаронинг ҳукмронлик қилган даврда Хуросон фуқаролари бирмунча осойишта ва фаровон ҳаёт кечирмоқдалар. Айниқса, унинг вазири, дўсти Алишер Навоийнинг саъй-ҳаракатлари натижаси ўлароқ, мамлакатда йирик сув иншоотлари, маъмурий ва маданий қурилишлар, мадраса, масжид, карвонсарой, работлар, кўприклар ва шу каби қурилиш ишлари кенг кўламда олиб борилган. Бу эзгуликларнинг яратилишида, албатта, иккала дўстнинг фикрлари бир жойдан чиққанлигини тан олмасликнинг асло иложи йўқ. Шу боис Султон Ҳусайн Бойқоронинг ҳукмронлик даврида Ҳирот фан ва маданият марказига айланди. Бу даврда илму фаннинг барча жабҳаларида қалам тебратган билимдон олимлар, сўз усталари, адиблар, шоирлар, мусиқашунослар, ҳунарманд наққошлар ва мусаввирлар Ҳиротнинг довруғини жаҳонга машҳур қилдилар десак хато эмас.

Султон Ҳусайн Бойқаро Хуросон музофотида, айниқса, Ҳиротда диний ва маданий-маиший биноларни кўплаб қурдирди. Бу қурилишларнинг асосий мутасаддиси, албатта, Алишер Навоий бўлди. Шунингдек, шоҳнинг яқин кишилари ҳамда бек ва амирлари ўз номларини абадийлаштириш

мақсадида масжид, мадраса, работ, кўприк, ҳаммом ва шунга ўхшаш қурилишлар билан шаҳар кўркига кўрк қўшишга айни замонда ҳам ҳаракат қилишмакда. Чунончи, Султон Ҳусайн Бойқаро Гозургоҳ яқинида ўз номига мадраса, Ҳирот ташқарисида "Боғи байт ул-имон" ва " Боғи Хамса оро"ни барпо этган. Султон Бадиуззамон Мирзо номи билан аталувчи "Мадрасаи Бадиа" ҳам Султон Ҳусайн Бойқаро бино қилдирган улкан обидалардан биридир. Шунингдек, Алишер Навоий ҳам ўз ҳисобидан "Сафоия" номли ҳаммом ва "Шифоия" номли касалхона ҳамда бошқа кўплаб бинолар қурдирган. Хуросонда қирққа яқин йирик иншоотлар Султон Ҳусайн Бойқаро раҳнамолиги остида вужудга келган ва Ҳиротга теварак-атрофдан олимлар, шоирлар, адиблар, рассомлар, хаттотлар, мусиқачилар ва бошқа ҳар хил ҳунар аҳли кириб кела бошлаган. Жумладан, айни даврда табиб Ҳусайн Жарроҳ ичакни кесиб даволашда чумолидан фойдаланиш усулини ихтиро қилди. Устод Саййид Аҳмад ғижжакий, устод Шодқули Ғижжакий, устод Қулмуҳаммад Удий, устод Ҳусайн Удий, устод шайх Ноийлар Хуросонда ном чиқарган етук мусиқашунос алломалар бўлиб чиқдилар. Наққошлик ва хаттотлик соҳасида Хожа Мирак Наққош, Мавлоно Хожа Муҳаммад Наққош ва буюк истеъдод соҳиби Камолиддин Беҳзодлар ўз маҳоратлари билан Хуросон фахри ҳисобланишларини эл-улус тан олди.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур ўз фикрларида Ҳусайн Бойқаро қўл остидаги олимлар, фозиллар ва шоирлар ҳақида гапириб, уларнинг саромади мавлоно Абдураҳмон Жомий, шунингдек, Шайхим Суҳайлий, Ҳусайн Али Туфайлий, Осафий, Биноий, Сайфи Бухорий, Мир Ҳусайн Муаммоий, Мулло Муҳаммад Бадахший, Юсуф Бадиий, Оҳий, Шоҳ Ҳусайн Кеший, Ҳилолий Аҳлий, Муҳаммад Солиҳ ва бошқаларни тилга олганди. Ҳусайн Бойқаронинг яна бир хайрли иши шуки, у туркий тилнинг тақдирига бефарқ бўлмади, унинг ривожи учун

қатор чора-тадбирларни амалга оширди. Ёзма туркий тилни ривожлантириш, шу тилда ижод қилишга доир махсус фармон чиқарди. Бу дадил қадам мамлакатнинг сиёсий, ижтимоий ва маданий ҳаётида катта воқеа бўлгани, шубҳасиз. Бу тадбирларни ҳам Навоий ва бошқа илм аҳли вакиллари фахр билан эътироф этадилар. Ҳусайн Бойқаро форсий ва туркий тилларида ғазал битиш иқтидорига эга бўлса ҳам асосан туркийда "Ҳусайний" тахаллуси билан самарали ижод қилиб келмоқда.

Хуросон ҳудудини ички ва ташқи душмандан тозалагач, Султоннинг бир фурсат беғамликка, айшу-ишратга берилган вақтлари ҳам бўлди. Ҳукмдорнинг айни вақтдаги йиллари эса мамлакат ичида вужудга келган исёнларни бостириш билан ўтмоқда. Бу исёнлар ўз ўғиллари тарафидан мулк талашиб, кўтарилган низо ва можаролардан иборат. Аммо шунга қарамай, у қўлидан келганча мамлакатда адолат ва осойишталикни, илм-маърифат ва маданиятни равнақ топтиришга ҳаракат қилиб келмоқда. Албатта, буни тан олиш керак.

Салтанатда айни дамда пайдо бўлган вазият эса қирғинбарот жанглар бошланиб кетишига сабаб бўлиши мумкин. Шаҳзода Мўмин Мирзонинг фожеали ўлими туфайли салтанатнинг инқирозга юз тутиши кўриниб қолмоқда. Ўзининг қабиҳ ишидан изтиробда қолган Султон Ҳусайн нима қиларини билмасдан жафо чекарди. Дилбандидан ажралиб қолган Бадиуззамоннинг ноласи кўкларни қучиб ётибди..

– Не тадбир қилсак маъқул кўринадир, устоз, – деди Мир Алишерга Камолиидин Беҳзод кўзларига ёш олиб. – Султон ҳарамдин чиқа билмай беморликка дуч келиб ётиб қолганмишлар. Беҳзод ҳам, Навоий ҳам Султоннинг бу ҳолидан қаттиқ изтироб чекаётгандилар.

– Бул сифат дилсиёҳлиғлар ҳам бор эркан. Не тадбир қилмак борасинда фақир ҳам бош қотирадирман. Бир томондин ёш хазон бўлғон шаҳзода учун дилим куядир, иккинчи бир томондин

бу умрнинг пасту-баланд йўлини қўл ушлашиб бирга кечган дўстимға жоним ачийдир. Кишилар демишларки, валиаҳд шаҳзода Мўмин Мирзонинг ўлими сабабли Навоий ва Бойқаро муносабатлари батамом якун топадир. Ахир Камолиддин, саройдаги фитналар, айрим калтафаҳм амалдорларнингу, вазирларнинг қутқуси туфайли дўстим Ҳусайн Бойқаро мени бир муддат саройдан узоқлаштиргани, Астрободга ҳоким этиб тайинлагани ҳам айни ҳақиқат. Бироқ ташқи таъсирлар, сарой аҳлининг қутқулари биз икки дўст орасига кучли нифоқ уруғини эка билган эрмас. Мен ҳар қандай вазиятда ҳам шоҳни тўғри тушундим, унинг қилғон эзгу ишларидан, эл-улуснинг бошида соябон бўлғонлигидин кўз юммадим. Мен асло қилғон ишимни миннат қилмакчи эмасман, акс ҳолда, кўплаб асарларимда ўз қадрдон дўстим учун алоҳида боблар ажратмаган, унинг инсоний фазилатларини сидқидилдан эътироф этмаган бўлур эрдим.

– Рост айтадирсиз устоз. Айни дамда сизу биз масаланинг моҳиятиға бир томонлама ёндошсак адолатдин бўлмас.

– Шаҳзода Мўмин Мирзонинг хоинларча ўлдирилиши, бу машъум қатлга Ҳусайн Бойқаронинг мастлик ҳолатида муҳр босиши менинг ҳам қалбимни ўртамакда. Зотан, ёш шаҳзоданинг иқтидори, ақл-идроки бу фақирни бағоят қувонтирарди. Мен бу машъум фожиада султоннинг айби йўқлигини яхши тушунадирман. Султоннинг энг катта айби кейинги пайтларда ичкиликка маишатбозликка, қаттиқ берилгани. Бу масалада мен шоҳни ўзим тўғри йўлга солишга уринганим, имкон даражасида уни турли нуқсонлардин асрашга ҳаракат қилганимга Яратган гувоҳлик қиладир. Ичкиликдан ўзга иллатлардан холи бўлган, умрини поклик, эл ғами билан кечирган мутафаккир, қалам соҳибини мен бир банда сифатинда не деб гуноҳкор қилайин....?!

– Мусаввир ва шоирнинг суҳбатлари асло якун топмасди.

Иккалалари ҳам маҳзун дилпора эдилар. Бироқ Мўмин Мирзонинг ўлими қанчалар қайғули бўлмасин, ҳазрати Навоий ушбу нохушликни тақдир тақозоси сифатида қабул қилди ҳамда бу фожиа учун Султонни айблаб, унинг пушаймонликда адо бўлаёзган қалбига наштар санчмади. Аксинча, бу иш Ҳақнинг иродаси эканини айтиб, Султонга далда берди. Юзма-юз кўришишга юраги бетлай олмаган, изтиробга тушган Мир Алишер дўстига мактуб ёзди:

"Жиғарсўз ҳодисаким, истимои кўзга мужиби хунборлиқ ва ғамандўз воқиаким, иттилои жонға боиси афғорлиғ эрди – етишти. Кўз ашк тўфонидин баҳор ёмғуридек сели андуҳ оқизиб, жон ғусса фиғонидин найсон булутидек ўкурмак оғоз қилди... Аммо "Кулли нафсун зойиқат ул–мавти" шарбатидин ҳеч мутанаффас маоф ва "кулли ман ал - айҳа фана" хилъатидин ҳеч кимарса халос эрмас. Сабрдин ўзга чора ва таҳаммулдин ўзга тадбир топилмас". Навоий бу қисқача мактубга ушбу рубоийни ҳам илова қилди:

Гул борди эса, чаман муаттар бўлсун,
Шамъ ўчти эса, қуёш мунаввар бўлсун,
Шаҳзодаға гар равза муяссар бўлди
Султонға жаҳон мулки мусаххар бўлсун.

Шоҳ ва шоирнинг мустаҳкам дўстлигига ҳеч бирор куч раҳна сола олмасди. Юқорида биз айтиб ўтган бу икки биродарнинг дўстлигига энди футур етди деб ўйлаганлар ҳам бармоқларини тишлаб қолавердилар. Шу сабабли шоир "Мажолис-ун-нафоис" тазкирасининг саккизинчи мажлисини айнан Ҳусайн Бойқарога бахшида айлади. Муаллиф бу асарда султоннинг шеърий иқтидорига баҳо бераркан, унинг шеърларидан бир қанча намуналар келтириб фикрини асослади. Ҳар бир байтни таҳлил қилиб, ундаги бадиийликни, нафосатни кўрсатади. Мазкур бобда шоир Ҳусайн Бойқарони "Салтанат баҳрининг дурри яктоси ва хилофат сипеҳрининг хуршеди жаҳонороси, саховат

ҳавосининг абри гуҳарбори ва шижоат бешасининг ҳузабр шикори, адолат чаманининг сарви сарбаланди ва мурувват маъданининг гавҳари аржуманди, кўшиш размгоҳининг Рустами достони ва бахшиш базмгоҳининг Ҳотами замони, фасоҳат илмининг нукта бирла сеҳрсози ва балоғат жаҳонининг диққат била муъжиза пардози" сингари тавсифу ташбиҳлари билан самимийлик изҳор қилди. У "Ҳусайний" девонини таҳлил этаркан, алифбо тартибидаги ҳар бир ҳарф билан тугаган байтларга ўз муносабатини билдиради. Шоир туркийгўй шоирлар девон тартибида четлаб ўтадиган, чиғатой тилида кам қўлланадиган "се" ҳарфи билан ниҳояланадиган мисралар ҳам айнан Ҳусайн Бойқарода борлигини фахр билан эътироф этди ва ушбу байтни мисол қилиб келтириб ёзди:

Айлади ла`ли табассум, ғунчаи хандон эмас,

Доғини кўнглим қонатти лолаи нў`мон эмас,

Ҳусайн Бойқаронинг шеърий иқтидори ўз даврининг кўплаб тарихчи ва шоирларининг эътиборидан четда қолган эмасди. Ҳатто Мовароуннаҳр ва Хуросондан ташқарида ҳам Ҳусайн Боқаронинг шеърият аҳлига бўлган эътибори шуҳрат қозонган. Унга замондош ижодкорлардан бири, Озарбайжон шоири Кишварий Навоий ва Ҳусайн Бойқаро ўртасидаги дўстона муносабатларга ҳавас билан қараганди:

Кишварий шеъри Навоий шеъридин эксик эмас,

Бахтина душсайди бир Султон Ҳусайни Бойқаро, – дея эътироф этганди у.

Яна бир иқтидорли ижодкор шундай фикр билдирди: "Султон Ҳусайн Мирзонинг замони ажаб замоне эди, аҳли фазл ва беназир элдин Хуросон, батахсис Ҳирот шаҳри мамлу эди. Ҳар кишинингким бир ишга машғуллуғи бор эрди, ҳиммати ва ғарази ул эрдиким, ул ишни камолға еткургай".

Ҳусайний шеъриятида дунёвий руҳдаги лирика анъаналарига, Алишер Навоий лирикасига таянгани кўзга ташланади. Айни

чоқда, унда ижодкорнинг шоирона шуури, бадиий ўткир нигоҳи рўйи рост намоён бўлади. Жумладан, настаълиқ хатида китоба қилинган “Девони Ҳусайний” фикримизга далил бўла олади. Китоб шоҳнинг замондош мусаввирлари томонидан кўчирилиб безатилди, саҳифаларига олтин зарралари сепиш билан гўзал ҳолатга келтирилди. Девонда ўта маҳорат билан билан ишланган тўртта миниатюра, нафис нақшлардан ҳосил қилинган иккита зарварақ, Ҳусайн Бойқаронинг турли даврларда битилган юз элликдан ортиқ ғазаллари тартиб қилинган. "Қиблатул-куттоб" Султон Али Машҳадий томонидан кўчирилган бу девон Камолиддин Беҳзод томонидан безатилди. Китоб ўзининг шоҳона бадиий безаклари, шакл-шамойили, нақш ва миниатюраларнинг бежиримлиги билан шарқ китобат санъатининг бебаҳо дурдонасига айланди. Шунингдек, бу китоб Темурийлар даври маданияти, хусусан, хаттотлик, тасвирий санъат ва ва китобат санъати хусусида муайян тасаввурни мангуликка муҳрлаган китоблар сирасидан ўрин олди. Ушбу нодир тўпламнинг тузилишида ҳазрати Навоийнинг муборак назари тушди. Мазкур тўпламдаги кўпгина ғазаллар айнан ул зотнинг тавсиялари ва кўрсатмаси билан таҳрир қилинди, тўлдирилди. Зотан Ҳусайнийнинг кўплаб ғазалларида Алишер Навоий ижодига ихлос ва унга интилиш яққол сезиларди. Вақт ҳакам дейдилар, кун-кундан Султоннинг аҳволи яхшилана борди. Саломатлиги тикланди. Бироқ мамлакат нотинчликка юз тута бошлади. Ички низоларку ўз йўлига, ташқи кучлар, хусусан, Шайбонийхон кундан-кун ўз кучига куч қўшиб бормоқда. Хусусан, унинг Хуросонга ҳам кўз тикиши эҳтимоли борлиги тўғрисида шоҳнинг қулоғига турли миш-мишлар келиб турибди. Энди шоҳнинг ёнида маслаҳат бериб турувчи, керак бўлганда унинг не хил муаммоси бўлганда ҳам кўмакка шошилган яқин дўсти Алишер Навоий йўқ. Тўрт йил бурун дўсти вафот этиб кетган. У ўғиллари билан жуда кўп

музокаралар олиб борди. Аммо бирор натижага эришгани йўқ. Саркарда Бобур билан ҳам Шайбонийхонга қарши уруш эълон қилишга келишиб олганди. Икки шоҳ бир-бирларига мактуб битиб бу ҳақда аҳд қилишганди. Лекин бир кун у баҳона, бир кун бу баҳона мазкур аҳд пайсалга солиниб келинмоқда. Шоҳ ҳозир хаёлга кетиб ўлтирибди. Дўсти Алишернинг ҳаёти бирма-бир кўз олдидан ўтмоқда. Шоҳ ўз-ўзига сўзлаб ўлтирарди:

Эҳ, бевафо дунё бу оламда инсоннинг шунчалик кўп ташвиши бўлар экан. Умр елдек оқиб ўтувчи хилқат ҳисобланаркан. Шоҳ бўла туриб, илкимда қанчалик имкониятларим бўла туриб, бу фоний дунёда шунчалар жабру-жафоларни кўрдим. Алишер билан бир ота-онанинг фарзандидек яшадим. Ораға фитнакорлар аралашди. Аммо, мен хато қилсам Алишер мени ва аксинча, Алишер хато қилса мен уни тўғри йўлга бошладим. Биз бир авлод фарзандлари, эмакдош эрдик. Буни раҳматли дўстим ўзи ҳам кўп бора эътироф этганди. Мана унинг иқрорлиги:

"Агарчи бу хоксорнинг ота-бобоси ул ҳазрат (Ҳусайн Бойқаро)нинг обо ва аждоди хизматларидаким, ҳар бири салтанат конининг гавҳари ва шужоат бешасининг ғазанфари эрдилар – улуғ маротибга сазовор ва бийик маносибга комгор бўлғон эрдилар". Дарҳақиқат, "Амир Алишернинг аждодлари қадим замонлардан улуғ амирлар қаторидан жой олган. Умаршайх Мирзо Амир Темурнинг иккинчи ўғли хонадони давлати даврида кўкалтошлик (эмикдош) даражаси эътибор қалами билан давр лавҳасига ёзиб қўйилган…". Буни мен эрмас мендин аввал ўтғон инсонлар эътироф этганлар. Бошқа бир ўринда унинг ўзи яна бошқачароқ эътироф этмишки, "Ота-онадин етти пуштға дегинча бу рафъи дудмоннинг бойири бандаси ва бу васиъ остоннинг мавруси туғмаси, яъни бу хоназоданинг хонаводаси ва бу хонаводанинг хоназодаси".

Энди бу мавзуда ким биландир фикр юритмоқчи бўлинса

кунлаб баҳслашиш, неча кунлаб таҳлил қилиш мумкин. Бундан ташқари дўстим ҳазрати Навоийнинг сўнгги дамлари ҳам айнан фақирнинг ёнида кечди, ўзи беморлигига қарамасдин олис сафардан қайтаётганимда, мени кутиб олишга чиққани, шаҳар ташқарисида мени эҳтиром ила қарши олгани ва шу ерда тақдир тақозоси билан Ҳаққа омонатини топширгани қалбимизнинг ягона, жипслиги эрмасму? Во ажабо сўнгги нафасда ҳам у менга садоқатли эканлигини намойиш қилди. Табибларга тез ташхис қўйиш ва эмлашни амр этдим. Аммо Алишер Яратганнинг изни ила кўзларини менга тикиб ётганча мангулик сари юзланди. Шоҳ хаёлан шу фикрларни юрагидан ўтказар, кўзларидан оқиб юзларини юваётган шашқатор кўз ёшларини асло тийиб ола билмасди. Шоҳнинг бунчалик таъсирланишининг сабаби бор. Салтанатга Шайбонийхон хавф солмоқда. Шоҳ айни дамда унга қарши юриш қилишни ҳам, фарзандлари шаҳзодаларнинг бошини бир ерга йиғиб маслаҳат беришни ҳам била олмай боши хам бўлиб ўлтирибди. Унинг ёнида эса Камолиддин Беҳзод, Султон Али Машҳадий ва бошқа тўрт-бешта аъёнларидан бошқа ҳамфикр йўқ. Уларнинг эса ҳарбий юришлар борасида маҳорати йўқ. ... Шоҳнинг хос хонасида кенгаш қилишга келишилганди. Йиғилганлар барчаси масаланинг моҳияти нимада эканлигини англайдилар.

– Биродарлар барчангизга маълумки, Моворуннаҳрдан Шайбонийхон бизнинг салтанатимизга таҳдид солмак фикринда от суриб келмоқда. Биз унинг бу ҳаракатига қўл қовуштириб туришимиз жоиз эрмас. Бунинг учун аввал жипслашмоғимиз жоиз эканлигини яхши онглаб турибман. Қани шаҳзодалар мана шу аъёнлар қошида бир тан-бир жон бўлиб ёғийга қарши турмакка сўз берингиз.

– Биз барча ўтган гина-кудуратларни унутдик, оғамиз Музаффар Ҳусайн била бир куч бўлиб жипслашадурмиз. Бундин кейин бирор лаҳза бўлмасин ўзаро ёвлашмасмиз.

Падари бузрукворимиз не маслаҳатни жоиз кўрсалар биз учун амал қилиш шубҳасиздир. Сўзларимга муқаддас Каломмулло шоҳид бўлсин, – деди Бадиуззамон.

Унинг бу гапини ҳамма кутганди, аммо энг сўнгги гапи Қуръони карим номидан онт ичмоғини ҳатто отаси ҳам хаёлига келтирмаганди.. Шу билан мажлис тугагандек бўлди. Аъёнларнинг ҳам кўнгиллари сал таскин топди. Бу ҳодиса рўй бергани милодий бир минг беш юз олтинчи йил баҳори эди. Султон Ҳусайн Бойқаро хасталигига қарамай Хуросон қўшинини йиғиб, Муҳаммад Шайбонийхонга қарши Мовароуннаҳр ҳудудига қараб йўл олди. Икки кун йўл юриб Бобо Илоҳий мавзеига етганда шоҳнинг аҳволи оғирлашиб, қўшинни тўҳтатишга фармон берди. Шундай қилиб, тақдири азалнинг ихтиёри билан милодий бир минг беш юз олтинчи йил бешинчи май душанба куни кечқурун салтанат соҳиби Абулғозий Султон Ҳусайн Мирзо Бойқаро сактаи қалб касали билан олтмиш тўққиз ёшида оламдан ўтди...

****

Абулхайрхоннинг набираси, Будоқ султоннинг ўғли Шайбонийхон шайбонийлар сулоласининг асосчиси ҳисобланади. Туғилганда унга икки исм - Муҳаммад (арабча) ва Шайбонийхон (форсча) исмлари қўйилган. Бобоси Абулхайрхон эса набирасига Шоҳбахт деб лақаб қўйган. Шайбонийхон ғоят катта жисмоний кучга, ҳарбий ташкилотчилик қобилиятига эга саркарда эди. Шайбонийхон ёлланма қўшин бошлиғидан хон даражасига кўтарилган тарихий шахсдир. У нафақат саркарда балки, Шоҳбахт, Шойбоқ, Шебони, Шоҳибек, Шайбоний тахаллуслари билан ғазал, рубоийлар битган кўзга кўринган шоир ҳамдир. Унинг адабий мероси туркийда битилган бир нечта ғазал, рубоийлари бир неча китобларни ташкил қилган. Жуда ёшлик пайтида отаси Будоқ султон ҳам, онаси Қўзибегим

ҳам вафот этишганди. Шу сабаб отасининг собиқ хизматкори Қорачабек уни ўз оиласида тарбиялайди. Улғая бошлагач Шайбонийга Туркистон ва Ўтрор ҳукмдори Муҳаммад Мазид Тархон ҳомийлик қилиб, тарбиялайди. У Бухоро мадрасасида ўқиб савод чиқарганди.

Орадан йиллар ўтиб Шайбонийхон Дашти Қипчоққа қайтиб бориб лашкар тўплашга муваффақ бўлганди. У буюк давлатни тиклаш йўлида хатти-ҳаракатни дастлаб ўз қўшини билан Темурийларга ёлланма қўшин лашкарбошиси сифатида хизмат қилишдан бошлаган. Дастлаб Шайбонийхон парчаланган Амир Темур давлатининг шимолий чегарасида ноиблик қилган ўзининг эски маслакдоши Мазид Тархоннинг қароргоҳига бориб унга бош эгди.

– Шоҳи кабир фақир сизнинг хизматингизга кириш иштиёқи билан келдим. Мени тарбият этдингиз. Ёнингизда юрсам, албатта, сизга кўмак беришга ҳозирдурман.

– Яхши, дуруст. Садоқат бирлан бизға камарбасталиқ қилсангиз кам бўлмайсиз.

Аммо бу воқеадан кўп ўтмай туриб Мазид Тархон тезда Шайбонийхонни ўз ҳокимиятига хавф солиши мумкинлигини англаб етди. Сўнгра унга қарши нозик бир тадбир ишлаб чиқди. Натижада, Шайбонийхонни Бухоро ҳокими Дарвиш Муҳаммад Тархон ҳузурига жўнатиб юбориш орқали ундан қутулади.

– Шаҳзода, – деди бир кун Шайбонийхонга Мазид Тархон. – Сизнинг келажагингиз дурахшон бўлмоғи учун мен бир тадбир ўйлаб қўйдим. Бухоро ҳокими Дарвиш Муҳаммад сизни яхши билур эркан. Балким орқаворотдан сизнинг эпчиллигингизни эшитган чиқар. У менга мактуб битиб, сизни ўзининг хизматига киришингизни ўтиниб сўради. Кўп йиллик қадрдонлиғимиз ҳаққи мен йўқ дея олмадим. Бу ҳақда ўзингизнинг фикрингизни эшитмаган эрсам-да, ўйлашимча агар Бухорога борсангиз хато бўлмас.

– Улуғларнинг сўзини ерда қолдирғон униб-ўсмағай, – деди Шайбонийхон сохта табассум билан. Чунки унинг Бухорога кетишдан бошқа йўли йўқлигини ўзи ҳам яхши англарди. Дарвеш Муҳаммад ростдан ҳам Шайбонийхоннинг эпчиллигини биларди ва у бешак бундай саркарданинг ёрдамига муҳтож эди. Узоқ йиллар давомида Шайбонийхон хизматидан бошқа ҳукмдорлар ҳам хийла фойдаланганлар. Шайбонийхон ўз қўшини билан Мўғулистон, Мовароуннаҳр ҳамда Хоразм ҳукмдорларига хизмат қилиб, уларнинг ғанимларига ва ички рақибларига қарши курашиб келган, жангу-жадалларда пишиққанди. Бу курашларда Шайбонийхон ўзининг моҳир лашкарбошилик қобилиятини намоён қила олганди. Муҳаммад Дарвеш Мазид Тархонга ёзган мактубларида Шайбонийхон ҳақида “ўз халқи ва қавмидан ажралиб кетган одамлар, тахт учун курашда енгилса-да, аммо ўз ҳуқуқидан воз кечмаган ва ўз тарафдорларига бошчилик қилиб, мухолифлари билан қулай фурсат пойлаб курашадиган сулола вакили” деб атаганди. Турли ҳукмдорларга хизмат қилиш Шайбонийхонга Темурийлар давлатидаги вазиятни яхши билиб олишига имкон берди. Шу билан бирга у ўзининг шахсий бойликларини ҳам орттириб борди. Мовароуннаҳр ҳукмдорлари ва зодагонлари унинг хизматидан энг кўп манфаат кўриши натижасида Шайбонийхон Мовароуннаҳр зодагонлари орасида машҳурликка эришиб бўлганди. Шайбонийхон кўчманчи Ўзбеклар давлатини қайта тиклаш йўлида кураш олиб борган, бироқ "ўзбек-қозоқ" қабилалари томонидан беаёв қаршиликка дуч келган. Шунга қарамасдан у бобоси Абулхайрхон вафотидан сўнг пароканда бўлган қабилаларни бирлаштирди ва беаёв қонли урушлар натижасида бундан ўттиз йиллар аввал аниқроғи бир минг тўрт юз саксонинчи йилда кўчманчи Ўзбеклар давлатини қайта тиклашга муваффақ бўлди. Шундан етти-саккиз йил вақт кечиб эса, у Сайрам, Ўтрор ва Туркистон шаҳарларини ҳамда

қўрғонларини эгаллаб, Мовароуннаҳр яқинида мустаҳкам ўрнашиб олди. Бу қўрғонлар келгусида унга Мовароуннаҳрни истило қилиш учун таянч вазифасини ўтай олдилар. У бир минг тўрт юз тўқсон еттинчи йилда Мовароуннаҳрга ўзининг дастлабки юришини уюштирди. Аммо катта куч билан Самарқандга юриш қилган саркарда шаҳарни қўлга киритолмасдан, Қарши ва Шаҳрисабзга ҳужум қилиб катта ўлжа билан қайтиб кетди. У қайтадан яна курашга бел боғлади ҳамда бунинг натижасида Мовароуннаҳрни қисман забт қилишни бошлади. Бир минг тўрт юз тўқсон тўққизинчи йилда у Бухорони жангсиз ва бир йил ўтиб, Темурийлар давлатининг пойтахти бўлмиш Самарқандни эгаллашга муваффақ бўлди ва Темурий ҳукмдор Султонали Мирзони қатл эттирди. Икки йилдан кейин эса Бобур Мирзони Кўҳак дарёси бўйидаги жангда енгиб, Самарқандда узил-кесил ўрнашиб олди ва катта қўшин тўплаб, бутун Мовароуннаҳр ҳудудларини эгаллаш учун тайёргарлик кўра бошлади. Қишнинг қировли совуқ кунлари. Бобур Самарқанд қалъасини ичкарисидан беркитиб олган. Самарқанд қалъасини Шайбонийхон қамалга олганига қарийб икки ой вақт кечмоқда. Хонаи хосда ёлғиз ва хаёл оғушида қолган шоҳ Бобур сукутда ўлтирибди. Кўҳак дарёси яқинида кечган тўқнашув аёвсиз бўлди. Яхши тажрибага эга, ёш забардаст Бобурга тақдир кулиб боқмади. Мана, икки ойга яқин вақт кечмоқдаки..... Бошини икки қўли орасига қўйиб ўлтирган шоҳнинг ёнига эгачи сингли кириб салом берди:

– Ассалому-алайкум, иним Бобуржон!! – Хастаҳол ҳолатда сўз қотди Хонзодабегим.

– Во-алайкум ассалом. Келинғиз бегим. Бобур шитоб билан ўрнидан турди ва ўзини хушҳол кўрсатишга уринди. – Сиҳатингиз жойиндаму, бегим?

– Оллоҳга шукур. Бир нави. Хонзодабегимнинг овози пасайгандек бўлди. Рўмолининг учи билан кўз ёшларини

артди. – Тун-кун дуойи жонингизни тилайдирман, иним. Ёғийнинг хуружи кундин-кун ортадир. Гўдаклар ҳам қийналиб кетдилар. Баттол Шайбонийхон жонингизга қасд қилмасин деб куйманадирман...

– Илкимизда қиличимиз бор. Танимизда жонимиз. Оллоҳ бизға ҳам бир марҳаматини кўрсатғувсидир, ташвишланмангиз. Хавотирланмакка ҳожат йўқдир.

Бобур бу гапларни шунчаки таскин бериш учун гапирмоқда эди, аслида аҳвол жуда ҳам танг. Вазият жуда ёмон эди. Икки кун олдин Шайбонийхон хабарчи юбориб, агар эгачиси Хонзодабегим унга никоҳланишига рози бўлса, жони омон қолиб Самарқандни тарк этиши мумкинлигини билдирган. Йўқса.... Айни дамда унинг ҳоли қафасга тушиб қолган қуш мисолидек бўлғай. Бошқа вақт бўлганда-ку қалъага бу нохуш хабарни олиб келган чопарни тилка-пора қилдирарди. Бироқ вазият бу жаҳлдорликни кўтармайди. У элчига тайинли бир жавоб айтмасдан чиқартириб юборди. Опасини юзига қарай олмаган Бобур уф тортди. Яна орага сукунат қўнди.

– Мен тақдиримга кўндим иним, – деди сўнгра Хонзодабегим.

Бобур опасига ўткир нигоҳ билан қаради. У Шайбонийхоннинг шартини опам билмайди деб ўйлаганди.

– Бу не деғонингиз бегим? Тақдирингизға не бўлибдир?

– Шайбонийхоннинг шартини қабул қилингиз. Сулҳ тузинг. Жонингиз омон қолсин. Мен ўлмасмен..... У ҳўнграб йиғлаб юборди.

– Асло, бундай бўлиши мумкин эрмас, бегим. Асло, эй, Оллоҳ сенға не ёзуғим бор эрдики, бунчалиғ шармисорлиғни менга раво кўрдинг? Илкимда қилич бирлан росту мустақим анинг ўрдусиға чиқадирман. Ёвга қарши тик бормоқ бирлан шаҳид кетмоқлиғ ҳам Яратғонға хуш келмишдир.

– Йўқ, Бобуржон. Бундай қила кўрманг. Ортимиздағи термулиб, сиздин ҳуррият кутиб турғон бандаларнинг

гуноҳлариға қолмангиз. Шундай деб Хонзодабегим хонани тарк этди. Эртасига эрталаб эса, Бобурга эгачисининг Шайбонийхон ҳузурига бош эгиб борганлиги хабари етиб келди....

– Тақдири азалдин ҳеч ким қочиб қутула билмабдир, шоҳим, – деди унинг хос навкарлари сардори Қосимбек. Энди оҳ чекмакдин фойда йўқ. Амр этингиз саройдин тезроқ чиқайлик. Умид бирла Оллоҳға илтижо қилган бандасиға меҳрибон Эгам ўзи ўнг кўз билан назар солур. Ҳаммаси яхшиликкадир. Ҳали ҳаётингиз олдиндадур. Равшан кўринур.

– Эшитган қулоқ не дейдир Қосимбек? Ахир ўз эгачисини гаровга қолдирибдир деган санги маломат...бу гапни кўтармак мен учун беномуслиғдир.

– Худо кўриб турибдир бул ишға сиз қарши бўлғонлигингизни. Начора, ба тақдири Худо дерлар. Шундай қилиб, Бобур хос кишилари билан шаҳарни тарк этиб, Самарқанддан чиқиб кетди...

Шайбонийхон бир минг беш юз учинчи йилда Сирдарёнинг юқори томонига юриш қилиб, Маҳмудхон, Аҳмадхон ва Бобур бошчилигидаги мўғуллар, уларнинг иттифоқчилари бўлган қалмоқларнинг бирлашган кучларига дуч келди. Архиён шаҳри ёнида бўлган шиддатли жангда уларни тор-мор келтириб, Тошканд ва Шоҳрухия шаҳарларини ишғол қилди. Бу шаҳарлар ҳокимлигига амакилари Кўчкунчи султон билан Суюнчхўжани тайинлади. Бир минг беш юз тўрттинчи йил баҳорида Фарғонани ишғол қилди. Самарқанд шаҳри - Шайбонийхон давлатининг пойтахти этиб белгиланди. Шундан сўнг Шайбонийхон ишғол қилган ҳамма вилоятларга қариндош уруғларидан ёки ўзбек уруғларининг юқори табақа вакилларидан ҳокимлар тайинлади. Шайбонийхон ўша йилда Мовароуннаҳрда ўз аҳволини яхшилаб олганидан кейин Хусравшоҳ ҳукмронлик қилиб турган Қундуз шаҳрини бўйсундирди, сўнгра Хуросон ва Хоразм ҳамда Султон Ҳусайн Бойқаро давлатини забт

этишга ҳозирлик кўрди. Бухородан Хоразмга юриш бошлади. Ўн ой давом этган қаттиқ ва шиддатли қамалдан кейин бир минг беш юзи бешинчи йилнинг август ойида Урганч эгалланди. Ўша йили кузда Шайбонийхон қўшинлари Хуросон тупроғига бостириб кириб, Маймана ва Фарёбга етиб борди. Икки йил оралиғида эса Балх ва Ҳиротни ишғол қилди. Хуросонда янги салтанат ҳукм сура бошлади. Хон эса, бутун қўл ости ҳудуддаги зиёли, илмли кишиларга катта эътибор қаратди. Илм аҳлини Самарқандга йиғди. Шундан сўнг Ҳирот ўзининг иқтисодий, сиёсий ва маданий марказ сифатидаги нуфузини йўқотди. Аммо, Хуросоннинг бўйсундирилиши билан амалда Муҳаммад Шайбонийхон бутун минтақани ягона бир марказ – Самарқанд қўл остида бирлаштира олди. Бир минг беш юзинчи йил баҳорида Шайбонийхон Жони остоналарида Темурийларнинг сўнгги қўшинини тор-мор келтириб, уларнинг Мвароуннаҳрдаги барча илдизларига барҳам беради. Шу тариқа, у ўн бешинчи асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб Темурийлар амалга ошира олмаган вазифани бажара олди. Шайбонийхон руҳоний уламоларга катта ҳурмат, ҳатто хокисорона итоат кўрсатарди. Барча сафарларида ўз бўйи баробар мўъжаз кутубхонасини олиб юрар, Соҳибқирон Темур каби у ҳам Дамашқ ва Ҳалаб уламолари билан диний мунозараларда қатнашар эди. Қуръони каримнинг ояти карималари ҳақида Ҳиротнинг пешқадам тафсирчилари бўлган Қози Ихтиёр ва Муҳаммад Юсуфга эътироз ҳам билдирган эди. Шайбонийхонинг ислом дини борасида яхши билимга эга эканлигини ҳатто Бобур ҳам тан олади. Шунинг учун бўлса керак Шайбонийхон ўзини чин мусулмонлар, яъни сунна мазҳабидаги мусулмонларнинг раҳнамоси ва уларнинг ҳимоячиси деб ҳисобларди. Шайбонийлар даврида яшаган олимлар, хусусан, шоир ва тарихчилар уни "Халифа ур-Раҳмон" ва "Имом аз-Замон" яъни "давр имоми" ва "Тангрининг ердаги

халифаси" деб улуғлайдилар. Бу ном Шайбонийхонга Ҳиротни забт этиб олган бир минг беш юз олтинчи йилда берилганди.

Шайбонийхон маориф ва маданият ҳақида ўз даврининг руҳидан тўла хабардор ва ҳатто маориф жиҳатидан олдинги Темурий шаҳзодаларнинг аксаридан кам эмас эди. Замонасидаги тенгдош шоирларнинг кўпларидан ортиқ даражада қалам соҳиби ҳам бўлган десак хато эмас. Чунки унинг шеърлари буюк бир иқтидор ва гўзал табиатга молик эканини, у ҳам туркий, ҳам форсий, ҳам арабий тилларда бемалол қалам тебрата олган. Султон Ҳусайн Бойқаронинг вафотидан кейин бир сиқим донга муҳтож қолган кўпгина уламолар Шайбонийдан паноҳ топдилар. У уламоларни хизматига олиб, муносиб вазифалар берди. Бухоро, Самарқанд, Тошкентда масжидлар, мадрасалар солишга амр этди. Ҳатто ҳарбий юришларда ҳам ўз атрофида бир неча уламоларни олиб юрган, шу сабаб илми бор кишилар унга доимо ҳурмат ҳамда садоқат кўзи билан қарашадилар.

Хон давлатни иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан мустаҳкамлаш йўлида қатор ислоҳотлар ўтказди. Биринчидан, у давлат бошқарувида суюрғол тизимини жорий этди, яъни забт этилган ҳудудларни бошқариш ишини ўз фарзандларига, қариндош-уруғларига, бирадарларига, қабила бошлиқлари бўлган султонларга инъом этиб борди. Хусусан, Балх - Султоншоҳга, Ҳисор - Маҳди ва Ҳамза султонларга, Андижон - Маҳмуд султонга, Қундуз - Аҳмад султонга, Ҳирот - Жонвафобийга, Марв - Қўбиз Найманга, Тошкент - Суюнчхожага, Хоразм - Кепакбий қушчига, Самарқанд ва Кеш Муҳаммад Темурга, Бухоро ва Қоракўл - Маҳмуд султонга, Туркистонни эса Кўчкунчихонга ҳадя этди.

Барча илм аҳли қатори машҳур мусаввир Камолиддин Беҳзод, Давлатшоҳ Самарқандий ҳам Шайбонийхон салтанатида хизмат қила бошладилар. Кунлардан бирида хон Камолиддин Беҳзод билан суҳбат қурди:

– Таъбир жоиз эрса айтиш мумкинки, сизнинг иқтидорингиз бутун оламга ёйилган десак ҳам ғалат эрмас. Мен сизга мусаввирлиқ санъатининг даҳоси деб баҳо қўйдим. Шарт-шароитингиз қай йўсинда? Мендин олдин қай йўсинда иш юритган эрсангиз энди ҳам шу фаолиятингиз тўхтамасин. Не мушкулот вужудга келса тортинмасдин сўзланғиз.

– Жаноби олийлари айни дамда бирор муаммо йўқ. Бироқ менинг мулоҳазам шундин иборатки, Хуросон, Ҳиротда маърифат масканлари аввалги ҳолига келса. Илму-урфон кишиларига эътибор қаратилса. Бўлиб ўтган ўзаро тортишувлар халқнинг тинкасини қуритди. Кўпгина ҳунар эгалари, ўқимишли уламо ва фузало кишиларнинг ўз касбларидин кўнгиллари совиб кетди. Балким, тарки ҳунар ва тарки хирад айлади. Аларни жамлаб боз ўз йўлига пешроҳ айласақ.

– Бу мулоҳазаларингизни ҳисобга олурмиз, айнан шунга ҳаракат қилмакдамиз. Шу суҳбат сабаб шоҳ ва Беҳзод ўртасида мустаҳкам алоқа ришталари боғланди. Мусаввир яна ғайрат билан ўз ишига машғул бўлди.

– Худойи муттакор сизни эл бошинда сарбонлиғингизни жовидон айласин. Доимо сиҳату саломатликда, тандурустликда мардум кориға камарбаста бўлингиз.

Наққош шундай эзгу тилакларни айтиб шоҳнинг ҳузуридан ташқарига чиқди. У Шайбонийхон хизматида ҳам сидқидилдан иш юритди. Ҳатто, Шайбонийхоннинг суратини чизди:

Тасвирда Шайбонийхон ҳашамдор кийимда ёнбошидаги лўла болишга суянган ҳолда тасвирланди. Унинг олдида ёзув ашёлари – қалам, сиёҳдон, китоб турганлиги хоннинг ўқимишли равшанфикр киши эканлигидан далолат беради. Оғзининг қимтилганлиги ҳамда қўлларининг керилиб туриши шоҳ жисмонан бақувват ва ўта салобатли кўринишда бўлганлигини ифодалайди. Хоннинг кийимида ўта ҳашамдорлик, қимматбаҳолик кўзга ташланса ҳам нақшинкор ҳолатда эмас.

Қўлигул мусаввир Шайбонийхонни шу тарзда тасвирлади. Суратга "Амали Беҳзод" деб имзо қўйилган.

Поёни кўринмайдиган кенг даштни сипоҳлар тутиб кетган. Тунда ёқилувчи машъалаларнинг алангаси осмонга ўрлаб зимзиё тунни гўё кундузга айлантириб юборганди. Эрон шоҳи, Сафавийлар давлатининг ҳукмдори Исмоил Сафавий ҳамда Шайбонийхон черики бир-бирига талпинган аждаҳолардек аёвсиз намоён бўлмоқда. Бир пасда ноғораларнинг баланд овози дашту саҳроларни қоплаб олди. Бу маскан Мурғоб дарёси яқинида бўлиб, бугун ҳал қилувчи жанг амалга оширилади. Бир минг беш юз ўнинчи йилда Таҳрирободда кечган ушбу жангда Шайбонийхон мағлубиятга учради, Эрон Сафавийлари Шайбонийхонни тириклай қўлга олишди. Шоҳ Исмоил буйруғига кўра, ўн иккинчи декабрь кунида унинг калласи олиниб, пўсти шилинди, пўсти ичи сомон билан тўлдирилиб, Сафавийларнинг Ғарбдаги душманлари бўлмиш Усмонли турклар ҳукмдори Султон Боязид II ҳузурига жўнатилди. Бу билан Сафавийлар қудратининг қанча эканлигини кўриб қўй демоқчи бўлишди чоғи. Шайбонийхоннинг бош чаноғига эса шоҳ Исмоил олтин қоплаб, базм-у жамшидларда унга май қуйиб, қадаҳ ўрнида фойдаланишни кўзлади ва шу ишини амалга ҳам оширди. Нақадар аянчли тақдир. Инсониятнинг бир-бирига нисбатан ўта шафқатсизлиги белгиси. Хоннинг бошсиз танаси эса Самарқандга олиб келиниб, Баланд Суфада дафн қилинган.

Шайбонийхоннинг ҳаёт тарихида эътиборга молик бир неча муҳим нуқта бор. У аввало, Мовароуннаҳрнинг ички кучларига таяниб юришлар қилди ва оқибатда чегараси Амударё доирасидан жуда узоққа чўзилган бир мамлакатни барпо этган буюк Соҳибқирондан кейингиси бўлди. Бундан кейинги жанговар йўлбошчилар, маҳорат ва ҳирслари қанчалик беҳад бўлсада, бу борадаги бахт-омадга эришолганлари

йўқ. Иккинчидан, шундан кейин Ўрта ва Ғарбий Осиёда қабилалар уруши қатъий тугаб битди. Ўзбеклар Турон яйловидан жанубий-ғарбга тушган қавмларнинг энг сўнгги қабиласи бўлдилар. Учинчидан, илк Аму ва Сирдарёнинг нариги тарафидаги мусулмонлар билан Ғарбий Осиёдаги дин қардошлари ўртасида жуда яқин бўлмасада, доимий бир алоқа мавжуд эди. Темурийларнинг инқирози ва ҳалокатлари билан бу алоқа батамом узилди. Шайбонийхон мамлакатда ер-сувни қайтадан тақсим қилиб, ер-сув ислоҳоти ўтказди. Кўчманчи қабила зодагонлари енгилган маҳаллий мулкдорлар мол-мулкини мусодара қилиш, сотиш, эгасиз қолган ерларни ўзлариники қилиб олиш йўли билан мулкларини кўпайтириб олдилар.

У мамлакат ичкарисида ижтимоий ҳаётни тартибга солишга имкон берувчи ислоҳотлар юритди. Кейинги ўн йил ичида солиқлар кўплигидан ва мулкдорлар жабр-зулмидан ер-сувларини ташлаб кетган хўжаликлар ерларини ишга тушириш масаласини кўриб чиқди.

Минбаъд, Шайбонийхон бир минг беш юз еттинчи йилда пул ислоҳотини ўтказди. Бунга кўра мамлакатнинг ҳамма катта шаҳарларида вазни бир хил - 5,2 грамм бўлган кумуш тангалар ҳамда мис чақа пуллар зарб қилиниб муомалага чиқарилди. Бу ислоҳот иқтисодиётни тартибга солиш ва савдо-сотиқни жонлантириш мақсадида ўтказилган эди. Ўз пайтида бу ислоҳот марказий ҳокимиятнинг сиёсий ва иқтисодий мавқеини кучайтиришга, маҳаллий ҳокимлар мавқеини эса кучсизлантиришга, деҳқонларнинг солиқ тўлаш имкониятини оширишга, давлат ва хон мулкини кўпайтиришга имкон берди.

Инчунун, Шайбонийхон таълим соҳасида ҳам ислоҳотлар ўтказди. Бу ислоҳотнинг ўтказилишига амалдорлар гуруҳини вужудга келтириш ва уларни жамиятнинг асосий таянчига айлантириш зарурати сабаб бўлди. Хонларга ва султонларга

барча соҳалар бўйича илмли, дипломатлик қобилиятига эга бўлган амалдорлар зарур эди. Ислоҳотга кўра, кўп босқичли ўқитиш тизими жорий этилди. Таълимнинг қуйи босқичи дабиристон ҳисобланди ва болага олти ёшидан таълим бериладиган бўлди. Дабиристонда икки йил ўқигач ўқувчилар мадрасага ўтказиларди. Мадрасада уч босқичли таълим жорий этилган бўлиб, унинг ҳар бир босқичида саккиз йилдан ўқитиларди. Шундай қилиб, ўқиш даври йигирма олти йилга чўзиларди. Бу эса бир инсон умрининг қарийб чорагига тенг деб ҳисобланса тўғри бўлади.

Шайбонийхон томонидан амалга оширилган бу каби ва бошқа тадбирлар ўз моҳиятига кўра марказий ҳокимиятни мустаҳкамлашга, ўзбек хонлари ва беклари ҳукмронлиги кучайишига хизмат қилди.

Хуросонда яна нотинчлик, мусофирлик азоблари

Темурийлар салтанати инқирозга учрагандан кейин Туронда ҳам, Хуросонда ҳам ҳали бирор Темурий саркарда ўзининг мустаҳкам салтанатини ривожлантира билмади. Тинимсиз курашлар ичида юрган саркарда Мирзо Бобур бир қадар ҳаракатлар билан ўз салтанатини сақлаб турибди. У учинчи бора Самарқанд тахтини бой берганидан кейин бир жойда муқим салтанат ўрната билгани йўқ. Гоҳ Қобул, гоҳ Ҳирот, гоҳ Ғазнада туриб салтанат бошқаради. Шунга қарамасдан у доимо илм аҳли шоиру ҳунармандлар билан яқин мулоқотини ҳеч вақт тарк этмайди. Шайбонийхоннинг ўлими Мовароуннаҳр ва Хуросонда яна нотинчликлар пайдо бўлишига олиб келди. Хусусан, унинг ўлимидан кейин Эрон шоҳи Имоил Сафавий Ҳиротни ҳам ўз салтанатига қўшиб олди. Чунончи, бутун Хуросон ҳам унинг илкида турган мамлакат ҳисобланади. Шундай таҳликали кунларнинг бирида Бобур Ҳиротда бўлди.

У илмли кишилар билан суҳбат қуришни, танишишни жуда қадрлайди. Апрель ойининг сўнги кунлари у машҳур мусаввир Камолиддин Беҳзоднинг ҳузурига келди. Икки ижодкор шоир ва мусаввирнинг учрашуви аҳамиятга молик воқеалардан бири ҳисобланарди. Бобурнинг Камолиддин Беҳзод билан учрашиш истагининг хабари тўрт-беш кун олдинроқ етиб келганди. Бу хабардан олтмиш тўрт ёшни қаршилаган мусаввирнинг боши кўкка етди. Ўттиз беш ёшдан ўтган забардаст саркарда Беҳзоднинг ҳурмати учун ўзи унинг ёнига келиши қувончли ҳол ҳисобланади. Етти йилдирки Беҳзод Табриз ва Ҳирот ўртасида қатнайди. Чунки Эрон ҳукмдори Исмоил Сафавий ҳам мусаввирнинг ҳурматини жойига қўйиб унга илтифотлар кўрсатиб келмоқда. Аслини олганда Беҳзоднинг ҳаётдан нолийдиган жойи йўқ эрди.

– Ассалому-алайкум устоди мусаввир, – деди Бобур Беҳзоднинг қаршисига келиб.

– Во-алайкум ассалом, келинг шаҳзода, қадамингиз қутлуғ бўлгай, – деди Беҳзод ҳам меҳмонга пешвоз чиқиб. Бобурнинг ёнидаги аъёнлари ҳам мусаввир билан қўл бериб кўришиб чиқдилар. Бобур мусаввирга ўз ёнидан иноятлар қилиш мақсадида бир ҳамён тилло, сарпо-суруғ билан келганди. Сарпо ва инъомлар учун мусаввир сипосгузорлик изҳор қилди.

– Бизнинг хонадонимизга йўқлаб келғонингизнинг ўзи каминаи камтариннинг қалбини сарбаланд қилди шоҳим, аммо бунинг устиға ҳамён тўла тилло тутқазмагингиз фақирни беҳад ҳаяжонға ва истиҳолаға соладир.

– Худойи бузург сизға тенгсиз беназир иқтидор бермиш. Бунинг натижаси ўлароқ эл хизматинда бутун умрингиз кечмакда. Сизға чандон илтифотчилиғ қилсак шунча камдир.

– Хўб миннатдормен. Ташаккури бисёр. Сизнинг ҳам бу оламдағи эзгу ишларингиздин воқифмиз. Асло камлиғ кўрмагайсиз Бобурбек. Эшитишимға қарағанда салтанатингиз мавқеси анча юксалибдур. Насиб этса сиз Темур бобонгиз истаған улуғ салтанат қурурсиз. Ҳақ таоло бу роҳи азимда мададкорингиз бўлғай.

– Шабоқхонга қарши қилич кўтармакка каминага бирор ҳамкор топилмади. Энди юртимиз Эронға тобеъ. Мен Исмоил Сафавийнинг феъли атворини яхши биладирман. Анинг бирлан бир вақтлар дўстлиғ ришталарини ҳам мустаҳкам қилмакчи бўлғон эрдик. Устоз қани энди бу жаннатмакон тупроқда эл бошиға соябонлиғ қилиб халқимизға ўзимиз саркор бўлсак. Биз шодравон Султон Ҳусайн бирла бул ниятлар борасида кўп бора мунозара юритғон эрдик. Фариштаи марг шоҳнинг жонини олиб кетди. Шаҳзодалардин бундай собитлиғ кўринмади. Мен Султоннинг вафотлари муносабати, фотиҳа зарурати билан Қобулдин Ҳиротға келмиш эдим. Аммо султоннинг фарзандлари ўз-ўзи билан боши бир ерда қовушмаганлигини гувоҳи бўлдим. Майга муккасидин кетмиш ул шаҳзодаларнинг қалбинда юртга меҳр, ватанга садоқатли бўлиш хаёллари йўқлиғини кўрдим. Ноилож Қобулға қайтиб кетдим. Агар биз бир-биримизға кўмакчи бўлғонимизда Шабоқхоннинг қанча кучи бўлганда ҳам Ҳиротни ишғол қила билмасди. Самарқандда ўз ҳукмдорлиғ идорасини муқим ўрната билишни уддалай олмағон бўлурди.

– Сиз ҳақсиз Бобур Мирзо. Султондин давр ўтганидин сўнг Хуросон ўнгланиш ўрнига баракс ортға кетиб бормакда. Маърифат, деҳқончилиғ, илму-ҳунар ўчоғи бўлғон Ҳиротнинг аввалғи шаклу-шамойили қолди деб айта олмасмиз. Энди ҳазрати Навоий йўқ, Султон Ҳусайн йўқ. Мамлакат эгасиз қолиб парокандалиққа дуч келиб битди. Сиздек юртсевар соҳиби салтанатнинг ёнингизда турувчи мард ўғлонларимиз кўзға ташланмаяптилар. Юрагингизда ўтингиз бор эрканки юрак ютиб Ҳинд сориға азимат қилмакни ихтиёр қилибсиз. Эшитдим барчасини, куллисидин воқифмен зоти муҳтарам.

Худойи меҳрибон ниятларингизни ижобат айласин!

– Тангрим қўлласа ниятларимиз бисёр. Мен Ҳиндда Бажур ва Беҳра вилоятларинда сиёсатимни ўрнатдим. Аммо, ул ерда муқим қола билмаганим сабаб ул вилоятларяна ўзбилгичларинча сиёсат юргизиб кетмакдалар. Бу йил ҳам Ҳиндустон орзуси билан юриш қилғондик. Пешоваргача етдик ва ортга қайтишга мажбурлиғда қолдик. Орамизда Лўдийлар бирла келишув муносабати бор. Давлатхон Лўдийнинг Панжобни ўз илкидин бермаслик фикри мени бироз ранжитди. Аммо бу келишимлик дунёда муросайи мадоро яхши нарса, буни тан олмай иложимиз йўқ. Мен Панжобни Давлатхоннинг фарзандлари Оламхон ҳамда Диловархонга қолдирдим. Энди кутиб турамиз қани алар менинг муносабатимға қандай қарашадирлар. Аслини олганда бу икки саркарда каминани Ҳиндустон юришиға чиқишимға даъваткор бўлғонлардан. Роно Санга ҳам бизға дўстлиғ таклифи бирлан чиққан. Катта куч Иброҳим Лўдий. Анинг юз мингга яқин черики бор, устоз. Бобур ўз режалари гарчанд ҳарбий сир бўлса ҳам Беҳзодга яширмасдан айтиб бермоқда эди. – Бизнинг яна бир муваффақиятимиз ҳам бор. Бу бизда мавжуд бўлғон тўфангларимиз. Биздағи тўфанглар аларда мавжуд эрмас, – давом этди саркарда. – Агар Оллоҳ ярлақаб ул заминда салтанат ўрнатсам ҳам ўзга тупроқда муқим қолиб кетиш фикрим йўқ. Албатта, ўз юртимға қайтиб киндик қоним томғон заминни обод этгувсиман. Бахтимни бир синайин деган фикр қалбимни банд этғон, мен бойлик тўплаш фикридин йироқмен, аслинда.

– Ҳинд тупроғи жуда бой ва рангорангдир. Чексиз ҳудуд ҳисобланадир. Ҳазрати Беруний бежизға тавсифу таъриф этиб кетмағонлар. Султон Маҳмуд, Соҳибқирон Темур ул ўлканинг тупроғиға интилмоқларинда ҳам бир ҳикмат бўлса не ажаб.

– Иброҳим Лўдий айни кезларда кучга эга эрса ҳам жами Ҳиндустонни идора қилаётгани йўқ. Бутун Ҳинд тупроғиға саркардалиғ қилишни ул эплай билмайдир. Унинг салтанати

Деҳли ва Агра доирасинда. Ғарб томондин Панжоб, шарқ томондин Биҳарғача анинг қўл остинда, холос. Шунда ҳам анинг ҳукмига бош эгмайдирган саркардалари талайгина. Роно Санга ўз мактубларинда бу ҳолатлардин мени воқиф қилиб турадир. Буларнинг ҳам ниятлари менинг кўмагим билан ўз салтанатларини мустаҳкамламоқ, мен буни яхши англайдирман.

Беҳзод бугун тажрибали, қонида Темурийлар қони жўш уриб турган собит саркарда билан суҳбатлашганидан бутунлай бошқа оламга кириб қолганди. У Бобурнинг хатти-ҳаракати, муомаласидан шунга амин бўлдики, ёш саркарда ҳар қандай йирик мамлакат бўлса ҳам уни бошқара олиш салоҳиятигаэга бўлибди. Энди уларнинг суҳбати Беҳзоднинг нигорхонасида давом этди. Бобур ўз шеърларидан ўқиб эшиттирди. Камолиддин эса янги чизган сувратларини кўрсатиб шарҳлади. Кейинги режалари тўғрисида ҳам меҳмонга фахр билан сўзлади. Мусаввирнинг яратган "Султон Ҳусайн саройида зиёфат", асари , "Зафарнома"га чизган суратлари, Низомий ва Навоийнинг “Хамса”ларига ишлаган тасвирлари ҳамда кўплаб маҳоратпеша ишлари Бобурнинг қалбини ҳайратга солди. Айниқса, Амир Хусрав Деҳлавийнинг "Лайли ва Мажнун" достонига тақлидан, ундан таъсирланиб чизган мажмуалари шаҳзодани жуда кўп таъсирлантирди. Жумладан, "Мадрасадаги баҳс", "Лайли ва Мажнун мактабда", "Лайли билан Мажнун саҳрода", "Мажнун Лайлининг ити билан", "Мажнуннинг элчиси Лайли ҳузурида" каби миниатюраларни томоша қилган Бобур мусаввирга кўплаб саволлар берди. Жавоблардан қониқиш ҳосил қилди. Мамлакатда Беҳзод каби кўплаб маҳоратли касб пешволари борлигидан фахрланиб ҳам қўйди.

– Устоз эндиғи режаларингиз қандай, – савол берди Бобур мусаввирга.

– Шу эл, шу юрт пешравлиғи учун баҳоли қудрат ҳаракатда бўлмоқлиғ. Хабарингиз бор Ҳироту Табриз орасинда мудом қатнайдирмиз. Табризда ҳам санъатимизға ошуфталар бисёр. Кейинғи дамларда Шоҳ Исмоил фақирни шогирдларим бирла Табризда муқим қолишимни истамакда. Аммо ҳали бирор жавоб айтмадим. Гапнинг индаллоси булки, бой амр этса бойвучча хамир қилибдир. Шоҳ нимани истаса биз итоат қилмакка мажбурмиз. Бироқ тан олишим жоиз, қачон Ҳиротни бутунлай тарк этиш хаёли қалбимға кирса беҳисоб ўртанадирман.

– Мусофирлиғ ҳар не кишининг қалбини ўртайдир, устоз. Алишербек бежизға:

"Ғурбатда ғариб шодмон бўлмас эмиш,
Эл анга шафиқу, меҳрибон бўлмас эмиш,
Олтин қафас ичра гар қизил гул битса,
Булбулға тикондек ошиён бўлмас эмиш" демағон чиқарлар.

– Руҳлари шод бўлсин шодравон Мирнинг. Шу эл, шу тупроқ учун, адабиёт учун не-не ранжлар чекмади ул олий зот. Фақирни ўз фарзанди мисолинда тарбият этди, чексиз эҳтиромлар кўрсатиб бошимизни силади. Алишер Навоий танҳо бўлиб туғилғон эркан, танҳо бўлиб бу оламни тарк айлади Бобурбек! Шундай қилиб, Бобур билан Беҳзоднинг мулоқоти кечгача давом этди. Бобур мусаввир билан хайр-хўш қилиб кечга яқин ўз манзили томон равона бўлди. Кейинги куни эса саркарда Ҳиротдан Қобул йўлига тушди....

***

Табриз. Шоҳ Исмоил Сафавийнинг қабулхонаси. Бугун шоҳ ўз аъёнларини машваратга чақирган. Бу чақирилганлар орасида Ҳиротдан қайтганига ўн кунча бўлган маҳоратли мусаввир

Камолиддин Беҳзод ҳам бор. Мажлисда кўриладиган масала, албатта, мамлакатнинг ривожи, элу халқнинг осойишталиги, навбатдаги ҳарбий юришлар режаси тўғрисида бўлишини аҳли жам ҳис қилиб турибди. Юзида сал ҳориққанлик акс этган шоҳ салмоқ билан сўз бошлади:

– Биродарлар, аъёнлар барчангизга яхши маълум сўнгги йилларда салтанатимиз анча кучга тўлди. Элнинг осойишлиги йўлида баҳоли қудрат саъй-ҳаракат қилиб турибмиз. Мамлакатимизда санъат, адабиётни ривожлантириш, ободончилик йўлида бажарилғон ва бажарилаётғон эзгу ишларни бирма-бир санаб ўлтиришимға ҳожат йўқ. Менинг истагим ўтмишда бир тану-бир жон бўлиб яшаган буюк боболаримиздек ҳаёт қурсак. Яратувчилик ишларини биргаликда олиб борсак. Турону Хуросон, Эрону бошқа минтақаларнинг санъатини, ҳарбий тажрибасини борингки жами яхши ишларини бир нуқтага жамлаб олиб борсак. Фикримнинг исботи тўғрисида бир гапни айтмакчиманки, Турону Хуросонда, балким, дунёнинг ярмига донғи кетган буюк мусаввир Камолиддин Беҳзод ҳазратлари бир неча йилдин бери биз билан ҳамкорлиғда. Бул олий зотнинг ҳурматини сақлаш ҳар бир аъённинг бурчи бўлмоғи шарт. Қисқа йиллар ичинда мусаввиримиз кўплаб шогирдлар етиштирдилар. Табриз ва Ҳиротда ўз ижодларини намоён қилиб келмоқдалар. Шоҳ шундай деб мусаввирга кўз қирини ташлади.

– Фақирни бунчалик эъзозда тутишингиздин бошим осмонга етадир, бағоят миннатдорман, шоҳим, – деди Беҳзод ўрнидан туриб шоҳга қараб қўл қовуштурганча. Шоҳ яна сўзини давом эттирди:

– Бугун мен сизларнинг гувоҳликларингда мусаввиримизнинг масъулиятлариға яна масъулият юклаб бу улуғ зотни салтанат кутубхонасиға саркор қилиб тайинлашга қарор қилдим. Рози бўлсангиз бул тўғрисинда бугун муҳр босилғон ушбу фармонни

мунший жаноблари ўқиб эшиттирсинлар.

Матни тайёрланиб муҳр босилган фармонни сарой муншийси ўқишга тушди:

Бисмиллоҳир раҳмонир раҳийм!

Камолиддин Беҳзод номаи аъмолига берилган шаҳаншоҳ китобхонасининг раҳбарлиғи нишони. Ижод ва халлоқият корхонаси мусаввирининг иродаси, осмону замин нигорхонаси муҳаррирининг иродаси шулки, "У сизни яратди ва хушсуврат этди" калимасига биноан, у нақш ва ғаройиботлар кўргуздики, башарият одамлари имкон саҳифасига суврат чизган қудрат қаламига офарин ўқишди. "Биз сизни замин ҳукмдорига ёрдамчи этдик" сўзларига қараганда, инсон зотининг бошқа маҳлуқотдаги сувратда зиёда тасвирланиши унинг ҳикматли бармоқлари таҳрири экан, бизнинг Ҳумоюн зотлимиз номидан Уторуд қалами билан Хуршид ҳал берган саҳифа узра замин халифаси фармонига имзо чекилди. Кўк гумбазидек варақларни бизнинг фатҳ ва зафаримиз белгилари бўлган "Рўзнома"мизни китобат қилишда кўк гумбазидек ложувард варақларни нуқра юлдузлар билан афшон, қирмизи шафақ жадвали билан мунаққаш ва музайян этиб, шунга муносиб ва лойиқ кўрилдики, олийжаноблик дил лавҳи Аллоҳнинг ярқироқ нури билан тарҳ этилиш сувратларининг зоҳир бўлиши хайрихоҳлик белгилари экан, у шу тахлитда мусаввир бўлди, ҳар бир зарурат бахтли саркор ҳоким карамли заруратидан, ҳар бир иш жаҳонбонлик корхонасининг азим ишларидандир. Ҳунармандликда доно, ишбилармонликда фазилатлилар қаторида, тарроҳликда ўткир зеҳн, бўёқ беришда нафис табиат, тарҳ кашф қилишда унинг ҳар қандай турига қодир, нақш ихтиро этишда фаросатини ўз тахтасида зоҳир этди. Матлуб ва нарсуд чеҳрасидан ниқоб пардасини оча олди.

Нодираи аср, пешвои мусаввирон, раҳбари музаҳҳибон устод Камоладдин Беҳзодким, унинг чеҳра очувчи муйқаламидан Моний жони хижил бўлди, сувратга оро берувчи қилқаламидан Артанг лавҳлари хижолат чекди: шунга биноан унга шу нарса тааллуқ ва лозим топилсинким, пайваста қаламнинг ижроси вожиб фармонга бош чектириб, халифа нишонли подшоҳ остонасининг мулозимати марказига унинг қадамини парга мисол мустаҳкам қўйиб, хисравона лутф ва шоҳона марҳамат бажо келтириб ҳукм этамизки, олийҳазрат китобхонаси аҳли котиб, наққош, музаҳҳиб, жадвалкаш, ҳалкор, заркуб, ложувардшўй ва Худо паноҳидаги мамлакатнинг мазкур хунарларга мансуб бўлган бошқа жамоати унинг ихтиёрида бўлсинлар. Пок дилли амирлар, монанди йўқ вазирлар, олампаноҳ даргоҳидаги ноиблар, осмон сингари боргоҳ элчилари, султон хизматидаги мубоширлар, умуман, девон ишлари мутасаддилари, шоҳ китобхонаси аҳолиси ва мазкур жамоат, хусусан, мазкур устод зиммасига муставфий ва калонтарлик ишини топширилган ҳисоблаб, китобхона ишларини адо этишни унинг зиммасига юклатилсин. Ушбунинг ижроси муҳри ва тасдиғи билан мўътабар саналсин, сўзлари келтирадиган савобли натижалари шаҳаншоҳ кутубхонаси ишлари буйича ҳукмлар бобида деюлирким, рад этиш, ўзбошимчалик зоҳир этилмасин, шунингдек, вазифалардан зарурлари юқорида зикр этилганларни махсус ҳисобласинлар. Устод яна амонат суврат ва диёнат чеҳрасини хотири лавҳига ва мунаввар мусаввирлиги дили саҳифасига чизмаслиги лозим. Ушбу хизматга ростлик йўли билан киришуви, иккиюзламачилик майлидан ўзини йироқ тутиб, содиқлик ва савоблик қоидасидан четланмаслиги керак, атрофдагилари ҳам шу йўлда борсинлар. Мазкур шаҳаншоҳ, ҳукми муҳри ва имзо билан мунаққаш этилгач, олий мансабдорлар воқифлигига эътимод тутилсин.

Таҳрири 27 жумоди ул-аввал 928 ҳижрий йил (1522 йил, 24 апрель).

Матн ўқиб тугатилганидан кейин ҳар томондан "Офарин", "Қутлуғ бўлсин" ва шунга ўхшаш хитоблар анча пайтгача айтилиб турди. Йиғилганлар бирма-бир хонани тарк эта бошладилар. Табриздаги шогирдлари ва бошқа ўзига яқин кишилар алоҳида келишиб Беҳзодни қутладилар.

– Ташаккур шоҳим, – деди Беҳзод шоҳ Исмоилнинг яқинига келиб бош эгиб турганча.

– Ўлтирингиз, – деди шоҳ ва ўз фикрларини изҳор қилишни бошлади:

– Мен сизни огоҳлантирмасдан, журъатим етгони учун ҳеч мулоҳаза қилиб турмасдин фармон тайёрлаттирдим. Токи, сизнинг меҳринғиздин бу соҳа вакиллари кўпроқ баҳрамандлиғ топсинлар. Не хил тилагингиз бўлса бемалол сўзлангиз. Барчасини муҳайё қиладирмиз.

– Бу йўлда сизға бирор ўтинчимиз йўқ, шоҳим. Мамлакат осойишта эрса бизға марҳаматинғиз шул бўладир. Қўлдин келғанича ишимизни йўлға қўйиб меҳнат қиладирмиз.

– Унда бизнинг сизға бир ўтинчимиз бор. Сўзласам мавриди бўлса керак айни дамда.

– Бош устиға.

– Ўтинчимиз шулки, фарзанди аржумандимизни шу касбға ихлоси борлиғи сезиладир. Ани ўз тарбиянғизға олсангиз.

– Ул иқтидорлиғ йигит биз уни, албатта, бу борада маҳоратини оширишға киришурмиз, шоҳим. Энди менинг сиздин ўтинчим Ҳиротға бориб у ердаги шогирдларни ҳам бу ерга олиб келсам. Нигорхонани Табризға кўчириб олиб келсам деган ўй хаёл пайдо бўлди манда.

– Яхши ўйлабсиз. Албатта, шундай қилинмоғи хайрли ишлардан бири бўлур эрди. Сафар харжларингиз, от-улов хазинадин ажратиладир. Мен амр этгайман.

Шундай қилиб, Беҳзод эртасига Табриздан Ҳирот сари жўнаб кетди. Унга йигирма чоғли от, ўшанга яраша фойтун, аравалар ажратиб берилди. Ҳиротнинг тантанвор гўшалари бугун маҳзунлик оғушида қолган. Икки кундирки моҳир мусаввирнинг шогирдлари ўз лаш-лушларини йиғиб қопларга жойламоқ, сандиқларни тўлдирмоқ билан оворалар. Беҳзод шогирдларига ўзлари яратган бирорта ҳам асарни эсдан чиқармасликни, суратларга озор етиши мумкин ҳолатда жамланмасликни тайинлади. Кишиларнинг назарида шу оддий кутубхона, Беҳзоднинг устахонаси ва мана шу уста ҳунармандларнинг нафаси шаҳарнинг кўрки бўлиб турган экан. Улар шоҳ Исмоилнинг амри билан энди Табризга кўчишмоқдалар. Кўчадиганларнинг баъзилари энди пойтахтга бориб олса иши яхши бўлиб кетишини, рўзғорига қут-барака униши мумкинлигини ўйлаб ширин хаёлларга берилади, баъзиларида бунинг акси гавдаланиб юракларини тирнайди.

– Барча нарсалар айтганингиздек тап-тайёр бўлди устоз, – деди Беҳзоднинг жияни Музаффар Али. Ўқувчига маълумки, Ҳусайн Бойқаро салтанати кутубхонаси сардорлигига тайинланган йиллари Музаффар Али Беҳзодни сўроқлаб келган ёш йигит эди. Ўшандан бери бу икки қондош ҳеч қачон бир-бирларидан йироқлашмадилар. Музаффар Али Беҳзодга шогирд тушиб мусаввирлик сирларини аъло даражада ўрганиб олган. Ҳозирги пайтларда унинг айни забардастликка тўлган даври.

– Юкларни араваларга ортиб қўйинг. Уловларнинг емишига алоҳида эътибор қаратинг. Табризға етиб олғунимизгача уловлар емиши етадирғон бўлсин. Очиқиб йўлда толиқсалар йўлимиз унмайдир. Тонг билан йўлга тушурмиз.

Айни дамда Беҳзоднинг шогирдларидан Қосим Али Чеҳракушо, Мақсуд, Мулло Юсуф, Али Мустафо Шайхзода Хуросоний каби наққошлар, Мир Сайид Али, Оға Мирак ва

бошқа рассомлар ҳам устоз билан бирга кетишга тайёр бўлиб турибдилар.

Беҳзоднинг кўнглига айни дамда чироқ ёқса ёримайдир. Бунча кишиларнинг иссиқ масканини совутишлик уни турли ўйловларга ғарқ бўлиб қолишига сабаб бўлмоқда. Булардан ташқари ҳам қанчалаб унинг марҳаматига муҳтож кишилар бу ерда қолиб кетмоқдалар. Беҳзод устахонасининг Табризга кўчиши кўпгина кишиларнинг ишсиз қолмоғига ҳам сабабчи бўлмоқда. Табризга борганларку амаллаб кунини кўриб кетишар. Шоҳ Исмоил Сафавий бир сўзли киши унинг билан Табризга борганларнинг бирортасидан марҳаматини аямайди, уй-жой билан таъминлайди. Маош белгилайди.....

Беҳзод нигорхонаси ва кўпгина шогирдларининг юки ортилган карвон субҳидамда Ҳирот дарвозасидан чиқиб йўлга тушди. Баҳорнинг нафаси борлиққа ўз ҳукмини ўтказган, йўллар атрофидаги мавжланиб ётган кенгликларга ажиб ҳусн бахш этиб турган қўзигуллар, бошини баланд кўтариб тебранаётган лолақизғалдоқлар гўё оламда бирор гўзаллик бизнинг файзимизга ета олмайди деб сўзлаётгандек. Осмонда сузиб юрган парқу булутлар гоҳ карвон тепасида туриб қоладилар, гоҳ қайсидир томонга шошилиб турган жойларини ўзгартириб юборадилар. Карвонда келаётган машшоқларнинг овози мусиқа садоси билан ҳамоҳанг бўлиб, юракларни сел қилиб боради. Мусиқанинг сеҳри Беҳзоднинг қалбини забт этганди. У олтмиш-етмиш ёшнинг нари-берисида бошига тушаётган бу мусофирлик, сарсончиликларни ўйлаб баъзан эзилади. Баъзан эса умрининг ўтган масъуд дамларини эслаб жилмайиб қўяди. Унинг кўзларидан устозлари мавлоно шайхи замон Абдураҳмон Жомий, ҳазрати Мир Алишер Навоий, Мирак Наққош, Ҳусайн Бойқаро сиймолари гавдаланиб ўтади.... Ёши ўтиб борган сари унинг ҳам бу ҳаётдан кўрган азобу роҳатлари кўпая боради. Ҳаётдаги тажрибаси орта боради. Шу пайтгача

нечта ҳукмдор салтанатида умргузаронлик қилди. Ҳеч бир ҳукмдор унга бирор зуғум ўтказгани йўқ. Унинг ўзи ҳам ўз ўрнида бирор ҳукмдорга иккилик кўзи билан қараган эмас. Тани жони соғ сиҳати ўрнида. Унга нигоҳ солган киши ҳозирги ёшидан кўра ўн ёш кичик деб фараз қилади. Энди эса, Исмоил Сафавий унинг ризолигини олмасдан ҳам талаб, ҳам ўтинч билан ўз саройи кутухонасига ноиб этиб тайинлади. Мусаввир "йўқ шоҳим, мен бул ишга машғул бўла олмайман" деса ҳам бўларди. Бироқ бу касб уни шундай мартабага эришишига, эл ўртасида обрў топишига сабабчи бўлган бўлса қандай қилиб шу касбдан тониб рад жавобини қилсин? Орадан бир неча кун ўтиб карвон Табризга кириб борди. Икки-уч кун Беҳзод билан ҳамроҳлари ҳордиқ чиқардилар, уй-жойи тайин бўлиб жойлашиб олдилар. Кейин яна ижодга шўнғиб кетилди. Аслида шу бирор ишга, касбга машғуллик бор экан инсон умрининг мазмуни бўлади, янги-янги мақсадлар сари интилади. Шоҳ Беҳзоддан фарзандини бу касбга ўргатмоғини сўради. Бу касбни эгаллаш учун бойликнинг ўзи камлик қилади. Қунт зарур албатта, бироқ Оллоҳ ўзи истеъдод бермаса бу ҳунардан обрў топиш мушкул. Шогирдларининг орасида ҳавас билан шу касбни танлаганлари ҳам кўпчилик. Ҳеч бир вақога арзимас иш қилиб умрини ўтказаётганлари ҳам учраб туради. Баъзи қобилиятсиз ёшларнинг жавобини бериб юборган вақтлари ҳам кўп содир бўлган. Начора буни ҳаёт дейдилар. Бир боғда ҳар хил дарахт илдиз отгани каби дунёда ҳар хил хусусиятли кишиларнинг яшамоғи ҳам бор ҳақиқатлардан биттаси. Беҳзод теварак-атрофга разм солди, ўзига таниш бир маконга етишибди. Унинг отининг ёнига отини елдириб келган Музаффар Али гап қотди:

– Толиқмадингизму, тоғойи. Отларга дам берсак мақбул бўлмасму?

– Тўғри ўйлабсиз, карвонни тўхтатинг.

Бирпасда йигирма-ўттиз чоғли отлиқлар йўл чеккасига қараб юрдилар. Йўлдан бир чақиримча четга чиқиб отларни боғлашга тутиндилар. Туяларни икки туябон чўктиришга тушди. Улардан ўнг томонда ярим чақиримча нарида ва сўл томонларида ҳам ярим чақиримча масофада яна икки карвон кишилар тўхтаб дам олишаётган эканлар. Карвонлар бир тўхтаса камида икки уч соат ҳордиқ олади. Кечга яқинлашиб қолган бўлса тушликни ўтказиб ҳам йўлга тушмасдан тўхтаб қолишаверади. Айни вақт баҳор фасли бўлганлиги сабаб ёғин-сочин ҳам кишиларни ташвишга солмайди. Карвонлар бемалол ҳам саёҳат, ҳам тижорат қабилида йўллардан ўтиб борардилар.

Бу йўлларда етти-саккиз йилдан бери қатнайвериб, Беҳзоднинг шогирди Музаффар Али манзилларнинг ҳар бир нуқтасигача яхши билиб олган. Шунинг учун қайси манзил устозига маъқул келишини жуда яхши билади. Энди овқатланиб бўлишган ҳам эдики, нариги карвонлар томондан қий-чув, бақир-чақир, кулги овозлари эшитилиб қолди. Бола-бақра ёшлар ўша томонга қараб югуриб қолишди. Баъзиларининг еб турган овқатлари ҳам қолиб кетган, овқатини ташлаб югурган ўйинқароқ болаларнинг оналари нолиб гапириб қўйишарди.

– Эҳ. Бекорчи бақҚоллар. Туя уриштиришмакчи эмишлар, – деди Музаффар Али овозини баландлатиб. Бирин-кетин қолганлар ҳам ўша томонга қараб боришга тушишди. Боғликда бўлмаган отлар далада ўзаро жанг қилганини кўп кишилар кўргандилар, аммо "туя уриштириш" калимаси ҳамманинг қизиқишини ошириб юборганди. Етиб боришса чоғроққина майдонни шох-шаббалар билан кишининг белига келадиган баландликда иҳота қилиб қўйишибди. Унга қўшимча равишда қалин арғамчиларни ҳам ҳар етти-саккиз қадамда ерга қазиб қоқилган саксовул кундаларига ўраб чиқиб маҳкамлашибди. Эринмаган одамлар..

Битта оқ, битта қора туя икки саксовул дарахтга қантариб

боғлаб қўйилган.Туякашлар сардори бўлса керак бир бақувватгина чол гоҳ у туянинг, гоҳ бу туянинг яқинига бориб гавронини силкитиб қўяди. Икки туянинг олдида эса биттадан киши ҳар лаҳзада айланиб туяларни савалаб турибди. Оғзидан кўпик сачратиб турган туялар эса хожаларининг ҳаракатига қарши зуғум қилмасалар ҳам жаҳлга берилганликлари кўриниб турибди. Оқ туянинг гавдаси қорасиникига қараганда билинар-билинмас даражада паст, бироқ у қора туяга нисбатан анча шиддаткорроқ кўринади. Бир пайт иккита машшоқ қўлига танбурни олиб ашула бошлаб юборди. Икки томондан икки йигит рақсга ҳам тушиб кетди. Қарийб юз-юз эллик киши йиғилган бу давра бир томондан қараганда Наврўз сайлини ёдга соларди. Турли томондан келиб турли томонга шошилаётган бу кишилар тили, дунёқараши турли хил бўлишига қарамасдан, ҳатто ораларида ғайридинга хос кишилар бўлса ҳам айни дамда бир-биридан бегонасирамасди. Ҳамма бўладиган томошанинг тез бошланишини интиқлик билан кутарди. Беҳзод яқин кишилари қуршовида томошагоҳнинг ўнг томонидан жой олди. Тик турганча манзарани кузата бошладилар. Бир-иккита ёш йигитлар ҳинди ё эронлик савдогарлар бўлса керак ҳуштак чалиб овоз бериб қўяр ва рақсга тушиб томоша кўрсатиб қолардилар.

– Ана келишяпти, – деди кимдир. Тўрт-бешта савлатли киши етиб келишди ва Беҳзод турган жойдан беш-олти қадам наридан жой олишди. Тўғрироғи улар ҳам тик турганча даврани синчковлик билан кузата бошладилар. Булар ҳозирги вазиятда ва ҳозирги тил билан айтганда "Туялар жанги"нинг ҳакамлари эмишлар. Шундан сўнг икки туяни икки хожаси етаклаб даврага олиб кирди. Ортидан туябон чол ҳам кириб келди. Даврада шундай сукунат чўкдики, гўё бу олам кимсасиз бир гўшага айланди-қолди.

Туяларни бир-бирига қарама-қарши қўйдилар. Ҳамманинг

кўзи жониворларга тикилиб қолган. Бироқ жониворлар бир-бирига қарши заррача ҳаракат қилишмасди. Ҳар томондан ҳар хил тилда ғужур-ғужур гаплар ҳам эшитилиб турибди. Ярим соатлар вақт кечди. Жимлик. Шунга қарамасдан ҳеч ким даврани тарк этай демасди. Бир пайт оқ туя қора туяга суйкалаб ҳаракатлар қила бошлади. Қора туя ҳам ҳаракатга тушди. У боши билан рақибининг у ер-бу ерига турткилай бошлади. Оқ туя турган жойида бир айланиб олди ва жадаллик билан бошини бир-пастга бир юқорига қилиб рақибини қорнига зарба берди. Энди қора туя ҳам рақибининг ҳаракатини такрорлади. Ўртада жанг бошланиши мумкинлигини ҳамма ҳис қила бошлади. Оқ туя чап оёғи билан қора туяни тепиб юборди. Қора туя бир пишқирди-ю оқ туянинг жунидан тишлаб силкиб ташлади. Энди туялар авжига чиқиб олишиб кетдилар. Бир-бирининг жунидан тишлаб силкитишиб ётган икки туя ҳам терга ботиб кетган ҳолатда оғзидан ҳар томонга оппоқ кўпик сочишарди. Туяларни айланиб юрган чол уларнинг тўғри келган жойига гаврон билан туширар ва чеккага қочиб қоларди. Энди туялар даҳшатли овоз чиқариб олишиб ётардилар. Аммо жониворларнинг сўйлоқ, ўткир тишлари бўлган ҳолда бирор ерини тишлаб узиб олмасди. Баъзида биттаси чўккалаб қолар, иккинчиси эса устидан ошиб ўтар, аммо рақибининг устига ўзини ташламасди. Бу қизғин олишув ҳатто Беҳзодни ҳам ҳайратга солиб юборди. Томошабинлар эса тўсиб қўйилган иҳотадан сакраб ўтиб туяларга яқин боришга ҳаракат қилмоқчи бўлардилар. Аммо икки йиртқич жониворга айланган туялар ўртасида қолиб кетиб, майиб бўлишдан чўчиб ўзларини ушлаб турардилар. Даврани айланиб бир-бирини қувиб юрган жониворларга завқ улашиб оломон қарсаклар чалиб юборарди. Ҳа, қани қоравой, чекинма оқбилак деган хитоблар янграрди. Чанг-тўзон эса осмондан ёприлиб кишиларнинг устига тушарди. Туёқлар остида қолган жанг майдони гўё тўфангдан

отилган ўқ тушиб, чуқур ҳосил қилгандек уйдим-чуқур бўлиб қоларди. Туяларнинг ҳожалари эса уларни ажратишга ҳаракат қилар, жониворлар эса бир силтаниб бўйниларидаги тақиб қўйилган арғамчини хожаларининг қўлидан чиқариб олардилар. Мусобақа авжида эди. Аммо уфқда ўз ётоғи томон шошаётган қуёшнинг рухсори қизара бошлади. Ана-мана деб бу қизғин баҳснинг бошланганига уч соат вақт бўлганлигини бирор киши сезмай қолди....

Хуллас, бугунги ғаройиб томоша ҳамма йўловчиларни таажжубга солди. Барчанинг кайфияти кўтаринкиликка кўчди. Йўловчиларнинг йўл азобидан толиққанлари ҳам эсларидан чиқиб кетди десак тўғри бўларди. Базм яна шунча давом этса ҳам чамаси ҳеч ким ўз ўрнидан қимирлашни ўйламасди. Кеч туша бошлагани сабаб мусобақага якун ясалди. Толиққан туялар бир-бирига суянганча жим туриб қолишди. Аммо уларнинг терга ботган ҳолида бундай тек туриши ўзига кўп зарар қилиши муқаррарлиги учун туябон уларни бир-биридан ажратиб секин-аста ҳаракатлантира бошлади.....

Шогирдлари билан Табризга етиб келган мусаввир ғайрат билан яна ишга ишга шўнғиб кетди. Унинг қалбида кундан-кунга яна янги ғоялар туғилар шу асосида янги ижодга киришиб кетарди. Ҳиротдан олиб келган барча суратларини янги кутубхонага жойлаштирди. Тартиб билан жой-жойига қўйдирди. Бир сўз билан айтганда Табриз кутубхонаси бир вақтнинг ўзида мусаввирлик музейига айланди деса жуда маъқул таъриф берилган бўларди. Беҳзод Ҳиротдан нигорхонасини кўчириб келганидан бир ҳафта ўтиб Шоҳ Исмоил мусаввирни суҳбатга тортди:

– Қийналмасдин Ҳиротдин етиб келдингизму мавлоно, қабулға ҳам келмадингиз. Бироз фурсат ҳордиқ олсинлар деб безовта қилмадим.

– Шоҳим, сиз ғойибдин фақирнинг қалбинда кечадирган

туйғуни онглайдирсиз. Менинг йўлда бироз толиққаним сизға аён бўлган экан чамаси. Биз ҳам саёҳат қилдик ҳам аста-секин йўл босиб келдик. Шу боис бироз толиқиш сезганлигим рост. Бироқ ишимизни обдон йўлга қўйиб олдик. Нигорхонага ташриф этсангиз, сиз ҳам саёҳат қиладирсиз. Бизларнинг бисотимиз билан танишурсиз.

– Албатта, бугун тушдин сўнг албатта ижод намуналарингизни кўриш иштиёқим бор.

Тушдан кейин кутубхонага кириб келган шоҳни Беҳзод чиқиб кутиб олди. Шоҳ Исмоил суратларни томошо қилар экан Беҳзоднинг малакаси қанчалик юксак эканига амин бўлди.

– Истеъдодингға кўз тегмасин, мавлоно. Мен жуда сарафроз бўлдим. Бул кашфиётлар нафақат бизнинг, балки рўйи жаҳон санъати хазинасиға битмас-туганмас ганжина бўлиб қўшилишиға шубҳа йўқ. Сизни пайваст асрамоғимиз жоиз, – деди кулиб.

– Шоҳим бу кўрсатаётғон илтифоту-эътиборларингиз бизни яна янги асарлар яратишга даъват этадир.

– Фарзанди аржумандимизнинг илки қалам тутмакка мойил бўлиб қолдиму?

– Шаҳзоданғиз анча истеъдодли чиқиб қолдилар. Айни дамда Музаффар Али бирла ҳамфикрлиғда сабоқ ўрганяптилар. Иккисиға битта сабоқхона ажратдим. Мана, Музаффарнинг ишларини ҳам кўрингиз. Ўғлингиз ажиб тарбият топмиш, тасанно сизга шоҳим. Тантиқ эрмас, меҳнатсевар ва шу билан бирга ақлу-заковат пешаси, одобини айтиб ўлтирмайин, кўз тегмасин, илоҳим.

Кекса мусаввирнинг шоҳни ўғлига берган бундай таърифлари ҳукмдорнинг кўнглини кўтариб юборди. Ростини айтганда ҳам шоҳ фарзандини жуда одобли, айниқса, камтарин бўлиб вояга етишига аҳамият қаратганди. Қарийб бир йилдан бери сабоқ олаётган шаҳзода Таҳмасп ўз тенгқурлари орасида

ажралиб турарди. Энг муҳими, четдан қараган киши бу ушбу мамлакат ҳукмдорининг фарзанди эканлигига ишона олмайди. Хусусан, сабоқни жуда тиришқоқлик билан ўзлаштиради. Аммо оддий талабалар қатори кийинарди. Бирор кишига дуч келганда салом бермасдан ўтиб кетмайди. Беҳзод шунинг учун ҳам бу шаҳзодани ўзининг энг яқин ва истеъдодли шогирди ҳамда жияни Музаффар Али билан ўзаро тажриба алмашиб сабоқ ўрганишини хоҳлаган. Шоҳ қарийб икки соат давомида нигорхонани томоша қилди. Ёнидаги аъёнларига ҳам мусаввир билан ёлғиз қолдиришларини амр этди. Шоҳ ҳар бир тасвирга кўз югуртирганда чексиз хаёлларга берилиб қолганлиги яққол сезиларди.

Мусаввирнинг Эронда яшаб ижод қилаётган шогирдларининг энг кўзга кўринганларидан бири Музаффар Али ҳисобланади. Бугун шоҳ Исмоил унинг Низомий Ганжавийнинг “Хамса”сига ишлаган тасвирларини кўриб ёш рассомнинг истеъдодига тасаннолар айтди.

– Шоҳим, шогирдимиз айни дамдаги ўзи яшаб турган замон, мамлакат яъни Эрон тупроғинда содир бўлиб турган ажойиботлар тўғрисида қалам сурмакни ихтиёр қилғон. Насиб этса унинг ишлариндин элу-халқ баҳраманд бўлажак.

Бу фикрнинг остида ёш ижодкор сизнинг қилаётган ишларингизни тасвирлаш иштиёқида деган маъно ётишини ҳукмдор тушунди ва мусаввирга миннатдорчилик изҳор қилиб сўзлади:

– Жуда ҳам яхши бўлур эрди. Қилаётғон ишларини ниҳоясиға етказиб намойиш қилсин, биз анинг меҳнатини рағбатлантирурмиз.

Шоҳ шу каби сўзлар билан Камолиддин Беҳзодга рағбат бериб кутубхонадан чиқди. Қизғин ижодга киришган мусаввир айни дамда бир мажмуа устида ишламоқда. Мазкур ишини у "Туялар жанги" деб атаган. Бу мажмуага қарийб етмишга яқин

сурат ишлашни режа қилган бўлиб ҳурматли ўқувчимизга маълум бўлган Ҳирот-Табриз йўлидаги "туялар жанги" воқеаси асос қилиб олинган. Беҳзод ҳаётга жуда қизиқиш билан қарайди. Касби нуқтаи назаридан ҳам ҳаётда ўрганган тажрибаси жиҳатидан ҳам жуда юксак дидли, ўз ишининг моҳир санъаткори ва камтаринлик пешвосидир. Бу борада устози Мир Алишер Навоийнинг унга кўрсатган ижобий таъсири яққол сезилиб туради. У шогирдларига нисбатан ҳам қаттиққўл, ҳам меҳрибон киши. Баъзи бир амалдорларга ўхшаб жуда катта бойлик тўплашга умрининг бирор лаҳзасини сарф этгани йўқ. Ҳаётда бу қилган ишлари, албатта, ўз ўрнини топиб, унинг номига мақтовлар олиб келмоқда. Кеча шоҳ Исмоил Беҳзоднинг шогирди Музаффар Алини ҳузурига чорлаб унинг билан суҳбат ўтказибди. Ҳукмдорнинг бир ижодкорга эътибор билан қараши бежизга бўлмайди, албатта.

– Сизға ҳам, устозингизға ҳам ҳазор маротаба раҳмат, кам бўлманг, – деган эмиш шоҳ уни мақтаб.

Аммо шогирдлари орасида сал нафсга берилган ва бу ҳаётда адашиб қоқилганлари ҳам учраб туради. Яқинда бир воқеа бўлиб ўтди бу ҳолат Беҳзодни озроқ ранжитди, шоҳни эса қаҳрга минишга мажбур қилди. Гап шундаки шоҳ китобхонаси наққоши Хўжа Абдулазиз жуда маҳоратли наққош эканлиги тан олиниб узоқ йиллар Беҳзоддан сабоқ олган истеъдодли бир шогирди. Ҳиндистонда Лўдийлар сулоласининг сардори Иброҳим Лўдий устидан Темурий шаҳзода Бобур Мирзо бутунлай ғалаба қозонганига кўп вақт бўлганича йўқ. Шу муносабатт билан Турону Хуросондан, Эрондан Ҳиндистонга кетганлар ва кетиш ҳавасида бўлганлар кўп топиларди. Бу ҳавас Хўжа Абдулазизнинг ҳам хаёлини банд қилибди. Устозига маслаҳат қилишни эп кўрмаган шогирднинг боши қотади. Чунки сафарга кетиш орзуси қалбини ўртаса ҳам йўл харжи учун ақчаси йўқ, камбағал киши эди. Уч-тўрт киши

шу мақсадда бирлашиб ҳам оладилар. Уларга Хўжа Қабоҳат Жарроҳнинг ўғли Мирзо Муҳаммад саркорлик қилади. Шоҳ муҳрининг нусхасини ясаб сохталаштирадилар йўлга чиқиб бир мавзеда пул олмоқчи бўладилар ва Эрондан чиқиб олмаёқ қўлга тушадилар.

Хонаи хосида ўлтирган, жаҳлга минган шоҳнинг қўллари қалтираб турибди. Қўлига кишан урилган Хўжа Абдулазиз ва Мавлоно Али Асқарни олиб киришган вақтларида мусаввирнинг хаёлига булар бир жиноят қилганлиги равшанлашди. Шоҳ уларга савол берди:

– Нечун мамлакатга, салтанатга хиёнат қилмакка жазм этдингиз, – деди шоҳ ўзини вазмин тутишга ҳаракат қилиб.

– Бизни авф этинг, густоҳлиғ қилдик шоҳим. Юртни ташлаб ўзга юртдин бориб ризқ емак нафсимизни забт этибдир. Билолмай қолдик.

– Шул ақлсиз ҳаракатингиздин устозингиз бохабар эрдиларму?

– Асло, бул ҳавасимизни ҳатто ўз қондошларимиз ҳам билмайдур.

– Хўш. Нега хазинаға хиёнат қилмакчи бўлдингиз. Сохта муҳрни ясатиб юз туман пулга барот ёзибсиз ҳамда муҳринғизни босибсиз, бу не ҳол, не деб баҳолаш мумкин?

– Алҳазар, калтафаҳмлар, ҳайф сизға, – деб юборди энди масалага батафсил тушунган мусаввир.

Гуноҳкорлар ҳеч нима дея олмай жим қотиб туришарди. Бу ҳол шоҳнинг жаҳлини қўзғатиб юборди. У қарсак чалганди югурганча эшик оғаси кириб келди.

– Жаллод, – деди шоҳ ўшқирганча.

Иккала банди ҳам кўзларидан шашқатор ёшларини тўкиб ёлворишга тушдилар. Соқчилар уларни олдиларига солиб олиб чиқиб кетишди.

Хонага сукунат чўкди. Шоҳ ҳам мусаввир ҳам бирор сўз айта

олмасдилар. Анча фурсатдан кейин мусаввир сўзга кирди:

– Шоҳим, сиздин ўтинадирман. Иккисининг ҳам фарзандлари ёш. Жўжабирдек жон. Оллоҳ қалбингизга мурувват нурини бахш этсин.

Мусаввирнинг бу ўтинчини шоҳ рад эта олмасди. Шунинг учун ҳукмдор ўз ҳукмини енгиллатди, ўлим жазосини қўлламади. Иккала хиёнаткорнинг қулоқ-бурнини кестириш учун амр этди. Ҳукм эса тез кунлар орасида ижро этилди. Шундай қилиб, йиллар кетидан йиллар кечиб, ҳаёт гоҳ аянчли, гоҳ қувончли лаҳзаларини ҳадя этиб борарди. Беҳзоднинг умри етмиш бешга етди. Шафқатсиз ҳаёт мусаввирга ўз инжиқликларини кўрсата бошлади. Унинг кўзлари хиралашди. Эрондан Ҳиротга қайтиш истаги эса руҳан уни тушкун ҳолга соларди.

Хонасида танҳо қолган Бобурий саркарда Ҳумоюн ўзининг ўтмишига, қарийб ўттиз йилдан ортиқ ҳаётига разм солиб хаёлга берилди. Шаҳзода бўлса-да эс-ҳушини танибдики, бу дунёнинг азобларини тортиб яшамоқда. Аммо отаси тириклигида ҳаёт бошқачароқ эди. Бош фарзанд бўлганлиги сабаб отаси унга кўп суянар, салтанат сир-асрорларини муқаррар ўргатар, яхшиликка арзигулик ишларини кўриб қувонарди. Деҳли қўлга киритилгандан кейин у отасининг йўл-йўриғи билан Аграни ишғол қилиб ўшанда илк бора музаффарликнинг ширин дамларини ҳис қилганди. Ҳаёт шундай жумбоқли экан. Мана, отасининг вафотидан кейин ерлик аҳоли салтанатга қарши курашишга бел боғлаган. Чунки улар ўз илкларидан чиқарган мулкларини қайтиб олиш илинжидалар. Дастлаб Чаванпурда Маҳмуд Далуди афғонлар билан тил бириктириб бош кўтарди. У бу қўзғолонни бостириб Чаванпурни ўзига тобе этди. Сўнг Гужарот ва Малва ҳам бўйсундирилди. Бу масалада унга ҳинд саркардаси Баҳром ар-Румий садоқат кўрсатди. Энди эса Шерхон хавфи кундан-кун авж олмоқда. Шерхон Ҳиндистонни

бутунлай ўзи идора этмоққа эришмоқ пайида. Ўртадаги зиддият эса кунба-кун авж олади. Инсонлар ўртасидаги келишмовчилик охири бориб бир куни биттасининг мағлубияти билан тугаши муқаррар эканлигини у яхши англайди. Тақдирнинг зарбалари бошланди. Орадан кўп вақт ўтмай Ҳумоюннинг афғон амири Шерхондан қўли паст келиб паноҳ излаганча Эронга чиқиб кетди.

Неча йилдирки, Эрондаги бу мусофирлик барчанинг қалбини жароҳатга тўлғизган, айниқса, Ҳамидабону деярли ҳар куни Ҳумоюнга зорланар, нима қилиб бўлса ҳам юртга қайтмоққа йўл топишни ўтинарди. У эрини машҳур мусаввир Камолиддин Беҳзод билан учрашиш орзуси борлигини билгач, хаёлида ўзининг истаги ҳам дарҳол амалга ошиб қоладигандек қувонди. Сабри чидамай қайта-қайта саволлар бера бошлади:

– Қачон улуғ мусаввир билан учрашмакчисиз, бегим?

– Эртагаёқ борғаймиз маликам, сиз ҳам борурсиз. Беш-олти киши борсақ етадир. Кўпчилик етаклашиб борсақ ул зотни ташвишга қўядирмиз. Алар ҳам бизга ўхшаш мусофиротда истиқоматдаларку.

– Неча кун меҳмон бўлинадир, Кўп қолмасмиз, ахир?

– Назаримда икки кун қолсақ бас, етар!

– Шоҳим, аларнинг ҳам юртга қайтиш истаклари бормукин, ё бу ерга мослашиб кетғонмикинлар?

– Қандай мослашадирлар? Бегона юрт бегона юрт-да. Аммо биз каби ул табаррук зотнинг ҳам юртга қайтишларига шоҳ рухсат бермас эрмуш. Шунчалик эъзозда тутиб бошпана берғони учун шоҳнинг раъйига қарши бориб юртга қайта олмас эрмушлар. Ул зот Эронга шоҳнинг отаси ҳаёт бўлғон йилларда ташриф буюрғонлар.

Ҳамидабонунинг назарида Ҳумоюн Камолиддин Беҳзод билан юртга қайтиш режасини тузишмоқчидек туюлади. Аммо эри бу гапни ошкор қилгиси йўқ. Эй, Худо қани энди

ундан сир тутиб бўлса ҳам эри шу ишни амалга оширса эди. Мусофирчилиқ азобидин зада бўлган юраклари таскин топа олармиди?

– Вой-бўў икки кун ўлтириб нимани муҳокама қиладирсизлар бегим? Ҳали дастлабки учрашмакларингғиз бўлса.

Ҳумоюн завжасининг қалбидин нима кечаётганини теран англади. Юрт соғинчи уни қалбига шундай оғриқлар солиб қўйганки, баъзида чидай олмасдин кўз ёши ҳам қилиб олади.

– Ҳа, тўғри сўзладингғиз, маликам дастлабки учрашмоғимиз. Ул зотнинг кўплаб шогирдлари ҳам мавжуд. Суҳбатлашишға, танишишға вақт етмас деб ўйлаяпман-да. Балким икки кундин кейин қайтмагимизға изн бермаслар. Ахир келиш меҳмондин, кетиш мезбондин калимаси ҳам бор-ку малагим. Аслинда бу ҳодиса неча йиллардин бери қалбимдағи тугиб юрғон ниятим. У кишининг санъатлари бетакрор, бисёр асарлари бор. Нигорхонани томоша ҳам қилғаймиз-да иншоаллоҳ.

– Орзуйингғиз рўёбға чиқсин илоҳо ҳазратим. Зора бул ишингғиз ортидин хайрлиғ кунлар ҳам етиб келсалар.

Ҳамидабегимнинг хаёлида эри дарҳол улуғ мусаввир бирлан учрашади-ю, индинига кўч-кўронини кўтаришиб Эрондин жўнаб кетадилар. Чунки донғи бутун жаҳонга етган улуғ кишига шоҳдан рухсат олмоқлик нима деган гап? Аёлини ўйловлар гирдобига ўралашиб қолганини сезган Ҳумоюн уни чалғитиш учун гапни бошқа мавзуга бурди:

– Маҳзунликдин қутулишнинг осон йўли инсон ҳаётидағи масъуд онларни эсга олиш эрмиш маликам. Биз ожиз бандаларнинг, албатта, ҳар биримизнинг ташвишимиз ҳам яхши кунларимиз ҳам бўладир, бусиз илож йўқ эркан. Мен маҳзунликка дуч келсам сиз бирлан учрашғон илк кунларимни эслайдурмен, ўшал дамларни куни бирлан эслаб юрсам ҳам асло зерикмағаймен.

– Нечун маҳзун бўлайин шоҳим, ёнимда сиз бўлсангғиз менга қайғу бўладирму? Бу кунлар ҳам Яратғоннинг синовидир. Жон омон бўлса бу дамлар, албатта, тушға айланғувси. Буни аниқ биладирмен.

Ҳумоюн хотинининг ақлу идрокига қанча тасанно айтса ҳам кам. Неча йиллик изтиробини бир оғиз юзига солгани йўқ. У ҳозир шоҳим деб эъзозда тутгани бежиз эмас, аёли унинг қудрати-ю салоҳиятини теран англайди. Бор-йўғи икки юзтача сипоҳу-навкар, ўзиға хайрихоҳ фақирлар. Бир канизу бир хотин. Аммо у ҳеч қачон шоҳлик мартабасидан тушгани йўқ. Яратган эгам, албатта, севган бандасига синов беради деган гап жуда тўғри экан. Айни дамда у ҳам синовда, бироқ Оллоҳнинг сийлагани шулки, шундоқ малика билан унинг тақдирини жипслаштирган.

Қанча синовлардин бирга ўтиб келаётган шаҳзоданинг маликасига қараб унга нисбатан яна меҳри товланиб кетди. Ботинида "Оллоҳим сенга минг бора шукр. Агар ношукрлик қилғон эрсам ўзинг кечирғайсен", – деб қўйди. Кўз олдидан эса бошидан кечирган кунлари ўта бошлади.

Отасининг вафотидин ўн йилча вақт ўтиб ундан Шершоҳнинг қўли баланд келди. Отасининг Андижонда, Самарқандда кечирган кунлари унинг ҳам бошига тушди. На бир дўстидан, на бир қариндошидан нажот топа олмади. Баъзи йиллар дарбадарликка мубтало бўлди. Ҳозирги ҳаётини ҳам у аслида дарбадарликнинг энг олий нуқтаси деб ҳисоблайди. Бундин ҳам баттар кун кечириб юрган йиллари бу такрорсиз бекаси унинг ҳаётига кириб келганди. Ўшанда Наврўз байрами муносабати билан тасодиф учратиб қолган Ҳумоюн ҳушидин айрилаёзди. Кейин аниқланишича, бу учрашув тасодиф эмас, аммаси Хонзодабегимнинг ташаббуси бўлган экан.

Ҳамидабонунинг отаси Мирбобо Дўст шаҳзода Ҳиндол Мирзонинг мулозимларидан бўлган. Наврўз муносабати билан Ҳумоюн кема сайри ташкил қилиб уч-тўртта бегимларни

сайрга олиб чиққанди. Ҳиндолнинг онаси Дилдорбегим Ҳумоюншоҳ шарафига катта дастурхон ташкил қилган бўлиб, бундан кўзланган мақсад замон буқаламунлигидан кўнгли озурда бўлиб юрган шаҳзодага бироз илтифот кўрсатиш бўлган экан. Ўша куни Ҳиндолнинг ҳарам аҳли Ҳумоюннинг хизматида эдилар. Ҳуру ғилмонлар орасида Ҳамидага кўзи тушган Ҳумоюн ҳушидин айрилаёзиб беихтиёр сўраб қолди:

– Бу пари қиз ким бўлди эркан?

Унинг саволи жавобсиз қолди. Зеро, бундай саволга жавоб бериш мавриди эмас чоғи, чунки, ҳар ким ўз иши билан овора. Мамлакатда содир бўлаётган келишмовчиликлар аҳли-аёлларнинг-да қалбига таъсир қилиб бўлган, Ҳумоюннинг ўзи ҳам қашшоқлик дамларини бошидин кечирмоқда эди. Бироқ Ҳамидабонунинг боши очиқ, ҳеч ким унга ҳали оғиз солиб қўймаган экан. Лекин бу борада яна бир қалтис вазият бор. Бу шундан иборатки, уни Ҳиндол Мирзо ҳам кўз остига олиб қўйган. Аммо Ҳиндолнинг бу иштиёқи ошкора эмас, пинҳона эди. Ака-укалар ўртасида аҳиллик йўқолиб бораётган айни замонда бу иш ҳам вазиятни чигал қилиб, алангалатиб юбориши мумкин. Беш-олти ой бурун хотин важидан бесаранжом бўлиб юрган кезлари Ҳумоюн бир туш кўрганди.

Эгнига сабзаранг янги чакмон кийиб, қўлига асо тутган бир нуроний чол Ҳумоюнга рўпара бўлди:

– Ассалому-алайкум оқсоқол, одоб билан салом берди Ҳумоюн.

– Во-алайкум ассалом шаҳзода. Сиз ғам чекмангғиз, мардона бўлингғиз. Мана бу асоға суянингғиз!

– Хўп бўлади тақсир, қўли кўксида бош эгди шаҳзода ҳассани қўлига маҳкам ушлар экан.

– Аллоҳ сизға бир фарзанди аржуманд ато қиладир. Исмини Жалолиддин Акбар қўйғайсиз!

– Кимлиғингғизни била олмадим, пирим, – шошиб сўзлади

Ҳумоюн.

– Фақир, Жандапил Аҳмад Жомийдурмен, Жомдин саёҳатға чиқғонмен! Ҳумоюн кўзини очса, туш экан. Тонг маҳали, бомдодга турган саркарда шошилинч таҳорат олди-ю тасбеҳ ўгириб анча ўлтирди. Жойнамозни ёзиб бомдодни адо этди. Сўнг жойнамоз устида ўлтириб яна тасбеҳ ўгириб яхши ниятлар қилганича ўрнидан турди. Карoматгўй қариянинг айтиб турган сўзлари миясига ўрнашиб қолди.

Унинг бир феъли мавжуд. "Фолга инонма, бироқ фолсиз ҳам ўлтирма", деган халқ мақолига сал хайрихоҳроқ. Шу ёшигача ҳали бирор фолбиннинг эшигини қоққанику йўқ, аммо у ҳар хил карoматларга ишонади. Кўп ҳолларда бирор эришган муваффақиятини карoматлар туфайли деб билади. Бу тасодифми ё ростдан бир карoматми қария тушига кирган субҳидам ҳар куни қичқириб уни уйғотадиган улкан оқ хўрози таҳоратхона эшигига қадалиб олиб доимий одатидан бошқачароқ ғайритабиий қичқира бошлади. У дон сўрадими ё хожасини туши билан қутладими бу ёғини Яратган билади.

Ҳумоюн Ҳамидабонуни учратганида эрса, "кимнинг авлодидин бу қиз"– деб суриштирса, – авлиё Жандапил Аҳмад авлодидин, – деб жавоб беришди. Мана сизга башорат, мана сизга тасодиф.

Шоҳни яна бир нарса ўйлантиради. Агар қизнинг кўнглини топа олса, унга берадиган маҳр нима бўлади? Чўнтагини қоқса бир мири ҳам йўқ. Бу сўзку сал муболағароқ, аммо шундай гўзал қизга арзигулик нима совға қилмоғини ўйлаб боши қотди.

– Маҳрсиз уйланасизму, – деди бир куни Ҳиндол унга. Бу сўз унинг юрагидан ўтиб суягигача етиб борди. Терга тушиб кетган Ҳумоюн – Насиб этса, қиз ўйлағондин ўн ҳисса кўп маҳр берғаймен, – деди. Бу сўзни эшитган Ҳиндол жизғанак бўлиб куйди деса кам бўлади. Ҳиндол ўйладики, оғамнинг

ўзига яраша бисоти бор, бироқ ошкор қилишдин қўрқади. Бунинг устига қиз саройга келин бўлса кундошлар унга кун бермасликларини ҳам ўйласа ажабмас. Нима қилса бу орзуси йўлида бир кушойишлик топгай? Ҳумоюннинг юрагини шу савол туну кун эзғилайди. Охири ҳеч илож топилмади. Бўлғувси қайнона ёнига бошини эгиб Ҳумоюншоҳнинг ўзи ташриф буюрди. Салом-аликдин сўнг у оҳиста сўз қотди:

– Ҳамидабонуни чақиртирсангғиз. Бир оғиз сўзимни ўзиға айтсам. Мени айблиғ деб ҳисобламассиз?

– Билмасам ул жуда ўжар, шоҳим, – дейди қайнона ё “қизи борнинг нози бор”га амал қилиб ё уялганидан. Бир қараганда қўққисидин тўрт мулозимини кўчада қоровул қилиб қўйиб шоҳнинг ўзи хонадонга кириб келиши аёлни довдиратиб қўйди. Шоҳ амри вожиб бажармасликнинг бирор чораси йўқ. Онаси Ҳамидабонуга рўпара бўлди:

– Қизим сенға нима десам эркан. Шоҳимиз ташриф буюрмишлар. Сенда бир оғиз сўзлари бор эрмуш.

– Не мақсадлари бор эркан? Агар мени кўрмак ниятлари бўлса, бир бора кўрдиларку? Қандай қилиб номаҳрам эркакнинг ёниға бора олғаймен онажон? Боролмағаймен шундай деб айтингғиз.

– Хотирингни едингму қизим? Шоҳнинг қаҳри келса не бўлишлиғини ўйлайдирсенму?

Ноилож қолган она чиқиб жавобни шоҳга етказди. Бу баодоб жавобдан шоҳнинг кўнгли шодланиб кетди.

– Майлиға, истиҳола қилғондир, – деди шоҳ ўзи ҳам башорат қилиб, сўнг жилмайганича от бошини орқага бурди.

Бир сафар Ҳиндолга чопар жўнатиб тайинлади:

– Инимға айтинг бегимни менинг ҳузуримға юборсин! Чопар ҳам қуруқ қўл билан қайтди. Азза-базза билан шоҳдин сарупо кийиш илинжидаги чопар эътиқодли беклардин бири Субҳонқули эди.

– Мен неча бора айтдим, – дейди Ҳиндол. – Аммо Ҳамидабону

кўнишнинг кўчасиндин юрмаса нима қилайин? Энди ўзинг бориб қизға ётиғи бирлан подшоҳнинг талабини тушунтир-чи. Зора, бирор арзигулиғ гап айтса.

Субҳонқули бу гал сал бошқачароқ йўл тутди. "Энди бу сўнггиси шоҳнинг бир кўнгли қолса, қайтиб бу гапни тилиға чиқармайдир. Унда ўзингғиздин кўрадирсизлар" деб кўрди. Бояқиш онанинг юраги така-пука қиз пинагини бузмайди. Йўқ вассалом. Хуллас, бу ишқ афсонаси мисоли эртакка ўхшаб бораверди. Ҳумоюн ўз толейи пастлигидан нолиб қолаверди. Аммо умидини узишни хаёлиға ҳам келтирмади. Инсон борки ҳар бири, ўзининг умиди сари интилади, бир куни, албатта, муродига етади. Мана, уч йилки малика бирлан шоҳ бир ҳаводан нафас олиб яшамоқдалар. Шундай қилиб Ҳумоюншоҳ, Эрондан паноҳ топиб мусофирчилик андуҳларига чидаб кун кечиради. Аммо у пайваст Ҳиндустон орзуси билан яшайди, ўзича пухта режалар тузади, шу баробарида адабиёт, ижод билан шуғулланмоққа ҳам вақт топади. Қисқа вақтда у Табриздаги санъат намояндалари, моҳир мусаввирлар, ижодкорлар билан батафсил танишиб олди, уларнинг ижод сирларини ўрганди. Айни дамда Ҳиротда Темурий шоҳ Ҳусайн Бойқаро салтанатининг инқирози кучайиб бормоқда эди.

– Темурий шаҳзодаларнинг ўзаро интиқомлари давлатни бесаранжом ҳолатға солғон, бундан безиғон илм фан зиёлилари ҳар томондин паноҳ истаб осойишта мамлакатларға кетишға мажбур бўлмишлар,– деди бир куни Шерғози Ҳиротий унга. Ҳирот мусаввирлиқ мактабининг асосчиси Камолиддин Беҳзод ҳам Эронга келиб, Табриздан қўним топганларига анча йиллар бўлди. Устоз ортидан кўплаб иқтидорли мусаввирлар Табризга келиб ўрнашганлар. Кеча Ҳумоюн Қазвиндан Табризга ташриф буюрди. Унинг Қазвинда яшаганига икки йилча бўлиб қолди-да. Айни дамда ёши етмишдан ошиб қолган Камолиддин Беҳзод ўз шогирдларига Ҳумоюншоҳнинг келиши муносабати

билан устахонасини саранжомлаб, тартибга келтиришни буюрган. Кўплаб шогирдлари, жумладан, Мир Мансур ва Мир Сайид Али Термизий ҳамда Хўжа Абдусамат Шерозийлар доимо Беҳзоднинг хизматида ҳозиру нозирлар. Аслини олганда Беҳзоднинг хонадони доимо турли кишилар билан гавжум бўлади. Унинг суҳбатидан баҳраманд бўлмоқни истаган, узоқ-яқиндан келган танишлар, эндигина қўлига мойбўёқ тутган ўспиринлар, ёки ҳаётда қийналган, муаммоси борлар устоздан мадад сўраб келадилар. Шогирдларнинг самимийлиги бир-бирлари билан муомалалари таъсири остида бу ҳовлида доим ўзгача бир файз уфуриб туради. Ҳовли саҳнида ўсиб ётган турли анвойи гуллар, саришта саранжомлик кишининг қулфи дилини очади. Улуғ мусавввир доимо шогирдларига талабчан, меҳр-муҳаббатли, уларга раҳнамолик қилиб, кўнгилларини овлаши билан бирга ҳар бир нарсага жиддий ёндошадиган юксак дид эгаси ҳамдир.

– Биз инсониятнинг ботиний дунёсини зоҳирда акс этдирурмиз. Бу Оллоҳнинг бизга берган иқтидор неъматидур, аввало шу неъматни асраб, иккиламчи бошқа кишиларга ўрнак бўлмоғимиз даркор, – дея уқтиради у шогирдларига.

Кексалик юзларига кўланка сола бошлаган мусаввир айни дамларда икки-уч ойдан бери паришонҳол юради. Умри давомида тўрт ҳукмдор – Султон Ҳусайн, Шайбонийхон, Шоҳ Исмоил ва Таҳмасплар салтанатининг оғир-енгилликлари ҳамда сир-асрорининг шоҳиди бўлди. Ҳар биридан ўзи истаганчалик иззат-ҳурмат кўрди. Ҳаётидан нолимайди, шукр қилади.

Шу хаёллар билан қалби ошно бўлиб турган пайтда, Ҳумоюн Мирзонинг ташриф буюргани хабарини етказдилар. Ҳумоюн ҳурматли зотга ташвиш орттириб қўйиш истиҳоласидан ўз мулозимларини бир неча чақирим олдин йўл-йўлакай учраган баҳаво сўлим бир қишлоқда қолдирган. Зеро, бир кишининг

ҳовлисига ўн беш-йигирма чоғли киши билан ва унинг устига шунча от-улов билан келиш жуда ноқулай саналиб, одоб доирасига ҳам тўғри келмас эди. У ўзи билан икки-уч чоғли йигитларни олиб келди, холос.

– Устод, меҳмон ташриф буюрмишлар, – деди шогирди Оқо Мирак.

Беҳзод оҳиста юриб шаҳзоданинг истиқболига чиқди. Улар эски қадрдонлардек қучоқ очиб кўришдилар..

– Оллоҳ бизнинг дийдор кўришмагимизни ато этганига шукр, устоз, – дея мулозамат билдирди шаҳзода.

Унинг йигитларидан бири чаққонлик билан қўлидаги заррин матоли тугунни ечди ва ундаги чопонни Камолиддин Беҳзодга ажиб бир одоб била кийғазди. Бу ҳолатни кутмаган мусаввир ҳам суюнганидан, ҳам шогирдлари олдида хижолат бўлганидан бироз эсанкираб қолди. Нима қиларини билмай турганида унинг жонига яна шогирди Оқо Мирак оро кирди.

– Қутлуғ бўлсин устоз, – деди у астойдил.

Шунда мусаввир тезда ўзига келди ва Ҳумоюнга қараб: – Ташаккур шаҳзода сизнинг фақир кулбасиға ташрифингғиз мингта тўн киймагимдин улуғроқдир, – деди.

Ҳумоюн унга, – Бу шунчаки урф-одатимиз, устоз, – деди ва келиб қучоқлашиб кўришди. Улар бир-бирларини қўйиб юборгилари келмасди гўё. Чунки мусофирлик сояси иккаласининг ҳам юзида зоҳир бўлиб, бу учрашув бир қадар ўша мусофирчилик азобларини вақтинча бўлса-да унутиш учун ҳам қилинган бир ҳаракат эди аслида. Шундан сўнг шогирдларга ҳам Ҳумоюн томонидан олиб келинган сарполар инъом қилинди. Бу қисқа дақиқалик тадбир ўтгунча ким-кимгадир ҳазиллашар, ҳали бир-бирини яхши танимаган нигоҳлар эса бир-бирларидан ўзаро мамнунлик туйиб турар эдилар. Мезбонлар эса ҳар томонга жадал ҳаракат қилишар, кимдир мис офтобада сув келтирган, кимдир қўлида шоҳи сочиқ

тутган, кимдир меҳмонларни ичкарига таклиф қилган. Устоз эса, Ҳумоюнни қўлтиқлаганча ичкари юришга бошлаганди. У йўл-йўлакай сўзлаб келар эди:

– Сиз билан дийдор кўришмагим маним хаёлим парокандалиғиға чек қўймиш, шаҳзода, – деди кекса мусаввир.

Безатилган ганчкор меҳмонхонанинг файзи ҳам гўё очилиб кетди. Дастурхон атрофида ёнма-ён ўлтиришгач, Беҳзод узундан узоқ дуо ўқиб фотиҳа қилди. Яхши тилаклар тилади. Бошқа мамлакат, бошқа урф-одатларга қарамасдан бир пиёла чой ичиш баробарида суҳбат ўз ўрнига тушиб кетди. Аслида Беҳзод ҳам, Ҳумоюн ҳам бир-бирларининг ҳаётидан сиртдан бўлса-да яхши хабардор эдилар. Бу борада айниқса Беҳзод кўпроқ маълумотни билар, у тинмасдан ўз хотираларини сўзлаб берарди. Устознинг хотираси жуда ҳам ўткир экан.

– Султон Ҳусайн омонатини топширғон йил баҳорда падари бузрукворинғиз фотиҳа зарурати ила Қобулдин Ҳиротға қадам ранжида қилмишлар.

– Унда мен ҳали дунёға келмағон эрканмен устоз, – деди Хумоюн. – Падаримиз айни шу воқеотларни кўп бора сўзлағонлар.

– Ҳа баракалла. Шунда Шайбоқхонға қарши биргалашиб юриш қилмаклиғ таклифини ўртаға солғонлар. Аммо Ҳусайний шаҳзодалар оталари мавтидин эсанкираб қолғонлари сабабми ва ё бошқа сабабми бу ишға бош қўшмаклик учун астойдиллиғ кўрсатмағонлар. Бобур жаноблари ноумид бўлиб қайтганлар. Зероки, Султон Ҳусайн билан бу борада иккалаларининг ўртасинда аҳдлашув мавжуд бўлғон эркан. Аммо султоннинг ўлими бу режаларни чилпарчин айламиш. Бандаси учун Оллоҳ не истаса шу бўлар, бошқасининг насиб этмаклиғи нотайин эркан.

– Ҳа, ҳа шундоқ, – тасдиқлади Ҳумоюн.

– Орадан йил ўтиб-ўтмай бу воқеъотлар Шайбоқхоннинг

Ҳиротни, балки бутун Хуросонни илкиға олмоқлиғи ила интиҳо топди. Хонасида танҳо қолган саркарда ўзининг ўтмишига, қарийб ўттиз йилдан ортиқ ҳаётига разм солиб хаёлга берилди. Ҳумоюн Беҳзоднинг суҳбатига маҳлиё бўлиб борар эди. Орада ош-овқат, чой, гулоб келтирувчи хизматкорлар ҳам суҳбатга халал бермаслик пайида, тезгина хонани тарк этардилар.

Устози мусаввир давом этди:

– Падарингғизнинг, шижоаткор баҳодирлиғлари не чоғлиқ эрса-да, вазият Шайбоқхон билан мухосара қилишни тақозо қила олмасди. Ўша йил кузда Қобулга Абдураззоқ Мирзони ноиб этиб, ўзлари Ҳиндға юриш қилмоғни режа қилмишлар. Қандаҳорни олмоқ учун ҳаракатда бўлғон Шайбоқхон мақсадиға ета олмади. Сўнг сулҳ йўлини тутиб, орқасиға қайтди. Бу хабарни эшитғон Бобур ҳазрат Қобулға қайтдилар. Уч йил ўтиб эса, Шайбоқхон вафот этди. Эрон шоҳи Исмоил Сафавий била кўмаклиғда отангғиз Самарқандға етиб бордилар. Шоҳ номиға хутба ўқилди. Бу ҳолат халқда норизочилиғ уйғотди. Норизочилиғ аслида халқнинг иродаси эрмас, беш-ўн чоғли амалдорнинг фитналариғина эрди, холос. Камина ўз кўзим билан кўриб, ўз қулоғим бирлан эшитиб бу воқеаларға гувоҳ бўлғон бандамен. Падарингғиз ул дамларда ёш бўлсалар ҳам қалблари юрт меҳри бирлан тўлиб тошғон саркарда эрдилар. Аммо ул кишининг ёнларинда муқим ўлтириб кўмак бўлғувчи на бир жону-жигар, на бир дўст топилмади. Энди отангғизнинг Моваоауннаҳрдин бутунлай муборак кўнггиллари совиди ва Ҳиндистон орзусини қалбларига муқим ўрнатдилар...

Ҳумоюн отасидан бу воқеаларни уч-тўрт бора эшитган, аммо ҳозир эса ўзини гўё ўша ҳодисалар иштирокчиси сифатида кўрмоқда эди.

– Шу ҳодисотлар туфайли биз каби фақир кимсаларнинг бошимизға ҳам мусофирлиғ тушди. Парча нон, қатра сувға қаноат қилғувчи нафсимиз қайғуси учун озор чекмағон эрсак-

да, юрт соғинчи, туфроғ нафаси юрагимизни кемирадир шаҳзодам.

Устознинг нафаси бир қўр ичига тушиб, овози пастлашиб, титраб, юзлари қизаринқираб, кўзларига ёш ҳалқаланди. У сергаклик билан эшик томонга бир қур нигоҳ ташлаб ўзини ўнглаб олди.

– Устоз, биз ожиз бандалармиз. Ҳумоюн суҳбат мавзусини бошқа томонга бурди.

– Ризқимизни Яратғоннинг истаған жойиндин теришимизға маҳкуммиз. Шукрким эл олдида бошимиз тик.

– Рост айтасиз. Бу ҳаммаси ўз меҳнатимиз, истеъдодимиз туфайли. Қазвинда неча йилдин бери истиқоматда бўлмишсиз, мен сиз ҳақингғизда бирор ножўя фикр айтғонларини эшитмадим. Аммо рости, сиз билан юзланмоқ ниятим бор эрди. Шукр ниятимға етдим. Ҳаётингғиздин оз-моз мен ҳам хабардормен. Бизнинг бир камчилиғимиз ва Яратғон олдидағи гуноҳимиз, бу нафсимизга тобелиғимиз. Манманлиғларға мубтало эрканлиғимиз.

Ҳумоюн ўз ҳаётининг ноқисликларидан, оғаларининг унга кўрсатган номардликларидан устознинг ёнида хижолат бўлиб ўксинди.

– Отам васиятлариға амал қилайин деб, кўп уринмакдамен устоз. Аммо оғаларим менинг ниятимни яхши ҳис эта олишмайдир. Агар биз тўрт оға-ини бирлашиб, муштимизни бир ерға урсак, жипс бўлсак, биздин кучли сулола кам топилғувсидир.

– Хижолат бўлманг. Барчасиндин хабарим бор.

– Устоз, маним ниятим падаримиз яратғон салтанатни қайтадин барпо қилмак. Ахир бу салтанат учун падари бузруквор ҳаётларини қурбон қилмишлар. Умрилари қисқа бўлди. Иброҳимнинг аламзада волидаси ҳаётлариға зомин бўлди деб ҳисоблайдирмен. Энди эса нодон иниларимиз.....

– Куюнманг. Худонинг сизға аталған ажри, яхши кунлари олдинда. Ҳали мақсадингизға етғайсиз, албатта.

– Ташаккур устоз. Сиз Оллоҳ назари тушган, энг севган бандаларидинсиз. Айтғонингғиз келғай.

– Боракалло. Умид кишини муваффақиятға олиб борғувчидир шаҳзода. Султон бирлан иттифоқлиғингғиз фақирни шодлантирур.

– Ҳа, Эрон шоҳи мард, самимий, рафиқваш ҳукмдор. У каминани кўп қўллаб-қувватламакда. Бир-биримизға садоқат сақлаб келмакдамиз.

– Иншаоллоҳ, бир-бирингғизнинг садоқатингғизға кўз тегмағай.

– Устоз, шоҳ сизнида қадр-қимматингғизни жойиға қўймиш.

– Ҳа, бу рост. Эй, бу бандаи ожиз, ушбу тупроғда ҳам не-не балоларни бошимдин ўтказмадим. Табриздин йигирма чақирим нарида, Чилдарон мавзейида, Турк султони Салим пошшодин Сафавийлар мағлуб бўлдилар. Шоҳ амр этмишким, каминани ва Шоҳ Маҳмуд Нишопурийни душман кўзиндин холи бир ерға беркитсунлар. Йўқса, турклар бизға жабр қилмаклиғлари, эҳтимол. Шоҳ амри вожиб. Биз иккимизни шаҳардин йироқ бўлмағон бир мавзеда яширдилар. Жангдин сўнг шоҳ мулозимидин ташвиш била сўрамишким, – "Улуғ мусаввир, устоз Беҳзоднинг ҳоли нечук? Ани турклар олиб кетмадиларму? Жони сиҳатму,". Мана шундай кўрғулиғларни ҳам кўриб ўтдук.

– Шоҳнинг сизга эътиқоди, эъзози юқори эканлиғини билурмен устоз.

– Ҳа. Шунисиға ҳам бениҳоя шукр. Камина ҳам шоҳға тоабад самимий эътимодда бўлдум. Фарзанди аржуманди Таҳмаспни ўз ҳунаримға ўргатдим. Диди жуда баланд, мусаввирлиғ санъатини теран англайдур. Шаҳзода эрсада тантиқлиғни касб қилмағон. Каминани жуда эъзозда тутур. Бошим осмонға

етадир. Бу ҳурматға лойиқлиғимни меҳнатимнинг меваси деб биладирмен.

– Устоз, шунчалар дид соҳибисиз. Беқиёс санъатингиз ила Мағрибу Машриғни лол этиб улгурмишсиз. Аммо сасларингғиз баъзилари маҳзунвор тусда. Ҳатто аларға маҳзунвор, балким, ғарибона имзо чекмишсиз.

– Ижодкор борким ўз руҳиясини асариға жо этмиш. Мен ҳам бир ғариб, тақдир ўз буқаламунлиғи ила ўз тупроғидин бир санг мисоли улоқтириб юборғон кимсамен. Энди кексалик елкамни букиб, кўзларимни хиралашғон бир пайтинда мен маҳзунвор бўлмайин яна ким бўлойин, иним?

– "Ал-фақир Беҳзод", дея имзо чекмишсиз.

– Рост, рост. Бул имзо кўпғина асарларимнинг муҳри. Боисини уқдирдим сизға, шаҳзодам.

– Аммо, Мир Алишер ҳазратлари асарлариға ишланғон суратларингғиз жўшқин ҳолатни эслатадур.

– Мен фақирни сиз қайта ўтмишға дохил қилурсиз,– деди Беҳзод мийиғида кулиб. – Ул даврлар бошқача эрди. Ёшлиғ, забардаст, ғайратлиғ онларим. Ҳаётимнинг гуллағон замонлари. Ўз юртимда, Султон Ҳусайн, Мир Алишердек рафиқлар ва Султон Али Машҳадийдек устозлар нафасини сезиб турмоқлиғ толе эрди, бошқа бир нимарса эрмас. Унда килким ўз-ўзидин илҳом топар, мойбўёқ эрса, ўз-ўзидин турли рангларға айланаберар эрди.

Бу мутойибадан енгилгина кулишиб олдилар.

– Устоз, – деди, Ҳумоюн бирдан жиддий тортиб. Оллоҳ насиб этса, ишларимни ўнглаб олсам, мен сизни Ҳиндистонға, салтанатға таклиф этмакчимен. Кейинғи хайрли ишларингғиз, эзгу мақсадларингғиз амалга ошмоғинда камина ҳам ҳиссадор, маслакдош бўлсам.

– Фикрингғиздин бағоят миннатдормен. Аммо баъзи бир мулоҳазаларим бор. Энди кексайиб қолдим. Буни тан олишим

жоиз. Минбаъд, мени киндик қоним тўкилғон Ҳирот соғинчи қалбимни муттасил, бир сония бўлса-да, тарк этмайдир. Сизнинг таклифингғизни жавобсиз қолдирмаклиғ ҳам одоб доирасиндин хорижда. Нокамтарлиғ бўлса ҳам айтай. Баъзи шогирдларимға шунчалик тарбия бермишманким, аларнинг санъати менинг санъатимдан хейли авлодир. Истағон шогирдимнинг Ҳиндға бормаклиғини ўртаға қўйинг, мен аларни бунга рағбат қила олурмен. Ҳали бунда уч-тўрт кун қолурсиз, барчалари ила сизни таништирурмен. Сизнинг раъйинғизни қайтармаслиғларини тайин этурмен. Бунинг устиға, хабарингғиз бор Ҳиндистонда ҳам айни замонда бир талай мусаввирлар истиқомат қилмишлар. Дарвешнинг истеъдодиндин ҳам бохабармен. У нозиктаъб, маҳоратлиғ мусаввир.

– Рост, устоз. Биргина мавлоно Дарвеш Муҳаммад бу борада анчагина ишлар қилиб улгурғон. Каминанинг салтанатинда муншийлиғ даражасинда бўлғон мавлоно Мирзо Ҳайдарни шогирдликға қабул қилиб, ўз санъатларини батафсил ўргатмишлар. Устоз, эмишки мавлоно Дарвеш шоҳ Музаффар жанобларидин ҳам сабоқ олғон чиқарлар. Бул сўз ростму?

– Ҳа. Бул калом ҳақиқат, ростдурур.

– Падаримиз этакларидин тутиб келган бир қанча аҳли аъёнлар Ҳиндда муқим бўлиб истиқоматдалар. Хусусан, Хондамир жаноблари. Ул зот кексайиб ҳам қолдилар. Алломалар Иброҳим Қонуний, мавлоно Шаҳобиддин Мемоий бир вақтда Ҳиндға ташриф буюрмишлар. Аларнинг истиқоматлари Деҳлидадур. Мавлоно Байрамхон туркман уруғиндин. Қалами равон ёзадур. Форсийдағи битиклари муносиб ўрин топса ажабмас. Фатҳий Марғиноний, Фироқий, Меърожий Тошкандий, Манзарий Самарқандий, Ҳусайн Марвий, Хўжа Ҳусайн Бухорий каби забардаст қалам соҳиблари бордур, Ҳиндда аларға раҳнамолиғ зарур. Шайх

Зайниддин Вафоий ҳазратлари муаммо тарих услубинда қалам сурмакнинг забардаст вакили. Ул зот "Тарихи дар фатҳи Ҳиндистон ва наводири он замон" асарларини битмишларким, бул нодир асарлар Ҳиднинг падаримиз томонлариндин забт этилиши воқеотларини ёритмиш. Мавлоно Жамна соҳилинда бир кўшкли масжид бино қилдирмишлар. Ажиб ҳуснкордур. Эшитдимким, айни дамларда бу ёруғ олам билан видолашмишлар. Оллоҳ ётган туфроғларини шойистаи жаннат айласун. Айниқса, мавлоно Қосим Коҳий Самарқандий каби истеъдод эгаларига маънавий кўмак зарур. Коҳий ҳазратлари Румий, Саъдий, Ҳофиз, Жомий ижодлариға ёндош, назиралар битмишлар алар йўлларин тутмишлар. Бир нечалари мендин кўмак истаб Эронға, Қазвинға келмак мақсади ила каминаға мактублар битишиб туришибдирлар. Жавоб битидимким, сабр қилғайсиз.

– Адолатли йўл тутмишсиз, шаҳзода. Алар ҳар бирлари бир мўъжизакор истеъдод эгалари. Мусофирлиғ, аларнинг истеъдодларини йўққа чиқарур. Иқлим, шарт-шароит, оғир-енгил ҳаёт аларни ижодий иштиёқдин чалғитур..

Ҳумоюн ўз таклифини айтди-ю, масаланинг бу томонларини ҳисобга олмаганлигини ўзи ҳам тан олди. Сир бой бермасдан, суҳбатдошига миннатдорчилик билдирди. Аслида унинг қалбидаги Ҳинд орзуси кундан-кун авж олса-да, бу мақсади қачон амалга ошиши мавҳум. Таҳмасп унга юксак эҳтиром кўрсатгани билан бу масалада қўллаб-қувватлашини ҳали билдирмаган. У ҳамон бирор қарорга келганича йўқ.

Эртасига Беҳзод шогирдларидан Султон Муҳаммад, Оқо Мирак, Мир Мансур, Мир Сайид Али ва бошқаларни Ҳумоюнга таништирди. Шаҳзода уларнинг суҳбатидан ҳам баҳраманд бўлди. Табриз саёҳати унга катта таассурот уйғотди. Устоз Камолиддин Беҳзод Ҳумоюнга нигорхонасида сақланаётган ноёб асарларидан совғалар ҳам берди. Уч кун

ўтгач, Ҳумоюн Қазвинга қайтди. Шундан сўнг у келгусида қандай бўлмасин Ҳиндистонда ўз мавқеини қайта тикламоғи шарт эканлигига амин бўлди. Орадан бирин-кетин йиллар ўтар, аммо шаҳзоданинг орзуси ушалишига фурсат етмасди. Бу мусофирлик нафақат шаҳзода, балким унинг ёнида бўлиб яшаб келаётган барчани қийнарди. Кутишдан бошқа эса бирор чора йўқ. Султон Ҳусайн Мирзонинг ўғли Бадиуззамон Мирзо Ҳиротни Исмоил Сафавий қўлга олгандан кейин Сейистонни идора қилиб турганди. Шунинг учун Беҳзоднинг шогирдларидан Қосим Али Чеҳракушо Сейистонга бориб мударрислик қила бошлади. Орадан қарийб ўн йилдан кўп вақт ўтиб, Беҳзод Табризда шоҳ кутубхонасига раҳбар этиб тайинлангач, шогирдини Табризга чақириб олди. Сейистонга етиб борган хабар етказувчи чопар унинг хонадонига қутлуғ мужда келтирганди.

Эъзозли шогирдимиз Қосим Алиға оташин меҳру саломимиз етиб борсинким. Биз айни дамда Ҳироту Табриз орасинда сарсон кезмаклик мажбуриятиндин холи бўлдик. Табриз китобхонасининг саркорлиғи бизнинг мажбуриятимизға ўтди. Шундай эркан сизнинг ҳам ёнимизға келиб истиқоматда бўлишингизни маъқул кўрадирмиз. Яшаш шарт-шароити бадастур бўлғувсидир! Сана. Имзо. Фақирул мўмин Беҳзод.

Ушбу хабарни етказгани учун Қосим Али Суннатилло чопарга зарбоф тўн кийдирди. Беш-ўн кун орасида Табриз томон йўлга тушишини айтиб қайтарди. Қосим Али тўғрисида гап кетганда устози Беҳзод унинг алоҳида хусусиятини доим фахр билан эслайди. Қосим Алининг Чеҳракушо деб аталиши ҳам унинг касбий маҳоратига боғлиқ. У ростдан ҳам Чеҳракушо (яъни инсон тасвирини, чеҳрасини) моҳирона чизадиган истеъдод эгаси ҳисобланади. Бир йил аввал Хондамир томонидан тугатилган "Равзатус-сафо" асарида муаллиф Қосим Алининг хусусиятларини санаб қуйидагича ёзибди:

"Ул жаноб фузало умдаси ва уламо жумласидан бўлганлиги сабаб, саховатли ва зоти карамлиғ кишилар тоифасига киради. Жуда кичик ёшлигидан илмга берилиб илму донишликни ҳавас қилди. Заркашлиғ илмида маҳорат касб этди. Ислом ақидаларига тўлиқ риоя қилмакни ихтиёри худ қилди. Макка тавофини бажармак эса қатъий орзуси бўлди.

Айни дамда эса Сейистонда истиқоматда бўлиб толибларга сабоқ бериш билан машғул бўлиб турмакда".

Қосим Али Чеҳракушо устозининг раҳнамолигида Табризда ҳам баракали ижод қилмакка киришди.

Беҳзод шундай қилиб барча шогирдларининг ҳолидан хабардор бўлар, кўплари билан мактуб ёзишиб турарди. Уларнинг янги ижодлари ва ҳаёти билан қизиқарди.

Яна бир шогирди Даврвеш Муҳаммад эса айни дамда Ҳиндистонда яшаб қолди. Султон Ҳусайн Мирзо даврида Ҳиротда яшаган машҳур мусаввир ва наққош. Дастлаб ўз иқтидорини Ҳиротдаги муҳташам саройлар қурилишларида шакллантирган. Кўплаб иморатларни ўз нақшлари билан безаганди. Кейин Беҳзод уни ўз хизматига олганди. Султон Ҳусайн вафотидан сўнг Форс ўлкасига кўчиб кетишни ихтиёр қилди. Ундан кейин Ҳиндистонга Ҳумоюншоҳ хизматига боради. Анча йиллар олдин Табризга Беҳзоднинг ҳузурига ташриф буюрган Ҳумоюншоҳ Дарвеш Муҳаммаднинг бажараётган ишлари, ҳаёти тўғрисида Беҳзодга фахр билан сўзлаганди. Бобурийлар ҳам ўз авлодлари Темурийлардек нафис тасвирий санъатни жуда қадрлаб бу санъатнинг ривожи йўлида жон куйдириб келадилар. Дарвеш Муҳаммаднинг Ҳумоюн хизматига таклиф қилиниши ҳам бежизга эмас. Машҳур тарихчи ижодкор Мирза Ҳайдар Ҳумоюн саройида бўлган вақтида мусаввирлик санъатига қизиқиб қолади ҳамда саройдаги мусаввир Дўст Муҳаммадга шогирд тушади. У ўзининг "Тарихи Рашидий" асарида "фақирнинг устози Дўст

Муҳаммад мавлоно мусаввир Музаффаршоҳнинг шогирди эди. Мўйқаламининг нозиклиги мислсизлик касб этарди. Устози Музаффаршоҳдан ҳам маҳоратли чиқди. У нозик бир суръат ишлабдики, суръат шундай тасвирланган: "Найзасининг учида бир шерни кўтариб турган суворий шаклини чизган, мазкур тасвир бир гуруч донасига жо бўлади" деб таъриф бериб ўтибди. Беҳзод шогирдлари тўғрисида шундай таърифларни эшитиб кўнгли тоғдек кўтарилиб яшайди.

Бир куни Камолиддин Беҳзод шогирдларини ёнига чақирди. Дастлаб уларнинг ҳар бирини ўз истеъдоди борлиги учун алқади. Улардан хурсанд эканлигини айтиб шодланди. Беҳзоднинг чорлови билан Мир Мансур, Мир Саид Али, Хожа Абдусамат Шерозий, Оқо Мирак, ҳамда Султон Муҳаммад ташриф буюрганлар.

– Дилбандларим, мен сизларнинг ҳар бирингизни ҳам қалбимға яқин, суянганим деб қабул қилғонман. Биз Яраган ато этган умримизни санъатга бахшида қилдик. Кам бўлғонимиз йўқ. Агар хотирларингда бўлса Бобурий шоҳ Ҳумоюн Мирзо бизнинг хонадонимизга ташриф буюрганди. Уч кун бунда туриб сизлар билан ҳам мулоқот қилганди. Шоҳ ўзининг ниятига етишибдир. Ҳиндистонда отаси шоҳ Бобурнинг салтанатини тиклабдир. Биласизлар Ҳинд диёри жуда улкан ва ўзига яраша бой-бадавлат ўлка ҳисобланади. Бизнинг у диёр билан Беруний, Султон Маҳмуд ҳамда Соҳибқирон Амир Темур ҳазратлари орқали чамбарчас боғлиқлигимиз мавжуд бўлиб келган. Гапнинг индаллоси Ҳумоюн мени ўз салтанатига таклиф қилганди. Энди мен кексайиб қолдим. Мусофирлик жабрларини кўпдан-кўп тортдим.

– Барчасиндин хабаримиз бор, муҳтарам устоз. Ҳумоюншох сизга берган таклифидан ҳам воқиф эрдик, – деди Мир Мансур.

Беҳзод фикрларини баён қилар, барча ўлтирганлар уни диққат билан тинглаб ўлтиришарди. Мусаввирнинг гапини фақат Мир

Мансур тасдиқлаб турар, қолганлар эса нисбатан ёши кичикроқ бўлганликлари сабаб гапга аралашмасдан эшитардилар.

– Биз Эронда яшаб бирор монелик кўрмадик. Шоҳ мени, наинки мени балким барчамизни жуда яхши эъзозда тутиб келмакда. Аммо менинг қалбимдаги бир орзуйим шулки, биз ўз санъатимизни хусусан, Хуросон диёрида балки бошқа минтақаларга ҳам етиб боришини истаймиз. Шунинг учун сизларни ёнимга чақириб кенгашмоқни бурчим деб билдим. Ҳумоюншоҳ мактуб битиб аввалги ўтинчини яна такрорлабдир. Нема деб жавоб беришга қийналмакдаман, азизларим. Агар мен фотиҳа берсам Ҳиндистонга боришга рози бўлурмисизлар?

Ҳамма жим эди, яна Мир Мансур салмоқ билан сўзлашга тушди:

– Агар шоҳнинг ўзлари таклиф қилғон эрсалар бул имкониятдин фойдаланмак жоиз деб биладирман. Аммо биз ҳар не мушкулотга чидармиз ёш бола эрмасмиз. Истиқомат учун макон бўлмаса фарзандларимиз, аёл-ақрабо қийналиши бор гап.

– Уй-жойингиз тахт қилиб қўйилган. Ул диёрда ҳам нигорхона ташкил қиладирсиз. Ишингиз тайин бўладир.

– Унда бемалол фотиҳа бераверинг мавлоно, мен ўғлим Мир Сайид Алини ҳам бирга олиб кетаман. Бир сўз билан айтганда биз барчамиз Ҳумоюншоҳ хизматига борадирмиз.

Исмоил Сафавий мард ҳукмдорлардан саналарди. Чунки ҳаётнинг барча оғир-енгилликларини бошидан ўтказган, инсоннинг қалбини жуда теран англайдиган саркарда эди. Ҳукмдорнинг ана шу хислатлари айни дамда мамлакатни бошқариб турган фарзанди Таҳмаспга ҳам ўтган. Таҳмасп мусаввирнинг сўзларини тинглаб ўлтирди. Отаси вафот этганига ҳам ўн йилдан кўп вақт ўтибди. Шу вақт орасида у бирор марта бўлмасин устози кекса мусаввирнинг фикрига қарши сўз айтган эмас. Кўп масалаларда мусаввир билан фикр

ҳам алмашиб туради, шундай одатга ўрганган. Устоз отанг каби улуғ деган ҳикматли сўзни хаёлидан фаромуш қилмайди. У Беҳзоднинг гапларидан хулоса чиқарди. Сўнг оғир тин олиб жавоб берди:

– Сиз шу қарорни ихтиёр қилибсиз, марҳамат, биз розимиз. Ҳумоюншоҳ ҳам биродарзодамиз ҳисобланадир. Майли, мусаввирлар Ҳиндга отлансинлар. Йўл харжларини хазинадин ажратишга амр этадирман, устоз.

Шундай қилиб, беш мусаввир ҳам Ҳиндистонга Ҳумоюн Мирзо саройига йўл олдилар...

Энди Эронда мусаввирлик санъатини янада ривожлантириш вазифаси қайтадан Камолиддин Беҳзоднинг зиммасига тушди. Ҳаётнинг пасту баландликларини енгиб ўтган ҳар қандай инсоннинг бир кун келиб умри поёнига етиши муқаррар. Кейинги йилларда мусаввирнинг ҳам саломатлигига путур ета бошлади. Бу ҳаммаси кексаликнинг аломатлари эди. Айни йилларда у она шаҳри Ҳиротга кўп қатнайдиган бўлиб қолган. Қанчалик шижоати бўлмасин йўл азоби унга ўз таъсирини ўтказарди. Шу сабаб Ҳиротда уч-тўрт ойлаб қолиб кетарди. Табризга келганда эса яна Ҳирот соғинчи қийнайди. Яна қайта йўлга тушиб Ҳиротга отланади.

– Дунёдан армонсиз яшаб ўтмакдаман. Аммо бир ўтинчим, ўз киндик қоним томган тупроқда жон топширсам бу маним сўнгги ўтинчим бўларди, – дейди Беҳзод давраларда.

Навбатдаги сафарларининг бирида Беҳзод Табризга қайтиб кела олмади. Ўзи истагандек киндик қони тўкилган Ҳиротда саксон бир ёшида бандаликни бажо қилди. Унинг вафотидан мамлакатда қайғурмаган киши йўқ эди. Беҳзоднинг мангу бош қўйган маскани Ҳирот яқинидаги Кўҳи Мухтор (Мухтор тоғи) қўрғонида бўлди. Унинг қабри эса нафис нақшлар ҳамда тасвирлар билан безатиб қўйилди.

Тамом. 2020 йил ўн тўртинчи июль, сешанба. Тошкент шаҳри.

Муаллифдан

Бутунжаҳон жамоатчилиги томонидан Монийи Соний деб ном олиб, юксак эҳтиромга сазовор бўлган буюк мусаввир Камолиддин Беҳзоднинг ҳаёти тўғрисида бадиий асар ёзиш менинг бир ҳавасим эди. Матбуотда ёритилган ёки тазкира асарларда битилган қисқа маълумотларни ўзимча таҳлил қилиб юрар эдим. Балким, бошқа халқлар адабиётида бу улуғ мусаввир тўғрисида ҳикоя, қисса ёки романлар ёзилгандир. Бир манбаада ўқигандим Бобурийлар сулоласининг забардаст сардори Заҳириддин Муҳаммад Бобур тўғрисидаги кўпгина маълумотлар йилларнинг силсиласида, уруш, тўфонлар вақтида йўқолиб кетган экан. Мен хаёл қиламанки, Камолиддин Беҳзод каби улуғ бобомиз тўғрисида ҳам шундай воқеалар содир бўлгандир. Чунки, айни замонамиздан қарийб олти аср аввалги ўтган воқеалар ҳамда у вақтдаги шарт-шароит ҳисобга олинса, фикримизга тўлиқ амин бўлиш мумкин. Бу асарга ҳавас билан қалам урган ижодкор сифатида романда хато ва камчиликлар содир этилган бўлса азиз ва эҳтиромга лойиқ китобхондан, юксак дидли ўқувчилару устозлардан узр сўрашни ўзимнинг дастлабки бурчим деб биламан.

Сулаймон Ҳайдар Касбий

«Ganjina» нашриёти босмахонасида чоп этилди Манзил:
Телефон:

Адабий-бадиий нашр

Сулаймон Ҳайдар.

Бобуршоҳ сулоласи

роман

Муҳаррир Воҳид Аҳмад
Мусаҳҳих Зилола Каромова
Техник муҳаррир
Саҳифаловчи Носир Ҳайдар

Мундарижа

1 Ҳирот.....3
2 Беҳзоднинг ҳаваси.....68
3 Саалтанат, янги ҳукмдор.....118
4 Алишер Навоий ва мусаввирлар.....176
5 Хуросоннинг нотинчлиги.....200
6 Хуросонда яна нотинчлик, мусофирлик азоблари.....227

Нашриёт лицензия рақами AA № 0039 10 декабрь 2019 йил
2020 йил 15 июнда босишга рухсат этилди.

Бичими 84x108 1/32 . Palatino linotupo. офсет босма 14,28 шартли босма табоқ 11,0 нашр босма табоғи.
Адади 1000 нусха.
Баҳоси шартнома асосида.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги «Ganjina» нашриёти
Тошкент Юнусобод 11-2-14.

Телефон: (71) 225-82-99, +99 893 549 13 66